

Р 566

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 1/2017






Шавкат МИРЗИЁЕВ –
Ўзбекистон Президенти



XALQ ROZI – HAQ ROZI

- ▶ Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.
- ▶ Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ.
- ▶ Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.
- ▶ Бундан кейин вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларнинг фаолияти натижаси қуруқ иқтисодий рақамлар билан эмас, балки уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади ва тегишли хулосалар чиқарилади.
- ▶ Халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз. Бу борада буюк соҳибқирон Амир Темуր бобомизнинг “Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!” деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур.
- ▶ Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади.



Шавкат МИРЗИЁЕВнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан олинди.





ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Тахририят

Мухиддин РАҲИМ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Собиржон ЕКУБОВ
(масъул котиб)

ШОҲСАНАМ
(бўлим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА
(бўлим мудир)

Хуршид ЙУЛДОШЕВ
(бўлим мудир)

Наргиза УСМОНОВА
(техник муҳаррир)

Жамоат кенгаши

Урозбой АБДУРАҲМОНОВ

Хуршид ДАВРОН

Абдухалил МАВРУЛОВ

Шухрат РИЗО

Хайриддин СУЛҲОН

Абдурахим ЭРКЛАЕВ

Муртазо ҚАРШИБОЙ

Қаҳрамон КУРОНБОВЕВ

Иброҳим ХАККУЛ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Мақолада фойдаланилган масола, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайда этилиши шарт.

Манилими: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-бино



233-10-68

233-79-40



233-79-34

tafakkurtaohiriyyati@mail.ru

Журнал андазаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарк” наприйет-матбаа акциядорлик компанияси босмаханаси, 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-бино.

2017 йил 3 февраль куни босмаханого тапширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 8 босма тобок, 4583-бузуртма. Нашр адади 3432 нуска.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Элни суюганни эл ҳам суйайди. *Сиевстшунос олим Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ билан суҳбат*.....4

ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ


Султонмурод ОЛИМ. Халқ ва давлат: мулоқот ва манфаат...16

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Аҳмад РАҲМОНОВ. Вайронкорлик “санъати”.....23

АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Бертран РАССЕЛ. Жаҳолат кушандаси.....30



КУНГИЛ САЛТАНАТИ

Хуршид ДАВРОН. Бир-бирин эркалар икки кабутар.....38

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Кундузги эртақлар. *Ёзувчи Шойим БЎТАЕВ билан суҳбат*....44

SAHI FALARIDA

саҳифаларида

ИНСОН ҲЗИНГ, ИНСОН ҲЗИНГ

Саида ЗУННУНОВА. Қийналсам ҳам пок
яшай.....56



БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Умарали НОРМАТОВ. Йўлдаги гурунглр.
Хотира-эссе.....80

СУРАТ ВА СИЙРАТ

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ. Саҳна ва ҳаёт....86

ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

ШОҲСАНАМ. Шараф тўлови.....92

МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Мирзаали АКБАРОВ. Ширин-нордон
гаплар.....104



Жавлон УМАРБЕКОВ. "Ҷинопор соғинада"

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Олим ДАВЛАТ. Курашчан фикр.....106

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Маъмуржон ОТАЖОНОВ. Қибласини йў-
қотган авлод.....114

Кимёхон КАМОЛОВА. Асрори ҳақ қалити....115

Соатмурод ПРИМОВ. Ақл бирламчими
ёки нақл?.....117

Фазилат ҚҲЙСИНОВА. Геосийсий ман-
фаатлар чорраҳаси.....119

Юн Ши Не. Умрбоқий удумлар.....120

Машхура ШЕРАЛИЕВА. Киноя ва диалогизм...122

Соибжон ҲОШИМОВ. "Ғайратлилар"
қисмати.....123

Фотима ИБРАГИМОВА. Мангу кўркам
либослар.....125

Журналнинг инглизча мухтасар
мазмунни.....127



ELNI SUYAGANNI EL HAM SUYAYDI

**Сидсатшунос олим
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ билан суҳбат**

– 2016 йил 4 декабрдаги сайловда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев 88,61 фоиз овоз тўплаб, Ўзбекистон Президенти этиб сайланди. У Президент вазифасини бажарувчи бўлиб турган қисқа фурсатдаёқ мамлакатимизда талай ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий ўзгаришлар яшашга муваффақ бўлди: ички ишлар органлари ва суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришга доир қонун ва фармонлар имзолангани, Бош вазир виртуал қабулхонаси ташкил этилиб, фуқароларнинг мурожаати учун кенг имкон яратилгани, қўшни давлатлар билан муносабатларни янада яхшилашга доир масалалар муҳокама этила бошлагани... Саноқни давом эттириш мумкин, албатта. Сизнингча, айна шижоат янги Президент қўли остидаги бошқарув тизимининг табиий иш маромига айланиши учун яна нималар даркор?

– The Economist Intelligence Unit ташкилоти (Буюк Британия) икки йилда бир марта жаҳон мамлакатларида демократия даражасини ўлчовчи индекси (The Democracy Index) эълон қилиб боради. Бу индекс 60 та муҳим кўр-

саткич бўйича тузилиб, улар беш асосий йўналиш бўйича туркумланади: 1) сайлов жараёни ва плюрализм; 2) ҳукумат фаолияти; 3) сиёсатдаги иштирок; 4) сиёсий маданият; 5) фуқаро эркинликлари.

Демак, индекснинг илк йўналишини фикрлар хилма-хиллиги қатори сайловларда демократик қадриятларга амал қилиниши ташкил этаётир. Зеро, сайловларнинг демократик принциплар асосида ўтказилиши ҳар бир мамлакат нечоғли сиёсий ривожлангани ва замонавийлашгани кўзгусидир.

Сўнги сайлов кўрсатдики, жамиятимиз ҳаётига демократик қадриятлар чуқур сингиб бормоқда, фуқаролар дунёқарашини тубдан ўзгармоқда, уларнинг сиёсий жараёндаги иштироки фаоллашмоқда. Бу фикрни қуйидаги фактлар ҳам яққол тасдиқлайди: сайлаш ҳуқуқига эга фуқароларнинг 90 фоизга яқини конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, сайлов участкаларига келди ва ўзи танлаган номзодга овоз берди; Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бу галги сайловда тўла миқёсли кузатув миссиясини амалга оширди; дейлик, аввалги сайловда 43 давлат ва 5 халқаро ташкилотдан 300 нафарга яқин кузатувчи иштирок этган бўлса, бу гал 46 давлат ва 5 халқаро ташкилотдан салкам 600 нафар кузатувчи ҳозир бўлди; бу вакиллар сайлов кампаниясига ижобий баҳо бериб, сайловчилар ва сиёсий партиялар фаоллиги ошганини эътироф этди.

Номзодлар бир-биридан кескин фарқ этувчи овоз тўплаганига уларнинг халқ фаровонлиги ва юрт ободончилигидаги шахсий иштироки, давлатни бошқаришдаги етакчилик салоҳияти ва юқори лавозимларда тўплаган тажрибаси, халқ билан мулоқот қилишга нечоғли ҳозирлигию сайловолди ваъдаларини бажаришга қанчалик қодирлиги каби омиллар сабаб бўлди ва сайлов натижасини ҳам айнан шулар белгилади.

Энди сиз алоҳида урғу берган асосий масалага ўтсак. Бир сиёсатшunos сифатида ишонч-ла айтаман: мамлакатда Президент сайловигача кузатилган халқчил ўзгаришлар, ривожланиш одимлари истиқболда ҳам жадал давом этади. Чунки глобаллашаётган дунёга интеграциялашиш жараёни Ўзбекистондан ҳам ривожланган мамлакатларга монанд модернизациялашувни тақозо этмоқда. Қолаверса, йиллар оша тўпланган муаммолар ҳам давлат ҳокимиятини шижоат-ла ҳаракат қилишга ундамоқда. Янги етакчимиз Шавкат Мирзиёевнинг табиатан ўта серғайратлиги, муаммоларни тезлик билан илғаб олиши, мансабдорларга нисбатан ғоят талабчанлиги ҳам ана шундай хулосага асос беради.

Ахир, қисқа давр ичида озмунча ўзгариш бўлдимиз?! Кадрларни жой-жойига қўйишда адолат тарозуси тиклана бошлаши, тадбиркор ва фермерлар учун фаолият эркинликлари кафолатланиши, Президент виртуал қабулхонаси очилиб, эл арзига қулоқ тутилиши, халқ ҳокимиятга эмас, ҳокимият халққа хизмат қилиши лозим деган принципнинг устуворлиги эътироф этилиши, қўшни давлатлар билан илиқ муносабатлар юзага келиши, қудратли хорижий давлатлар раҳбарларининг умидбахш фикр ва истаклар



баён этилган мактублар йўллаши, мамлакатда ҳокимият алмашувининг ҳеч бир ижтимоий-сиёсий ларзаларсиз, силлиқ ва равон амалга оширилгани... Бу ишлар айтишга осон, албатта!

Жавобимни исбот талаб этмас бир ҳақиқатни таъкидлаш билан якунла-сам: Президент доим халқ дардига қулоқ тутиб фаолият юритса, халқ ҳам Президентни ҳамisha қўллаб-қувватлайди. Аммо ҳокимият ва халқ ўртасида жарлик юзага келса, оқибати қандай бўлиши тарихдан аён: халқдан узилиб қолган ҳокимият бир ҳовуч кишилар манфаатигагина хизмат қила бошлай-дики, омма бундан норози бўлиб, ижтимоий портлаш содир этади. Хайрият-ки, бугун элимиз Президентни ўзимники демоқда, унга хайрихоҳлик билан боқиб, яқдил қўллаб-қувватламоқда. Агар давлат раҳбари ва халқ ўртасида-ги ана шу ҳаётбахш робита узилмаса, пишиқ тортиб борса, ҳар қандай юксак марра ҳам эгалланиши бегумон. Чунки бир томондан Президент, бир томон-дан халқ талаб қилиб турса, улар орасидаги “терс” бўғин – бюрократия ҳам ён бермоққа мажбур бўлади.

– Мен бугунги дунё ҳақида ўйлаганимда файласуф шоиримиз Абдулла Ориповнинг (Оллоҳ у кишини раҳматига олган бўлсин!) “Дорбоз” деган шеър-и ёдимга келади. Бу шеър сизга ҳам таниш: унда шоир “қиличнинг дамидек арқон устида қўзларини юмиб” юрган дорбоз ҳаёти киприкдаги ёшдек омонат эканини куюниб қаламга олади. Ростдан ҳам, бугунги дунё ана шу дорбозга нақадар ўхшаш – салгина мувозанати бузилса бас, чоғга қулаб кетиши ҳеч гап эмас! Бу – менинг кўнгил билан илганган жайдари хулосам. Сизнинг ақл билан анланган илмий хулосангиз қандай? Дунёнинг шу тобдаги сиёсий манзараси қанақа ўзи? Асосий жараён ва тенденциялар нимадан иборат? Янаям муҳи-ми, миллий манфаатларимиз уларга қандай муносабатда бўлмоқни тақозо этади? Бу жараён ва тенденцияларнинг қайсиларига кенг қучоқ очишимиз, қайсиларидан ҳимояланмоғимиз даркор?

– Инсоният бугун ҳам ўзи асрлар бўйи орзу қилган юксак тамаддунни куриш учун курашмоқда. Фан-техника инқилоби оламни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборган бўлса-да, одам ҳамон ўша-ўшалигича қолмоқда. Шу сабаб, бугун ҳам кишиларнинг жамиятга уюшиб яшашини тартибга солишда сиёсатдан ўзга самаралироқ восита топилмай турибди. Сиёсат эса бунга, афсуски, ҳамон жоҳиллик даврининг куч билан мажбурлаш усули орқали эришаётир. Ваҳоланки, буюк юнон мутафаккири Аристотель инсон моҳиятини “ижтимоий-сиёсий муносабатлар йиғиндиси” дея талқин этиб, “...биз давлат ҳақидаги фаннинг мақсади олий фаровонлик яратишдир, деб фараз қиламиз. Шу боис бу фан бошқалардан ҳам кўпроқ ўз диққат-эътиборини олийжаноб фазилатларга эга бўлган, яъни юксак маънавият, гўзал хулққа эга фуқароларни яратишга қаратади”, деб ёзган эди. Қаранг, сиёсатга доир илк асардаёқ жамият аҳлида олийжаноб фазилатларни шакллантириш давлат зиммасига, сиёсат зиммасига юкланмоқда.

Бу борада Амир Темур, Ҳусайн Воиз Кошифий каби боболаримиз ҳам бой мерос қолдирган. Соҳибқирон Амир Темур ўз сиёсати мазмунини қуйидаги-ча ифодалайди: “...адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандалари-ни ўзимдан рози қилдим... Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан

жой эгалладим... Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим". Алишер Навоийнинг ёш замондоши Хусайн Воиз Кошифий эса "сиёсат" тушунчасини шарҳлаб бундай ёзади: "Сиёсат" сўзининг асл маъноси "кишини ғамга солиш"дир. Истилоҳий маъноси эса мамлакатни қўлда тутиш ва ҳар кимни ўзига муносиб ўринга қўйишдир". Олим ўз фикрини давом эттириб, яна ёзади: "...подшоҳ мамлакатадидаги... ёмон одамларни ҳамиша қўрқувда тутиши, яхшиларни эса доимо умидли ҳолда тарбиялаши керак".

Аён бўлаётирки, жамиятда адолат ва ахлоқ устуворлиги сиёсат орқали ўрнатилар экан. Давлат тепасида ўтирган, халқ "тўралар" деб атайдиган кишиларнинг профессионал дунёси-чи, уларга қандай талаблар қўйилади? Мазкур саволга жавобан Ғарбда куйидаги пурҳикмат қараш шаклланган: давлат ҳокимияти интеллектуал-маънавий салоҳият билан уйғунлашуви шарт, акс ҳолда нафақат демократик қадриятлар, балки оддий адолат принципларини ҳам ўрнатиш душвор (Девид Ҳюм, Фридрих фон Ҳайек). Ҳозиргача ҳам бундай уйғунликка эришиш муаммо бўлиб турибдики, оқибатда жамият бўлиб яшашда талай ноқулайлик ва эрксизликлар ҳукм сурмоқда.

Айтгандек, сизнинг саволингиз дунёнинг сиёсий манзараси ҳақида эди. Мен унга жавоб бериш учун ҳам "сиёсат" тушунчасини аниқлаштиришга эҳтиёж сездим. Ҳўш, дунёнинг бугунги сиёсий манзараси қандай ўзи? Таажуб ила айтиш лозимки, Ер юзида илмий-техникавий, иқтисодий-технологик жараёнлар шиддат-ла ривожланаётган бўлса-да, эски глобал муаммолар ёнига қўплаб янгилари қўшилмоқда ва улар башарий тараққиёт истиқболини ҳатто мавҳумлаштириб қўймоқда. Ядро технологияларининг янги ҳудудларга тарқалиши, дунё аҳолисининг номутаносиб ўсиши, бой ва қашшоқ мамлакатлар ўртасида фарқнинг ортиши, баъзи минтақаларда саводсизликнинг сақланиб қолиши, "озон туйнуғи"нинг кенгайиши, ОИТС таҳдидининг кучайиши, локал урушлар кўпайиши, "совуқ уруш"нинг қайта пайдо бўлиш хавфи, гиёҳвандликнинг ўсиши, терроризм ва экстремизмнинг авж олиши кабилар ана шу сирадандир.

2016 йили Яқин Шарқдаги, чунончи, Сурия ва Ироқдаги ИШИД жангарилари билан урушлар оқибатида бир миллиондан ортиқ қочқин Европага кинри бориши билан кўҳна қитъада "хаос" бошланди. Бу вазият Европадаги "ўнг кучлар", айниқса, миллатчи партия ва ҳаракатларнинг аҳоли орасидаги нуфузини оширди. Айни чоқда, кўҳна қитъада "сўл кучлар" таъсири сустлашаётир.

ИШИД билан уруш оқибатида Туркиядаги курдлар масаласи янада чигаллашяпти. Бу мамлакатдаги айирмачилар Сурияда ҳам курдлар ҳаракати бирмунча жонланишига таъсир кўрсатди. Устига-устак, АҚШ Туркиянинг курдларга қарши сиёсатини қўллаб-қувватламай қўйди.

Саудия Арабистони Ямандаги истиқболсиз урушлар оқибатида ўз қудратини бой бера бошлади. Боз устига, нефть нархининг кескин пасайиши Подшоҳликда иқтисодий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Саудия Арабистонининг Ямандаги урушига қўшилган Бирлашган Араб Амирлиги, Баҳрайн, Миср, Марокаш, Иордания, Қувайт ва Покистон ўртасида (гарчи уларнинг кўпчилиги урушга расман қўшилган эса-да) сиёсий иттифоқ пайдо бўлгани аёнлашди.

Афғонистонда ҳукуматга қарши кучлар ўртасида кескин бўлиниш жараёни бошланди. Пуштун қабиласи манфаатларини ифодаловчи мўътадил толиблар расмий ҳукумат билан музокара олиб боришга тайёрлигини маълум қилиши сиёсий ландшафтда туб ўзгаришлар бўлишини аңлатаётди. 2015-16 йилларда расмий Кобул билан Толибон ўртасидаги қарама-қаршиликлар ёнига Толибон билан ИШИД ўртасидаги кураш ҳам қўшилди.

Дунё сиёсати манзарасидаги яна бир “чизги” Хитой иқтисодиётининг пайсаиши билан боғлиқдир. Хитой ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг Ер юзига таъсири камайиши оқибатида унинг анъанавий ҳамкорлари – Евроосиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари истиқболда ўз сиёсий мўлжалларини ўзгартириши кутилмоқда.

Баъзи Ғарб давлатлари Ҳиндистоннинг ички зиддиятларидан фойдаланишга уриниши ортидан баъзи штатларда айирмачилик ҳаракати кучаймоқда. Айни чоқда, Ҳиндистон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлиши билан ушбу муаммолар бартараф этилишига умид ҳам уйғонаётди.

Японияда милитарлашиш жараёни ва миллатчилик кайфияти кучайиб бормоқда. 2015 йилда АҚШ ва Япония ўртасида ҳарбий иттифоқчилик тўғрисида янги битим имзоланди. Ушбу битимга қўра, Япония ўз минтақавий иттифоқчиларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Япония мудофаа тизими АҚШ ракеталари билан таъминланиши Шимолий Корея ва Хитойни ташвишга солиб қўйди. Японияда 2015 йили мамлакат тарихида энг юқори ҳарбий бюджет (41,2 миллиард АҚШ доллари) тасдиқланди.

Давлат тепасига республикачилар келиши билан АҚШнинг ташқи сиёсатида кескин ўзгаришлар бўлиши кутилаётди.

Нуфузли экспертлар фикрича, 2017 йилда АҚШ дунёга ҳукмронлик қилиш сиёсатини анча чеклайди, ўз ташқи сиёсий қудратини Суриядаги уруш ўчоғини ўчиришга қаратади. Бироқ, шунга қарамай, у глобал сиёсатнинг марказида қолаверади, аввалги ҳукмронлик мақомини йўқотмайди. Ҳозир бутун дунёда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг 25,4 фоизи, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг эса 22 фоиздан зиёдига эгалик қилаётган АҚШ жаҳон сиёсий жараёнларининг асосий субъекти бўлиб қолаверади.

Айни чоқда, АҚШ, Ғарбий Европа, Канада, Япония, Австралия мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий интеграцияси ўз яшовчанлигини намоён қилмоқда. Буни уларнинг уюшган ҳолда Россияга қаршилиқ кўрсатиши (молиявий-иқтисодий санкциялар қўллаши) мисолида кўриш мумкин.

Ер юзиде сув остидагидек “кўзга кўринмас” сиёсий жараёнлар ҳам ривожланмоқда. Бундай жараёнлар субъекти, асосан, трансмиллий корпорациялар (ТМК) ҳисобланади. ТМК мақомини олмоқ учун корпорациянинг 1 миллиард доллардан ортиқ айланма капитали ва бир неча мамлакатда филиали бўлмоғи шарт. БМТ маълумотларига кўра, кейинги йилларда ТМКлар сони 82 мингтага, филиаллари сони эса 810 мингтага етган. ТМК корхоналарида 70 миллионга яқин ишчи ва ходимлар фаолият кўрсатиб, уларнинг сони йилига 8-9 фоизга ўсиб бормоқда. Ҳозир ТМКлар жаҳондаги саноат ишлаб чиқаришининг ярмини, халқаро савдонинг учдан бир қисмини, янги техника ва технологиялар учун патент ҳамда лицензияларнинг бешдан тўрт қисмини назорат қилаётди. Жаҳондаги хомашё савдоси эса деярли тўлиқ

ТМКлар қўлига ўтган: буғдой, қаҳва, маккажўхори, ёғоч, тамаки, темир рудаси савдосининг 90 фоизи; мис ва алюминий рудаси савдосининг 85 фоизи; қалай ва чой савдосининг 80 фоизи; табиий каучук ва нефть хомашёси савдосининг 75 фоизини айнан шундай корпорациялар амалга оширмоқда.

ТМКлар ўз ривожини учун қўлай шароит яратиш, арзон ишчи кучига эга бўлиш, янгидан-янги бозорларни ўзлаштириш, кам чеклов ҳуқуқларга эга бўлиш мақсадида минглаб лоббистик ташкилотлар яратган. Бу ташкилотлар ўзи жойлашган ёки фаолият юритаётган мамлакатларда сиёсий жараёнларга зимдан таъсир ўтказиш кучига эга бўлиб, ўзига яқин сиёсий партия ёхуд арбобларнинг ҳокимият тепасига келиши учун маблағини сира аямайди. Хуллас, ТМКлар ҳам дунё сиёсатига жиддий таъсир кўрсатувчи куч сифатида бугун унинг манзарасини бир қадар белгиламоқда, десак муболаға эмас.

Аммо ҳақиқат шуки, дунё сиёсий жараёнлари кўпроқ мутараққий мамлакатлар манфаатларига хизмат қилаётир. Африка, Лотин Америкаси, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиёнинг кўп мамлакатларида ичимлик суви танқис бўлиб турган, бошланғич маълумот олиш мушкул бўлган, қашшоқлик ва ишсизлик тобора хавфли тус олган бир вақтда ривожланган мамлакатлар йил сайин фаровонлашиб бормоқда. Бундай глобал сиёсат эндигина ривожланиш йўлига кирган мамлакатлардаги ҳимоясиз ва ҳуқуқсиз аҳолининг иқтисодий аҳволи баттар оғирлашига сабаб бўлаётир. Чунки бугун ҳеч бир давлат бутун жаҳон сиёсий жараёнларидан ўзини ихоталашга қодир эмас. Шу факт инobatга олинса, ҳар қандай миллий давлатга дунё сиёсати таъсири кучли экани аёнлашади. Демак, дунё сиёсий жараёнлари умуминсоний кадриятлар негизда кечишига ҳар бир миллат, ҳар бир фуқаро масъул. Зеро, дунё сиёсати бундан буёғига фақат бутун башарият ва ҳар бир инсон назорати остидагина ижобий самаралар бермоғи мумкин.

– Муқимжон ака, биз сизни кўпроқ фуқаролик жамияти тадқиқотчиси сифатида таниймиз. Фуқаролик жамияти Форобий бобомиз X асрдаёқ фозил шаҳар қиёфасида орзу қилган идеал жамият-да, тўғрими? Зеро, бу жамият-да инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч бир монеликсиз тўла-тўқис рўёбга чиқаради. Айни чоқда, ўз бурч ва мажбуриятларини ҳам шахсий масъулият асосида бекам-қўст адо этади. Сиз фуқаролик жамияти назариясига доир бир неча китоб чоп эттиргансиз: “Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафжуралар, маданиятлар” (1998), “Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба” (2006), “Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши” (2010)... Санокни давом эттиришда зарурат йўқ, назаримда. Хуллас, келинг, бу гал назарий эмас, амалиётдан баҳс очайлик. Сизнингча, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни қандай кечмоқда? Бу жабҳадаги саъй-ҳаракатнинг қайси жиҳатларидан қониқиш туясизу қайси жиҳатларидан кўнглингиз тўлмайди?

– Мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш босқичма-босқич, яъни тадрижий асосда бормоқда. Шу кунгача бу жабҳадаги ўзгаришлар асосан давлатнинг бош ислохотчилик роли туфайли бўлди. Фуқаролик жамиятини барпо этувчи ва уни мустақил ишлайдиган механизмга айлантирувчи имконият эса энди ишга тушиш арафасида. Бошқача айтсак, айни жамият

механизми иқтисодий асос шакллангачгина расмана ишлаб кетади. Жамиятнинг иқтисодий асосини эса ўрта қатлам – мулкдорлар синфи ташкил этади. Жаҳон тажрибасига кўра, аҳолининг 15-20 фоизи ўрта қатлам сафига ўтганда фуқаролик жамияти белгилари намоён бўлади.

Фуқаролик жамияти ривожиди иқтисодий омилнинг ўзи камлик қилади албатта. Бу соҳадаги яна бир зарурат – инсон омилидир. Олий жамият қуриш учун инсон аввало ўз эҳтиёжларини чуқур англамоғи ва уларни жамиятда эркин рўёбга чиқариш малакасини эгалламоғи лозим. Зеро, бундай жамият инсон эҳтиёжларининг барча даврлардагидан ортиши ва уларни рўёбга чиқаришга “чанқоқ”лик ҳам беҳад кучайишига асосланади. Албатта, бунда субъектив омил билан бирга объектив омил, яъни инсон эҳтиёжлари қондирилиш учун имконият яратиш ҳам ниҳоятда муҳим.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, эркин инсон билан муомала қилиш, эркин инсонни идора этиш ўта нозик ва мураккаб иш. Шу сабаб ҳам ақсар ҳукмрон доираларга бунақа “ғалваси кўп” бошқарув усули ёқавермайди. Оқибатда улар, гарчи ўзини фуқаролик жамияти тарафдори қилиб кўрсатса-да, унинг йўлига тўғаноқ бўлади. Бундан аёнлашадикки, фуқаролик жамияти халқ хоҳиш-иродаси ва муттасил кураши билангина кўлга киритилувчи юксак инсоний бирликдир.

Шу ўринда АҚШлик машхур ҳакам Лимед Ҳенднинг қуйидаги фикрини ёдга олиш фойдадан холи эмас: “Эркинлик асли инсоннинг юрагиди яшайди; агар у юракда ўлган бўлса, энди ҳеч қандай конституция, ҳеч қандай қонун, ҳеч қандай суд ёрдам беролмайди”. Иқтибослардан мурад шуки, ҳақиқат ва адолат мужассами бўлган олий бирлик – фуқаролик жамиятига у барчамиз учун ҳаётий муддаога айлангандагина эришамиз.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишга доир ислохотлар тўғрисида ҳозирча қуйидагиларни айтиш мумкин: мамлакатда фуқаролик жамиятининг пойдевори қурилди – унга хос конституциявий асослар ва қонунлар қабул қилинди; шундай жамият структураси – нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари шаклланди. Бу соҳада “де-юре”га оид ўзгаришлар ўзини тўлиқ намоён эта бошлади. Аммо “де-факто”га доир муаммолар ҳали тўлиқ ечимини кутмоқда.

Давлат билан жамият институтлари ўртасида ҳамкорликни сусайтирмаган ҳолда улар ўртасида аниқ чегара ўтказиш долзарб вазифалигича қолаётир. Айниқса, Ўзбекистон Конституциясининг 58-моддасидаги “Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашинишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашинишига йўл қўйилмайди”, деган принципни ҳаётга татбиқ этиш учун махсус қонун ва меъёрларга эҳтиёж бор. Наинки фуқаролар ҳуқуқий маданияти, балки сиёсий маданиятини ҳам юксалтиришга доир миллий дастур қабул қилиб, уни ҳаётга жорий этишнинг аҳамияти ҳам бундан сира кам эмас. Чунки жамият институтлари ўзини эркин ҳис қилмайдиган муҳит “фуқаролик” мақомига асло лойиқ эмас.

Сиёсий партияларнинг давлат органларига ўхшаб фаолият юритишидан қатъий воз кечиш, улардаги бюрократизмни таг-тубидан қўпориб ташлаш

даркор. Партияларни давлат бюджети ҳисобидан таъминлашга ўтилиши билан бу масала, бизнингча, янада долзарблашди. Бу ёғига сиёсий партиялар фаолияти бошланғич ташиқлотларга кўчирилмоғи зарур. Ахир, партия деганда унинг 100-150 кишидан иборат бошқарув аппарати ёки органи эмас, юз минглаб оддий аъзолари тушунилади!

Касаба уюшмалари ҳам меҳнатқашлар манфаатини расмана ҳимоя қилувчи тузилмага айланмоғи лозим. Акс ҳолда уни фуқаролик жамияти институтлари қаторига қўшиб бўлмайди. Ахир, ҳар қандай ишчи ёки ходим маъмурий ўзбошимчаликлардан ўзини ҳимоялаш учун бу ташиқлотга аъзо бўлади, худди шу мақсадда ойлик маошининг юздан бир улушини бадал қилиб тўлайди...

Умуман, фуқаролик жамияти қанчалик шаклланганини ушбу ибора орқали ҳам аниқлаш мумкин: сардиниялик католик файласуф Жозеф де Местр 1816 йилда "Ҳар бир халқ ўзи лойиқ бўлган ҳукуматга эга чиқади", деган эди. Менимча, бу ибората халқнинг ақл-заковати, ҳулқ-атвори, ахлоқ-маънавияти ҳукуматда кўзгудагидек акс этиши ифода топган.

– Коррупция – вайронкор куч, унинг оқибатида миллий иқтисодиёт путурдан кетади, ижтимоий тенгсизлик чуқурлашади, ҳокимиятга ишонч йўқолади, жамият маънавияти бузилади ва ҳоказо. Шу боис ҳам одамзод қадим замонларданоқ коррупцияга қарши курашиб келган. Маълумотларга кўра, илк бор бундай кураш милоддан икки минг беш юз йил аввал Месопотамиянинг Лагаш деган шаҳар-давлатида очилган, лекин ўшанда, таассуфки, барча саъй-ҳаракатлар зое кетган экан. Кейинги замонларда ҳам коррупцияга қарши не-не курашлар бесамар яқун топганига тарих гувоҳ. Аммо XX асрда Швеция, Сингапур, Янги Зеландия каби мамлакатларда коррупцияни дадил жиловлашга муваффақ бўлиндик, шу юртлар орттирган тажриба ҳарнечук кўнгилларга таскин ва умид бахш этади. Бизнинг диёримизда ҳам коррупцияга қарши курашиш ҳаёт-мамот масаласи экани тобора чуқур англаб етилмоқда. Президентнинг қонунчилик ташаббуси асосида шу юзасидан махсус Қонун қабул қилингани ҳам асло бежиз эмас. Сизнингча, ушбу курашда ўзбек бюрократияси, тўғрироғи, унинг нопок қисми қаршилигини қатъий энгиб ўтиш учун қандай оқилона тактикага суянган, қандай самарали усул ва воситаларни қўллаган маъқул?

– Инсоният тарихида коррупцияни тугатиш усуллари ва унинг ҳуқуқий асослари дастлаб Ҳиндистонда яратилган. Бундан икки ярим минг йил аввал ёзилган "Артхашастра" ёхуд Сиёсат илми" китобининг 26-бўлими тўлиқ коррупцияга бағишланган. Асарда "коррупция" атамаси "ўзлаштириш" сўзи воситасида изоҳланади: "Шоҳнинг шахсий ёки бошқа мулкларига қўл чўзиш ўзлаштиришдир". "Артхашастра"да коррупциянинг қирқ тури тасниф этилади ва уни жиловлашга жавобгар мансабдор зиммасига вақти-вақти билан халққа қуйидагича мурожаат қилиб туриш юклатилади: "Бирон бир бошлиқдан зарар кўрганлар шу ҳақда бизга хабар берсинлар!"

Ҳозир "коррупция" тушунчаси асосан шахсий фойда олиш учун ҳокимиятни суистеъмол қилиш маъносида ишлатилади. Коррупциянинг қуйидаги тўрт асосий сабабини келтириш одат тусини олган: 1) шахсий сабаблар. Коррупция – салбий ижтимоий-маънавий ҳодиса, уни дуруст таълим-тарбия кўрмаган кам маошли амалдорлар виждонсизлик оқибатида содир этади;

2) институционал сабаблар. Бунда бошқарувнинг кучсизлиги асосий омил деб кўрсатилади. Масалан, мансабдорларни назорат қилиш механизмининг носозлиги, осон қўйиш ва осон тушириш одатга айланиши, одатда узоқ вақт мансабда туришга ишончсизлик пайдо бўлиши кабилар коррупцияни юзга келтиради; 3) тизимий сабаблар. Ҳукумат баъзан жамиятнинг шундай талабларига дуч келадики, уларни бажаришнинг расмий тартиблари хали аниқ ишланмаган бўлади ёхуд кўп миқдорда маблағ талаб этиб, аксар узоқ муддатга чўзилади. Шундай ҳолларда ҳам коррупцияга қисқа ва раvon йўл очилади; 4) кўп томонлама сабаблар. Баъзан давлат бошлигининг ўзига хос хулқи туфайли ҳал қилувчи ролни “шахсий” омиллар бажаради. Бундай шароитда давлат мансабларига ишончли одамлар тайинланса ҳам, институционал, тизимий муаммолар сабаб коррупция кўпаяверади.

Коррупция барча жамиятларда яшашга қобил бўлса-да, аммо унинг тур ва миқёслари ҳар хил. Бу иллат қандай кўриниш ва миқёсларда намоён бўлиши қуйидаги омилларга боғлиқ: биринчиси – давлат ҳокимияти ва қонун ҳужжатлари куч ва обрўга эгаллиги. Агар халқ ҳукуматни “ўзимники” деб билса, коррупцияга тоқат қилолмайди. Иккинчиси – бошқарув органлари ва ҳар бир фуқаро жамиятдаги ўз ролини аниқ белгилаб олиши ҳамда шу ролни бажаришда маданий қадрият ва анъаналарга таяниши. Учинчиси – мулкчилик соҳасида давлат сектори ишғол этган ўрин: ҳокимият жамиятнинг ҳамма соҳаларига кириб бориш ва аралаштириш имкониятига эга бўлса, хусусий ташаббус учун йўллар беркилади, оқибатда ишни “бир амаллаб” битиришга уринишлар авж олади. Тўртинчиси – ҳокимиятга “кириш-чиқиш” йўлларининг очик-ёпиқлиги: ҳокимиятга қонуний асосда таъсир ўтказишдан махрум гуруҳлар пора беришга ўхшаш қора йўллардан фойдаланишга мажбур бўлади. Бешинчиси – ҳокимият тузилмаларида буйруқ ва фармойишларнинг тарқалиш суръати: агар қарорлар секинлик билан қабул қилинса, одамлар уларни пора билан тезлаштиради. Агар қарорлар шошмашошарлик билан қабул қилинса, коррупция “вақтни сотиб олиш” воситасига айланади. Олтинчиси – иқтисодий ва сиёсий имкониятлар нисбати: бойишдан кўра ҳокимиятга эришиш осон бўлса, мансабдорлар ҳокимиятни давлат орттириш воситасига айлантиради. Акси кузатишган ҳолларда эса бойлар юқори мансабларга интилади.

БМТ маълумотларига кўра, дунёда 2015 йилда берилган пора миқдори 1 триллион АҚШ долларига етган. Жаҳон мамлакатлари орасида коррупциянинг ёйилиш индекси ҳар йили Transparency International нодавлат ташкилоти томонидан эълон қилиб борилади. 2015 йил индекси 168 мамлакатни ўз ичига қамраб олган ва коррупциянинг энг юқори даражаси – 0 дан энг паст даражаси – 100 гача бўлган кўрсаткичларда ифодаланган. Индексга кўра, энг кам коррупциялашган мамлакатлар сирасига Дания, Финляндия, Швеция, Янги Зеландия, Нидерландия, Норвегия, Швейцария, Сингапур, Канада, Германия, Люксембург ва Буюк Британия, энг кўп коррупциялашган мамлакатлар сирасига эса Ҳаити, Гвинея-Бисау, Венесуэла, Ироқ, Ливия, Ангола, Судан, Афғонистон, Шимолий Корея ва Сомали мамлакатлари киради.

Энди Ўзбекистонга келсак, баъзи мансабдорларнинг тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермер хўжаликлари мулкига тамағирлик кўзи билан қа-

раши, банклардан кредит олиш йўлига сунъий тўсиқлар қўйиши замирида коррупциявий манфаатлар ётибди. Ёшларнинг танлов юқори бўлган лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига ўқишга киришию талаба бўлгандан сўнг жорий, оралиқ ва якуний назорат бўйича баллар тўплашида айрим нопок “устоз”лар тамагирлиги замирида ҳам шу иллат бор. Шунингдек, нуфузи ва маоши юқори бўлган корхона ва идораларга ишга киришда, юқори мансабга кўтарилишда, турли тендерларда голиб бўлишда, хомашё ва бошқа ресурсларни тақсимлашда коррупциянинг элимиз “шапка” деб атовчи кўриниши кўзга ташланмоқда. Баъзан давлат мулкани хусусийлаштириш, турли соҳаларда фаолият юритиш учун лицензия олиш каби талаб-эҳтиёж юқори бўлган соҳалар ҳам коррупция манбаига айланаётир.

Қонунларнинг бозор иқтисодиёти ва демократик қадриятлар талабига биноан либераллашувидан “фойда”ланиб қолсам деган айрим имонсиз мансабдорларда коррупцияга мойиллашув сезилмоқда. Бошқарув тизими ва меҳнат жамоаларидаги коррупцион тўдалар ҳалол, тўғрисиёз, ишчан кадрларни турли ваз ва баҳоналар билан четга сиқиб чиқариши ҳоллари ҳам кам эмас. Негаки, бундай кишилар уларнинг оч нафсини беҳадик тўйдиришига имкон бермайди.

Энг ачинарлиси, коррупцияга қарши курашувчи органларнинг ходимлари орасида ҳам бу иллат озми-кўпми ёйилган. Пора олиб қўлга тушган мансабдор... пора бериб қутулиб кетса, бедодлик эмасми, ахир?!

Мустақиллик йиллари давлат ва ҳукумат коррупцияни жиловлаш ҳамда тугатиш бобида бирмунча ислохотларни амалга оширди. 2008 йилда Ўзбекистон БМТнинг коррупцияга қарши конвенциясига қўшилди. 2010 йили эса Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш тармоғи Истанбул ҳаракат дастури сафига кирдик. Бу борадаги халқаро ва миллий ҳуқуқ меъёрларига таянган Миллий режа ишлаб чиқилди. Кейинги вақтда меъёрий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертиза қилиш анъанаси шаклланди. Электрон ҳукуматнинг бу иллатни камайитиришдаги роли эътиборга олиниб, у бошқарув тизимига кенг жорий қилинмоқда.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва демократлаштириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда.

Президентнинг қонунчилик ташаббуси асосида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан бу борадаги муносабатларни тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш, давлат бошқарув органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупцияга тоқатсизлик мухитини яратиш кўзда тутилмоқда.

Агар давлат ва ҳукумат коррупцияга қарши курашни қатъият-ла изчил ташкил эта олса, бу саъй-ҳаракатлар эртами-кечми самара беришига ишончим комил. Ҳозиргача эса коррупцияга қарши курашишда, афсуски, иллат томирларигача етиб борилмади. Фикримни қўйидагича изоҳласам тўғри бўлар. Сир эмаски, коррупция уюшган ва кўп поғонали бўлади. Қўйи поғонадаги мансабдор енг ичида олган порасидан ўзига “қалқон” бўлмиш ўрта поғонадаги амалдорга, у ҳам ўз навбатида валинеъматли бўлмиш юқори

поғонадаги мансабдорга “такса” узатиб туради. Холбуки, шу вақтгача коррупцияга қарши курашувчи тузилмалар фақат куйи поғонадаги порахўрларни қармоққа илинтириш билан машғул бўлди. Бунда балиқнинг майдасини тутавер, аммо йиригини тек қўй, деган ғирром қоида амал қилмоқда гўё. Менимча, энди нафақат куйи, балки ўрта ва юқори поғонадаги коррупционерлар ҳам беомон кураш нишонига айланмоғи шарт.

Коррупцияни таг-томири билан қўпориб ташлашга фақат давлат ва ҳукуматнинг кучи билангина эришиб бўлмайди. Шу боис мазкур ижтимоий иллатга қарши бутун жамият, барча фуқаролар оёқга турмоғи даркор. Ва яна бир фикр: коррупцияга қарши кураш мутлақо ошқора олиб борилиши шарт. Акс ҳолда ҳамжиҳатлик бой берилади ва коррупция томири қирқилмай қолаверади. Бу эса у яна қайта жонланиб, жамиятни емираверади, демакдир.

– Нега юртимизнинг сиёсий тафаккур майдонида ғоялар кураши ниҳоятда суст? Мен сиёсатшунос олимларимизнинг мажалламызга йўллаётган мақолалари билан танишиш асносида бунга қайта-қайта амин бўламан. Таассуфки, ушбу мақолаларнинг аксариятида давлат раҳбари илгари сурган ғояларни такрор баён этиш кайфияти устун. Ваҳоланки, мазкур соҳа олимлари дунё, минтақа ва мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнларни чуқур таҳлил этиш асосида ўз оригинал ғояларини илгари суриши, давлат раҳбари эса ҳозирги ва келгуси тараққиёт йўлимизни белгилашда улардан кенг фойдаланиши жоиз-ку!..

– Мамлакат зиёлилари ўртасида сиёсий тафаккур бобида оқсоқлик мавжудлигининг ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бор. Объектив сабаб сифатида, умуман, сиёсий фанлар, хусусан, сиёсатшунослик салкам бир ярим аср бизга бегона фан ўлароқ яшаганини тилга олиш мумкин.

Машхур инглиз тарихчиси Эдуард Фримэн қуйидаги фикрни билдирганида минг карра ҳақ эди: “Тарих – ўтмишдаги сиёсат, сиёсат эса ҳозирги тарихдир”. Испан олими Гарсиа Тревихано эса сиёсатшунослик ҳақида бундай фикр билдиради: “Тарихчи ўтган замон билан иш қўради. У ижтимоий формацияларнинг ибтидоси, ривож ва интиҳосини кузатиш имконига эга... Сиёсатшунос заҳматларининг объектив манбаи эса шуки, у сиёсий вазиятни тарих шаклига кирмасидан бурун, яъни қайтарилмас ҳолатга айланмай туриб аниқ баҳолаши лозим”.

Шу ўринда сиёсатшунослик тарихига бирров назар ташлаб ўтсак ортиқча бўлмас. Бу фанга оид илк асар Грецияда яратилган бўлса-да, ватани АҚШ ҳисобланади. Уммонорти мамлакати олимлари тотал давлат шароитида инсон ўзини ўзи ҳимоя этиш имконига эга эмаслигини назарда тутиб, ушбу фанни таълим тизимига олиб киришга ҳаракат қилди. Сиёсатшунослик фанини 1830 йилда илк бор олий таълимга жорий этган киши асли олмон бўлган АҚШлик олим Френсис Либер эди. У 1857 йили АҚШ тарихида илк бор Колумбия университетидан очилган сиёсий фанлар кафедрасига мудир этиб тайинланади.

1949 йили ЮНЕСКО ташаббуси билан Парижда Сиёсий фанлар халқаро уюшмаси тузилди. Лекин бу даврда ҳам сиёсий фанларни ривожлантиришда АҚШ етакчилик мавқеида қолди. Бора-бора АҚШда 1,5 мингдан зиёд

сиёсатшунослик кафедраси фаолият кўрсата бошлади. АҚШ Сиёсий фанлар миллий уюшмасининг ўзи 16 минг нафар аъзога эга бўлиб, улар уммонорти мамлакатининг давлат бошқарув тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтларига хизмат кўрсатади.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Францияда ҳам сиёсий фанлар тезлик билан ривожланди. Бу мамлакат ортидан Европанинг Германия, Буюк Британия, Италия каби бошқа мамлакатларида ҳам сиёсатшунослик олий таълим тизимига жорий қилинди. Лекин бу фан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, давлат ҳокимиятини демократлаштиришга даъват этгани сабаб Русия империяси ва СССР давлати ҳудудига "йўлатилмади", сиёсатшуносликка "буржуа фани" деган тамға босилиб, йўли тўсиб қўйилди.


Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинган, сиёсий фанларни ривожлантиришга зарурат пайдо бўлди. Истиқлолнинг илк давридан мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида сиёсатшунослик фани ўқитила бошлади. Лекин ўша кезлар юртимизда сиёсий фанлар бўйича мутахассислар йўқ эди ҳисоб. Оқибатда, шўро даврида ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитган олимлар шу фандан дарс ўтишга жалб қилинди. Сиёсатшунос олимлар тайёрлашда ҳам катта қийинчиликлар юзага келди. Бу фан ҳали биз учун янгиллиги ва унинг мазмуни кўпларга аён эмаслигидан фойдаланган, ўзи таълим олган соҳа бўйича илмий тадқиқот қилишга кучи етмаган баъзи илмбозлар сиёсий фанлар бўйича номзод ва доктор илмий даражаларини эгаллади. Чин сиёсатшунос олимлар эса бармоқ билан санарли бўлиб қолаверди. Алалоқибат, бу соҳада яратилган илмий тадқиқотларнинг кўпини амалиётга татбиқ этишининг иложи бўлмади. Ўзбекистонда сиёсатшунос олимлар жамиятини тузиш, шу соҳага доир махсус журнал таъсис этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам ярим йўлда қолиб кетди.

Ҳозир ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш зарурати кучайгани туфайли бу фанга эҳтиёж янада ортмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бугунги инсон сиёсий билимларсиз ўз фуқаролик фаолиятини қандай амалга ошира олади, ахир?! Турли мафкуравий тўқнашувлар, экстремизм таҳдидлари хурж қилаётган бир даврда воқеаларни сиёсий жиҳатдан тўғри баҳолаш олмаслик яна эски усулларга қайтишга мажбур этмайdimи?! Бу фанни ривожлантириш масаласи давлат ва жамият миқёсида кўтарилмас экан, яқин йилларда илғор мамлакатлар олимлари олдида кулгили аҳволга тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Менимча, айна соҳадаги ислохотларни АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония сиёсатшунос олимлари асарларини, мазкур давлатларда нашр этилган сиёсий фанларга оид дарсликларни она тилимизга ўгириб, чоп этишдан бошланган маъқул. Zero, ҳозирги даврда сиёсий жараёнлар тобора глобаллашиб, сиёсатни либераллаштириш эса ғоят долзарблашиб бораётгани, бу жараёнлар инсон сиёсий тафаккури ҳам беқиёс даражада юксак бўлишини тақозо этади. Етук миллий сиёсатшунос олимлар тайёрламай туриб давлатимизнинг стратегик вазифаларини ҳал этишимиз даргумон. Демак, мазкур соҳани жонлантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Муҳиддин РАҲИМ суҳбатлашди.

Султонмурод ОЛИМ



XALQ VA DAVLAT: MULOQOT VA MANFAAT

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Одам-зоднинг истагидан қатъи назар, у иддам кетаверади. Аммо шу жараёнда бир тўхтаб, нафасни ростлаб оладиган, фикр-мулоҳаза қилиб кўрадиган, бошқача айтганда, янгиладиган пайтлар ҳам бўлади. Мамлакатимиз ҳозир шундай жараённи бошдан кечиряпти.

Бундай кезде ортга ҳам қараймиз, албатта. Лекин, аввало, олға боқайлик. Нималар қилинмаганини айтиб ўтиргандан нималар қилиниши кераклиги хусусида сўзлаган чандон афзал-ку, ахир!

Давлатимиз асосчиси, биринчи Президентимиз бу ёруғ оламдан кўз юмди. Бир неча ой бурун кимдир “Буюк давлат ва сиёсат арбобларининг вафоти ҳам халқни янада жилслаштиришга хизмат қилади”, деса, эҳтимол, ишонмаслигимиз мумкин эди. Лекин амалда худди шундай бўлди.

Ўтган йил 4 декабри куни Ўзбекистон халқи демократик қадриятлар асосида Президентини сайлади. Ўз-ўзидан, мамлакатимиз тарихида янги бир босқич бошланди.

Сайловолди тарғиботи маҳали шаҳару қишлоқларимиз, жумладан, пойтахтимиз кўчаларида Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг сурати остига *“Истиқболни бирга курамиз”* деган сўзлар ёзиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2017 йилни *“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”* деб номлади.

Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган қўшма мажлисидаги нутқи матбуотда *“Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олжаноб халқимиз билан бирга курамиз”* деган сарлавҳа билан босилди.

Бу уч ифода ўртасида изчил мантиқий боғлиқлик бор. Бу ифодалар замирида халқ ва давлат бирлиги кўзда тутилган.

“Давлат”, “мамлакат”, “хукумат”, “ҳокимият”, “жамият”, “халқ”, “миллат”, “халқ ҳокимияти” тушунчалари бор. Бир қарашда, ҳаммаси – содда, ҳаммаси – тушунарли. Ростини айтганда, кўплар “мамлакат” билан “давлат”-ни, “давлат” билан “хукумат”-ни, “хукумат” билан “ҳокимият”-ни, “жамият” билан “халқ”-ни, “халқ” билан “миллат”-ни, “халқ” билан “халқ ҳокимияти”-ни бир-бирига чалкаштиради.

Демократик тузумда буларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида тушунча. Айтайлик, давлат билан ҳукуматни обдон фарқлаб олмай туриб, давлат ва жамият вазифалари ўртасидаги тафовутни ҳам аниқлаштириб олиш мушкул. Чунки демократик тузумда давлат билан жамият вазифалари ўзаро қатъий чегараланади, яъни вазифалар ўзаро тақсимлаб олинади.

Шўро давлати жамиятнинг барча вазифаларини ўз бўйнига олган, шунинг учун тузумда жамиятнинг ўрни ҳам, фуқаронинг фаоллиги ҳам чеклаб ташланган эди. Одамларимиз тасавурида мавжуд давлат ҳақидаги эски қарашлар ҳамон тараққиётимизга тушов бўлаётгани ҳам рост. Ҳолбуки, ҳаётнинг бир қисм муаммосини давлат, қолган кўп масаласини жамият ҳал қилиб кетавериши лозим.

2016 йил 25 сентябрдан интернет тармоғида Ўзбекистон Бош вазирининг электрон қабулхонаси ташкил этилди. Халқ билан мулоқот сиёсати амалда шу кундан бошланди. 2016 йил 7 декабрга қадар 218 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида буларнинг 59 фоизи ечимини топган бўлса, 41 фоизи кўриб чиқилаётганини айтди. “Кўриб турибсизки, азиз дўстлар, – деди нотик, – бу талабларнинг барчаси – қонуний ва адолатли. Бу борада ортиқча изоҳга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Лекин шу ўринда бир савол турғилади: мана шу мурожаатларда кўтарилган ҳаётий муаммоларни жойлардаги ҳокимлик ва идоралар, тегишли мутасаддилар ўз вақтида ҳал этиши зарур эмасми? Ҳолбуки, бу масалада алоҳида қонун, яъни “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғри-

сида”ги қонун қабул қилинган. Лекин, минг афсуски, бу қонуннинг ижросини назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган”.

Демак, халқнинг пайמוноси тўлиб турган экан. Халққа ўз дардини айтиш учун имкон берилса, айтар экан.

Халқ билан мулоқот ҳаётдаги муаммоларни ойдинлаштиради. Одамлар инсофсиз эмаски, ҳамма масала ечимини давлатдан кутаверса. Аммо шундай ишлар борки, уни фақат давлат амалга оширади ёхуд халқ уни яқкаш давлат билан биргаликдагина рўёбга чиқара олади.

Ҳўш, халқ билан учрашувларда аҳоли, асосан, қандай масалаларни ўртага кўяди?

Биринчиси – электр энергияси. Иккинчиси – газ. Учинчиси – тоза ичимлик суви. Тўртинчиси – йўл. Бешинчиси – пластик карточка орқали савдо қилинадиган терминалларнинг барча савдо дўконларида ишлаши. Келинг, шулардан биринигина батафсилроқ таҳлил қилиб кўрайлик.

Одамлар электр токида узилиш бўлмаслигини истайди. Чунки биз XXI асрда яшаймиз, ахир! Инсон ҳаётини бугун электр токидек тап-тайёр дастёрсиз тасаввур қилиб бўладими? Мунтазам электр қуввати билан таъминланмаган гўшада қандай қилиб ишлаб чиқаришни ривожлантириш мумкин? Илғор дунё ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳатто бир кеча-кундузда уч сменалаб ишлаётган бир маҳалда, айтайлик, туман марказидаги тикувчилик, дурадгорлик, қандолатчилик цехлари ток борида ишлаб, йўғида кутиб ўтираверадими? Электр чирғисиз мактаб ўқувчилари қандай дарс тайёрласин? Одамлар кечки пайт қандай телевизор кўрсин? Уй-жойни иситишнинг электрдан бошқа манбасига эга бўлмаганлар қишда қандай кун ўтказсин?..

Келинг, шу муаммони ҳеч ким кўтармади ҳам дейлик. Нима, шунда масала ўз-ўзидан



ҳал бўлиб қоладими? Ёки бу борада давлат идораларига арз этсак, осмон узилиб, ерга тушади? Касални ҳар қанча яширганимиз билан иситмаси ошкор қилаверади-ку! Ё бу муаммони биров четдан келиб ечиб берадимми? Йўқ. Бу – ўзимизнинг дардимиз. Ҳамма-мизнинг оғриқ жойимиз. Уни фақат ўзимизгина даволаймиз!

Халқ билан мулоқот масалани ана шундай очиқ-ошкор тарзда кун тартибига қўйишни тақозо этади. Ана шунда гина-кудуратга ўрин қолмайди. Аҳолини айбдорни топиб, жазолаш эмас, ҳамма жойни узлуксиз электр қуввати билан таъминлаш қизиқтиради.

Шўро давлати ярим асрда мамлакатни электрлаштиришга эришди. Биз тенгилар яхши эслаймизки, ўтган асрнинг 70-йиллари бошларига келиб бу масала узил-кесил ҳал этилди. Аммо шундан буён ҳам яна қарийб ярим аср ўтди-да. Бу даврнинг олдинги ярми охирларида собиқ Иттифоқ катта иқтисодий инқирозларни бошдан кечирди. Амалда тузум ич-ичидан чириб бўлди.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонимиз учун асло осон кечгани йўқ. Ёш мамлакат иқтисодий жиҳатдан ғалла, нефть мустақиллиги каби бирламчи масалаларни ҳал этди. Аҳоли эса бу даврда бир ярим баробар кўпайди. Электр қуввати ишлаб чиқаришни аҳоли сонига мутаносиб равишда кўпайтириш имкони бўлмади. Бу – биринчидан. Иккинчидан, аҳолининг электр токидан фойдаланиши шу қадар кенгайиб кетдики, бунга ярим аср олдинги ҳолатга қиёслаб бўлмайди. Бугун ток билан овқатимизни пиширяпмиз, совиб қолган бўлса, иситяпмиз, сочимизни қуритяпмиз, компьютерларимизни ишлатяпмиз, белимизни уқалатяпмиз, пластик қувурларимизни улаяпмиз, михимизни бураяпмиз ва ҳоказо.

Нима қилиш керак? Мавжуд электр станцияларини таъмирлаш, янгиларини барло этиш лозим. Қолаверса, қуёшдан электр қуввати олишни кенг йўлга қўйиш зарур. Токни иқтисод қилишнинг қатъий йўл-йўриқ, чора-тадбирини кўришимиз шарт, кам қувват билан ёритадиган лампочкаларни ишлатишга ўтишимиз ҳам давр талаби...

Шундай ҳовлилар борки, эрталабгача бир неча чироқ ёниб ётади. Тўғри, сохиби хонадон "Ақчасини тўлаб қўйганман, сенинг неча пуллик ишинг бор?!" дейиши мумкин. Лекин у билмайдики, худди шунинг ўзи учун бу кеча кимнингдир хонадониди чироқ ўчиқ туради.

Наманганнинг Тўрақўрғон тумани марказида бўлди. Кўп ҳовлилар олдидан йил-ўн икки ой катта ариқларда сув пастга қараб шариллаб оқиб ётибди. Ҳеч ким ариққа ўз хонадонини учун электр токи ишлаб чиқарадиган генератор қўйишни ўйлаётгани йўқ. Бунинг учун бир оз маблағ ва билим керак-да.

Самарқанднинг Ургут туманида Намоз Ҳамро деган бир шоир акаимиз балиқчилик хўжалиги ташкил этган. Бу йилги ҳосил фойдасидан балиқхона олдидан беминнат оқиб ётган сув кучидан ток олададиган генератор сотиб олмоқчи.

Ҳолбуки, халқимизнинг бу борадаги эҳтиёжи шу қадарки, мамлакатнинг шундай имкони бор ҳар қандай ерида генератор ишлаб туриши керак. Биргина хонадоннинг электр билан таъминлангани ҳам фойда-ку.

Лекин ажаб бир одатимиз борки, шуни ҳам давлат уюштиришини, бу ишга катталар бош бўлишини, яна ҳам очиқроқ айтганда, мажбурлашини кути-и-б ўтираверамиз.

Ҳаёт шундайки, кимдадир маблағ бор, ақл йўқ, кимдадир ақл бор, маблағ йўқ. Нима қилиб бўлса ҳам, шу иккисини қовуштириш керак.

Оммавий ахборот воситалари халқ билан мулоқотнинг синалган, жуда катта кучга эга, тап-тайёр механизми ҳисобланади. Аммо энди оммавий ахборот воситаларини халқнинг зиёлилари учун чинакам минбарга айлантириш вақти етди. Зиёлилар халқнинг локомотиви ҳисобланади. Биргина локомотив эса бутун бошли эшелонни тортади. Бунинг ёрқин мисолини демократик тараққиётда олдинлаб кетган давлатлар мисолида кўриб-билиб турибмиз.

Интернетда телефонда гаплашиш билан боғлиқ айрим маслаҳатларни ўқиб қолдим. Унда нима дейилган, денг? "Мабодо, суҳбатдошининг гап-сўзи қулоғингга ёқмаса, завқ-



шавқ билан гапириб туриб, бирдан телефоннинг ўчирадиган тумтумагини босиб қўй. Қайта териб, тагин гап бошласа, яна шундай қил. Охири у алоқа сенинг айбингсиз, ўз-ўзидан узилиб қолди, деб ўйлаб, қайта кўнғироқ қилмайди”, деб уқтирилган.

Демократиклик даражаси паст жамиятларда зиёлиларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишига ана шундай муносабат қилинади. Оқибатда бундан бутун жамият ютқазади. Чунки, боя айтганимиздек, масалани кўтармаслик, муаммони айтмаслик билан у ечимини топмаслиги аниқ. Ваҳоланки, зиёлилар халқнинг кўзини очиши, онгини ўстириши зарур эмасми?!

Омма билан мулоқотнинг турлари кўп. Дейлик, бизда бутун бошли миллий ғоя, маънавият ва маърифат тарғиботи тизими шакллантирилди. Энди бунинг кўлами ва тарғиботчилар сафини кенгайтириш зарур. Эҳтимол, вақт ўтиб, жамиятда ҳар жиҳатдан адолат ўрнатишга қаратилган халқ билан мулоқотнинг шу пайтгача мисли кўрилмаган механизмлари юзага келар.

Унақасига ҳам, бунақасига ҳам, халқ билан мулоқот сиёсати айрим иввогар, тамагир, бошқаларни “тепага ёзиш” билан кўрқитиб кун кўрмоқчи бўлган ғаламис кимсаларнинг кўпайишига олиб келмаслиги зарур.

Фуқаронинг давлат ва жамоат ташкилотларига мурожаат қилишида ҳам юксак мада-

ният шаклланиши лозим. Бу борада Алишер Навоий ижодида бир нозик нуқта бор.

Шоир “Садди Искандарий”нинг сўнгги болларидан бирини укаси Дарवेशалига насихат ўлароқ битган. Бу бежиз эмас. Чунки шоҳ, яна кимсан жаҳонгир Искандар Мақдуний ҳақидаги, жумладан, халққа етакчилик қилиш фалсафаси очилган, давлатчилик, уни бошқариш сир-синоати бадиий тил қуввати ила ёритилган бу дostonда Дарवेशалига насихат қилиниши мантиқан тўғри.

Навоийдек шоир инисига аввал Худо, сўнг Пайғамбар (с.а.в.) амрини бажо келтиришни уқтиради. Хўш, кейин-чи? Кейин валинеъмат буйругини бажариш керак:

*Худову Расул амри топқач камол,
Валинеъмат амрига қил иштиғол.*

Валинеъмат сўзи бу ерда шоҳни, аниқроғи, Хусайн Бойқарони англатиб келган. Чунки Дарवेशали бу темурий ҳукмдорнинг ҳокимларидан бири эди. Замоннинг қонуний ҳукмдори буйруғини адо этиш масаласи шариатда ҳам бор.

Ғарб демократияси шу ерини маҳкам тутиб олиб “Мана, бу – демократияга зид нуқта, фуқаро буйруқ бажариши керак, вассалом!” деб айюҳаннос солиши ҳеч гап эмас. Йўқ. Навоий буюк сиёсатшунос, давлатшунос эди. Давлатни бошқаришнинг амалиёти ҳам унга сира бегона эмасди. Хусайн Бойқаро

давлатининг камоли бир жиҳатдан ана шу улуг зотга боғлиқ бўлган. Шоир асарларида илгари сурилган, амалий фаолияти билан уйғунлашган давлатшунослик – муайян бир тизим. Демократия бу тизимга сира ёт эмас.

Келинг, Дарवेशалига насиҳатга қайтайлик.

Борди-ю, шоҳ ҳукмида эътирозли ўринлар бўлса-чи? Унда нима қилиш керак? Навоий ҳукмнинг кўр-кўрона ижроси тарафдори эмас – агар эътирозинг бўлса, марҳамат, арз қил, дейди у:

*Не ҳукм айласа, қилмогин фарз бил,
Агар шубҳае бор эса – арз қил.*

Ҳозир шоҳ замони эмас. Биз демократик тузумда яшаймиз. Давлат раҳбарини халқ очик, альтернатив асосдаги, яширин овоз бериш йўли ва катта кўпчилик овоз билан сайлади. Давлат раҳбари мамлакатни халқ сайлаган вакиллар кўпчилик овоз билан қабул қилган қонунлар асосида бошқаради.

Дарवेशали ҳоким эди. Шоҳга арз қилиш имкони ҳам, ҳуқуқи ҳам бор эди. Бугун фуқаронинг давлат идоралари фаолиятига у ё бу шаклдаги муносабати пайдо бўлса, қайси йўл билан ифодаласин?

Демократик тузумда “тўртинчи ҳокимият” худди шу вазифани бажаради. (Давлатимиз раҳбари шунгагина таяниб қолмаслик учун электрон қабулхона ҳам ташкил этди.) Демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркин бўлиши, яъни давлат назоратидан холи фаолият олиб бориши лозим. Матбуот ва радио-телевидениенинг давлат таркибига кириши якка мафкура ҳукмрон бўлган тузумларга хос ва бу тараққиётга зид эканини тарих тасдиқлаб турибди. Шунинг учун образли тарзда “тўртинчи ҳокимият” дейилади. Бу шу маънодаки, оммавий ахборот воситалари, гарчи давлат назоратидан холи, эркин фаолият олиб борса ҳам, давлат ишларига худди бир давлат органи даражасида кўмак бериши керак. Оммавий ахборот воситалари чинакамига халқ ўз фикри ва нуқтаи назарини очик ва эркин баён қиладиган, керак бўлса, давлат органлари фаолияти тўғрисидаги, хоҳ ижобий, хоҳ танқидий муносабатини ошкор билдирадиган минбар

бўлиши зарур. Модомики, Конституциямизнинг 7-моддасида “*Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир*”, деб ёзиб қўйилган экан, давлат халқнинг фикрини эшитишга, қатъий инobatга олишга, яъни ўз фаолиятини фуқароларнинг талаби асосида йўлга қўйишга мажбур.

Масаланинг бундан ҳам муҳим бир жиҳати бор. Бу давлат ҳокимият идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ. “*Адолат – қонун устуворлигида*” деган ҳаётий тамойилга қатъий амал қилишга шу тариқа эришилади. Демак, жамоатчилик бевосита давлат ва жамият бошқарувига аралашши керак.

Гап яна ўша Навоий Дарवेशалига айтган насиҳатга келиб тақалади.

Давлат ва ҳукумат фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатишга эришиш учун фуқаро, шахс фаол бўлиши шарт. Марҳамат, ҳар бир киши у ё бу масалага муносабатини билдирсин. Ҳаётни яхшилаш, ривожланиш, фаровон яшашнинг турли-туман йўллари ўртага ташланаверсин. Шунда, албатта, давлат ҳам халқдан чиқаётган шу фикр-мулоҳазаларга таянади.

Лекин Навоий укасига тайин-тайин уқтирган бир жиддий шарт бор:

*Вале арзида асра шарти адаб, –
Ки тарки адаб баҳра берур тааб.*

Бу қимматли ўғитни бугунги кунимизга мослаб тушунтирадиган бўлсак, демократиянинг ҳам одоби бор, унга қатъий амал қил, дейилмоқчи. Яъни давлат давлат ҳукумат, давлат ташкилоти билан жамоат ташкилоти вазифаси ўртасидаги фарқи ажрата олмай туриб, билиб-билмай, масаланинг моҳиятига етиб-етмай фикр айтаверма.

Кўриниб турибдики, мурожаатда ҳам мурожаат бор экан. Фуқаронинг давлат идораларига ҳар қандай мурожаати асосли, пишиқ-пухта ёзилган бўлиши лозим. Бунга эришиш учун ҳам бизда мурожаат маданияти юксак даражага кўтарилиши зарур.

Бугун Ўзбекистоннинг тақдири ҳаммамизнинг тақдиримизми, у ҳолда юртнинг равнақи ҳам ҳаммамизга, ҳар биримизга боғлиқ.

Демократия – яхши нарса. У кўп мамлакатлар тараққиётига асос бўлганига шубҳа йўқ. Бироқ биров четдан келиб бизга демократия яратиб бермайди. Уни ўзимиз бунёд этамиз, ривожлантираемиз.

Хожагон-нақшбандиянинг бугун дин ва давлат, дунё ва дин, тасаввуф ва сиёсат масалаларини ойдинлаштириб олишда айрича аҳамияти бор. Айтиш мумкинки, тасаввуфнинг дунёвийлашиши айнан Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувонийдан бошланган. Бизга маълумки, тасаввуф дастлаб ҳукрон сиёсатнинг ҳам, расмий диннинг ҳам кучли қаршилигига учради. Сўфиёна эътиқоди туфайли Мансур Ҳаллож ноҳақ дорга осилди. Хожагон тариқатининг машҳур давомчиси Хожа Али Ромитаний *“Агар Ер юзида Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний фарзандларидан (яъни шогирдларидан – С. О.) бири бўлса эди, Мансур Ҳаллож ҳеч қачон дор остига бормас эди”*, деганида айнан Ғиждувонийнинг тасаввуфини мўътадиллаштиргани, уни сиёсатга ва расмий динга яқинлаштирганини кўзда тутган.

Бу оқилона йўл изчил давом этиб, жожагон-нақшбандиянинг теуриийлар замонидаги буюк раҳнамоси – Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валий ҳаёти ва фаолияти мисолида тасаввуфнинг сиёсатга ихтилофдан (оппозициядан) ихтилотга (муроасага) келиш тизимига айланган.

Бу зот ҳукмдорларга хат ёзиб, халқ дардини ифодалади, уларни одил ва оқил йўлга, тинчликпарварлик, бунёдкорликка ундаб турди. Айнан шунинг учун ҳам Алишер Навоий *“Хамса”*си таркибидаги дастлабки достон – *“Хайрат ул-аброр”*да бу ҳақда махсус байтлар битади.

Уларнинг бирида шоҳлар бу шайх қуллуғига юз қўйиши, базмида огоҳ зотлар ҳам ўзидан кетиб қолишини айтади:

*Юз қўйон қуллуғига шоҳлар,
Базмида беҳуд ўлуб огоҳлар.*

Шоир бу улуғ авлиёуллоҳни жаҳон мулкининг кўриқбони деб алқайди:

*Мулки жаҳон мазраъи деҳқони ул,
Балки жаҳон мулки ниғаҳбони ул.*

Шоир бу таърифдан ҳам қоникмай, авлиёни барча султонларнинг султони дея мадҳ этади. Ҳолбуки, Хожа Аҳрор тахтга ўтирмаган, бунга иштирмаган ҳам. Бир зиёли сифатида сиёсатнинг одилликка эришувига кўмаклашган. Навоий васфича, агар ул зотнинг мактублари қай бир шоҳнинг кўлига етса, номани бошидаги тож, ундаги ҳар бир сўзни эса тождоғи қимматбахо дур янглиғ эъзозлайди. Хожа Аҳрор сўзласа, фақат шоҳларга эмас, ҳатто гадоларга ҳам тож улашган бўлади. Чунки ул зот олдида шоҳу гадо – тенг. Ул ҳазрат қаҳирганида шоҳлар навбатда туриб, хоки пойини ўпади.

Бу талқинларда буюк шоир зиёли зотнинг давлат бошқарувига таъсирини кўрсатиб беряпти. Бу бутун башарият тарихида халқ билан мулоқотнинг олиё нуналаридан бири бўлса, ажаб эмас.

Энди кейинги асрларга эътибор қилайлик. Атоқли адиб Садриддин Айнийнинг *“Эсдалиқлар”*ида мавзумизга алоқадор икки муҳим жиҳат қаламга олинган. Биринчиси шуки, Бу-хоро амири Арк рўпарасидаги Пешгоҳ масжидига жума намозига чиққанида халқ унинг аскарлари милтиқлари найзасига арз-дод ёзилган қоғозларни суқар экан. Кейин саройда бу талаб, таклиф ва мулоҳазалар кўриб чиқилар экан. Иккинчиси шуки, амир бирор фармон чиқарса, ўз вакилини юбориб, Жўйбор мажмуасида макон тутган нақшбандия сўфийларининг бу ҳақдаги фикрини сўраттираар экан. Жўйбор шайхлари эса ўзининг эмас, халқнинг муносабатини баён этар экан.

Бундан бир аср бурунги, ҳозирги давлатчилик талаблари билан ёндашилганда, қо-лоқ, амалда ярим мустамлака бир давлатда ҳам, қаранг, халқ билан мулоқот анъанасига шунчалик риоя этилган экан.

Халқ, Ватан (яъни ҳудуд) ва давлат бирлиги бахтли-саодатли ҳаёт кечириш учун замин бўла олади. Мустақилликка эришганимизга қадар бизда халқ бор эди, Ватан бор эди, лекин миллий давлат йўқ эди.

Хўш, энди бир нарсани аниқлаштириб олайлик: халқ каттами ёки давлатми? Бу саволни бошқача ифодалаш ҳам мумкин: халқ давлатга хизмат қилиши лозимми ёки давлат халққа хизмат қилиши керакми? Халқ давлат олдида бурчдорми ёки давлат халқ олдида бурчдорми? Халқ давлатга ҳисоб бериши керакми ёхуд давлат халққа ҳисоб бериши зарурми?..

Бу саволларни яна давом эттириш мумкин. Бироқ, ҳар қанча давом эттирмайлик, моҳият ўша-ўшалигича қолаверади.

Шўро даврида давлат ҳаддан зиёд кучайтирилиб, халқ билан ҳисоблашиб ўтирмайдиган монополистга айланганди. Халққа очиқ-ошкор "Ҳамма нарсани давлат қилиб берапти", деб уқтирилди. Шунга кўникирилди. Шунга ўргатилди.

Ҳолбуки, Одам Ато замонидан буён бирор давлат халқини боққан эмас, боқолмайдиган ҳам. Аксинча, халқ ўзини ўзи боқади ва бунга қўшиб, давлатини ҳам боқади.

Чорак аср аввал бу ҳақиқатларни халққа ошкор айтиш имконига эга бўлди. Бироқ вазият оғир эди. Халқ аввал ёш, мустақил давлатини қуриши, уни мустақамлаб олиши лозим эди. Навиҳол давлатни ҳимоялаш ҳаёт-мамот масаласи эди.

Бугун баралла айта оламизки, халқ бу вазифани сидқидилдан бажарди. Қанча-қанча одамларимиз бу йўлда фидойилик билан тер тўкди. Мутлақ янги давлат қурдик. Унинг чегараларини тортдик, мустақамладик, ишонч билан қўриқаямиз. Миллий армия туздик. Жаҳоннинг кўпга мамлакатлари билан ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатдик. Давлатчилик тизимини яратдик. Уни тобора мустақамлаб, такомиллаштириб бораёмиз. Бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум, яъни ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ўзимизга хос ва мос йўл билан барпо этяёмиз...

Президент Шавкат Мирзиёевнинг сайловди учрашувларда бот-бот такрорлаган *"Шу пайтгача халқ давлатга хизмат қилди, бундан буён давлат халққа хизмат қилади"* деган шioriни, аввало, ана шу тарзда тушуниш керак. Бундан ташқари, давлат шундай кучга эгаки, агар қатъий қонунлар, мустақам

тартиб-интизом, қаттиққўл сиёсат юритилмаса, бошқарув идоралари раҳбар ва ходимлари лавозим берган имкониятларни суистеъмол қилиб, халқ билан ҳисоблашмай қўйиши, унга нисбатан белисанд муносабатда бўлиши, ҳатто унга жабр етказиши ҳеч гап эмас. Ўтган 25 йиллик тарих бунга талай мисоллар келтириш имконини беради.

Хато – ҳар қандай замон ва маконда ҳам хато. Жиноят – ҳар қандай замон ва маконда ҳам жиноят. Аммо хато тузатилмаса, янги замонда ҳам бемалол давом этаверса, бу энди жуда ёмон оқибатларга олиб бориши мумкин. Шу нуқтаи назардан қаралса, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги бир давр бошланди. Буни ҳаммамиз кўриб-билиб, ҳис этиб турибмиз. Дунё ҳам тан олаётир.

Бу янги давр ўта муҳим икки хусусиятга эга. Биринчидан, бу давлатимиз асосчиси Ислоҳ Каримов бошлаган ҳаётнинг барча жабҳаларини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган мустақиллик сиёсатининг изчил давоми. Иккинчидан, босиб ўтилган чорак асрлик йўл обдон мулоҳаза қилиниб, ютуқларни янада ривожлантириш, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётни тамоман янги даражаларда қуриш палласига кирилди.

Давлат – халқнинг энг катта бойлиги. Бу бойлик халқ йўлида сарфланиши зарур.

Халқ билан мулоқот инсон манфаатларини таъминлайди.

Халқнинг руҳини кўтариш лозим.

Халқни қизиқтириш керак.

Халқ – катта куч. Унинг салоҳиятини кучайтириш, бундан юрт манфаати йўлида фойдаланиш зарур. Бу давлатни ҳам мустақамлайди.


Халқни эшитиш пайти келди. Унинг дардига малҳам бўлиш шарт.

Кимдир "Бу гапларни кўп эшитганмиз", деб ўйлаётган бўлиши ҳам мумкин.

Бироқ шу нарсани аниқки, булар асло баянларнинг гаплар эмас. Хусусан, бу гаплар Ўзбекистонимизда оёқни ерга мустақам қўйган ҳолда айтиляпти.

Назаримда, 2017 йил бу жиҳатдан давлат ва халқ тарихида янги ва тамоман ўзига хос саҳифа очади.

Аҳмад РАҲМОНОВ



VAYRONKORLIK “SAN’ATI”

Муқаддима

Бугун “террорчилик” турли зиддият ва тўқнашувларни ифодаловчи атама сифатида бот-бот тилга олинмоқда. Уни муҳолиф кучлар ўз ҳарифларига “ёрлик” қилиб ёпиштириши-да таомилга кираётир. Аслида, террорчилик сиёсий, диний ва мафкуравий мақсадлар йўлида бир восита бўлиб, зўравонлик орқали аҳолида кўрқув уйғотишни назарда тутади. Тарих гувоҳлик беришича, бу восита душманни руҳан синдиришнинг энг қулай ва камхарж йўлидир. Азалдан уруш ғолиблари бешафқат қатагон орқали мағлубларнинг руҳий қаршилигини енгилга ҳаракат қилган. Ушбу қуролдан турли гуруҳлар – ўнг ва сўл сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, уюшган жиноий гуруҳлардан тортиб қудратли давлатларгача фойдаланган. Терроризмнинг яна бир муҳим белгиси шуки, у оммавий равишда қўлланади, яъни азият чекадиган аҳоли сараланмайди. Мақсад эса муайян мафкура, дин, сиёсий гуруҳ ёки шахс мавқеини мустаҳкамлаш, унинг сиёсий таъсирини орттиришдир.

“Террорчилик” тушунчаси оммавийлашгани сари сиёсийлашиб ҳам бормоқда. Боз устига, айрим давлатлар ундан ўз душманларини обрўсизлантириш йўлида фойдаланяпти. Ушбу ҳолат эса “терроризм” тушунчасини янада мавҳумлаштириб юбормоқда. “Терроризм” атамаси жоиз-ножоиз тез-тез такрорланаётган бўлса-да, унинг умумқабул қилинган таърифи ҳануз йўқ.

Террорчилик кейинги вақтда авж олаётгани сабаби нимада? Нега унга бутунлай барҳам бериш мумкин эмас? Пухта тайёргарликдан ўтган минглаб аскарга эга, юксак ҳарбий технологиялар билан таъминланган қудратли давлатлар ҳам бу офатни Ер юзидан супуриб ташлай олмаётгани ажабланарли, албатта. Терроризмга давлатларнинг сиёсий ўйини ёки яширин фитнаси сифатида қараш ҳам мавжудки, бунинг оқибатида турли-туман фитна назариялари урчиётир.

Бизнингча, террорчиликни енгиб бўлмаётгани сабаби жуда оддий. Террор орқали курашиш одатий урушдан кескин фарқ қи-

Тинч жа- мият- ларда со- дир этил- ган террор хужуми бутун дунёда акс садо бера- ди-ю, зўравон- лик ҳар куни давом этаёт- ган ҳудудларда улар одатий тусга киради. Париждаги террор хужу- ми оқибатида ўлганлар Сурия уруши қурбонла- ридан минг чан- дон оз бўлишига қарамай, унинг овозаси бутун дунёни тутган- ни бунинг тас- дигидир. Уруш олови ёнаёт- ган минтақа- ларда, афсус- ки, инсон ҳаётининг сарик чақа- лик қийма- ти қол- маган.

лади. Ундан мақсад душманни жанг майдонида буткул тор-мор этиш эмас, балки провокация орқали уни асабийлаштириш, ўзини ич-ичидан емириб йўқ қи- лишга мажбурлашдир. За- монавий террорчи кучлар- ни биргина АҚШ армияси билан қиёсласак, улар орасида осмону ерча фарқ борлигини кўра- миз. Шу боис террор- чилар учун душман билан юзма-юз эмас, яширин урушиш- дан бўлак йўл йўқ. Хавотирлиси, дав- латларнинг манфа- атлари тўқнашган ҳудудларда терро- ризм илдиз отиши учун қулай шаро- ит – “мафкуравий бўшлиқ” вужудга келмоқда. Йирик давлатлар ҳудуд- да тартиб ўрнатиш учун ўзаро келиш- гунга қадар ўша ерга ўрнашган тер- рорчи кучлар диний ёки миллий ради- кализмни кучайти- риб, янги-янги кўпо- рувчи тўдалар пай- до бўлишига замин ҳозирлаётир.

Аламзадалар стратегияси

Терроризм замирида кишилар онгига кўрқувни сингдириш орқали жами- ятда сиёсий ўзгаришлар яшаш стратегияси ётади. Шунинг учун ҳам террорчи гуруҳларни бирор расмий сиё-

сий куч очиқ-ошкора қўлламайди. Таъкиб остидаги террорчи кучлар ҳар қанча қуд- ратли бўлмасин, очиқ уруш галаба келтир- маслигини яхши билади. Шу сабабли улар камдан-кам ҳоллардагина давлатларнинг электр станциялари, сув омборлари каби “иқтисодий юраги”га ҳужум қилганига гувоҳ бўламан.

Террорга қарши урушда кўпорувчилар уйғотган кўрқув ва ишончсизлик асосий ўринга чиқади. Албатта, одатий урушлар- да ҳам кўрқув омили роль ўйнайди, аммо уларда оз бўлса-да келажакни олдиндан кўриш, оқибатларни тахмин қилиш мумкин. Бундай урушлар, асосан, давлатлар ўртаси- да кечади ва душман ким экани аён бўла- ди. Террорчиларнинг “қиёфасиз”лиги эса аҳоли орасида кўрқувни янада алангала- тади – улар бир миллат ёки давлатга таал- луқли униформадаги кишилар эмас, балки атрофимизда яшовчи ҳар бир киши бўлиши мумкин.

Сиёсий вазиятнинг куч билан ўзгартириш осон эмас, айтиқса, коммуникация техно- логиялари юксак ривожланган бугунги кун- да давлатлар ўз ҳудудини қаттиқ назорат қилади. Мамлакатнинг ҳар қандай бурчида юз беражак тартибсизлик ёки ҳужумга ҳу- куматлар тез фурсатда жавоб қайтариш имконига эга. Бундай вазиятда бирон бир давлатга ҳужум қилиш мағлубиятга олиб бориши турган гап. Ҳатто ҳужум оқибатида зафар қозонилганда ҳам, аксар ҳолларда, галаба узоққа чўзилмайди. Тарихга назар солсак, 1941 йили ҳитлерчилар яшин тез- лигида бостириб кириши оқибатида Совет Иттифоқи дастлаб уч миллион аҳолиси ва муҳим sanoatлашган ҳудудларидан ажрал- ган. Улкан йўқотишга қарамасдан, уруш яна тўрт йил давом этди ва Совет Иттифоқи галабаси билан тугади. Чунки қонуний бўл- маган ва тан олинмаган кучларнинг ҳужуми аксар мағлубият билан яқунланади. Бунга қўшимча мисол қилиб, Совет Иттифоқининг Афғонистонга, АҚШнинг Вьетнам ва Ироққа ҳужумини ҳам келтириш мумкин. Қудратли давлатларки, ўзидан заиф мамлакатларга

ноқонуний ҳужум уюштириб мағлубиятга уч-
рар экан, террорчи гуруҳларга йўл бўлсин!

Террор ҳужумлари оқибатида ҳалок бўл-
ганлар сони ҳам одатий урушларга нисба-
тан жуда оз. Ҳатто автоҳалокатларда кўпо-
рувчилик ҳаракатларидан кўпроқ одам қур-
бон бўлади. Агар 1980 йилдан буён террор
ҳужумлари оқибатида ўлганлар сонини ўр-
тача икки давлат ўртасидаги урушда ҳалок
бўлганлар сони билан солиштирсак, террор
қурбонлари камроқ бўлиб чиқади. Бошқача
айтганда, ҳар куни чекадиган сигаретамизу
ейдиган ёғли овқатимиз "Исломиё давлат"
тўдасидан хавфлироқ бўлиши мумкин.

Шундай экан, нима учун террорчилар
ҳали ҳам ўз курашларида бардавом? Наҳот
улар ўз пировард мақсадига эришиши мум-
кин бўлса? Ҳар қандай террор ҳужумидан
сўнг давлатларнинг ҳарбий кучи камайиб
қолмайди, танк, самолёт ва бошқа қурол-
лар деярли бус-бутун сакланиб қолавера-
ди. Қизиғи шундаки, террорчиларга айнан
шуниси керак. Чунки даҳшатли террор ҳу-
жумидан сўнг талвасага тушган давлат куч
ва имкониятини керагидан ортиқроқ сарф-
лашга киришади ва ўзи билиб-билмай тер-
рорчилар неча йиллар давомида амалга
ошира олмаган ҳарбий, сиёсий ўзгариш-
ларга қўл уради. Масалан, 11 сентябрь
ҳужуми АҚШнинг Афғонистон ва Ироққа
нисбатан агрессиясини кучайтирди, оқи-
батда бу ўлкалардаги тузумлар таг-туги
билан кўпориб ташланди, бироқ аввалги-
сининг ўрнини боса оладиган ҳукуматлар
ўрнатилмади. Шу асно террорчиларга жан-
гариларни ёллаш ва уларни чиниқтириш
учун кенг имконият яратадиган, сиёсий ва
иқтисодий инқирозга ботган янги ҳудудлар
пайдо бўлди. АҚШнинг обрўси тўкилгани
ҳақида-ку гапирмасам ҳам бўлади.

Аслида, терроризм заиф ва аламзада
армиянинг стратегиясидир. Ўзига ишонган,
ҳарбий қудратга эга кучлар душманга тер-
рор орқали ҳужум қилмайди. Боиси, террор
ҳужумидан кўзда тутилган натижа тўлалиги-
ча душман реакциясига боғлиқ, агар рақиб
донолик билан йўл тутса, ҳужум тайинли

натижа бермайди. Маълумки, ҳар бир
давлатнинг бирламчи вазифаси — ўз фуқа-
ролари хавфсизлигини таъминлаш. Буни
яхши билган террор-
чилар ҳужумларни
имкон қадар кўзга
кўринарли жойларда
амалга оширади. Шу
асно улар жамият ва
давлат ўртасидаги бирликка раҳна солишга,
давлатни обрўсизлантиришга ҳаракат қила-
ди. Дейлик, террорчиларнинг бирор давлат
пойтахтидаги савдо марказига ҳужуми оқи-
батида юзлаб одам нобуд бўлди. Давлат
ўз фуқароларининг ҳимоячиси сифатида
террорчиларни жазосиз қолдирса, халқ ол-
дида обрўси тўкилади, чунки халқ ҳар бир
қурбон учун жиноятчи муқаррар жазо оли-
шини талаб қилади. Бундай вазиятда дав-
лат ўз халқи нафратига дучор бўлмаслик
учун террорга қарши кенг қўламли уруш
очади. Бу урушда душман яширинлиги са-
баб айбисизлар ҳам азият чекиши эҳтимоли
бор. Азият чеккан бегуноҳлар эса, одатда,
террорчилар учун янги жангарилар манбаи-
га айланади.

Шундай стратегия қўллаган террорчилар
ҳужум объектлари ва уларнинг рамзий маъ-
ноларига алоҳида эътибор қаратади. Маса-
лан, "11 сентябрь" сўзини эшитсак, кўз ол-
димизга Жаҳон савдо марказининг қулаёт-
ган эгизак бинолари келади, ваҳоланки, ай-
нан шу куни АҚШнинг ҳарбий юраги бўлмиш
Пентагонга ҳам икки ҳужум уюштирилган
эди. Омма тасаввурда Пентагонга ҳужум
иккинчи ёки учинчи даражада, аслида эса
Мудофаа вазирлигига ҳужум АҚШ тарихи-
даги энг хунук саҳифадир. Париждаги "Шар-
ли Эбдо" журнали таҳририяти ва "Батаклан"
туни клуби, Анқара марказидаги парк ёки
Брюссель аэропортидаги портлашлар ҳам
шундай "спектакл"ларга мисолдир. Кўзлан-
ган мақсад — кўпроқ одам ўлдириш эмас,
одам кўпроқ жойда тўс-тўполон кўтариш!



Ҳамонки терроризмни маҳв этмоқчи эканмиз, бир ҳақиқатни англаб олмоғимиз лозим – террористлар бизни очик майдонда юзма-юз курашда енга олмайди, аммо уларнинг ҳужуми ортидан юзага келадиган провокациялар сабаб ўз-ўзимизни маҳв этиб қўйишимиз мумкин.

Провокациядан қутулиш йўли борми?

Ҳўш, терроризм провокация бўлса, нима учун давлатлар бу провокацияга ҳамон чув тушмоқда? Биринчидан, оммавий коммуникация воситалари юксак ривожланган бугунги шароитда бирор террор ҳужумидан сўнг расмий баёнот бермаслик ва унда "давлатнинг бор кучини ишга солиб, террорни илдири билан кўпориш" жумласини қўлламасликнинг иложи йўқ. Акс ҳолда, террористлар ва уларнинг маслақдошлари мазкур давлатни ўз халқини ҳимоя қилишга ожиз, дея провокацияни яна аланга олдиради. Бинобарин, террорчилар ОАВ аҳоли билан давлат ўртасида асосий кўприкка айланганидан фойдаланиб қолишга уринади.

Икинчидан, ҳар бир давлатнинг тақдирини фуқаролари ва ҳудудларини ички ҳамда ташқи таҳдидлардан ҳимоялашга боғлиқдир. Агар ушбу вазифа уддаланмаса, давлатнинг қонунийлигига путур етади. Масалан, зилзила оқибатида ўн минг киши нобуд бўлиши мумкин, лекин жамият бунинг учун камдан-кам ҳолларда давлатни айблайди. Террор ҳужуми оқибатида юз киши нобуд бўлса-чи – ҳамма айблов ва таъналар давлат устига ёғилади. Шунингдек, зўравонлик, ўғирлик, фирибгарлик ёки жинсий зўрлашлар учун ҳам камдан-кам ҳолларда давлат айбланади, чунки тарихий тадрижга эътибор қаратсак, бу жиноятларни буткул йўқ қилиш давлатнинг вазифаси эмас, жамиятнинг ўзи бу иллатларга қарши курашмоғи зарур, давлат эса уларни жозолашигина лозим, деган қараш шаклланган.

Учинчидан, тараққий топган замонавий жамиятларда жисмоний зўравонликка деярли барҳам берилган. Уларда, маълум маънода, тинчликка, ҳамкорликка эришилган,

ижтимоий муаммоларни зўравонлик орқали ҳал этиш ўрнини шахслараро мулоқот ва мурося эгаллаган. Измида бир неча минг тонна атом бомбаси ва қудратли армияси бор президентлар ўз ўрнини тинч йўл билан янги сизга бўшатиб бериши бундан икки-уч аср муқаддам тасаввурга сиғмас эди. Террор ҳужумлари эса сокин уммонда шовқин кўтарувчи, лекин аслида кучсиз шамолни ёдга солади. Ҳозирги жамиятларда юз бераётган зўравонликларни ҳатто бир аср аввалги зўравонликларга қиёсласак, жамиятда тинчлик ҳўкми суриши барқарор ва табиий ҳолдек кўрина бошлайдди. Ўтмишда қотиллик, уруш ва тўқнашувлар шу қадар одатий ҳол эдики, тинчлик даврида шаклланган бизнинг онгимиз воситасида буни тасаввур қилиш душвор. Кўз олдингизга келтиринг-а, араблар босқини даврида ўртаосиёлик бир гуруҳ кишилар исломни қабул қилганларни ўлдириш, яъни террор қилиш йўли билан арабларни шу ҳудудни тарк этишга мажбурлаши қанчалик кулгили бўлар эди! Бизнинг аждодларимизга терроризм бир шўхликдек кўриниши аниқ эди, назаримизда.

Шу сабабми, тинч жамиятларда содир этилган террор ҳужуми бутун дунёда акс садо беради-ю, зўравонлик ҳар куни давом этаётган ҳудудларда эса улар одатий тусга киради. Париждаги террор ҳужуми оқибатида ўлганлар Сурия уруши қурбонларидан минг чандон оз бўлишига қарамай, унинг овозаси бутун дунёни тутгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Париж тинч яшашга ўрганган, кичик бир хунрезлик ҳам бутун жамиятнинг ларзага солиши тайин. Уруш олови ёнаётган минтақаларда эса, афсуски, инсон ҳаётининг сариқ чақалик қиймати қолмаган.

Шу мантиққа таяниб айтиш мумкинки, тинч давлатлар кичик зўравонликни-да ўта жиддий қабул қилади, кўриладиган қарши чоралар заруридан ортиқроқ бўлади. Театроманд ҳужумлар сабабли кўтарилган ваҳимани бостиргани давлатлар ҳам театрмонанд ҳарбий ҳужум билан жавоб қайтаради. Албатта, террорчилар уюштирган кичик спектакль билан давлат уюштирган улкан спек-

такъл орасида катта фарқ бор. Миқдорий жиҳатдан олсак, давлатнинг террорга қарши бундай тадбири сабаб террор ҳужумидан ҳам кўпроқ киши азият чекади, қолаверса, давлат моддий ва маънавий зарар кўради.

Босиқлик лозим

Террорга қарши кураш террорчини жисмонан йўқ қилишигина англамайди. Бунда яна кўллаб омиллари назарда тутиш лозим. Агар давлат террорга қарши кураш очган бир вақтда ОАВ, зиёлилар ёки диний уламолар кўпуровчиликнинг вужудга келишига узрли сабаблар қидирса ва ҳа энди, буларни ҳам тушуниш керак-да қабилида муносабат билдирса, оммада террорнинг бузғунчи куч эканига шубҳа пайдо бўлади. Оқибатда ҳукуматга ишонсизлик кайфияти ортади ёки дин билан терроризмни қориштириш бошланади, охир-оқибат террорчилар кўзлаганидек жамият ич-ичидан емирила боради.

Бизнингча, давлатлар терроризмга қарши курашни, аввало, геополитик манфаатнинг асосий қирраси деб қабул қилиши лозим. Терроризмга "кўринмас қўллар" орқали бевосита ёки билвосита ёрдам бераётган давлатлар халқаро ҳамжамият томонидан сиқувга олинishi ва уларнинг диндан мафкуравий мақсадларда фойдаланишига чек қўйилиши зарур. Дунё давлатлари террорга қарши курашда ҳамкорликни кучайтириб, шовқин-суронларсиз, махфий хизматлар ролини оширган ҳолда киши билмас шаклда урушиши керак. Катта армиялар орқали террорга қарши уруш фақат ва фақат террорчиликнинг авж олишига сабаб бўлади.

Дин ва сиёсатнинг ўрни, айниқса, мусулмон жамиятларида аниқ белгилаб қўйилгани маъқул. Ҳукуматлар диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишдан тийилмоғи, сиёсат эса кишиларнинг аънаналари, диний қарашлари ва ҳис-туйғулари инъикоси эмас, балки давлатнинг узоқни кўзлаган манфаати ифодаси бўлмоғи лозим. Сўнги йилларда "Исломиё давлат" номли гуруҳнинг ривожланиши ва унга турли мамлакатлар фуқаролари қўшилиши фақат иқтисодий омиллари

билангина изоҳланмайди, балки айрим давлатлар ўз принцип ва қонунларига амал қилмаётгани оқибатида ҳам баъзи адолат излаганлар билиб-билмай террорчи мафкурачилар тузогига илинаётир.

Иқтисодий-ижтимоий адолатсизлик давлатдан норозилик кайфияти ортисининг энг кучли омилидир. Чунки бундай вазиятда жамият негизи бўлган ўрта синф вакилларида ҳукуматга қарши кайфият кучаяди. Қуйи синфга мансуб аҳоли орасида сиёсийлашув, уларда етарли ресурс бўлмагани боис, жуда суст кечади. Аксар ҳолларда бу қатламнинг сиёсатга муносабати қуруқ танқиддан иборат бўлади. Ўрта синф эса етарли моддий имкониятга эга ва сиёсий концепцияларни англай оладиган кишилардан ташкил топади. Ўрта синф ва ҳукумат орасидаги иқтисодий-ижтимоий келишув, яқдиллик давлатнинг узоқ муддатли осойишталиги кафолатидир. Агар ҳукумат ўрта қатламга берган ваъдасига вафо қилмаса, мазкур қатлам вакилларида ҳукуматдан норозилик кайфияти кучайиши, бу эса жиддий кўнгилсизликлар-

**Терроризмга
"кўринмас
қўллар"
орқали бевосита ёки билвосита ёрдам бераётган давлатлар халқаро ҳамжамият томонидан сиқувга олинishi ва уларнинг диндан мафкуравий мақсадларда фойдаланишига чек қўйилиши зарур. Дунё давлатлари террорга қарши курашда ҳамкорликни кучайтириб, шовқин-суронларсиз, махфий хизматлар ролини оширган ҳолда киши билмас шаклда, урушиши керак.**

**Ка-
пита-
листик
жами-
ятнинг
шов-шувга
ўч ОАВ тер-
рор хужум-
ларини бўрт-
тириб, бот-
бот ёритиши
терроризм
тобора куча-
йишига ва тер-
рорчилар оёғи
етиб бормаган
худудларда ҳам
уларга хайри-
хоҳлар пайдо
бўлишига қў-
маклашаётир.
Гап шундаки,
террорчилар
атрофида
журналист-
ларнинг
шовқин со-
лиши айрим
кишиларда
уларга қў-
шилишга
рағбат
уйго-
тади.**

га сабаб бўлиши мумкин. Афсуски, дунёнинг аксар давлатларида ҳукуматнинг бу қилишувга бепасанд қараши кузатилмоқда. Бошқарувчилар қатламининг нуқул бир хил кишилардан иборат бўлиши, айрим мансабдорлар ноқонуний ишлар қилса-да, озодликда ва ҳатто ҳукмрон табақа сафида қолиши ўрта синфда давлат сиёсати одиллигига шубҳа уйғотиб, уларда сўзи ва амали бир бошқарувни қўриш иштиёқини аланга олдиради. Демак, жамиятда иқтисодий-ижтимоий адолатни таъминлаш терроризмга қарши курашнинг энг ишончли ва самарали йўлидир.

Терроризмнинг бугунгидек кенг паллак отишида ОАВнинг "хизмат"и катта. Айниқса, капиталистик жамиятнинг шов-шувга ўч ОАВ террор хужумларини бўрттириб, бот-бот ёритиши терроризм тобора ривож топишига ва террорчилар оёғи етиб бормаган худудларда ҳам уларга хайрихоҳлар пайдо бўлишига қўмаклашаётир. Гап шундаки, террорчилар атрофида журналистларнинг шовқин солиши айрим кишиларда уларга қўшилишга рағбат уйғотади. Айниқса, жамиятда ўз ўрнини топишга қийналаётган ёшларда бундай гуруҳларга қўшилиш орқали "теле-

юлдуз"га айланиш иштиёқи пайдо бўлади. Масаланинг иккинчи томони, террор хужумлари ҳақидаги ваҳимали репортажлар ҳам оммада кўрқув ва ҳадик ҳиссини кучайтиради. Демак, кичик бир террор хуружи жамиятда саросима бошланишига сабаб бўлиши мумкин. Қурбонлар жасади ТВда худди шоудек намоиш этилиши кишиларда терроризм уларнинг уйи оstonасида турган хавфдай таассурот уйғотади. Шу сабабдан ОАВ террор хужумларини ёритишга жиддий масъулият билан, оқибатини ўйлаб ёндашиши лозим. Афсуски, бугунги ОАВнинг аксариятига бундай масъулият ҳисси бегона, аксинча, одамларни ваҳимага солувчи, энг кўп шов-шув уйғотувчи ахборот тарқатиш бобида кимўзарга мусобақалашилмоқда.

Юксак цивилизациялашган жамиятларда жисмоний зўравонликни камайтириш – терроризмга қарши курашнинг яна бир қуролидир. Аҳоли, айниқса ёшлар орасида мулоқот малакаси ва ўзаро ҳурмат муҳитини шакллантириш, ҳар қандай қадрият инсон манфаатига хизмат этишию шароитга қараб ўзгариши мумкинлигини барчанинг онгига сингдириш лозим. Бугун айрим давлатлар ҳадеб ўз мафкураси бошқаларниқидан устунлигини уқтирмоқда. Ахир, биз XIX асрда яшаётганимиз йўқ, бугун дунё глобаллашув туфайли борган сари "кичрайиб", маданий ва миллий чегаралар емирилмоқда. Ана шундай вазиятда бир юртва яшовчи, турли мафкура ва динга эргашувчи кишилар орасида ихтилофлар чиқиши ҳеч гап эмас. Юқорида зикр этилганидек, жамиятда бир мафкура олий ва ўзгармас деб сингдирилган бўлса, бунинг оқибатида жиддий тўқнашувлар, хунрезликлар юзага қалқади. Шу сабабдан, миллий анъана ва диний қадриятларни мутлақлаштирмаслик, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш зарур. Акс ҳолда, инсоният мисли кўрилмаган тўқнашувларга шўнғиб кетиши, боши доимий урушлардан чиқмай қолиши мумкин.

Юртимизда терроризмнинг олдини олиш соҳасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Гарчи ватандошларимиз ора-

сида хориждаги террорчи гуруҳлар сафига қўшилганлар борлиги кишида хавотир уйғотса-да, мамлакатимизда сўнгги ўн йилда кўпурувчилик содир этилмагани бунга яққол далилдир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, оила ва маҳалла институти, ОАВ ҳамда қатор ноҳукумат ташкилотлар бу иллатга қарши изчил курашмоқда. Аммо бу борада эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар ҳам бор. Террорни диний билимсизлик ва ижтимоий қийинчилик билангина боғлиқ деб тасаввур қилмоқдамиз ва кураш усуллари ҳақида шунга мувофиқ танламоқдамиз. Бу эса террор хавфини тўғри баҳолашга ҳалал бераётгандек. Дарҳақиқат, кашшоқ ва саводсиз омма жозибадор гоёлар ортидан эргашишга мойил, бунга эса молиявий ваъдалар ва руҳий манипуляция орқали эришилади. Аслида, авом орасидан етишиб чиққанлар террорчи ташкилотларнинг оддий жангарилари бўла олади, холос. Улар террор ҳужумларининг ижрочиси бўлади, масалан, худкушлик қилади. Аммо террор карвонини бошқарувчилар асосан саводли, ўрта ва бой қатлам вакилларидир. Улар Қуръонни қўлига олмаган, диндан беҳабарлар ҳам эмас. Бунга мисол қилиб, Усома бин Лодин, Айман аз-Завоҳирий, Абу Бакр ал-Бағдодий ёки Тожикистоннинг юксак ҳарбий лавозимида хизмат қилиб, сўнг "Исломиёв давлат" тўдасига қўшилган Гулмурод Ҳалимовни келтиришимиз мумкин. Уларни ҳаракатга ундаган сабаблар нафақат ижтимоий-иқтисодий муаммолар, балки мафкуравий бушлиқ билан ҳам боғлиқдир. Аксар мамлакатларда, жумладан, бизда ҳам диний-террорчи гуруҳлар сафининг кенгайишига кишиларнинг диний жоҳиллиги сабаб муаммони оммага диний илм бериш орқали ҳал қилиш мумкин, деган қараш мавжуд. Диний уламоларни "миллий" руҳда тарбиялаш орқали радикаллашувнинг олдини олиш мумкин, деган янглиш тасаввур ҳам йўқ эмас.

Ҳўш, бу усул қанчалик самара бермоқда? Бу саволга дафъатан лўнда жавоб бериш қийин. Чунки айна усул самарали бўлиши учун бир неча омилни ҳисобга олиш даркор.

Авалло, дин оламида обрўси баянд, харизматик диний раҳнамога эҳтиёж бор. Айна чоқда, бу раҳнамо машхурлиги ва обрўсини суиистеъмол қилмаслигига қафолат лозим. Боз устига, унинг диний йўриқлари нафақат ўз мамлакатига, балки бутун мусулмон оламида ўзига хос мавқе тутуши зарурдирки, акс ҳолда, экстремизмга мойиллиги бор кишилар назарида у "ҳукуматнинг одами" сифатида қолаверади, айтган сўзлари ҳам залворини йўқотади. Шундай раҳнамо топилган тақдирда ҳам муаммо тўлиқ ечилди дейишга ҳали эрта. Чунки бу чора кишиларни бир шахс теварагига муваққат жипслаштиради ва уларни диний оқимларга аввалгидан-да таъсирчанроқ қилиб қўяди. Раҳнамонинг вафоти ёки у билан боғлиқ турли можаролар жамоанинг яхлитлигига раҳна солиб, ўзаро душман гуруҳларга ажралишига олиб келиши мумкин. Масалан, Мисрдаги "Мусулмон биродарлар" ташкилотидан ўнлаб шундай гуруҳ ажралиб чиқди. Муаммо оғирлашса оғирлашдики, асло аримади.

Технология ва илм-фан ривожланган ҳозирги даврда кишилар онгига диний ақидапарастликка қарши иммунитет ҳосил қилишнинг йўллари ҳам кўпайган. Шулардан энг самаралиси, бизнингча, илм-фанни омалаштириш, ўрта ва олий таълимда олами танқидий ва мустақил англаш учун зарур бўлган фалсафа ва мантиқ, астрономия ва биология каби гуманитар ва табиий фанларни чуқурроқ ўқитишдир. Бу ишлар самараси тезда кўзга ташланмайди, бироқ узоқ муддатли ва ишончли натижалар бериши тайин. Зеро, диний ақидапарастлик, авваламбор, маданий хилма-хилликни тан олмайдиган фундаменталист мафкура бўлиб, у халқларнинг тарихий шаклланган миллий анъана ва қадриятлари, халқлараро мулоқот самараси бўлмиш байналминал маданият ҳамда ўзга дин ва халқларга бўлган толерантликни йўқотиб, ягона ном остиде универсал қоидаларга бўйсунувчи жамият яратишни кўзлайди. Илм-фан, маданий хилма-хиллик ривож топган диёрда эса диний экстремистик мафкураларга ўрин қолмайди.

JAHOLOT KUSHANDASI

Сиртдан қараганда хийла парадоксал ва зарарлидек кўриниши мумкин бўлган таълимотни ўқувчи эътиборига муҳокама учун ҳавола этмоқчиман. Унинг моҳияти бундай: тўғри деб ҳисоблаш учун ҳеч қандай асос бўлмаган мулоҳазага (пропозиция) ишониш номақбулдир. Бу қоидага барча бирдек амал қилиши ижтимоий ҳаётимиз ва сиёсий тизи-

мимизни – улар ҳатто мукамал шаклланган бўлса ҳам – ўзгартириб юбориши мумкин. Айни шу жиҳати таълимотнинг рад этилишига сабаб бўлади. Шунга ҳам аминманки (буниси янада жиддийроқ), мазкур қоида – хоҳ ҳозир, хоҳ келажакда бўлсин – ҳаётда мақтагули бирор иш қилмаган, содда кишиларнинг иррационал орзу-умидларидан

Миллатчилар, ирқчилар ва диний мутаассиблар ўз тарафдорларини инсонларнинг ақлини эмас, ҳиссиётини кўзгоччи мантиқан саёз, пухта асосланмаган шиорлар орқали кўпайтиришга уринади. Инсоннинг муайян гуруҳга (миллат, дин, ирқ, партия) мансублигини ҳис этиши, бошқача айтганда, муайян гуруҳга дахлдорлик туйғуси мудом ақлни хиралаштириб, уни ноҳолис фикрлашга, ёлғон гоёларга ишонишга ундайди. Айниқса, бу “Биз” ва “Ўзга”га бўлган муносабатда яққол намоён бўлади. Душманнинг ғаламис эканига ишонч, ҳатто у ёлғон бўлганда ҳам, гуруҳни янада жипслаштиради. Шунинг учун ҳам раҳнаомлар душман тарафнинг қанчалар ғаддорлиги ҳақида тинмай бонг уради. “Биз” ва “Ўзга”нинг муштарак жиҳатлари, умумий манфаатлари унутилиб, фарқли жиҳатларига ургу берила бошлайди. Одамлар ўз миллатдошлари, диндошлари ҳақидаги бор гапни ҳазм қила олмайди. Оқибатда эса миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби умуминсониятга хизмат қилувчи гоёлар урнини тоқатсизлик, мутаассиблик эгаллай боради. Хўш, бундай вазиятда йўлни йўқотмаслик, лўттибозлар алдовига чув тушмаслик учун нима қилмоқ лозим? Инглиз

фойдаланиб кун кўрадиган башоратгўйлар, бойдейкерлар, епископлар ва бошқаларнинг нонини яримта қилиши мумкин. Ана шундай эътирозларга қарамай, ўз нуқтаи назаримни ҳимоя қилишга уриниб кўраман.

Аввало, мени кескин йўл тутган деб айблайдиганларга жавоб берсам. Мен муросозлик ва мўътадилликка инглизчасига хайрихоҳлиги бўлган британ вигиман (либералиман). Пирронизм (скептицизм авваллари шундай номланарди) асосчиси Пиррон айтидики, бир хатти-ҳаракат бошқасидан афзалроқ эканини ҳеч қачон билолмаймиз. Пиррон ҳақида бундай ҳикоя бор. У бир куни кечки сайрга чиққанида фалсафа муаллими (у шу устоз кўлида таълим олган эди) ариққа ағанаб ётганини кўриб қолибди. Бир оз мулоҳаза қилиб кўргач, уни ариқдан чиқариб олиш хайрлироқ иш бўлишига асос топмабди-да, йўлида давом этибди. Ундан кўра мўътадилроқ бўлган скептиклар муаллими ариқдан чиқарволишибдию Пирронни эса бераҳмлиқда айблашибди. Ўз принципларига содиқ муаллим шунда ҳам Пирроннинг фикр ва амали бирлигини мақтаган экан. Мен, тўғриси, бундай “қахрамонона” скептицизмни ёқламайман. Балки кундалик соғлом фикрга таянган ишонччи, назарий жиҳатдан бўлмаса-да, амалий жиҳатдан маъқуллайман; фаннинг тўла асосланган хулосаларини шубҳадан холи ҳақиқат деб билмасам-да, улар хатти-ҳаракатимизни оқиллона йўлга солиш учун етарлича тўғри

деб ҳисоблайман. Агар фалон куни Ой тугида дейилса, бу башорат ўша кунни кутишга арзийди. Пиррон эса бошқача ўйлаган бўларди, албатта. Шу нуқтаи назардан, менинг ўрталиқдаги мавқени ҳимоя қилишимни оқлаш мумкин.

Баъзи масалаларда, дейлик, Ойнинг тугиши вақтини аниқлашда мутахассислар қийинчиликсиз бир тўхтамга кела олади. Бироқ шундай масалалар ҳам борки, улар ҳақида мутахассислар фикри бир жойдан чиқиши душвор. Ҳатто барча мутахассислар фикри бир жойдан чиққанда ҳам, улар хато қилаётган бўлиши мумкин. Айтийлик, Эйнштейннинг гравитация ёруғлик нури йўналишини ўзгартириши ҳақидаги хулосасини бир неча йил аввал деярли барча мутахассислар инкор қилган эди. Бироқ у ҳақ бўлиб чиқди. Шунга қарамай, агар бирор соҳа мутахассислари муайян масала юзасидан яқдил хулосага келса, шу соҳага алоқаси бўлмаган кишилар ўша хулосани ҳақиқатга яқин деб қабул қилиши мақсадга мувофиқ. Бинобарин, мен ёқлайдиган скептиклик қуйидагича: 1) агар бирор соҳа мутахассислари яқдил фикрда бўлса, унга қарама-қарши фикр шубҳасиз тўғри деб қаралмайди; 2) агар улар яқдил бўлмаса, ҳеч бир фикрнинг ҳақиқатлиги аниқ эмас; 3) агар улар хулоса чиқариш учун етарли асос йўқ дея ягона тўхтамга келса, мутахассис бўлмаганлар ҳам бу борада хулоса чиқаришга шошилмай, уни ортага суради.

математиги ва файласуфи Бертран Рассел (1872–1970) икки жаҳон урушига гувоҳ бўлган инсон сифатида одамларда гуруҳий эмас, балки индивидуал ўзига хосликларни шакллантириш орқали биз юқорида эслатган иллатларнинг олдини олиш мумкин деб ҳисоблайди. Бу индивидуал ўзига хослик ва масъулият тўғриси қандай шаклланади? Инсонларга фикрни эмас, фикрлашни ўргатиш орқали! Фикрлаш эса муайян туртки бўлмаса, ўз-ўзидан юзага келмайди. Агар ёш болага маълум бир фикр мутлақ ҳақиқат ўлароқ ўргатилса, унинг фикрлашига эҳтиёж қолмайди. Унинг учун ўзгалар бош қотириб масалани ҳал қилиб бўлган-да.

Инсон табиатан тақлидчи бўлиб туғилади. Ахир, бола ўзи мансуб миллатнинг тилини ўрганиши, ижтимоий меъёрларини ўзлаштириши учун тақлидчилик зарур. Тақлид қила олиш қобилиятсиз боланинг ижтимоий адаптацияси тўхтабди. Бироқ баъзиларда тақлид барвақт йўқолса, баъзиларда умр бўйи сақланиб қолади. Эволюция жараёнида пайдо бўлган бу хусусият болалар учун фойдали, катталар учун эса зарарлидир. Таълим гўдакни шахсга айланттириши учун ундаги тақлидчилик инс-

Бу қоидалар бир қарашда қатъий ҳукломаса-да, амалга татбиқ этилса, инсон ҳаёти-ни буткул ўзгартириб юбориши мумкин.

Кўпчилик одамлар астойдил ишонадиган шундай таълимотлар борки, ким уни қабул этмаса, таъқиб қилинади, жазоланади. Бундай таълимотларга мазкур уч қоида ёрдамида баҳо бериш мумкин. Агар фикр етарлими далилланган бўлса, одамлар уни босиқлик билан баён қилиш ҳамда унинг амалда қанчалик иш беришини текшириш билан кифояланади. Бундай фикрлар кучли ҳис-туйғуга берилмай ҳимоя қилинади. Уларга бўлган ишонч туйғуларга таянмайди, асослар хотиржамлик билан келтирилади. Кучли эҳтирос-ла йўғрилган фикрлар эса, аксинча, одатда асоссиз бўлади. Эҳтирос ишончнинг нораціонал эканига далолат қилади. Сиёсат ва динга дахлдор фикрлар доимо ҳиссиётга қоришиб кетади. Хитойни истисно қилганда, бошқа барча ерда инсоннинг дин ва сиёсат бобида қатъий қарашга эга эмаслиги унинг ожизлигини кўрсатади, деб ҳисобланади;⁶ одамлар мутаассиб мухалифларидан кўра кўпроқ скептиклардан нафратланади. Улар реал ҳаёт бундай масалаларда аниқ мавқега эга бўлишни талаб қилади, ҳар жабҳада ақлга таянсақ, жамият ҳаёти издан чиқади, деб ишонади. Мен бу каби гапларга қўшилмайман.

1920 йиллардаги ишсизлик масаласини олайлик. Бир тоифа кишилар буни касаба уюшмаларининг бузғунчилигидан кўрди. Бошқа тоифа эса уни қитъадаги беқарор вазият

билан боғлади. Учинчи тоифа кишилар, аввалги икки тоифа келтирган сабабларни тан олган ҳолда, фунт стерлинг қадрини оширишга уринган Англия банкни асосий айбдорга чиқарди. Учинчи тараф, чамаси, мутахассислардан иборат эди. Сиёсатдонлар партия баёнотларига киритиб бўлмайдиган фикрларга қўшила олмасди. Оддий одамлар эса айбни душманларнинг ҳийла-найрангига тақайдиган тоифа гапларини маъқулларди. Оқибатда бировлар номақбул чора-тадбирларни ёқлаш, бошқалар уларга қарши курашиш билан овора бўлди. Раціонал нуқтаи назарда турган озчиликни ҳеч ким эшитмади. Чунки уларнинг мулоҳазалари ҳиссиёт уйғотмас эди-да! Улар аҳолини ишонтириши учун Англия банкни бузғунчи қилиб кўрсатиши зарур бўларди. Лейбористларни ишонтириш учун эса банк бошқарувчиларини касаба уюшмаларига душман деб, Лондон епископини ишонтириш учун уларни "ахлоқан бузуқ" деб айблаш тақозо этиларди. Шундан кейингина уларнинг эътиборини банк валюта масаласида хатога йўл қўйганига қаратиш мумкин эди.

Ёки бошқа бир мисол. Социализм инсон табиатида зид экани ҳақида кўп гапирилади. Бу фикр қанчалик ҳиссиёт билан ҳимоя қилинса, социалистлар ҳам уни ўшандай эҳтирос ила инкор этади. Доктор Риверс (бу зотнинг вафотидан нечоғли қайғуда эканимни сўз билан ифодалаш қийин) умрининг сўнгги кунларида Коллеж университетига (University College) шу мавзуда ўқиган маъ-

тинктини заифлаштириши керак. Бунга қандай эришилади? Тақлидчилик ва ишонувчанликка энг катта зарба берувчи хусусият – инсондаги скептикликдир. Тўғри, баъзилар скептиклик деганда ҳар нарсага ҳуда-беҳуда шубҳаланаверишни тушунади. Бироқ Рассел тақлидчилик ва ишонувчанликка зиддизаҳар сифатида тақлиф этаётган скептиклик, агар етарли асос бўлмаса, ҳеч қандай ғоя, фикр ёки таълимотга ишонмасликни англатади. Яъни фикр, ғоя унинг асоси билан бирга берилиши зарур. Асосланмаган фикр эътиборсиз қолдирилади. Бир қарашда содда кўринган бу принцип инсонни муस्ताқил шахсга айлантиришда қўл келади.

Нима учун айрим одамлар скептикликни, шубҳаланишни хуш кўрмайди? Чунки одамларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб давру даврон сураётганлар буни истамайди. Барча дардга даво бўлувчи "дори-дармон"ларнинг, харид қилмасангиз ҳаётингиз мазмунини йўқотадиган матоҳларнинг сотилиши, хайрия ҳисобига кун кўрувчи, керак бўлса, жаннатдан жой ваъда қилувчи лўттибозларнинг тақдири ишонувчан, содда инсонларнинг борлигига чамбарчас боғлиқ. Улар скептикларга қарши тиним-

⁶ Муаллифнинг Хитой ҳақидаги фикрлари кейинчалик ўзгарган. – Тарж.

руза унинг вафотидан кейин “Психология ва сиёсат” номи билан китоб ҳолида босилиб кетди. Бу ҳозирча мен билган ягона илмий таҳлилдир. Унда меланезияликлар ҳаётидан социализм инсон табиатига зид эмаслигини кўрсатувчи антропологик маълумотлар келтирилган. Шунингдек, муаллиф меланезиялик ва европалик инсоннинг табиати қанчалар ўзаро фарқли ёки ўхшаш экани номаълумлигини таъкидлайди. Сўнгида эса бундай хулоса чиқаради: социализм европалик инсон табиатига мувофиқ келадими ёки йўқ – буни синаб кўргачгина биламиз. Бу хулосаси билан доктор Риверс лейбористлар намоюдаси бўлишга лойиқ кўрилса ажабмас. Бироқ сиёсий баҳсларда аланга олувчи эҳтирослар оловини кучайтира олмаслиги тайин.

Одамлар босиқлик билан муносабат билдириши қийин бўлган бошқа бир мавзу – никоҳ масаласини олайлик. Ҳар қандай юрт аҳолиси ўзиникига ўхшамаган никоҳ шаклини ахлоқсиз деб билади. Баъзилар ўзининг тийқисиз ҳаёт тарзини оқлаш учун ҳукмрон қарашларга қарши курашади. Ҳиндлар бева аёлнинг қайта турмуш қуриши ҳақидаги ўйданоқ даҳшатга тушади. Католик мамлакатларида эса никоҳ риштасини узишга бузуқлик деб қаралса-да, лекин баъзан хиёнатга, айниқса, уни эр содир этса, тоқат қилинади. Америкада ажралиш ихтиёрий, бироқ никоҳсиз яқинлик қораланади. Муслмонлар эса биз зарарли деб билган кўпхотинлиликка ижобий қарайди. Бу каби турфа фикрлар таассуб-ла ҳимоя қилинади,

тақиқларни бузганлар оғир жазога дучор этилади. Бироқ бу давлатлардаги бирор кимса ўз халқи удумлари ўзга халқлар удумларидан кўра инсонни кўпроқ бахтли қила олишини асослашга уринмайди.

Шу ҳақдаги илмий адабиётларни, дейлик, Уэстермаркнинг “Никоҳ тарихи” китобини varaқласак, омманинг хурофий ишончидан мутлақо фарқли манзарага дуч келамиз. Биз инсон табиатига буткул зид деб биладиган одатлар башарият тарихида кўплаб бўлганини кўраимиз. Биз кўпхотинлилик удумини золим эркаклар аёлларга мажбурлаб тиқиштиради деб ўйлаймиз. У ҳолда Тибетдаги “бир хотинга кўп эркак” удумини қандай изоҳлаш мумкин? Тибетга саёҳат қилганлар у ердаги оилалар Европадагидек барқарор, уйғун ҳаёт кечиришини айтади. Бу каби маълумотлар билан танишиш холис фикрловчи ҳар қандай кишини скептикка айлантириб қўяди. Зеро, бир никоҳ шакли бошқасидан яхшироқ ёки ёмонроқлигини асослаш учун далил йўққа ўхшайди. Жамиятдаги аксар кишилар умумқабул қилинган меъёрларга итоат этмайдиган кишиларга бешафқат ва бетоқат муносабатда бўлади. Шунч ҳисобга олмганда, уларни боғлаб турувчи бошқа умумий жиҳатлар йўқ. Афтидан, гуноҳ ҳам жуғрофий ҳудудга боғлиқ, яъники нисбийдир. Ана шу хулосадан гуноҳ ҳам шунчалик иллюзия экан, уни содир этганларни жазолаш ортиқча, деган хулосага бир қадамгина қолади. Бу хулосани кўпчилик қабул қила олмайди.

сиз курашади, ишонувчанликни эса юксак инсоний фазилат сифатида кишилар онгига сингдиради. Ишонувчанлик эътиқод ва садоқат билан, шубҳакорлик эса эътиқодсизлик, принципсизлик ва бетайинлик билан боғлиқ тушунтирилади. Оқибатда китоб, газета-журналда нима ёзилса, обрўлироқ шахс нима айтса, шунга сўзсиз ишонадиган ақлан сўқир авлод пайдо бўлади.

Кўр-кўрона эргашиш инсонда масъулият ҳиссини ўлдирди. Қарорни мен чиқармаганман, таълимотни мен яратмаганман, умуман, мен туғилганимда ҳаммаси шундай эди, ҳамма нарса бизгача қилиб бўлинган қабилдаги бахоналар тараққиёт кўшандасидир.

Ўқувчи эътиборига ҳавола этилаётган ушбу эссе 1928 йили ёзилган (қаранг: Bertrand Russell. Sceptical Essays. London: Routledge, 2004, pp. 1-14). Унда ўша давр Европадаги ижтимоий-сиёсий кайфият сезилса-да, муаллифнинг рационаллик ва иррационаллик, ишонч ва ишонч асосланганлиги масаласида билдирган фикрлари буғун ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, инсон табиати бир-икки асрда ўзгариб қолмайди.

Таржимон

Шафқатсизлик билан жазолаш ва айна чоқда виждонни “тоза” сақлаб қолиш моралистларга завқ бағишлайди. Мана шунинг учун улар дўзахни ўйлаб толган.

Инсон онгига кучли таъсир этувчи мужмал эътиқодларнинг яққол намунаси миллатчиликдир. Дангал айтиш мумкинки, жаҳон уруши ҳақида илмий асар ёзаётган тарихчи ҳозир чиқараётган хулосаларини агар ўша даврда айтса борми, уруш ҳолатидаги қайси давлатда бўлмасин, у шубҳасиз қамоққа тиқиларди. Хитойни ҳисобга олмаганда, ўзи ҳақида айтилган гапга тоқат қилувчи бирорта халқ йўқ. Ҳақиқатни рўй-рост айтишга тинчлик замони одобсизлик, уруш даврида эса жиноят деб қаралади. Ўзаро қарама-қарши эътиқодларнинг ёлгонлигини улар муштарак миллий манфаатларга эга кишиларига маъқул келишидан ҳам билса бўлади. Ўтмишда диний эътиқодларни мантиқан таҳлил этиш нечоғли бузғунчилик деб ҳисобланган бўлса, бугун миллатчилик руҳидаги эътиқодларга “тош отган”ларга ҳам худди шундай айб қўйилаётир. Агар одамлардан шундай масалаларда нега скептицизмга муносабатингиз салбий, деб сўрасангиз, жавоб битта – миф урушларда галаба қозонишга ёрдам беради, ақлга таянган миллатлар ўлдирмайди, оқибатда ўзи ўлдирилади. Бошқа халқлар ҳақида ёлгон-яшиқ гапларни тарқатиш орқали ўз нуқсонини яширишга уриниш шармандалик эканини, фикримча, квакерларни истисно қилсак, профессионал моралистлар ҳозирча тан олмайди. Ақлли миллат, барибир, урушдан тийилиш йўлини топади, деган фикр олға сурилса, бунга қарши ҳақоратли жавоблар янграйди.

Хўш, агар оқилона скептицизм одамлар орасида кенг ёйилса, у қандай оқибатларга элтиши мумкин? Инсон хатти-ҳаракатлари эҳтирослар ва уларга эш бўлувчи мифлар таъсирида кечади. Психоаналитиклар ойпарастларда ушбу жараён очик ва яширин шаклларда учрашини кузатишган. Ҳаётда қаттиқ таҳқирланган, хўрланган инсон уйдирма фаразларни ўйлаб топади. Масалан, ўзини Англия қироли деб атайди ва шу мақомга яраша ҳурмат-эътибор кўрмаётганини асослашга уринади. Бироқ яқинлари унинг иллю-

зиясига ишонмайди ва бир хонага қамаб қўяди. Агар у бир ўзининг эмас, миллати, синфи ёки эътиқодининг буюклигидан сўзлаганда эди, унинг гаплари ҳолис кузатувчи жинни-хона аҳлининг валдирашидек туюлса ҳам, барибир, сон-саноксиз тарафдорга эга бўлар, сиёсий ёки диний раҳнамога айланарди. Шу тариқа бутун жамоанинг ақлдан озиши бир шахснинг ақлдан озишида ўзини намоён этувчи қонуният асосида пишиб етилади. Ўзини Англия қироли санайдиган телба билан тортишиш бефойда эканини ҳамма яхши билади, жиллакурса уни бир хонага қамаб, энгиш мумкин. Аммо бутун бошли халқ шундай ёлгонга ишониб қолган бўлса-чи, унинг даъволари инкор қилинса, ўша ойпарастдек газабланса-чи – бундай вазиятда урушдан бошқаси бу халқнинг ақлини киритиб қўёлмайди.

Инсон феъл-атворида интеллектуал омил қанчалик роль ўйнаши борасида психологлар яқдил фикрда эмас. Икки тур савол бор: 1) эътиқодлар хатти-ҳаракатларга қанчалик таъсир этади; 2) эътиқод мантиқан изчил далилларга нечоғли таянади ёки умуман далилга таяниши мумкинми? Ҳар икки саволга жавоб берар экан, психологлар интеллектуал омил таъсири ўйлаганимиздан анча заиф эканини таъкидлайди. Ушбу омил таъсири оз экани борасида барча мутахассислар умумий қарашга эга бўлса-да, умумийлик манзарасида ҳам турлича муносабатлар бор. Келинг, шу икки саволни кетма-кет кўриб чиқайлик.

1. Эътиқод хатти-ҳаракатга қанчалик таъсир этади? Саволни назарий таҳлил этишга тутинмай, оддий инсоннинг кундалик ҳаётидан сўз очай. У бирор нарсага ишонгани учун эмас, одат бўлиб қолгани учун эрталаб ўрнидан туради, нонушта қилади, поездга чопади, газета ўқийди, ишга боради. Ҳаммаси одатга мувофиқ кечади. Албатта, қачонлардир бу одатлар шаклланаётганда, масалан, иш жойини танлаётганида унинг эътиқоди роль ўйнаган. У ўша вақтда ўзига тақлиф этилаётган иш кўнглидагидек эканига ишонгандир. Аксарият кишиларда ишонч илк бор касб танлаётганда намоён бўлади. Қолгани эса шу танлов ҳосиласи, холос.

Агар у оддий ходим бўлса, унинг фаолияти ҳеч қандай ортиқча истак, ишонч-эътиқодга

таянмай, ўзигача белгиланган маромда да-
вом этаверади. Эътироз туғилиши мумкин,
дейлик, у ҳисоб-китоб билан шугулланса, ўзи
қўллаётган арифметик қоидалар тўғрилиги
ишонади-ку! Бироқ бу расмана ишонч эмас,
тенисчининг ҳаракатлари каби кўникма, хо-
лос. Бу қоидалар улар ҳақиқат эканига ақлан
ишонши туфайли эмас, балки муаллимга
ёқиш истаги сабабли ўзлаштирилган. Бу худ-
дики кучукнинг ўз эгасидан емиш ундириш
илинжида қандай ўтиришни ўрганишига ўх-
шайди. Таълим доимо шу тарзда бўлади де-
моқчи эмасман, лекин ўқиш, ёзиш ва ариф-
метика таълими аксар шундай.

Хуллас, юқоридаги танишимиз, раҳбар
ходимми ёки йўқми, муҳим масала юзаси-
дан қарор қабул қилиши лозим бўлиб қолди,
дейлик. Бундай кезларда ишонч роль ўйна-
са ажабмас. У қайси ишлар яхшию қайси
ишлар чатоқлиги, кимлар бойиб кетишию
кимлар хонавайрон бўлиш арафасида турга-
нини тахмин қилади. Ана шундай ишончлар
асосида ҳукм чиқаради. У оддий ходимдан
юқорирок мавқега эга экани боис одатга кўра
эмас, ўз ишонига кўра ҳаракат қилиши ло-
зим. Башарти унинг ишончи тўғри чиқса, мў-
май пул ишлаб олиши мумкин.

Оилада ҳам ишончнинг феъл-атворга
таъсири шу йўсунда кечади. Унинг хотини
ёки болаларига муносабати ҳукмрон одат
ёки шу одат таъсирида бир қадар ўзгарган
инстинктик мувофиқ келади. Бироқ муҳим
масалаларда – кимга уйланишни, ўглини
қайси мактабга беришни билмаганида ёки
хотинининг вафодор эканига шубҳаланган-
нида бунга асос топиш кўпинча одатга хи-
лоф тарзда кечади. У савқи табиий таъси-
рида ёки деб ҳисоблагани учун бирор
аёлга уйланмоқчи бўлиши мумкин. Агар бу
хатти-ҳаракат инстинктив бўлса, у қайлиги-
нинг серфазилат эканига шубҳасиз ишона-
ди. Айни шу жиҳат ўша аёлни танлашининг
асл сабабидек туюлади унга. Ваҳоланки, бу
ўринда ишонч инстинктивнинг кўзгудаги акси
кабидирки, унинг танловини ишончни ўрта-
га қўшмай бевосита савқи табиий билан ҳам
изоҳлаш мумкин. Болага мактаб танлаш ҳам
ишга доир муҳим қарорларни қабул қилиш-
дек бир гап. Бунда ишончнинг роли катта.

Агар хотини хиёнат қилаётганига тааллуқли
бирор далил топса, у яна инстинктларга тобе
ҳолатга тушади. Бироқ бунда, аксинча, савқи
табиий ишонч таъсирида ҳаракатга келади.

Демак, ишонч феъл-атворимизга қис-
ман таъсир ўтказса-да, ҳаётимизнинг энг
муҳим онларида ҳал қилувчи роль ўйнай-
ди. Хусусан, диний ва сиёсий амалларимиз
ишонч-эътиқод билан чамбарчас боғлиқ.

2. Энди галдаги саволга ўтсам. Бу савол-
ни икки қисмга ажратиб таҳлил қилиш мум-
кин: I. Ишонч-эътиқод қанчалик далилга тая-
нади? II. Далилга таяниш мумкинми ўзи ёки
бу қанчалик зарур?

I. Ишончнинг далилланганлик даража-
си ишонувчиларнинг тасаввуридагидан анча
паст. Бирмунча рационал саналган бир ҳо-
латни олайлик. Лондон ситилик йирик молия-
чи бир соҳага сармоя киритди. Бу молия-
чининг, масалан, француз франки қиймати
келгусида тушади ёки кўтарилади, шу
ҳақдаги тахминига унинг Францияда бўлган
сиёсий симпатияси ва каттагина маблағини
шундай қалтис ишга тика олиш имконияти
таъсир қилади. Банкротликни келтириб чи-
қарувчи энг кучли сабаблардан бири, одатда,
ҳиссий омиллардир. Сиёсат ҳақида фикр
билдириши тақиқланган давлат хизматчи-
лари қарашларини ҳисобга олмасак, сиёсий
фикрлар камдан-кам ҳолларда далилга тая-
нади. Истиснолар бор, албатта. Бир неча йил
муқаддам тарифларни ислоҳ қилиш устида
борган тортишувларда аксарият ишлаб чи-
қарувчилар фойдани янада оширувчи тadbир-
ларни қувватлаб чиқди ва фикрларини, гарчи
гап-сўзлари тингловчини у қадар ишонтирол-
маса ҳам, етарлича далилланган деб даъво
қилди. Айнан шу ерда вазият чигаллашади.
Фрейдчилар бизга ўз хулқимизни “рационал-
лаштириш”ни, яъни аслида иррационал бўл-
ган фикр ва қарорларимизга рационал тус
беришни ўргатди. Шунингдек, айниқса, ин-
глизабон мамлакатларда, бунинг акси – “ир-
рационаллаштириш” деб номласа бўладиган
жараён кузатилмоқда. Зийрак одам ўзи англа-
маган тарзда эгоистик нуқтаи назардан маса-
ланинг кучли ва заиф жиҳатларини таққосла-
ши мумкин. (Фарзанди тақдирига дахлдор
масала бўлмаса, инсон камдан-кам ҳолларда

нафсини четга суриб, холис мулоҳаза юритади.) Англинмаганлик “қўллови” билан мақбул эгоистик қарорга келинган, одам жамият учун нечоғли катта қурбонликлар бераётганини кўрсатиш учун турли-туман важ-қарсонларни ўйлаб топади ёки уларни бошқалардан ўзлаштиради. Айтаётган гапига чиндан-да ишонган одам, ҳамонки амалда унинг ишончи ўзи даъво қилганчалик иш бераётган экан, далилларни тўғри баҳолай олмаганини тахмин қилиши лозим. Бу ҳолатда киши аслида-гидан ҳам кўра кўпроқ нодон бўлиб кўринади. Қизиги шундаки, унинг иррационал жиҳати англаган, рационал жиҳати эса англазмагандир. Айни шу ҳолат инглиз ва америкаликларни омадли одамларга айлантирган.

Чинакам зийраклик табиатимизнинг англаган эмас, англазмаган қатламига мансубдир. Бу – бизнесда муваффақият келтирувчи зарур фазилат. Ахлоқий нуқтаи назардан эса, у худбинлик билан боғлиқ экани сабабли мақтовга арзигулик эмас. Шунга қарамай, у одамларни оғир жиноятлардан тияди. Агар бу хусусият олмонларда бўлганида, улар сувосити кемалари жангларига асосий эътиборни қаратмас, французларда бўлганида, Рурда кузатилганидек қилмишлар содир этмас, Наполеонда бўлганида, Амьен шартномасидан сўнг урушни қайта бошламас эди. Баъзи бир истиснолар билан шундай умумий қоида баён қилиш мумкин: қачонки одам ўз манфаатини аниқлашда хато қилса-ю, буни тан олмай ўзини ҳақ деб туриб олса, бу ўзгалар учун юз қарра зарарлироқдир. Бинобарин, инсон ўз манфаати нимада эканини билиши фақат яхшиликка хизмат қилади. Ўз манфаатига терс эканига ишонган ҳолда ҳам, ахлоқий асосга таяниб, бирор ишга қўл урган ва бахтли ҳаётга эришган инсонлар оз эмас. Масалан, аввалги квакерлар орасида бошқалар каби харидор билан узоқ савдолашмай, унинг қурби етмайдиганидан ортиқ ҳақ талаб қилмай молини сотиб юборадиган кўплаб савдогарлар бор эди. Улар фойда олиш учун меъёридан ортиқ ҳақ сўрашни алдов деб биларди. Харидорга қулай бўлганидан ҳамма квакер дўконига келар, шу тарика улар бойиб борар эди. (Буни қаерда ўқиганимни ҳозир аниқ эслолмайман, лекин ишончли манбадан эканига аминман.)

Ҳар ким ўз заковатига таяниб шу йўлни тутиши мумкин эди-ю, бироқ ҳеч ким бу қадар закий эмасди. Онгостимиз бизга ўзимиз чамалаганимиздан кўра кўпроқ зарар келтиради. Шунинг учунми, ахлоқий талабларга бўйсуниб, ўзига зарар етишини билса ҳам, йўлидан қайтмайдиганлар, аслида, ўз манфаатига хизмат қилаётган бўлади. Бошқа бир тоифа одамлар онгли ва рационал фикрлашга, эҳтирос оловини ўчиришга уринади. Яна ўзга бир тоифа аҳли инстинктив тарзда заковатли бўлади. Яна бошқа бири эса ўзгаларни хароб қилиб, охири ўзи ҳам хонавайрон бўладики, бунда ёвуз нияти заковатига халал беради. Охириги тоифа Европа аҳолисининг 90 фоизини ташкил этади.

Мавзудан бир оз четга чиққандек туюлишим мумкин. Бироқ “закийлик” дея аталмиш англазмаган тарзда воқе бўлувчи ақлни унинг англаган туридан фарқлаб олишимиз лозим. Ўқитишнинг анъанавий методлари англазмаганликка деярли таъсир этмайди. Яъни закийликни ҳозирги таълим усуллари орқали шакллантириб бўлмайди. Ахлоқни ҳам, унинг урф-одатлардан иборат қисми бундан мустасно, ҳозирги усуллар воситасида синдириб бўлмайди. Қуруқ насиҳату даъватлар инсон хулқиға ижобий таъсир этганини кўрмаганман. Шу боис мазкур соҳаларда ижобий ўзгаришлар фақат интеллектуал воситалар орқали амалга ошиши мумкин. Биз инсонни қандай қилиб фазилатли ва заковатли қилиб тарбиялашни деярли билмаймиз, аммо уни рационал, ақлга мувофиқ иш тутувчи инсон қилиб тарбиялашни бир қадар биламиз. Хуллас, таълимга муносабатни ўзгартирмақ зарур. Балки келажақда инсон танасидаги турли гармонлар нисбатини манипуляция қилиш орқали унда зарур фазилатларни ярата олармиз. Лекин ҳозир ахлоқий фазилатларни тарбиялашдан кўра рационалликни, яъни ўз қилмишимиз оқибатларини аввалдан кўра билиш малакасини камол топтириш қулайроқ.

II. Юқоридаги мулоҳазалардан қуйидагича савол туғилади: инсон хатти-ҳаракати ақлга қанчалик мувофиқ бўла олади ёки бўлиши лозим? Келинг, аввал “бўлиши лозим”ни муҳокама қилайлик. Менимча, рационалликда ҳам

муайян меъёр бўлиши зарур. Керагидан ортиқ рационаллик ҳаётимизнинг айрим жиҳатларига фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. Лейбниц кексайган чоғи ёзган бир мактубида умри бўйи атиги бир марта – ёши элликка борганда бир аёлга оғиз солганини айтади. “Бахтимга, ўша аёл ўйлаб кўриш учун муҳлат сўради. Бу орада мен ҳам ўз таклифимни яна бир карра мулоҳаза қилиб кўрдим. Оқибатда фикримдан қайтдим”, дейди у. Ҳа, Лейбниц рационал йўл тутганига шубҳа йўқ. Бироқ мен унинг тутумини ёқламайман.

Шекспир яхлит тасаввур пайдо қилиш учун “ойпараст, ошиқ ва шоир”ни ёнма-ён қўяди. Муаммо – онгимиздаги шоирлик ва ошиқликни ойпарастликдан ажратиб, айро сақлаб қола олишимизда. 1919 йили “Олд Вик” театрида “Троялик аёл” спектаклини томоша қилдим. Унда юнонлар келажақда иккинчи Ҳектор бўлиб етишмаслиги учун Астианактни даҳшатли тарзда ўлдириши саҳнаси бор. Шу саҳнани кўриб кўзига ёш олмаган одам қолмади ҳисоб. Аини пайда, залдагилар юнонларнинг бу қадар шафқатсиз бўлганига ишонгиси келмасди. Театрда кўзёш тўккан ўша одамлар Еврипиднинг хаёлига ҳам келмаган шафқатсизликка қўл урди. Улар урушдан сўнг (Биринчи жаҳон уруши назарда тутилмоқда – тарж.) Германия ва Россияни қамал қилган ҳукуматга овоз берди. Бу қамаллар чоғи сон-саноксиз болалар нобуд бўлди. Шунга қарамай душман давлатлар аҳолисини камайтириш мақбул чора деб топилди. Ахир, Астианактга ўхшаган болакайлар бир кун келиб оталарига тақлид қилиши, ҳатто улардан ўзиб кетиши мумкин эди-да. Шоир Еврипид гэрчи томошабинлар қалбида муҳаббат уйғотса-да, аммо улар театрдан чиқиси ҳамоноқ ошиқ ва шоир унутилди, (савдойи хотил қиёфасидаги) ойпараст эса олийжаноблик ва згуликни ёқлаган бу эрқагу аёлларнинг сиёсий истакларини йўналтира бошлади.

Ойпарастни йўқ қилиб шоир ва ошиқни сақлаб қолиш мумкинми? Бу уч хислат ҳар биримизда озми-кўпми бор. Ёки улар бир-би-

рига шу қадар чирмашиб кетганки, ажратиш имконсизми? Мен бундай деб ўйламайман. Ҳар биримизда санъат, муҳаббат ёки нафратда ўзини намоён қиладиган энергия мавжуд. Замонавий саноатлашган жамиятнинг темир интизоми инсон озод ва яратувчи бўлмай, турғун ва сирли қолиши учун ижодкорликни қафасга тикди, маҳв этди. Эркин фаолият юритиши мумкин бўлган ҳар бир соҳа назоратга олинди, ҳасад, шафқатсизлик ва нафрат ҳатто епископларнинг узун ўриндиқларига ҳам ястаниб олди. Инстинктларимизни икки гуруҳга ажратиш мумкин: бири яшаш ва авлод қолдиришга, иккинчиси душманларимизни бартараф этиш, йўқ қилишга йўналган. Биринчиси ҳаётдан завқ олишга, севгига ва унинг бир бутоғи бўлмиш санъатга, иккинчиси эса рақобатга, ватанпарварликка ва урушга ундайди. Анъанавий ахлоқ биринчисини жиловлаб, иккинчисини рағбатлантириш билан овора. Чинакам ахлоқ эса аксинча бўлмоғи лозим. Севган одамларимиз билан муносабатимиз ҳиссиёт ихтиёрида, нафратланадиган кишиларимиз билан эса ақл назоратида қолгани маъқул. Замонавий дунёда кўргани кўзимиз йўқ тоифа асосан хорижликлардир. Ваҳоланки, улар ҳақидаги тасаввурларимиз мужмал ва мавҳум. Шунда ҳам нафратимизни адолат ва қандайдир юксак қадриятлар йўлидаги қураш дея хаспўшлаб, ўз-ўзимизни алдаймиз. Ҳақиқатни тўсиб турган пардани кўтаришга эса фақат скептиклик ёрдам беради. Шундагина ўзга инсонлар йўлимизда тўсиқ эмаслигини тушунишимиз, тўлақонли ҳаёт кечиришига интилиш асосига қурилган, беҳуда нафрат ва чекловлардан холи бўлган янги ахлоқни ярата олишимиз мумкин. Шундагина ҳасад деган хасталиқдан форигланамиз. Асло хомхаёл эмас бу! Елизавета даврида бунга қисман эришилган. Агар биз ўзгаларни оёғидан чалиш ҳақида эмас, ўз бахтимиз ҳақида ўйласак, бу орзумиз эртагаёқ ушалади. Бу ахлоқ ҳаддан зиёд оғир ҳам эмас, агар шунга эришсак, қурраи замин жаннатга айланади.

Инглиз тилидан
Хуршид ЙЎЛДОШЕВ
таржимаси

Хуршид ДАВРОН



Bir-birin erkalar ikki kabutar...

Шеърят

Шеърят – шер билан олишув,
Яъни ҳаёт-мамомт жанги.

Шеърят – қор остидан чапак чалиб
Чиққан чечакнинг ранги.

У – саҳрода адашган йўлчи
Сувдониди қолган томчи сув.

У – шиончини жар ёқасига
Бошлаб борган кўр қўрқув.

Шеърят – шамолга басма-бас
Учқундек гулханга қараб югурмоқ.

Бошланг, типпа-тик –
Ёвуз ва баднафс
Милтиқларга юзма-юз турмоқ.

Қўрқоқларни кечирмаслик,
Сотқинларни кечирмаслик,
Нодонларни кечирмаслик –
Шеърят.

Чақмоқ чақнар ногоҳ далада...
Ёмгир елиб ўтар ёнингдан
Оптоқ кўйлак кийган боладай.

Тиниқлашар ҳаво ва олам.
“Мен дунёда яшайман!” деб
Қувонасан мана шундай дам.

Шундай дамда қудратга тўлиб
Митти чечак қаддини ростлар
Худо билан сўзлашмоқ бўлиб...

У болани излама энди.
У адашиб кетган – қайдадир
Акс садодай овози тинди...

У болани излама... Уни
Изламоқчи бўлсанг сен агар,
Еганинг тош, ичганинг заҳар.

У болани излама бекор,
У кетган йўл устида фақат
Хазон учар, бўралайди қор.

У болани излама... уқпар
Хотираларнинг қучогида,
Дилингнинг энг чуқур тубида ухлар...

Эртаклардан бири

Мен Гарсиа Лорка...
йўқ-йўқ, Рауф Парфи ...
йўқ-йўқ, Такубоку ...
менимча, Чўлпоннинг
шеърини ўқиётганим –
нигоҳимни тўхтатди
сўзларнинг бири...

Кўз олдим ёруглашди.
“Наҳот, эшитмаган бўлсанг мени?!”,
деди
сўзларнинг бири.
“Йўқ”, дея бош чайқасам,
қиқирлаб кулди
сўзларнинг бири.
“Демак, ҳали дунёни билмас экансан”,
деди
сўзларнинг бири.
Сўнг қўлимдан ушлаб,
етақлаб кетди
сўзларнинг бири...

Дарё кечдим, тоғ ошдим,
уфқлар томон шошдим –
совуқ қотсам иситди,



оч қолсам – нонга,
чанқасам сувга айланди
сўзларнинг бири...

Юксак-юксакларга талпиниб бордим –
Кўлларимдан ушлаб бораверди
сўзларнинг бири...

“Олис-олисларда битта водий бор –
унда қуёш бор,
меҳр бор,
муҳаббат бор.
Қалбинг ўша ерда”, деди
сўзларнинг бири...

* * *

Тонг билан оқшомнинг қоқ орасида,
Паҳлавон Маҳмуднинг мақбарасида
Гўё ўқигандай ишққа қасида
Бир-бирин эркалар икки кабутар.

Ичанқалъа аро қанча кезмайин,
Уларнинг товуши таралар майин –
Дунёни сезмайин, дунни сезмайин,
Бир-бирин эркалар икки кабутар.

Кўксимда уйгонди кексайган титроқ,
Ахир, сен менадан-да қанчалар йироқ,
Кўзларинг ёдимга солганча, бироқ
Бир-бирин эркалар икки кабутар.

Бу икки дунёнинг сурати эди,
Одаму Хаввонинг сийрати эди.
Икки дил ишқининг қудрати эди –
Бир-бирини суйган икки кабутар.

Ё Лайли-Мажнуннинг руҳи эдимми?
Ё Ошиқ Фарибнинг оҳи эдимми?
Ё кўздан ишора – ёҳу эдимми –
Бир-бирини суйган икки кабутар?

Уйгонди юрагим унутган хатар,
Кўринди мен сенга битмаган хатлар,
Менадан-да беҳабар, сендан беҳабар,
Бир-бирин эркалар икки кабутар.

Ай, менинг омоним, менинг қурбоним,
Ахир, сен эдинг-ку менинг дармоним,
Кўринди кўзимга мисли армоним –
Бир-бирин эркалаб турган кабутар.

Сочга оқ тушганда армон бефойда,
Бугун сен бошқа-ю, мен бошқа жойда,
Аммо ишқ боқий деб оний дунёда
Бир-бирин эркалар икки кабутар.

Неча ойлар ўтди,
Неча кун ўтди,
Сирларимни олиб неча тун ўтди,
Ҳамон кўз ўнгимда бир жуфт ишқ ўти –
Бир-бирин эркалар икки кабутар...



Воқиф Самад ўгли хотирасига

Оллоҳим, раҳмдилим,
Нима айб қилган бўлсам,
Биласан айтмасам ҳам.

Сен ёққан юлдузлардан
Нур тўкилар бағримга,
Аммо дилдан кетмас гам.

Оллоҳим, раҳмдилим,
Дил туғунин еч демайман,
Айбларимдан кеч демайман.

Сўрамайман: умр бўйи
Қилган айбу гуноҳларим
Меҳринг ила авф айлагин.

Сўрагайман: гуноҳимда
Ўзгаларнинг айби бўлса,
Сен уларни авф айлагин...

Бир олма гуллади...

Сағир саҳарларда қизарган қуёш
Яғир елкаларни ёритган чоғда,
Бир олма гуллади нафармон, қийғоч,
Бир олма гуллади уйқусиз боғда.

Унинг гунчалари қиздай безубор,
Кабутар қонидай, тунги чароғдай –
Бир олма гуллади бевадай беор,
Бир олма гуллади қариган богда.

Минг йиллик чинорлар етмаган
бахтдек,
Гуруб жон бергандай, энг сўнги “оҳ”дай,
Бир олма гуллади шоҳона тахтдек,
Бир олма гуллади кимсасиз богда.

Хазон билан тўлиб мен ўтган сўқмоқ,
Куз билан дўстлашиб қолган чоғимда
Бир олма гуллади сочимдек оптоқ,
Муҳаббат булбули қўнган богимда.

Баҳс

Кун бўйи тортишдим
Кўзи ожиз жўрам билан
Бугун ҳаёт ҳақида.

У:

“Дунё
Кандай гўзал эканини
Билмайсан!” деди.

Сўқир Ҳомернинг хати

Агар тахтада ўтирса дажжол,
Унга бош эгсанг,
Кўриңмас тахтининг пойида
Миннатдорона кўзёш тўксанг гоҳида,
Вақт ўтиб, йиллар ўтиб
Сен ҳам озма-оз
Дажжолга айланасан.

Қайғум маним

Қайғум маним –
бир умрлик жўрам маним,
Юрагимнинг ич-ичида ҳужрам маним,
Ойнасидан ойнанинг нури тушиб турган,
Қафасдаги булбулдайин учиб юрган
Қайғум маним.

Қайғум маним –
Тугилмишдан соямдайин ёнимдасан,
Ла илаҳа илаллоҳдай ёдимдасан.
Ҳар дам маним жонимдасан,
қонимдасан,
Йиллар, ойлар, кунлариму онимдасан,
Қайғум маним.

Қайғум маним –
Онам тўққан кўзёшларда кўрдим сени,
Мозорининг бошларида кўрдим сени.
Юрагимни тилиб-тилиб муз тигларинг,
Қўшилишиб “Онам!” дея сен йиғладинг,
Қайғум маним.



Қайғум маним –
Унутайин десам кимни, исмин айтдинг,
Тарк этайин деганимни олиб қайтдинг.
Ёнимдасан издиҳому ёлғиз пайтим,
Навоийнинг девонида суйган байтим –
Қайғум маним.

Қайғум маним –
Болалигим ташлаб кетди, сен кетмадинг,
Илк севгимнинг шодликларин
унутмадинг.

Бамисоли кузадаги барғихазон,
Бамисоли қорлардаги субҳи азон –
Қайғум маним.

Қайғум маним –
Мусичадай деразда қўниб турган,
Онамдайин ҳамма гапга кўниб турган,
Айни саҳар шамчироқдай сўниб турган,
Юрагимга шабнамдайин иниб кирган,
Қайғум маним.

Қайғум маним –
Умрим бўйи хайр демай, салом демай,
Бўлди, етар энди, бари тамома демай,
Тўйларимда бирон марта нон-туз емай,
Отамдайин қараб турган бир сўз демай,
Қайғум маним.

Қайғум маним,
Қайғум маним –
Юрагимдан униб чиққан сен илк майсам,
Йиллар кетар, ойлар кетар – қарамайсан,
Белим буккич, сочим оқ – сен қаримайсан,
Кунларимни сармаст этган қари майсан,
Қайғум маним.

Қайғум маним,
Қайғум маним –
Бир кун келар, ҳаётимнинг гули сўлар,
Мозоримнинг дунёдай кенг бағри тўлар,
Юрагимдан униб чиқиб чечак бўлар,
Қайғум маним,
Қайғум маним...

Қисмат


Ҳамма қилган ишни қилмайман,
Ҳамма йиғласа, йиғламайман,
Ҳамма кулса, кулмайман, деди,
Ҳамма билганини билмайман, деди.

Ҳамма ўннга юрса, чапга юраман,
Ҳамма ўтирганда тикка тураман,
Ҳамма “ҳа” деса, мен “ийўқ” дейман,
Ҳамма ош еса, мен мош ейман,
Ҳамма “оёқ” деса, мен “бош” дейман, деди.

Аммо худонинг айтгани бўлди:
Бари бир ҳамманинг ишини қилди –
Ўлди!

Биз билан

Жасорат туйғуси ёнида
Қўрқувнинг нафаси биз билан.
Ложувард осмонни тўлдирган
Қушларнинг қафаси биз билан.



Биз билан боболар армони,
Хадикнинг ҳассаси биз билан.
Юртим деб жон берган ботирлар,
Боболар қиссаси биз билан.

Алпомиш, Гўрўгли келбати,
Ватан деб ўлмоқлик навбати,
Ялавоч бўлмоқлик навбати,
Хиёнат шарпаси биз билан.

Ой чиқар мозорлар устига,
Кун чиқар бозорлар устига,
Боқармиз ҳеч нима сезмасдан,
Ҳаётнинг гуссаси биз билан.

Суйдигимнинг сочлари қора –
Дардим каби.

Суйдигимнинг киприги узун –
Дардим каби.

Суйдигимнинг лаблари ширин –
Дардим каби.

Суйдигимнинг кўзлари яшнар
Дардим каби.

Менимча

Дилларда шубҳа тугилганда
Кулф пайдо бўлган.
Юраклар қўрқувдан тугилганда
Кул пайдо бўлган.

Хамдард йўқлигидан
Дард пайдо бўлган.
Дардсиз юракларда
Гард пайдо бўлган.

Жаннатдан қувилганда
Ер пайдо бўлган.
Жаннатни созинганда
Шеър пайдо бўлган.

Ховлилар, деворлар
Берк пайдо бўлган.
Уларни қулатгувчи
Эрк пайдо бўлган.

Ишқни яширишга
Дил пайдо бўлган,
Бу сирни очишга
Тил пайдо бўлган.

Орзу ва армондан
Қуш пайдо бўлган.
Эрксиз қуш мунгидан
Туш пайдо бўлган.

Олис-олисларга кетмоқ истаймман,
Ҳаволи жойларга, юксак жойларга.
Битта шеър... битта шеър битмоқ
истайман –
Ўхшасин қуздаги тўлин ойларга.


Баҳорги қирларда чечак шивири
Шеърим сўзларини сенга етказсин,
Менинг армонларим, менинг дардларим
Сен кезган боғларни интизор кезсин.

Бир пайтлар сочларинг силаган шамол
Тунларнинг қаъридан ёнимга қайтсин,
Дарё бўйидаги сўнгги мажнунтол
Қирқ кеча дардимни сувларга айтсин.

Мен ҳам ўша дарё ортидан борай,
Бўлиниб-бўлиниб кетай сойларга.
Мен ҳам ўша сувлар ортидан борай
Ҳаволи жойларга, ойдин жойларга.

Ўша олисларга етиб борсам мен,
Чеккан ҳасратларим тамом битарми?
Худди анордайин қалбим ёрсам мен,
Ўша битта шеърга қоним етарми?..





KUNDUZGI ERTAKLAR

ЁХУД
10 САВОЛГА
9 ЖАВОБ

Ёзувчи Шойим Бўтаев билан адабиёт, бадиий ижод, адиб лабораторияси, долзарб маънавий-ижтимоий масалалар ҳақида суҳбат қурамиз деганимизга ҳам роппа-роса икки йил тўлибди. Адибга ёзма саволлар билан мурожаат қилсам-да, ҳеч жавоб ололмадим. Охири ҳафсалам пир бўлгани, саволларим унга маъқул келмадимикан деган хаёлга борганим ҳам рост. Қарангки, бир кун эрталаб унинг ўзи сим қоқиб, суҳбат қуришга розилигини айтиб турибди-ку! Аммо барча саволни бирдан жўнатишдек анъанавий усулни ёқтирмаслигидан сўз очиб, бир кунга бир савол билан чеклансак қалай бўларкан, деган таклифни ўртага ташлади. Бажонидил рози бўлдим. Ўн кунда ўн савол... Ўн саволга – ўн жавоб... Қарабсизки, икки йилдан бери туя гўшти еб ётган суҳбат ўн кунда тайёр бўлади-қўяди!


– Шойим ака, сизга раҳмат! Чунки муҳим хабарни биринчи бўлиб сиз менга етказдингиз. Сиз билан қўнғироқлашгандан сўнг, интернетга кириб, фармонни ўқиб чиқдим. Айтинг-чи, Ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши миллат маънавий ҳаётида қанчалик катта ҳодиса? Бу ўзгариш, янгиланишлар шоён яхши натижалар берадими? Шундай умид қилмоққа асос борми?

– “Минг бир кеча” да тонг отиши билан Шахризод эртагини тугатиб, тунда яна тилга киради. Шунанча бўларкан-да суҳбат йўсинимиз? Йўқ, яхшиси, кечкурун юборган саволингизни мен эрталаб олиб, ўша куни жавоб тайёрлаб қўйишга ҳаракат қилман – бу энди Шахризоднинг тунги эртақларидан фарқли ўлароқ, кундузги жавоблар бўлади. Яхшиси, “Кундузги эртақлар” деб номласак-чи, сарлавҳа ҳам эътиборни тортади-да.

Йигирма беш йил – катта давр, асрнинг тўртдан бири. Мустақилликнинг ана шу даврида сув келса симириб, тош келса кемириб деганларидек, озмунча тўсиқлару доvonлар ошмадик. Миллат маънавий ҳаётидаги кўп-лаб муҳим ҳодисалар ҳам шу чорак аср давомида бўй кўрсатдики, улар ҳақида бугун мактаб ўқувчисиям тўлқинланиб сўзлаб бериши мумкин. Бундай ютуқлар билан ҳар қанча мақтансак арзийди. Аммо яна бир жиҳати борки, бу ютуқлар ўзимизники, ҳеч ким уларни тортиб ололмайди, ортда қолди деб унутилиб ҳам кетмайди. Адабиётдаги ўзгариш, янгиланиш ва ҳоказо “...ланиш”лар ҳам бу даврда унча-мунча тўсиқларни писанд этмади. Ишончим комил, бу жараён дуруст натижалар бериши шубҳасиз. Келинг, натижалар ҳақида элбурундан лоф урмайлик, омон бўлсак кўрармиз. Лекин нима бўлганда ҳам мазкур фармон орқали миллий адабиётимизнинг юксак мақомини тутиб туришга катта имкониятлар эшиги очилади. Ва яна, фармон ижросини таъминлаш асносида миллий адабиётимизнинг жаҳон адабиёти билан ҳамнафаслигини теран таҳлил этиш имкони ҳам туғилса ажабмас.

Биринчи саволга жавобим – шу. Сизга хайрли тун тилаб, тонгда навбатдаги саволингизни қарши олишни ният қиламан.

– *Таниқли адабиётшунос Иброҳим Ғафуров бир мақоласида “Ўзбек адабий танқидчилиги шу кунга қадар баёнчилик асосида шаклланди. Ҳақиқий, чин маънодаги ўзбек адабий танқидчилиги энди бошланади” қабилда бир гап айтибди. Замоनावий ўзбек адабиётшунослигида Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддиновдек катта олимлар қизгин фаолият юритган. Лекин бугун уларнинг ҳам таҳлил усуллари хийла соддароқ бўлиб қолди, менимча. Баъзан ёзувчилардан “Адабий жараёнда танқидчи қолмади ҳисоби. Қўшжонов билан Шарафиддиновнинг ўрни сезиляпти. Улар изини босадиган ёш танқидчилар етишиб чиқмади” деган иддаоларни эшитамиз. Балки бу гапларда жон бордир. Лекин танқидчи деганининг уруғи қуриб битгани йўқ, бор улар, жараённи кузатяпти, ўқияпти, мулоҳаза юритяпти. Аммо... Ҳамма гап ўша “аммо”да... Биз кўниккан аналитик, қиёсий-типологик, гер-*



меневтик таҳлил методлари бир оз жўн бўлиб қолгандек. Чунки ҳозирги ўзбек адабиёти (шеъроят, наср, драматургия) анча-мунча ривожланди, мураккаблашди. Тасвир, образ яратиш, инсон руҳиятини бадиий таҳлил ва тафтиш этишнинг хаёлга келмаган қўллаб-қўллар, усуллари пайдо бўлди. Бу эса танқидчини бир оз тин олиб, чуқур ўйлашга мажбур қилади. Шу боис танқидчи сукутга чўмди. Қолаверса, бугун танқидчиликни касб қилиш – анча мушкул иш. Жуда катта билим, янгиликка ўчлик, фидойилик зарур танқидчига. Тасаввур қилинг, танқидчи тўрт девор ичига қамалиб, дунё ҳавасларидан воз кечиб, ҳали номи чиқмаган бир муаллифнинг 300-400 саҳифали романини ўқиб, мақола ёзпти... Ростини айтиш керак, замон ҳам олимнинг ишини оғирлаштирди. Бозор иқтисодиёти аввалдан ҳам камхарж бўлган олим зотини баттар эзиб, қаддини букиб ташлади. Баъзан ўйлаб қоламан: бизнинг жамиятда қай бири қадрлироқ – арзон олиб қиммат пуллаётган “ишбилармон”ми ёки умрини илм-фанга бағишлаган олимми?! Тўғри, жамиятга чўпон ҳам, фаррош ҳам, олим ҳам, тадбиркор ҳам керак. Лекин зиёли аҳли дуруст қадрланмаётгандек... Нима дединиз? Сизнингча, бугунги танқидчи учун нималар муҳим? Шўро даври адабий танқидчилиги билан истиқлол адабиёти танқидчилиги бир-биридан фарқланиши керакми? Танқидчи бадиий асар таҳлилида қайси мезонларга суяниши зарур, деб ўйлайсиз?

– Ҳар куни битта саволга жавоб бериш ҳақидаги келишувни ёдингиздан фаромуш этгансиз чоғи. Манави саволингиз роса болохонадор бўлибдики, жавобни ўқигач буни ўзингиз ҳам фаҳмласангиз керак. Тўғри айтасиз, “жуда катта билим, янгиликка ўчлик, фидойилик керак танқидчига”, саналган фазилатлар ёнига “юррак” деган сўзни ҳам қўшиб қўйсангиз аъло бўларди. Шўро даврида етишган аксар қаламқашлар истиқлол даврида ҳам фаол ижод қилди – улар руҳидаги эрк, хуррият, озодликка ташналик чандон ортди, қалби тўрида милтираган шамчиноқ аланга олди. Йигирманчи асрда социалистик реализмнинг тор қобиғида ижод қилишга мажбур бўлган йирик истеъдодларнинг асарларидаги етук образлар эса, барибир, мангу қолди. Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно, Обид кетмон, Ғафур, Жамила, Йўлчи, Гулнор, Солиҳ маҳдум, Мирзакаримбой, Қоравой (Шум бола), Саида, Қаландаров, Муқаддас ва яна ўнлаб образлар мавжудки, нима касбу қор қилгани, қилмиш-қидирмишидан қатъи назар, томирдошлик туйғуси бизни ва келгуси авлодларни улар билан мустаҳкам боғлаб тураверади. Уларсиз биз ўзимизни бирмунча ғариб сезамиз. Мақсуд Шайхзода, Ойбек, Миркарим Осим, Ёвдат Илёсов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировларнинг тарихий мавзудаги асарлари қаҳрамонларини бугунги кунда ҳам ибрат қилиб олиш мумкин. Айниқса, Мақсуд Шайхзоданинг Жалололдин

Мангуберди, Мирзо Улуғбек образлари шекспирона маҳорат билан яратилганига ҳозир ҳам ҳайратдамиз. Шу моҳир драматург нима учун кўпроқ яшамадию дилидаги эзгу нияти – Соҳибқирон Амир Темуր образини яратиб кетмади, деб армон қиламиз. Уларнинг анъаналаридан узилиб қолсак, ўзимизнинг ғариблигимизни эътироф этган бўламиз – бу кимга ҳам ёқарди?!

Тарихий хотирани эъозлаш ҳақида сўз борганда, мен “тарихий хотира маданияти” иборасини қўллашни ҳам таклиф этардим. Шунда олис ўтмишда яшаган боболаримиз билан яқин даврларда умргузаронлик қилган оталаримиз ўртасидаги узвийлик риштасидан мадад ола биламиз. Бунинг учун буюк аждодларимиз эъозлаган бағрикенглик, кечиримлилик каби фазилатларга эга бўлмоғимиз лозим. Шунда Фарҳоднинг тешаси билан Обиднинг кетмони моҳиятан бир-биридан унча фарқли эмаслигини англаймиз. Қулоғимиз ўрганиб қолган баландпарвоз оҳангда айтсак, Фарҳод ўз чўкичи билан мана шу заминга сув чиқарай деб тоғни тешса, Обид ҳам кетмони билан шу заминни обод қилай деб ер чопади – улар учун тузумлар – ўтқинчи, миллат, халқ – абадий.

Аввал – тазарру, кейин – ибодат. Тўн ўзгарса-ю, қалб ўзгармаса – бу борада ҳар ким ўзи хулоса чиқариб олади. Рости билмайман, бадий асарга қанақа мезонлар билан ёндашиш кераклигини; аммо бир нарсага ҳайрон қоламан, кейинги пайтларда бадий асарни таҳлил этаётганда матн бир ёқда қолиб, аллақанақа аниқ фанларнинг формула-жумбоқларими, схема-чизмаларими ишлатиладиган бўлди. Бу кетишда уларга яқин орада устурлобу логарифмик жадваллар, мураккаб қонунлару нисбийлик назарияси формулалари ҳам асқатиб қоладими, деб ўйлайсан киши – Ҳазрат Абдурахмон Жомий лутф қилганларидек, “Шеър айтасизму ё одам кўрқитасиз?!”

Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов домлаларнинг жойи жаннатда бўлсин, уларнинг ўрни кўп сезилади. Қалбимда уларнинг самимияти, бағрикенглиги, хайрихоҳлиги, дилдошлиги ўчмас из қолдирган. Уларни эслаганимда ўзимда ижодга рағбат сезаман, руҳлари далда бериб тургандек бўлади. Шогирдлари, издошлари улар ишини давом эттиряпти – муносиб бўла олиш туйғуси шаклланса, тақчиллик сезилмайди, деган умидворлик кўнгилни тарк этмайди.

Саволингизнинг жавоб берилган қисмини олиб, қолганини қисқартириб юбормасликларини илтимос қиламан. Негаки, кўп керакли гапларни айтгансиз, кўзим қиймаяпти.

Янги туғилган қизчангизнинг исми Шаҳризод эдими? Мана, кун ботди, сўранг-чи, Шаҳризод яна нималарни тўқимоқчи экан?

– Жамиятда доим ўртамиёна, истеъдодсиз одамлар кўпчиликни ташкил қилиб келган. Ҳақиқий истеъдодлилар эса азал-азалдан

бармоқ билан санарли. Бун қарангки, истеъдодсиз одам ўзини асло истеъдодсиз ҳисобламайди, аксинча, даҳоликка даъво қилади. Илмда, хусусан, адабиётшуносликда ҳам аҳвол шу. Ўртамиёна илмий мақола, китоблар йиғилиб “тонна-тонна хирмон” кўтарилган. Олим бўламан деб Фанлар академияси кутубхонасида ойлаб ўтириб, проза бўйича номзодлик, докторлик диссертацияларини варақлаб чиқдим. 200 саҳифали докторлик ишида бир бет назарий фикр айта олмаган олимларни кўриб, ҳайратдан ёқа ушладим. Аксар илмий тадқиқотлар баёнчилик, янада ёмони очиқ-ошкор плагиатликдан иборат. Китобдан китоб яшаш – компиляция қилиш авжиди. Яхшиям, миллатимиз бағрикенг, ўшандай “олимлар” ҳам бугун қандини уриб юрибди. Истеъдодли олим билан чаптаст илмбозни ажратиб бўлмай қолди. Йўқ, салгина қизишиб кетдим шекилли. Албатта, асл билан сохтани ажратиш мумкин. Аммо истеъдодли негандир четда қолиб, истеъдодсизнинг пичоғи ёғ устида... Енг шимариб, фан доктори бўламан деб юзуриб юрган бир-иккита илмбоз ҳамкасбимни кўриб, мийғимда кулиб кўяман. Бу сохта “олимчалар” бир кун келиб пуфакка ўхшаб “нақ” этиб ёрилади. Лекин ўшангача ўзини талантли қилиб кўрсатиб қанча одамни алдайди, қанчасининг ишончига киради. Айтинг-чи, нима қилсак, бу илмбозлардан қутуламиз? Қолаверса, бадиий ижодда-чи? Ўртамиёналик адабиётда қандай салбий оқибатларга олиб бориши мумкин?

– Яна тонг отди, қалбда ёруғ туйғулар жилва қилди. Бундай лаҳзаларда уфқдаги шафаққа бир оз тикилиб турсангиз, табиатнинг нақадар мўъжизакор, Яратганнинг нақадар улўғворлигини ҳис этасиз-у, қалбингизга шундай нурли ҳислар оқиб кира бошлайдики, дунё ташвишлари куйинишга кўп ҳам арзимаслигини ҳис этиб қоласиз. Мен сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни, келинг, уларни савол деб атамайлик, шундай қарши олдим ва олимамиз бундай асабий ҳолда қандай ухладийкан, ҳойнаҳой, тўшагидан тикан унгандай тўлғониб чиққан бўлса керак, деб ўйладим. Маслаҳатим – кўнгилни кенгроқ қилинг. Нарса-ҳодисаларга қандай кайфиятда, қайси томондан қарашингиз ҳам муҳим. Ички ҳиссиётларингизнинг қай бири сизга керакли, қай бири ўткинчи – эртага ортга қараганда қай биридан миннатдор бўла оласиз, қай биридан йўқ, гап шунда.

Ҳазрат Абдураҳмон Жомий даврида шоирлар янги ёзган шеърини аввал у кишига ўқитиб, сўнг бошқалар ҳам баҳраманд бўлсин, деган мақсадда катта ҳарфлар билан қоғозга ёзиб, шаҳар дарвозасига илиб қўяр экан. Бир куни сиз айтган “шоир”лардан бирови келиб, ҳазратга янги “манзума”сини ўқиб берибди. У киши бесас бош ирғаб ўтираверибдилар. Ҳалиги ҳавасманд устодга маъқул келди деган хаёлда “Шу шеъримни шаҳар дарвозасига илиб

қўйсам бўладими?” деб сўрабди. “Бўлади, – дебди Жомий. – Фақат шеърингизнинг ёнига ўзингизни ҳам осиб қўйсинлар”.

Сиз кутмаган гапни айтадиган бўлсам, ўртамиёналикни йўқотиш керак деб, яхши асарлардан жудо бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Қолаверса, баҳони ким бераётгани ҳам жуда муҳим. Истеъдодли шоирларимиз Аъзам Ўктам, Чори Аваз, Равшан Файзининг ҳозирги замон ўзбек шеъриятига таъсир ўтказгани, шеърлари билан ҳурликка чорлаганини ҳеч ким инкор этолмайди. Аъзам Ўктамнинг “Тараддуд” китоби ҳақида муҳтарам Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг бундай эътирофини ўқиган эдим: “Кўпдан бери ўйлаб, излаб юрган – шеърят мана шу даражага чиқса эди деган хоҳиш, истакни айнан “Тараддуд” китобида кўрдим. Аввало, тан олиб айтишим керакки, мен Аъзам Ўктамни яхши танимас эканман. Бу эҳтимол камчилигимиздир. Лекин шунчалик шеър битишга иқтидорли шоир ватандошни танимаслик, албатта, биз учун обрў ҳам бўлмас”. Бу сўзларни эслашдан мурод шуки, бирга ишлаб юрган кезларимиз бир куни Аъзамжон қовоқ-тумшуғи осилиб кириб келди ва “Гафур Ғулум нашриётининг шеърят бўлимида талаб жуда кучайиб кетибди, аввал энг талантлиларни чиқариб олайлик, кейин сизларга навбат, деб бизни яқинлаштиришмаяпти”, деб хафа бўлди. Анча вақт асабийлашиб юрди, йўқ, кейин-кейин унутиб юборди ...эҳтимол унутмаган ҳамдир. Ўшанда мен номини тилга олган шоирлардан анча бўш қаламқашларнинг китоблари ҳам чиқиб кетгани кейинроқ маълум бўлди.

Умунан, мен сал бундайроқман, майли, ўзим уддаламаганимга яраша бошқаларга йўл берай, деган мардона гапни камдан-кам одам айтади. Ҳозир ўртамиёна асарлар у ёқда турсин, ўта бўш “эждо маҳсуллари” ҳақида ҳам бемалол гапира олмайсиз. Уларни радио, телевидение гумбирлатиб реклама қилиб ётибди – қўшиқ, сериал ва ҳоказолар шаклида зўрлик билан эмас, зўравонлик билан халқ онгига тиқиштирилмоқда, сабаби – уларнинг барчаси халқ маблағи эвазига юзага чиқяпти. Ўнлаб-юзлаб газета-журнал, нашриётлар бу борада “жонбозлик” кўрсатмоқда. Нуфузли бир нашриёт ўзи чоп этишга рухсат берган кўп жилдли асарни матбуотда ўзи танқид қилганига гувоҳ бўлдим – бунисига нима дейсиз? У унақа эмас, бунақа бўлиши керак эди деб... ўзига ўзи ақл ўргатяпти. Ё тавба – ёқа тутамламоқдан бўлак илож йўқ.

Адабиёт бугунги кунда қўшиқ, телемаҳсулот шаклида технологиялар орқали ёйилаётганини эътибордан соқит қилмаслик керак. Бу – бозор. Бозорни кераксиз, сифатсиз маҳсулотларга тўлдириб юбориш халқнинг маънавий саломатлигига путур етказди, майиб-мажруҳ қилиб ташлайди уни.

Яратган ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин экан. Иқтидорли, талантиларга, Лев Толстой айтмоқчи, эътибор бериш керак, шунда улар ўз йўлини топиб кетгайлар, шояд.

Шаҳризод сўзлашни ўрганияптими? Нима демоқда? Кун ботди, кундузи эртак тўқилиши учун савол тузинг, демоқдами?

– *Бадиий адабиёт доимо рамзлар тилида сўзлайди. Бугун адабиётимиз мураккаб метафораларга ҳар доимгидан кўра бурканиб олди. Бу эса оддий китобхонни асл бадиий матндан узоқлаштирмақда гўё. Шундай вақтда танқидчи китобхон билан ёзувчи ўртасида воситачилик қилади – китобхонга тўғри йўл кўрсатади. Бир дугонам катта бир ёзувчимизнинг “Шовқин” деган романини ўқиб тушунмабди. Бу ёғини сўрасангиз, ўзи – филолог, ўқитувчи. Бу роман ҳақида “Ёшлик” журналида мақолам чоп этилган эди. “Мақолангизни ўқигач, бу романини тушуниб етдим”, деди ўша дугонам. Бугунги ўзбек насрида метафора, ассоциатив тафаккур, неомифологизм, киноя, метаморфоза ҳодисалари кузатилмоқда. Сиз нима дейсиз, ёзувчи ана шу воситалардан фойдаланишда нималарга эътибор қаратиши, қандай меъёрларга амал қилиши лозим?*

– “Шовқин”ни ўқиб тушунмаган дугонангиз сизга чин дугона бўлмаса керак, чунки асар муаллифини қанчалик ҳурматлашингиз каминанага маълум. Мен бунақа воқеаларга тўқнаш келавериб, ажабланмай қўйганман. “Бир қоп тузни татишган” бир ошномиз дабдурустан менга “Сиз ёзувчи экансиз-а?” деб қолди катта кашфиёт қилгандек. “Э, йўғ-э, қўйсангиз-чи”, дея эътироз билдирмоқчи бўлган эдим, у бўш келмай, “Яқинда телевизорда гапираётганингизни кўрдим, фамилиянгиз тагида ёзувчи деб чиқди”, деб барибир тан олдирди. Кейин, нималар ҳақда ёзасиз ўзи, деб анча вақт ҳол-жонимга қўймаган эди, шاپалоқдек китобчамни қўлига тутқазиб, мана, ўқиб кўринг, дедим. Ошно анча вақт жим-дим кетди, кўришиб қолганимизда ҳам ёзувчи эканимдан сўз очмайди денг. Ахийри бир куни ёрилиб, кўрмайсизми иш кўплигини, ўша китобингизни ўқишга ҳеч вақт тополмаяпман, келинг, менинг ҳисобимдан бир улфатчилик қилайлик-да, маъносини ўзингиз айтиб бера қолинг, деди. Нима, йўқ дермидим, таклиф қилган жойига бордим, аммо у зиёфат бўйи китоб ҳақида оғиз очмади, мен ҳам индамай қўяқолдим. У-ку, майли, мутлақо бошқа соҳа одами, тушунса бўлар, лекин бир куни ёш талаба қиз келиб, дарсда сизнинг “Шох” деган асарингиз муҳокамаси бўлди, деб қолди. Унинг айтишича, талабалардан бир-иккитаси бу асарни ўқиган экан-у, мунозара олиб борадиган домла қурмағур ўзимни билгани билан асарим номини ҳам эшитмаган экан, сюжети қанақа, воқеасини айтиб беринглар, дебди. Айтиб беришибди – эшитиб, “Бўмапти!” дермиш у бош чайқаб. Шу билан муҳокама битди, деб афсусланди талаба.

Сиз ҳалиги ўзи филолог, ўқитувчи дугонангизга айтиб, қулоғига қўйиб қўйинг, ўзбек насрида метафора, ассоциатив тафаккур, неомифологизм, киноя, метаморфоза ҳодисалари кузатилиши фақат бугунга хос эмас. Халқ эртаклари, қиссалари замирида шунақа оқимлар мавжудки, қани энди ўша уммонларга чуқур шўнғиб, дуру гавҳарларни териб чиқувчи ғаввослар бўлса эди...

Бадий адабиёт ва адабий танқидчилик муносабатлари мени унчалик қизиқтиравермайди. Бадий асарга таккабуруна, унақа эмас, бунақа бўлгандайди қабилда ёндашиб бўлмайди. Матёқуб Қўшжонов матнни ҳис қилмоқ учун бир талай бадий асар, эсселар битган эди. Матн бўлмаса, матнга суянмаса, танқидчи қирчанғисини қанчалик қичамасин, қай манзилга бораётганидан беҳабар қолаверади. Сиз келтирган бадий воситалар меъёри ҳақида гап кетганда, зикр этмоқ жоизки, токи меъёр бузилмаса янги меъёр юзага чиқмаслиги аён ҳақиқат. Шаклни буздинг, маънони топдинг. Машрабдаям ажойиб сатрлар бор-да – бунақа гаплар энг аввал Шарқда айтилган.

Ёзувчи мифологик сюжет асосида янги асар яратадими, афсоналарни қайта баён этиш билан чекланадими ёки бошқами, меҳнатига битта нарса мазмун киритади – унинг қалбида доимо ёниб турган шамчирок! Бу шамчирок ортида унинг болалик хотиралари, изтироб-қайғулари, оғир-енгил кунлари, севган ва нафратланганлари, садоқат кўрсатган ва хиёнат қилганлари – барча-барчаси мўралаб, навбат кутиб туради. Бу – ёзувчи бошқарадиган жамоа. Бу жамоа, таъбир жоиз кўрилса, асарни суяб туради. Йўқса, ёзувчининг барча ўйлаганлари пучга чиқади, меҳнати сизифона самарасиз кечади.

Антон Чехов “Фалсафа санъатни разиллаштиради” деган экан. Эҳтимол даққилаштириб ҳам юборар. Нима дедингиз?

– Адабиётшунос олимларимиз бир гал “Бугуннинг қаҳрамони ким бўлиши керак?” деб баҳслашиб қолишди. Ҳозирги адабий жараённинг фаол танқидчиси Нўғмонжон Раҳимжоновнинг бу ҳақда мақоласи ҳам чиқди. Савол қўйилишининг ўзидаёқ замонасозлик сезилиб турибди. Тан оламинг, адабиёт тарғиботчи, ташвиқотчи, мафқуранинг беминнат хизматчиси бўлиб келган. Бироқ бугун ёзувчи ҳам, адабиётшунос ҳам ҳушёр турмоғи керак. Токи адабиёт ва танқидчилик яна мафқуранинг арзон-гаров фарроши бўлиб қолмасин. Албатта, адабиётда тадбиркор ҳам, олим ҳам, ўқитувчию тракторчи ҳам – ҳамма-ҳаммаси бош қаҳрамон бўлиши мумкин. Кейинги вақтларда ўзбек халқи ҳаёти, дард-изтиробидан мутлақо узоқ асарлар ҳам пайдо бўляпти, қаҳрамонларининг на қиёфаси, на миллати маълум. Шойим ака, ижодий тажрибангизга суяниб, айтинг-чи, бугун ўзбек ёзувчиси кимни қаҳрамон қилиб олгани, қайси масалани бош мавзу сифатида кўтариб чиққани маъқул?

– Сиз айтган мавзуда қачон баҳс-мунозара қўзғалиб қолса, негадир хаёлимда Абдулла Ориповнинг “Инсон деб фалакка хайқирмоқ нечун, / Инсон ёнингда-ку, у менинг кўшим” деган сатрлари чарх ураверади. Бугуннинг қахрамони аввало ҳаётнинг ўзи юзага чиқаради. Мустабид тузум даврида ҳашар қилиб бир тракторчи минг тонна пахта териб қахрамон бўлар, сут соғувчининг сигири елинидан ариқ-ариқ сут оқар эди – оқибат нима бўлди? Адабиётшунос олимларимиз баҳслашиб саволни “Бугуннинг қахрамони ким бўлиши керак?” деб қўядиган бўлса, ўша “ким”ни тополмай, аввал товуқ пайдо бўлганми ёки тухумми, деб ўзини қаритиши мумкин. Адабиёт саволни бундай қўймайди, у саволни Инсоннинг азалий маконига юксалмоғи, олийжаноблигу разилликлари, юксаклигу тубанликлари илдизини қидириш орқали қўяди. Адабиёт кўпормайди – ҳамдард бўлади, ўзингизга бирров қараб олсангиз, деб кўзгу тутади – бундай кўзгу эса ҳаммага ҳам ёқавермайди. Исо ҳам Сўз тарқатувчи эди. Унинг парчинланган қўлларидан силқиётган қон барча хочлар остида ҳалқобланиб ётгандек.

– *“Шох” романингизда неомифологик Химер образи бор. Шайтон образини яратишда ҳам Қуръони карим, ҳам юнон мифологияси, ҳам шу образни мукаммал тасвирлаган Ғарб адиблари ижодий таърибасидан унумли фойдалангансиз. Мазкур роман ва Химер образининг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз.*

– Тонгданоқ бу мавзуда сўз юритмоқ кўнгилисиз эса-да, ваъдага мувофиқ иш тутишга тўғри келади. “Эгри шох, тўғри шох, ахли турфа ҳол!” Иблис – Рабғузийда, Мефистофель – Гётеда, Воланд – Булгаковда. У азалий душмани бўлмиш инсондан анча юксакларда юради, “мисли ҳашарот” каби пастда ивирсимайди. У ҳақдаги барча таассуротни, аввало, унинг ўзидан олган маъқул. У ёнгинангизда, кўзгуга боқинг – кўрасиз. Нафақат сиз, инсоният тарихи унда намоён. Шарқ ва Ғарб афсона-асотирлари бирикади. Бу – жуда улуғвор феномен, “Шох”га кириб қолган айрим жиҳатлар ҳақида эса китобхоннинг ўзи баҳо бергани маъқул. Бу асар аниқ ҳужжатлар асосида ёзилган. Келтирилган далиллар қомуслардан олинган. Булгаков “Уста ва Маргарита”ни яратишда “Фауст”дан қаттиқ таъсирлангани яққол кўринади, асарига қошсўз сифатида олинган Фаустнинг “Сен кимсан?” деган саволига, Мефистофелнинг “Мен сенга ҳаргиз ёмонлик тилаб, / Яхшилик қилувчи кучнинг бир қисми” деган жавоби ҳам шундан далолат. Бу парчада Инсон билан Шайтон муносабати оддий-жўн эмаслиги, бунинг замирида чуқур тарихий-руҳий жараёнлар мужассамлигига ишоралар тўлиб-тошиб ётибди. Идрок гарчи идрок этиш жараёнидан ташқарида бўлса-да, ҳеч кимда орт-

га қайтиш нияти йўқ. Улар типологиясининг аввалида Рабғузий бобомиз туради. Ул зот мен севган асарлардаги Мефистофелу Воланднинг оёғи нима учун оқсоқланиб қолганини асослаб бергани туртки бўлиб, “Шоҳ”нинг биринчи қисмини ёздим. Раҳматли адибимиз Баҳодир Муродалиев таҳрирдан ўтказиб, “Шарқ юлдузи” энди чоп этай деб турганда журнал раҳбарияти ўзгариб, хайрихоҳ адиб Омон Мухтор ишдан бўшадию асар ҳам босилмай қолди. Кейинчалик бундан хабар топган мухбирларимиз асарни “Даракчи” газетасида чоп эта бошлашди. Қўярда-қўймай иккинчи қисмини ҳам ёздириб олишди. Қорақалпоқ халқининг ажойиб шоири раҳматли Бозорбой Сейтаев уни қорақалпоқ тилига таржима қилиб, “Амударё” журналининг бир неча сониди бостирди. “Шарқ” нашриёти бу китобни чоп этдик деб, газеталарга эълон бериб юборгани билан ҳали босилиб чиққани йўқ. Нашриёт биносига кираверишда “Шарқ” акциядорлик компаниясида чоп этилган асарлар” деган кўргазма бор. Шу кўргазма ойнаси остиди бу китобнинг муқоваси ҳам намоишга қўйилган – нашр этдик, дейишган-да. Ёлғон хабар – ўн йилдан бери ёлғон хабарни реклама қилишади. Йўлингиз тушганда эсдалик учун суратга олиб қўйсангиз ҳам бўлади. Ажаб ишлар бор-да.

– Достоевский “Биз ҳаммамиз Гоголнинг “Шинел”идан чиққанмиз” деган. Шунга ўхшаш гапни Абдулла Қодирийга нисбатан ҳам айтмоқ мумкин. Бу ўринда мен адабнинг бетақрор романлари – “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён”ни назарда тутаяман. Гап шундаки, Тоҳир Малик қўллаган “шайтанат”, Хуршид Дўстмуҳаммад қўллаган “жажман” сўзлари XX аср бошида Абдулла Қодирий асарларида ишлатилган экан. Бу маълумотларни “Абдулла Қодирий қомуси”га материал тўплаш асноси аниқладим. Сиз “Юлдузларга элтар йўл”, “Бир кунлик меҳмон” қиссаларингизда ишлатган қора ранг билан боғлиқ тасвирлар (албатта, сизнинг ижодингизда бу ранг метафоралашган, унинг турли маъно қирралари очилган), хусусан, “қорахаёл” образи қайсидир маънода Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги шу образ билан туташади. Бош қаҳрамон Отабек қорахаёл гирдобиди қолади, эсингизда бўлса... Демак, ўзбек ёзувчилари Абдулла Қодирий романлари бағрдан ўсиб чиқди, десак хато бўлмайди. Сиз Абдулла Қодирий ижодига қандай баҳо берасиз? Шу адабнинг ижодингизда тутган ўрни қандай?

– Тун чоғи “қорахаёл” деган сўзни ёзмоқдан тийилиш кераклигини сизга айтишни фаромуш этибман. “Ўткан кунлар”ни ўқиган маҳалим, эҳтимол, хаёлимнинг бир четиди қолгандир. Аммо биз улғайган қишлоқларда ҳам бу сўз тез-тез такрорланарди: “Нима,

бошингда қорахаёл айланиб қолдим, гангийсан?” Буни жониворларга, масалан, қўй-қўзиларга нисбатан ишлатса бошқача бўлади: “Анави қўйни суйиб юбор, бошида маманиёз айланиб қопти, барибир одам бўлмайди”. Халқ тили қизиқ. Қуйма. Образларга бой. Баъзан тушуниб ҳам бўлмай қолади. Ҳайвон барибир одам бўлмайди-ку, деб кўзини лўқ қилади маърифатли муҳаррир. Нима қиласиз, халқ тилини бузасизми? Абдулла Қодирийнинг “Калвак махзумнинг хотира дафтаридан”, “Тошпўлат тажанг нима дейди?” каби ҳикояларида халқ тили унсурлари жуда жонли, ўрнида ишлатилган. Миллат фожиасини йирик асарларида тарихий далиллар асосида унутилмас образлар орқали ифодалагани боис ҳам адиб миллий онгимизнинг таркибий қисмига айланиб кетган. Ўзаро тўқнашувлар, хон саройи, ҳарам... қайси тарихий китобда бу қадар ҳаққониятни кўрасиз?! У кўп нарсаларни кўриб-билиб, ҳис этиб ёзгани учун ҳам шу мақомга эришган. Қолаверса, унинг битикларида бугунги кунга хос жиҳатлар ҳам талай. Шундан кўринадики, адибда ёзиладиган асарнинг ҳамиртуруши, материали қанчалик салмоқли бўлса, бу унинг китобида акс этмай қолмайди.

– Баъзи қисса ва ҳикояларингизда “Уташан” деган қишлоқ номи тилга олинган. Бу ном сизнинг таржимаи ҳолингиз билан боғлиқми? “Юлдузларга элтар йўл” қиссангизда ўттизга яқин қишлоқ номини санайсиз. Қадимий номлар-ку булар... Бундан қандайдир бадиий мақсад кўзланганми?

– Биз туғилиб ўсган жойлар Туркистон тизма тоғлари этакларида ястанган. Сиз тилга олган қиссага қишлоқлар номини киритганим бежиз эмас. Ҳозир қўшни республика ҳудудида қолган бу қишлоқларнинг аталишида уруғлар номи ва бошқа тарихий аспектлар мавжуд. Замонавий номлар қўйилиши билан улар унутилиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада кўлимдан бошқа иш келмагач, жиллақурса, улар машқларимда қолсин деганман. Мен қишлоқлар номини ёзаётганимда кўз ўнгимда қадрдон манзаралар пайдо бўлади – ҳаммасиниям билавормасам-да, ўтмиши, одамлари, табиати ўз-ўзидан жонланади. Бу қишлоқларни бошқа номда хаёлимга келтиролмайман, бошқача номлар қалин парда тортади тасаввуримга. Бир вақтлар йўқолиб кетган Кавказдаги монастирь Лермонтов сургундалик пайтида битган бир шеърининг қоғози хошиясига чизган расмига қараб қайта қурилган. Адабий ареалга аҳоли билан бирга жойлар ҳам киради – уларнинг ўз қабр-мозорлари бор.

– “Шўродан қолган одамлар”, “Шоҳона совға” қиссаларингиз қаҳрамонлари – қамоқхона назоратчиси, собиқ вазир – таназзулга учраган

шўро даврининг шўрпешона кимсаларидир. Қамоқхона назоратчиси ва собиқ вазирнинг прототиплари борми? Шу қиссаларга асос бўлган воқеаларни, одамларни ҳаётдан олганмисиз?

– Албатта, ҳаётдан олганман, уларнинг прототиплари ҳам бор – аммо гап бунда эмас. Назоратчи ҳам, собиқ вазир ҳам китобхонда ачиनिш ҳисси уйғотади. Менинг ўзимда ҳам. Аммо ҳаётда унақа эмас: қаршингизда турган қасамхўр, ёлғончи, разил кимсалардан нафратланасиз. Уларга ачинмайсиз, ачингудек бўлсангиз ҳам бошқалардан балога қоласиз. Ҳали яратилмаган, аммо яратилиши зарур бўлган шунақа характерлар бор: ҳаётда кўргани кўзингиз, отгани ўқингиз бўлмаган нобакорлар адабий қахрамонга айланганида, адабиёт улар яшаётган ҳаётга кўзгу тутганида, беихтиёр ўша қахрамонларга ачина бошлайсиз, афсуски, боёқишлар Инсон отлиғ улуг хилқат эканини фаҳмламай, кўзи очилмаган итвачча каби яшамокда, деб ачинасиз. Ҳаётда бу разолат кўзга аниқ ташланмаслиги мумкин, бироқ адабий асарда яққол намоён бўлади. Ҳаётда-ку бундайларга сўз айтишга ботинолмасиз, айтолмайсиз, лекин миждангиздан китоб саҳифасига беихтиёр бир томчи ёш томганда, биродарлар, энди бунақа яшаманг, ўзингизга қаранг, қараб олинг ўзингизга, ахир кимларга ўхшаб кетяпсиз, дея оласиз. Адабиёт сизни ҳар томонлама қамраб олади, шуниси билан у ҳаётдан устун туради. Шу маънода, сиёсат таназули билан инсон фожиалари яқун топмайди – ўша заминда янги разолатлар барқ уради. Фожиавий қисмат умумийлик касб этади шунда. “Шўродан қолган одамлар” номи ҳозир ўнғайсиз туюлади, шунинг учун уни “Исирик иси” деб ўзгартирдим. “Ёзувчи” газетасида қиссадан айрим бобларни чоп эттирганимда Шукур Холмирзаев баъзи таклифларни айтган эди. Улардан эътиборга олганларим ҳам бўлди, шу сабаб жузъий тахрирлариям бор.

– *Бугун халқимиз ўзлигини таниди, онги тубдан ўзгармоқда. Унинг адабиёт-санъатга ихлоси ўсиб, дид-савияси юксалди. Шундай эмасми? Бу ҳақда сиз нима дея оласиз?*

– ...

Авалдан келишганимиздек, Шойим Бўтаевдан ўн кунда ўн саволимга ўнта жавоб оламан, деб элдан бурун суюнган эканман, негадир сўнги савол жавобсиз қолди. Эҳтимол савол ёқмагандир, эҳтимол бошқа сабабдир – наchora, суҳбатни ўн саволга тўққиз жавоб билан яқунлаб қўяқолдим.

Марҳабо ҚҶЧҚОРОВА суҳбатлашди.

Саида ЗУННУНОВА



QIYNALSAM HAM
POK YASHAY!..



Қатагон йиллари кундалиги

9.09.1951. Афсуски, бу дафтарни тутиш фикри хаёлимга жуда кеч келди. Афтидан, умидсизланиб кетган эканман. Кеча университетга бораётиб Саъдий домлани (*адабиётшунос олим, САГУ домласи Абдурахмон Саъдий – тахр.*) кўрдим. Унинг “Қаламга олинган нарса йўқолмайди, яхши ният юзага чиқади”, деган сўзлари қалбимда умид учқунларини ёқди. Чиндан ҳам фақат яхшиликни ўйлаган тоза қалб тухмат гирдобига ҳеч қачон йўқолмайди. Агар яна қайтиб минбарга чиқиш менга насиб этса, ана шу ҳақ ният тантана қилган бўлади. Ана шу пайтда мен “улар”нинг кўзини бир лаҳзагина учратгим келади, йўқ, “улар” менинг кўзимга қараёлмайди. Ҳа, худди ўшанисини кўргим келади.

Бугун – дам олиш куни. Уй йиғиштиргач, студентлар зора сотиб олса, деган ниятда диаматдан (*диалектик материализм фани назарда тутилган – тахр.*) конспект печать қилдим. Нима қилай, ҳалол меҳнат айб эмас. Бир йилдан бери шундай тирикчилик қиламан. Стипендия нима ҳам бўларди! Оила, рўзгор ташвиши кўп бўлар экан. Роҳатини кўрмаганим учун турган-битгани ташвиш десам ҳам бўлади. Асли шундай бўлмаса ҳам, мен учун шундай. Саид Аҳмаддан бир ярим ойдан бери хат йўқ. Кўнглим жуда ғаш.

10.09.1951. Бугун дарс йўқ. Бир оз конспект ёздим. Газетада чиқаролмаган баъзи мақолаларимни қараб чиқдим. Орадан шунча вақт ўтган бўлса ҳам уларни ўзгартиришни лозим топмадим. Демак, ҳамон

фикримда қатъийман. Нуқсонини тополмадим. Афсуски, хизматини ўтамадилар, қоғозлар орасида қолиб кетдилар. Майли, қаламга олинган нарса йўқолмайди.

Турмушдаги сўнги ҳаловатим йўқолди. Ҳар куни жанжал, пичинг. Саводсиз одамнинг ақллилиги қаерга борар эди?! Д. (Далилахон – Саид Аҳмаднинг жияни. Саидохон ва Далилахон аввалига бир-бирини хуш кўришмаган, аммо кейинчалик ярашиб кетишган – таҳр.) келиб менинг ғашимга тегиш учун М.ни мақтади. Кошкийди, эримга ўша текканда, мен бу азобларни кўрмаган бўлар эдим. Менинг келажагим жуда порлоқ эди. Мени ҳам чиройли йиғитлар яхши кўрган. Лекин муҳаббат чиройга қарамас экан. Йўқ, менинг эрим бор, мен унга ҳеч қачон вафосизлик қилмайман, алдамайман [...]

Андижондан хат олдим. Хулласи, бу кун ҳам кўпдан бери ўтаётган кунлардай азоб билан кечди, эслағундай бирор лаззати йўқ. Фақат соғ-саломатман, яшаяпман. Соғлиқнинг ўзи – катта бахт. Бун яқинда, касал бўлган куним сезган эдим. Ўша куни шундай деб ўйлаган эдим, энди эса унутаёзиман. Ҳа, айтмоқчи, бугун эскичасига арафа экан. Ош қилишга қурбимиз етмади. Бу – умримда биринчи марта пул-

га муҳтож (бўлганман-у, лекин шунчалик эмас) бўлишим. Кечгача Саид Аҳмаддан хат кутдим, келмади. Нима бўлди экан? Балки ёзишга рухсат беришмаётгандир.

11.09.1951. Зот, насл ҳақидаги бачкана гапни эшитиб, одамлар, чинакам одамлар назаридан четда қолган, ҳаёт оқимига тушунмаган саводсиз бечорага раҳим келди, кулдим-да, Мехрихоннига (Саидохоннинг дугонаси – таҳр.) чиқиб кетдим. Кун бўйи уларникида чақчақлашиб ўтирдик. Менинг турмушга чиқмасимдан олдин ёзган баъзи шеърларим Мехрихонда экан. Тўйдан уч кун олдин баъзи сўзларни ёзиб Мехрихонга ўзим эсдалик қилиб қолдирган эканман.

Тавба, яхши гаплар ёзган эканман, ҳа, тўғри гаплар ёзган эканман. Майли, мен бу ерда уларни ёзмайман. Улар ушбуни ўқиган киши учун сир бўлиб қолаберсин. Чунки ҳар вақт тортиб келаётган азобим, яъни тўғрилигим туфайли чекаётган азобимни у “сир” яна таҳқирлаши мумкин. “Оқил чиндан ўзгани демас, аммо барча чин сўзни демак оқил иши эмас”, деган нақлга шу минутда, иқрор бўлай, биринчи марта амал қилдим.

Муҳаббат! Кўзимга бундан икки йил олдин ажойиб олам бўлиб кўринган му-

“ИШҚДА ВАФО КЕРАК,
ҲАЁТДА – МАРДЛИК!”

Муҳташам “Бобурнома”да (XVI аср) мемуар адабиётнинг таржимаи ҳол, эсдалик каби жанрлари қатори кундаликлар учун ҳам ётарли тамал қўйилган эса-да, нега у миллий заминимизда унчалик ривож топмади? Нега мазкур жанр дунёда ўз ҳадди аълосига кўтарилган XIX-XX асрларда ҳам бизда, майли, заиф бўлсин бирор жонланиш юз бермади? Шу асрларда, дейлик, Фарбда яратилган Қиролчи Викториа ва Николай Иккинчи, Рихард Вагнер ва Лев Толстой, Франц Кафка ва Салвадор Дали, Тереза Она ва Эрнесто Че Гевара кундаликлари билан ёнма-ён қўйгулик нелар бор асли бисотимизда?

Шундай аламли ўйлар таъсирида камини бир гал устоз адабиётшунос Умарали Норматовни “Домла, аввалги асрларни-ку қўйтурайлик, бадиий насримиз жанр жиҳатидан беҳад бойиган йиғирманчи юз йилликда ҳам нега кундаликлар биз учун ўгай бўлиб қолаверди?” дея саволга тутган, у киши бунинг сабабини сиёсий-иқтисодий омиллар билан боғлаб, “Давлат оммавий қатагон машинасини бетўхтов ишлатган, жамият эса бир-бировдан ҳадиқсирашдек дардга чалинган бир замонда ўй-туйғуларини кундаликка рўй-рост тўкиб солган одам ўзига ўзи гўр қазиган бўлмасмиди?!” дея жавоб қилган эди куйиниб. Домла, шубҳасиз, ҳақ,

ҳаббат энди тамомила ўз қадрини йўқотди, одамлар уни ўзларидек қадрсиз, тубан, ифлос қилиб қўйибдилар. Бу гапим учун баъзилар мени айблар. Лекин улар менинг ўрнимда бўлганида, муҳаббат пардаси орқасидаги ярамасликларни кўрганида эди, худди мендек жирканган бўлар эдилар. Эркаклар... Эҳ, улардан шунча нафратландимки, ҳатто ёмон сўзимни ҳам уларга муносиб кўрмайман.

Қаранг, бутун бошқа гапларни ёза бошлабман. Ҳа, кечкурун Меҳрихон билан “Торький” паркига чиқдик. Яна айтмай иложим йўқ: “жазманлар” искович итдек кетингдан юради, яна уларнинг шунчалик ишонч билан ёндашишлари мени ҳайрон қилади. Ёки хотинларнинг ичида ифлоси кўп, ёки ҳамма – ифлос. Ёнингизда бирон эркак киши бўлмадики, сиз худди эгаси йўқ молдексиз. Меҳрихонниқиди тунаб қолдим. Уйдан беза бошладим. Яқиндагина эримга бўлган садоқатимни ҳам, хурматимни ҳам шу уйимга бўлган меҳрим билан босар эдим. Энди-чи? Энди келишга юрагим безиллайди. Кошки эди, у менга уйланмаган бўлса!

12.09.1951. Эрталаб Меҳрихонниқидан дарсга кетдик. Бир нусха конспектимга студентларнинг бири пул берди.

Уни томсувоққа асраб қўйдим. Кўпдан бери Саид Аҳмадга ҳеч нарса юборолма-яман. Ҳеч ким, кўнглим учун ҳеч ким уни эсламайди. Мен ҳеч кимдан умид ҳам қилмайман, хафа ҳам бўлмайман. Лекин эримнинг қадрига хафа бўламан. Саккиз ой передача ташидим, пул тополмай қон-қон йиғлаган кунларим бўлди. Бегоналар менга қарз берди, аммо ўзиникилар еяётган гўштини бир тўғрам камайтиришга кўзи қўймади. Майли, қариндошга ҳам бор бўлсанг – қариндошан, деган гапни мен айтмаганман-ку! Киши меҳнатдан ўлмайди. Қўлимдан келганини аямайман, бироқ киши кўзига қарамайман, қаратмайман ҳам. Ўз кучим билан топиб, жон-танзим билан юборган беш сўмим бировдан юлиб олган юз сўмдан кўра кўпроқ уни тўйдирди. Чунки мен бутун бахт-саодатимни унинг оёғи остига ташладим, ундан ҳеч нарсани аямадим, унга нисбатан энг самимий одам бўлдим ва шундай бўлиб қоламан. Хоҳ буни билсин, хоҳ билмасин, бу – унинг иши! Мен ундан мени тўғри тушунишдан бошқа ҳеч нарсани талаб қилмайман. Хат келмаётир. Нима бўлди экан? Бунга ҳеч ким жавоб бермайди.

13.09.1951. Дарсга эрталаб кетганимча соат учдан кейин келдим. Ойим Камол-

аммо миллий заминимизда кундалик жанри ривож топмаганига бошқа сабаблар ҳам борлиги аниқ. Чунончи, маданий-руҳий омиллар роли сиёсий-ижтимоий омилларникидан кам бўлмаган, дея тахмин қиламан ўзимча. Начора, яна умидга суянамиз: вақт-соати этиб ушбу мавзу ҳам атрофлича тадқиқ этилар, оғриқли саволларга-да жавоб топилар...

Шу нуқтаи назардан, бугун муштарийлар ҳукмига ҳавола этилаётган Саида Зуннунова кундаликлари мутлақо ноёб ҳодиса – уни теп-текис дашт ўртасида ногоҳ қад ростлаган тоққа қиёслаш мумкин. Янги ўзбек адабиётига чиққан кўйи карахт қолаверди...

Маҳбуснинг ҳаёти қандай эричиши ҳаммага аён. Саид Аҳмад “тройка” ҳукми билан 10 йилга кесилиб, этап қилинган Қозогистон даштларидаги Жезқозгон мис кони нақд борса – келмаснинг ўзи эди: ақсар маҳбуслар мис гардидан ўпка силига чалинар ва тез ўтмай ўлиб кетарди. Мис самоварни кўрганмисиз? Зангдан кўкариб кетади, – дея ўша жаҳаннамни эсга олади Саид Аҳмад 90-йиллардаги бир суҳбатида. – Кон атрофи ҳам

хон аканикидан (*Саид Аҳмаднинг амаки-си – тахр.*) келиб турган экан. Чой ичгач, бир оз конспект кўчирдим. Магазинга ёғ олгани борган эдим, магазинчининг кўлидан идиш тушиб кетиб ёғ тўкилди, идиш синди. Ўша ерда бировдан идиш топиб, ёғ олиб келдим. Ойим билан иккимиз уни кишга тайёргарликнинг бошланиши деб олиб кўйдик, чунки экзаме кезларида мен иш қилолмай қолсам қийналишимиз мумкин. Ҳарқалай ёғ бўлса, картошка топсак, овқат бўлади. Қиш деса маҳси-калиш, ўтин эсимга келади. Бир ёқдан беш юз сўм қарзман – шу атлас кўйлакни чакки олдим. Кечкурун свет ёмон бўлгани учун ҳеч нарса қилиб бўлмади. Хаёл суриб ўтирдим ва ухлаш олдидан ушбуну ёздим.

14.09.1951. Ҳаёт мен учун одатдагидай, бир текис, кўнгилсиз. Икки соат дарсдан қолганим учун Восиқ деканатга ёзиб берибди. Спискани текширсам, ўзининг хотини кўплаб дарсдан қолганларини оловатга қилмаган экан. Деканатда мен старостадан (Восиқ) тўғри ишлашни талаб қилдим. Тўғри гапнинг тўқмоғи бор дейдилар-ку! Бу гап унга қаттиқ тегди, бироқ индаёлмади. Дарсдан келсам, Раҳбархон (*Саидахоннинг она тарафидан қариндоши, Тошкентда истиқомат қилган –*

тахр.) айтиб кетган экан. Бордим. У менга қарз берган пулини қистади, тўй қилаётган эди, керак бўлиб қолган экан. Мен стипендиягача сабр қилишини сўрадим [...]

15.09.1951. Студентлар кўчиришга конспект бердилар. Рус тилида экан, менинг машинкамда ҳарф етмас эди. Нима қилай, бошқа иш йўқ, бир иложини қилиб ёзаман-да. Уйга келгач, фақат уч листгина ёздим. Диплом ёзиш учун Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар” романини яна қайта ўқишга тўғри келди. Қайта ўқий бошладим. Кечкурун свет хира бўлди, ўқишнинг ҳам, ишлашнинг ҳам иложи бўлмади. Хат кутаман, хат келмаётир.

16.09.1951. Раҳбархон синглисини эрга берди. Қариндош бўлгани учун бормасликка илож тополмадим. Бордим, кўнглим сира ҳам ёришмади, Саид Аҳмад эсимга келди: у куёв бўлиб ҳали бизникига боргани йўқ эди.

Ҳа, пулим бўлмагани учун келинга ҳеч нарса подарка қилолмадим, кун бўйи ўнғайсизланиб юрдим [...]

19.09.1951. Дарсдан сўнг, тинчлик комитетининг мурожатига бағишланган йиғилиш бўлди. Қайтишда келинойимникига (*Саид Аҳмаднинг келинойиси Мамлакатхон – тахр.*) кирдим. У ердан қайтгач,

баҳорда кўм-кўк бўлади. Бу – кўкат эмас, занглаган тупроқ...” Қарғиш теккан шу ердан тирик қайтиш бир мўъжиза эди.

Ўш, маҳбуснинг рафиқаси ҳаёти-чи? Афсуски, у маҳбусниқидан-да оғирроқ бўлди. Бир томондан, Ёзувчилар уюшмасидагилар Саид Аҳмаддан воз кеч, бунга кўнмасанг, аъзолик билетини топшир, деб дағдага қилса, бошқа томондан, эримга адолат қилинг, деб ўтиниб борган баъзи идоралардаги нопок амалдорлар кўҳлик келинчакка кўз олайтирмоқчи бўлади. Яна бир томондан, САГУ дипломини эндигина қўлига олган ёш мутахассис иш сўраб борган жойларидан “халқ душмани”нинг хотини бўлгани сабаб нуқул рад жавобини олса, бошқа томондан, келин бўлиб тушган хонадонидаги айримлар уни сепсизликда айблаб, беомон пичингларга нишон қилади...

Бахтимга етдим деганда бахтсизликка йўлиққан ёш Саида икки йўлдан бирини танламоғи лозим эди. Биринчиси – Саид Аҳмаддан воз кечиб, мустабид тузумга итоат этиш ва жамиятда мавқеини сақлаб қолиш; иккинчиси – эрига содиқ қолиб, мустабид тузумга итоатсизлик этиш ва жамиятда “яккамохов”га айланishi. Саида Зуннуова ўзи бир шеърда ўқтамлик билан ёзгани – “Ишқда вафо керак, ҳаётда – мардлик!” деган умр шиорига содиқ қолди.

Машхураҳон опамни (*Саид Аҳмаднинг опаси – таҳр.*) олиб, “Мексикалик қиз” фильмини кўргани бордим. Жуда таъсирли деб таърифлаган эдилар. Менга унчалик кўринмади. Ҳарқалай, ўз бошимдаги фожадан кўра ортиқ бўлмаса керак. Ҳозир юрагим шу қадар тош бўлиб кетганки, ҳар қандай оғир ҳодиса: ўлим ҳам, айрилиқ ҳам, очлик-яланғочлик ҳам, азобнинг турли-турли хиллари ҳам мен учун жуда оддий, гўё шундай бўлиши керакдек туюлади. Кулги, ашула, музика ҳам қитгай лаззат бермайди. О, уларни яқиндагина мен қандай севар эдим! Энди эса кўролмайман.

20.09.1951. Дарсдан қайтсам, райсочесдан одам келиб ойим (*Саидахоннинг қайнонаси Зулфия Дадахўжаева – таҳр.*) урушда ўлган ўғли учун пособеи олса бўладими-йўқми, шунга текшираётган экан. Унга мени бегона деб таништирдилар, мен ҳам шундай дедим. Бу – умримда кишини алдашга биринчи марта ботинишим эди. Бунинг учун мени гуноҳқор қилмоқчи бўлсалар, даставвал, шу ёлғонни гапиришга мени мажбур қилган шароитни даволашлар. Бўлмаса, мен барибир гуноҳ деб билмайман ёлғон гапимни. Ойимга қийин, бола боққани учун айбдор эмас, албатта. Менинг ҳам ягона бахтим – ҳозирги оғир

кунларимда юз ўтгирмаган фақат онам. Мен эса унга нима қилдим ва нима қилганман? Ҳеч нарса, азобдан бошқа ҳеч нарса бермадим. Онажон! Мен хизматларингизни қайтаролмасам, укаларимдан қайтсин, узоқ умр кўринг, соғ бўлинг. Ахир бу бахтиқаро қизингиз шунча бадбахтликини ўйлабмиди? Нима қилай, сизга азоб беришга ва ўзим ҳам азоб чекишга туғилган эканман.

Кечкурун китоб ўқидим. Маузия опа, Ойша опа (*Саидахоннинг қўшиқлари – таҳр.*), мен ўтириб Поля деган хотинга эримизнинг иши нима бўлади деб қарта очирдик. Ҳа, юпаниш учун шундай ишлар билан ҳам шуғулланадиган бўлдим. Тўппа-тўғри, самимий, пок одамни қандай расво қиляптилар! Саид Аҳмад акамни касал бўлса керак, деб айтди. Уйкум бутунлай қочиб кетди, кўзимга ҳар хил қиёфада кўринди – йиғладим. Тўйиб-тўйиб йиғладим. Кўзёшларим сиёҳ бўлганда эди, ушбунга ҳам кўзёшим билан бемалол ёзиб тугатган бўлар эдим. Афсус, бу кўзёшлар жуда қадрсиз, уни ҳеч ким билмайди, сабабини ҳеч ким сўрамайди. Қизиқ гапирман, сабаби ҳаммага аён-ку! Нимасини ҳам сўрасин!?

Бошимдан не-не кунлар ўтганда ҳам мен унга ёзмаган эдим, уни жуда қизганар

Бугун кўлимизда турган бу кундалик эрига ва ўзига ноҳақ жабру жафолар етказган ёвуз замонага қарши бир ўзбек аёлининг рад этиб бўлмас далилий ҳужжати ва мангу янграб туражак оташин айблови ўлароқ ана шундай вазиятда қозоғиза тушган.

Саид Аҳмад ҳибсга олинганда Саидахон энди йигирма тўртта қадам кўйган эди. Шу гўригина ёшида мустабид тузуми муте жамиятга қарши туриш унинг учун сира осон бўлмаган, албатта. Кундаликларни мутолаа қилар экансиз, изтиробу иккиланишлар ёш келинчакни гирдобдек беомон чирпирак қилиб домига тортмоқчи бўлганини ҳис этасиз. “Заррача айбим йўқ”, дея кетма-кет мактублар йўллаётган Саид Аҳмад ҳақида “Мени алдамаётган бўлса яхши-я, лекин... бунга ўйлашга ҳам кўрқаман” деган аччққ гумонларга боради у баъзи чоқлар (1952 йил 4 март қайдлари). Тириқчилик азобларидан тўйган, адолат излаб ҳориган, зларо тухматларга қолганда эса, “Кошки эди у менга уйланмаган бўлса”, дея афсус-надоматга ҳам ботади бир дам у (1951 йил 11 сентябрь қайдлари). “Дунёдан жуда бездим, жуда ҳам. Ҳаммаси менга бемаъни бўлиб кўринади...” деган тушқун кайфият эса (1952 йил 19 март қайдлари) тобора чуқурлашиб, “Кўп вақт ўзимни ўлдиришни ўйламан”, деган даҳшатли қарорга улашиб кетади гоҳи (1952 йил 31 март қайдлари). Зада юрак ҳатто Оллоҳга туғён қилишгача боради: “Агар сен... одампарни мендек бахтсиз

эдим. Жон-жонимдан ўтгач, ўша хатни ёздим-у, лекин ўзим ундан баттар азобдам. Қўлидан нима қелади? Гоҳ ундан, гоҳ мендан хафа бўлади, холос. Балки у ҳам мени қоралар, ўз кўзи, ўз қулоғи билан эшитмагач, билмайди. Одамлар жуда уста бўлар экан. Танграм! Бошимда шунча кунлар бор экан, нега мени ҳам ўшандай уста, айёр қилиб яратмадинг? Тўғри бўлганим учун ҳам сендан яшириниб, шайтондан сабоқ ололмадим шекилли! Энди ўзгарिश қийин бўляпти-ку! Йўқ, ҳеч бўлмаяпти!

21.09.1951. Дарсдан келаётиб Муҳаррам опа (*САГУ талабаси – таҳр.*) билан магазинга кирдик. Муҳаррам опа ўзига кўрпа-астарлик олди. Мен ундан бир метр сочиқ олиб беришини сўрадим. Пиёла сочиғимиз жуда йиртилиб кетган эди. Унга кўп вақт конспект кўчириб бераман. Ҳисоб-китобини ўшанда қилармиз. Энди яна бирор фандан конспект кўчириб берсам, Муҳаррам опа менга кирогоаз олиб берадиган бўлди. Қишда ўтин жуда қийнайди. Кирогоаз бўлса, ҳарқалай, керосин ўтиндан арзонроқ тушади. Ҳа, Хосиятхон опа (*САГУ талабаси – таҳр.*) менга уйингиздан кетинг, ўзингизни қийнаб нима қиласиз, айниқса, ана бу “онахотин” билан яшаш жуда қийин, деди. Эҳ, биламан, жуда қийин,

қийналяпман ҳам, бироқ уйни ташлаб кетиш ундан ҳам қийинроқ. Эримга ичим оғрийди, ундан юз ўғирмаган ҳозир фақат менман. Агар мен ҳам кетсам, унга жуда оғир бўлса керак. Яна билмайман, эркак кишиларни билиб бўлмайди. Уйга келсам, Машхураҳон опам билан Д. уриш қилибди. Кеча ҳам уришган эди. Ҳайронман, нега ўзиникилар билан ҳам чиқиша олмайди?

Кечкурун угра қилдик. Чўмичимиз синиб қолган эди, пиёла билан қуяман деб қўлимни куйдирдим [...]

25.09.1951. Бугун дарс йўқ. Мустақил ишлаш куни. Мен эса эрталаб тупроқ қазидим. Нина тўқнайдиган тўқидим, китоб ўқидим. Саид Аҳмад акамга хат ёздим. Тоҳирий долани (*Тоҳирий САГУда педагогика фанидан дарс берган – таҳр.*) ишдан бўшатибдилар, приказга “Ўрин бўлмагани учун” деб ёзилган эмиш. Ваҳоланки, университетда психологиядан ҳеч бир мутахассис бўлмагани учун студентлар дипломни бу фандан эмас, тилдан ёзишга мажбур бўлмоқдалар. Сабабини билмайман, лекин жуда ачиндим, яхши кўрган домлаларимдан эди. У машинасини сотиб, Москвага бормоқчи эмиш. Жуда яхши қилади. Москва ҳақни юзага чиқармай қўймайди.

яратадиган бўлсанг, яратмай кўяқол!.. Мана, энг мўмин бандаларингдан бири сенга исён қилляпти. Модомики, менинг тақдирим сенинг буйруғинг билан экан, бу исёним ҳам сенинг буйруғингандир!” деб ёзади у 1951 йил 27 сентябрь куни. *Боёқиш, Яратганга шундай аччиқ таъналар қилади-ю, энди куфрга тояй деганда бирдан ҳушёр тортиб, истиғфор келтиради: “Тавба қилдим... Ҳақ бўлсанг, ҳақиқатни тезроқ юзага чиқар, юзимни ёруғ қил!”.*

Сувага чўкаётган одам хасга ёпишади дейдилар – Саидахон бот-бот Москвага бориб, Сталинга учрашишдек хомхаёлга ҳам берилади: “Яшасин! Москва ҳақиқат қилади!” деб хайқиради у дафъатан руҳланиб 1952 йил 19 март қайдларида. *Ваҳоланки, унинг бошига ёғилган бутун қулфат шу Москва, шу Сталин “марҳамати”дан эмасмиди?!*

Саидахон 15 ёшга тўлганида دادаси совга қилган тилла соатини пуллаб, “Ундервуд” деган эски ёзув машинкасини сотиб олади-да, тунни тонгага улаб бировларнинг қўлёмаларини кўчиради – шу тариқа ўзи ва қайнонасининг қора қозонини қайнатади. Айни чоқда, адолат сўраб идорама-идора кезишдан ҳам толмайди. Фаламис кимсаларнинг бўҳтонларига эса покиза кўнглини қалқон қилади.

Инософ юзасидан айтмоқ жоиз, Саидахонга ҳамдарду хайрихоҳ бўлган кишилар ҳам кам эмас эди, албатта. “Бир томонига ип боғланган кўзойнагини тақиб, Хувайдо ғазал-



Гуссадоилар – қайнона ва келин

26.09.1951. Дардан келиб, тупроқ қазидим. Конспект кўчирдим, китоб ўқидим. Кечкурун Маузия опа билан худди жинни бўлгандек қартада фол очдик. У ҳам овутолмади. Ётдим-да, кўзимни чирт юмиб олдим. Хат келмаётир.

27.09.1951. Соат тўртларда дардан қайтдим. Кун бўйи табиатим хира бўлиб

юрди. Одамларнинг ичида ярамаслари шу қадар кўпки, эй Тангрим, нега ўшалар қаторида яратмадинг ёки яратмай кўяқолмадинг?! Мен сенинг олдинга “дод!” деб бораман. Агар сен чиндан бор бўлсанг, одамларни мендай бахтсиз яратадиган бўлсанг, яратмай кўяқол! Ахир, ижодкорлигинг учун раҳмат эмас, лаънат эшитасан, холос. Мана, энг мўмин бандаларингдан бири сенга исён қияпти. Модомики, менинг тақдирим сенинг буйруғинг билан экан, бу исёним ҳам сенинг буйруғингдандир.

Тавба қилдим, бахтимга онам эсон бўлсин, унинг умрини узун қил. Ҳақ бўлсанг, ҳақиқатни тезроқ юзага чиқар, юзимни ёруғ қил!

28.09.1951. Дардан сўнг стипендия кутдим. Кассир келмади. Эртага берадиган бўлди. Уйга келдим. Ўзимни жуда ёмон сездим. Кўзим энди очилапти. Ўз аҳволим ўзимга кундан-кун кучлироқ таъсир этмоқда. Ҳеч нарса қилгим келмади. Турсуноиларникига (*Саидахоннинг қўшниси – тахр.*) чиқдим, дутор чалиб ўтирдик.

29.09.1951. Дардан сўнг стипендия олдим. Буфетдан нон оламан деб (очередь эди) партмажлисга кеч қолдим. Мен кир-

ларини шикаста овоз билан майин” ўқийдиган дилдош қайнонаси Зулфияхон ая, ҳали келинчақлик давридаёқ “халқ душмани”нинг хотини деган иснодга қолган мусофир тўнғичига Андижондан тежаб-тежаб пул жўнатиб турган дардкаш онаси Сабохон ая... Яна, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳалол Ойбегу Қаҳҳорлар...

Нихоят, 1955 йил аввалида Саид Аҳмад оқланиб, қадрдон уйига – онаси ва ёри бағрига қайтади. Бу – Сталиннинг қатлиомлар замони поёнига етиб, Хрушчёвнинг “шлиқлик даври” бошланган кезлар эди. Саида Зуннунова кундалиқлари ана шу беш йиллик ҳижрон ва изтиробнинг бир йили баёнини ўз ичига олади. Битиклар 1951 йил 9 сентябрь санаси билан бошланиб, 1952 йил 21 август қайдлари билан тугайди. Кундалиқлар қандай сабабга кўра ёзила бошлагани бизга аён: адабиётшунос олим, САГУ домласи Абдурахмон Саъдийнинг “Қаламга олинган нарса йўқолмайди!” деган биргина далдаси боис! Аммо қандай сабабга кўра тўхтаб қолгани ноён: кундалигини шундай дафтар тутуш нега ҳаёлига аввалроқ келмаганидан ўз-ўзини койиш-ла бошлаган муаллиф орадан бир йил ўтгач кўкқис ёзишни бас қилгани ажабланарли, албатта. Таассуфки, бу саволнинг жавоби Саида Зуннунова билан бирга кетди.

Ҳайрон қоларли яна бир ҳолат: нега кундалиқлар орадан ярим аср, ҳатто ундан-да кўпроқ вақт ўтиб эълон қилинаётир? Нега Саида опа ҳали ўзи тириклик чоқларида ёхуд

ганда Симкин (САГУ филология факультети партия ташкилоти котиби – тахр.) ҳисобот докладини тугатган экан. Мени ҳам ишламайди, деб танқид қилибди. Рост айтади. Нима ҳам дер эдим, бу – тўғри гап. Шунақа бўлиб қолдим...

30.09.1951. Эрталаб бозорга тушдим. Саид Аҳмад акам учун посилкага харажат қилиб чиқдим. Раҳбархонга бир юз саксон сўм бердим, яна бир юз йигирма сўм қарзим қолди, юз сўм томсувоқга атаб қўйдим. Ёғ идишини Машхураҳон опам тополмай чиққан экан, ўзим яна бозорга бордим – топиб келдим. Андижондан бувим (Саудахоннинг онаси Сабоҳон Зуннунова – тахр.) пул билан ёғ бериб юборган экан, олиб келиш учун Саломатхон аяни-кига (Саудахоннинг андижонлик таниши – тахр.) бордим. Келгач, халта тикиш ва посилкани жойлаш билан овора бўлдим...

01.10.1951. Эрталабдан жанжал бошланди. Д. томдаги свет столбасини йиқитмоқчи бўлиб, том деворини ўйибди. Кўриб қолдим. У ҳам гапирди, мен ҳам. Аҳмоқ бўлмасанг, сенга шу жой, амакингнинг жойи асқатаётгандан кейин, нега уни сақлаш ўрнига бузасан?! Кимдан фойда бўлса, ўшанга яхши гапириб, ўзи йўқнинг кўзи йўқ қилиш – одамгарчи-

лик эмас. Менинг ҳеч нарсам йўқ эмиш! Менинг қалбим бор, шу қалбим билан мағрурман. Уни кўришга сенинг кўзинг ўтмайди. Лекин, аслини суриштирганда, Саид Аҳмадни сотиб олгандан ҳам ўтиб кетдим. Майли, модомики, у фақат менинг учун керак экан, мен унинг соғ ва хурсандчилигини ўйлайман. Эҳ, жигар эмиш! Биламан, фалакингиз (палакингиз дейилмоқчи – тахр.) билан эрга тегарсиз-да, бутун умр бўйи унинг бўйнига товон бўлиб ўтирарсиз. Эрим пул топиб келса, харажат қилишни мен ҳам биламан. Лекин сиз менинг ўрнимда бўлганингизда нима қилар эдингиз?!

Саид Аҳмад акам бечора содда экан. Мехрибончиликларига ишонар экан. Қандай кунга қолдим-а? Наҳотки дунёда шунчалик одамлар бор?!

Ички азоблар, ўйлар билан посилкани юбордим, келинойимникига кирдим, кечқурун Мунираҳон (Саудахоннинг дугонаси – тахр.) билан кинога чиқдим. Маузия опам эрини кўриб келибди. Турмадаги одамлар биз ҳақимизда ҳам гапиришибди. Саид Аҳмаднинг хотини бузилиб кетибди, дейишибди. Аби уларни уришибди.

Эй, худойим, фақат шу “бузуқ” сўзидан қочиб ўз бошимга шунча кунларни солиб

Саид Аҳмад ака рафиқаси вафотидан сўнг бу кундаликларни чоп эттирмади экан?.. Келинг, бу саволни ҳам бежавоб қолдирайлик-да, қўш ижодкорнинг ёлғиз фарзанди – Нодира Ҳусанхўжаева, ниҳоят, шу хайрли ишга қўл урганидан таскин топайлик!

Биз Саида Зуннунова кундаликларини нашрга тайёрлашга чин маънода эҳтиром ила ёндашдик. Мажалланани ҳажми инobatга олиниб, даврнинг ёрқин манзаралари ёки қалбнинг дардли кечинмалари баёнидан холи, маиший мазмундаги баъзи қайдлар қисқартрилди. Бир оз шошиб битилганиданми, андак гализроқ чиққан айрим жумлаларгина энгил таҳрир этилди. 50-йилларнинг тил муҳитига хос бўлган “списка”, “очередь”, “приказ”, “отметка”, “пособие”, “вечер”, “начальник”, “срок”, “экзамен” каби русча сўзлар ўз ҳолича қолдирилди.

Сўзга қудрат ато этмоққа ёлғиз Ҳақиқатгина қодир. Мен Саида Зуннунова кундаликларини ўқиш асносида бунга яна бир бор амин бўлдим. Муҳтарам муштарий ҳам ушбу дил дафтари ила танишиб, шундай қаноат туйса ажабмас. Ниҳоят, сўнги тилак: кундаликларингиз дунё юзини кўрмоқда, руҳингиз шод бўлсин, Саида опа!

Муҳиддин РАҲИМ

ўтирибман-ку! Ҳали қайнонамнинг олди-да, уйидаман. Агар бирор ерга чиқиб кетсам, худо билади, нима гаплар бўлади. Эр кишига бундан ортиқ оғир гап бўлмаса керак. Бузуқ хотинга эр ёки бузуқ эрга хотин бўлиш – энг катта фожиа шу-ку! Худо сақласин!

02.10.1951. Бугун бизда дарс йўқ. Конспект кўчирдим. САГУга бориб, Розага (*САГУ ходимаси – тахр.*) студентларга сотиб беринг, деб қолдирдим. Фароғат опамниқига бордим. Ҳа, универмагада чиройли пиёла бор экан. Охири пулимга тўрт дона сотиб олдим. Уйга келгач, кечга қадар китоб ўқидим. Мая билан Шура (*Саидахоннинг қўшнилари – тахр.*) чиқди. Гапиришиб ўтирдик. Радио гапирмай қолди.

03.10.1951. Икки соатгина дарс бўлди. Бобоев (*САГУ домласи – тахр.*) келмади. Кирогаз изладим, тополмадим. Уйга келгач, Машхураҳон опамни олиб, Эскишардаги магазинларни ҳам қидирдим. Топилмади. Жаҳлим чиқди. Чунки зўрга топган пулим – бугун олмадимми, эртага менда пул бўлмайди. Ҳеч қачон пул сақлай олмайман. Кўзимга бирон нарса чиройли кўриндими, охири пулимга бўлса ҳам сотиб оламан. Мана, упам тугагани қачон эди. Икки-уч сўмга упа олишга қизғандим-у, лекин чиройли пиёлалар сотиб олдим. Кечқурун чучвара қилдик. Китоб ўқидим. Саид Аҳмад акамдан хат йўқ. Эҳ, шундай гаплар эшитаманки, баъзида юрагимга гўё муз солади. Ахир, унинг мендан олдин нима қилиб юрганини билмайман. Лекин мен билан яшаб туриб, ўшандай ярамасликларга борса эди, мен уни ҳеч қачон кечирмас эдим. Ҳарқалай, мени алдашдан қўрқиш керак. Оқибати хунук бўлади, ҳа, ёмон бўлади [...]

07.10.1951. Томсувоқ қилдик. Ҳаво жуда қўрқитди, лекин ёғмади, кейинча эса очилиб ҳам кетди. Кенжаев, Хўжаев (*Саидахоннинг курсдошлари – тахр.*) ва қашқа-

дарёлик бир студент ёрдамга келди. Ҳама томга лойни ўзим ташидим, қўлим билан ёйиб бериб кетдим, Кенжаев текислаб кетаверди. Соат иккида тугатдик. Ёрдамга Ҳотамхон (*Саид Аҳмаднинг жияни – тахр.*) ҳам келди. Кечқурун ҳеч қаеримни ололмади қолдим. Қўлларим шилиниб кетибди. Эй худо, эндигимни ўзи келиб қилсин.

08.10.1951. Вой-бў, кеча ҳеч билмаган эканман, бугун қимирлашга ҳолим йўқ, белимни кўтаролмай қолибман. Иш қилиш керак эди, машинкага қўлим ярамади. Муҳаррам опа мендан конспект сотиб олмакчи эди, кечқурун бир-бир босиб уникига бордим, бироқ уйидан топмасдан қайтдим. Эрта кундаёқ дам олишга ётдим.

09.10.1951. Ёмғир ёғди. Ҳаво – қоронғи. Юрагим ғаш, ҳаво эса кишини баттар сиқади. Деразадан ҳовлига қараб хаёл суриб ўтирдим. Саид Аҳмадни жуда кўргим келди. Билмадим, у ҳозир нима қиляпти, у ерда ҳаво қандай экан, нега хат ёзмайди, деган хаёллар тинчлик бермайди. Мана, совуқ ҳам тушиб қолди. Маҳсим ҳам, калишим ҳам йўқ. Юрагимни ваҳима босди. Туриб ишга ўтиришга мажбур бўлдим. Машинка уришга бармоқларим ярамади, лойда жуда безиллаб қолган экан. Китоб ўқиб ётдим [...]

13.10.1951. Ёмғир ёғди. Солиевадан (*САГУ ходимаси – тахр.*) пул оламан деб икки соат дарсдан қолдим. Бироқ Солиева ойлик ололмаган экан, Иза Исаковнадан (*САГУ ходимаси – тахр.*) қарз сўради, Исаковна бермади. Шундай қилиб, пул ололмадим. Дарсдан соат тўртларда чиқди. Уйга келдим. Юрагим оғриди, ётдим. Овқат қилолмадик.

14.10.1951. Машхураҳон опам Зухур акамниқидан (*Саид Аҳмаднинг акаси – тахр.*) йиғлаб келди. Акаси ишонтиргани учун бировдан пул қарз олган экан, бироқ бермабди. Уйда нон ҳам йўқ. Менда ҳам пул йўқ. Бир оз конспект ёздим. Юрагим сиқилиб, Меҳрихонниқига кетдим.

16.10.1951. Ойим Мудирахонниқига (*Саид Аҳмаднинг жияни – таҳр.*), Машхураҳон опа Фароғат опамниқига кетди. Уйда бир ўзим қолдим. Бир оз конспект ёздим. Юрагим жуда сиқилиб кетди. Уй кўтардим. Ойна ювдим, кир ювдим. Кечқурун соат ўнларга бориб тугатдим. Гиламни деворга қоқдим, ойнага парда тутдим. Қарасам, жуда кўчиб кетилгандай бўлиб қолган экан. Яхши ният – ярим мол. Келиб қолар.

17.10.1951. Студентларни пахтага олиб кетишди. Бориш учун пул ҳам, кийимим ҳам йўқ. Ўзимнинг қарзим бошимдан ошиб ётибди. Яна менга ким қарз беради. Ёйиш учун олиб кетишга ҳам ҳеч нарса йўқ. Ўйлаб-ўйлаб иложини тополмадим. Парткомга кириб рухсат сўрадим, рухсат берди. Ундан Фароғат опамниқига бордим. Гаплашиб ўтирдик. Бизниқида бўлаётган хангомаларни эшитган экан. Хафа бўлманг, сиз ойлсининг ўрнига борган эмассиз, гапига қулоқ солманг, деди. Уйғун (*Фароғатхоннинг ўғли – таҳр.*) жуда ширин бўлган, бир оз у билан ўйнадим. Саид Аҳмад акам болалар билан ўйнашни севар эди.

18.10.1951. Икки юз сўмга маҳси буюрган эдим, уста айниб икки юз эллик бўлмаса тикмайман, деди. Оёқнинг кичкинаси курсин. Икки юз элликка буюришга мажбур бўлдим. Бу ойги стипендиям маҳсига кетар экан. Муҳаррамхон опаниқига пулга борсам, йўқ экан. Конспект ёздим. Куним уйда ўтди. Кеча Саид Аҳмад акамга хат ёзган эдим. Бугун кўчага чиқмадим. Эртага юборарман.

19.10.1951. Андижондан пул келди. Почтага бордим, пул йўқ, дедилар. Сроқний юборилган пулларнинг, пул йўқ, баҳонаси билан вақтида берилмаслиги нотўғри бўлса керак. Ўзи табиатим жойида эмас эди, баттар жаҳлим чиқди. Машинакамга лента керак, лента олишга эса пул йўқ. Почта начальниқидан шикоят дафтари олиб ёздим [...]

23.10.1951. Ойим тайинлагани ва почтамни (*Фароғатхоннинг турмуш ўртоғи Воҳид Валиев – таҳр.*) кўпдан кўрмаганим учун Фароғатхон опамниқига бордим. Кулишиб, гапиришиб ўтирдик. Пошша опа (*Саид Аҳмаднинг аммаси – таҳр.*) чиқди. Уйга кеч қайтдим. Саид Аҳмад акамдан хат келибди. Мафратхонга (*Фароғатхоннинг қизи – таҳр.*) келган хатни очамиз деб йиртишибди ҳам. Бировга келган хатни очиш ақлли одамнинг иши эмас. Яхши бўлмапти. Ярим кечада Д. Машхураҳон опам билан чой баҳона уриш қилди. Қулоғимни беркитиб олдим.

24.10.1951. Дардан сўнг Саид Аҳмад чизиб юборган расмларни Ширинга (*Фароғатхоннинг қизи – таҳр.*), Элдорга (*Зухурхоннинг ўғли – таҳр.*) элтиб бердим. Хурсанд бўлдилар. Ширин жуда самимий қиз бўлади. Бошим оғриди, иситма кирадиганга ўхшайди, тезроқ уйга ётиб келишга шошилдим. Келиб ётдим.

25.10.1951. Энди дарс бошланган ҳам эдики, яна пахтага жўнайсизлар, деб эълон қилишди. Студентлар тарқаб кетдилар. Менда эса яна ўша аҳвол. Бошим қотди. Жимгина уйга қайтдим. Юрагим сиқилади, бошимда турли хаёллар кезади. Гоҳ Саид Аҳмад хаёлимда келган бўлади, гоҳ эса келажагим кўрқинчли кўринади. Қанча хатлар ёздим, қанча нарсалар сўрадим. Лекин жавоб ололмадим. Кечаги хати эса кўзимга совуққонлик билан ёзилгандек кўринди. Нима қилай, ҳали мен унга яхшилиқдан бошқа ҳеч нарса қилганим йўқ. Тўғри, жаҳлим чиққанда қаттиқ гапираман. Лекин мен уни ҳали ноҳақ хафа қилганим йўқ. Тўғрилик эрга ҳам кетмас экан, тўғри бўлсанг, эрингга ҳам ёқмас экансан. Қайнонамни ёмон десам, бу – албатта, одамгарчиликдан бўлмайди. Қайнона бундан ортиқ яхши бўлиши мумкин эмас. Ҳали ойим билан орамизда бир-биримизнинг кўнглимизни қолдиргудек гап ўтгани йўқ. Бошқалар ҳам дуруст. Лекин вақти

билан санчиб олишларини қўймайди-лар. Эринг сенга сал меҳрибон бўлса ҳам гашлари келар экан. Сен эрингни кўпроқ хурмат қилсанг, унга самимий бўлсанг, бу эрини қариндош-уруғидан ажратмоқчи дер эканлар. Эҳтимол, шундай хотинлар бордир, лекин, наҳотки, мен шунчалар аҳмоқ бўлсам, акангдан кеч, опангдан кеч, қариндошингдан кеч, фақат мени де, десам?! Йўқ, бундай фикр менинг калламга келган эмас. Менинг ҳам онам, укаларим, қариндошларим бор, мен ҳам эримни севаман, лекин бу севги ота-она, опа-сингиллар севгиси ҳисобидан эмас, албатта. О, мен тасаввур қилган оила ҳали йўқ экан. Эрингнинг уруғи сенинг камчилигингни эрингга катта қилиб кўрсатишга, мумкин қадар сени унга ёмон қилиб кўрсатишга уринар экан. Агар эринг сенга бирор марта қаттиқроқ гапириб қўйса, уни бутун умр дастак қилар эканлар. Мана, ҳовли ҳақида, Саид Аҳмаднинг олган қарзлари ҳақида қанча гаплар бўлди. Менинг сепсизлигим эса умр бўйи мени қийнайди-диганга ўхшайди. Лекин Саид Аҳмадга, биз ҳақиқатдан шундай деганмиз, деб айтадиларми? Йўқ, албатта! Ундай деганимиз йўқ, бундай деганмиз дейдилар-да, тўғри сўзни гапирганинг учун сени ёлғончига чиқариб қўядилар [...]

28.10.1951. Уйда бўлдим. Байрам яқинлашиб келмоқда. Ҳаммада байрам таррадуди. Саид Аҳмадга бирор нарса юбориш керак эди. Стипендиям тегиб қолса яхши бўлар эди.

29.10.1951. Эрталаб университетга чиқдим. Соат учда стипендия беришини эшитиб кутдим. Очередда турдим. Соат тўрт яримда пулни олдим ва почтага бориб, Саид Аҳмадга саксон сўм юбордим. Посилка қилсам, байрам нишонаси бўлсин деб ҳар хил конфетлар олдим. Эллик сўм маҳсига, кўмир олдириб келиш учун кира пулига бердим. Анча вақтдан бери чўмичимиз йўқ, қошиқда овқат сузар эдик,

чўмич олдим. Яна уйдагилардан яширин бир ярим кило ёғ олиб қўйдим. Қийналган пайтларимизда керак бўлар. Картошка олиб қўйганимда яхши бўлар эди.

30.10.1951. Иш қилдим. Ойим Камолхон аканикига кўмир қолқиндисини олиб келгани кетди. Машхурахон опам аравакашни топа олмапти. Кечқурун китоб ўқидим.

31.10.1951. Эрталаб арава олиб бориб кўмирни ташиб келдик. Ёмғир, қор ёғмоқда. Бу йил қиш жуда эрта тушди. Ҳали менинг калишим йўқ. Бултур оёғимни совуқ олган. Яна ҳам адабимни емаганман. Аҳмоқман, ўзимга қолганда пишиқлик қиламан. Турмушга чиққанимдан бери битта дўппи ололганим йўқ. Бошим оғриydi, кечаси ўраб ётаман, жоним бир оз ором олади, кундузи яна очиқ оғриydi. Машхурахон опам кетаман, дейди. Борманг, деб айтмайман. Лекин ўзи кета олмапти. Эридан хабар йўқ. Юрагим сиқилиб кетди. Зухурхон акамникига бордим. Бир оз гапиришиб ўтириб келдим.

01.11.1951. Негадир почтага боргим келди. Ойимнинг унамаганига қарамай кетдим. Қизиқ бир телеграмма олдим. Саид Аҳмаддан бўлса керак. Чунки бу адресни ундан бошқага берган эмасман. Кечқурун келинойимникига бориб ётиб қолдим.

02.11.1951. Эрталаб соат еттида туриб, келинойим билан вокзалга кетдик. Соат саккиздан ўн беш минут ўтганда Красноводск поезди келди. Нимани билиш мумкин? Вагон атрофида айландим, лекин ҳеч кимни кўра олмадим. Балки келгандир. Қаердан ва қандай билиш мумкин? Совуқ едик. Вокзалдан Фароғат опамникига бордик. Бир оз дам олиб, сўнг қайтдик. Поччам иш берди.

03.11.1951. Ҳеч қаерга чиққаним йўқ. Кун бўйи иш қилдим. Бироқ телеграмма уззукун хаёлимни чувалатди. Бувимдан эллик сўм пул келди. Байрамга ҳайитлик деб юборибди.

04.11.1951. Пochтага пул олгани борсам, Саид Аҳмаддан хат ва ўзининг расми келибди. Озган. Дардим янгилангандай бўлди. Маузия опадан йигирма сўм қарз олиб, бозорга бордим ва олтмиш беш сўмга калиш олиб келдим. Фароғатхон опаникига бордим, поччам йўқ экан, берган ишларини кўрсатгани борган эдим. Телеграммани ким берган экан, ҳайронман. Изламалик яна қийин, пул йўқ. Ҳаммадан ҳам, келганига кўнглим ишонмаётир. Кута-кута, энди ҳафсалам пир бўлибди.

05.11.1951. Кечга қадар иш қилдим. Бошим қаттиқ оғриди. Шамоллаган бўлсам керак. Бугун Имомхон аканинг (*Саид Аҳмаднинг акаси, у ҳам "халқ душмани" деган айб билан қамалган – таҳр.*) кетганига икки йил бўлди. Ҳеч кимнинг эсида йўққа ўхшайди. Мен ҳам айтмадим. 1949 йилнинг бешинчи ноябрида Саид Аҳмад мени тўй тараддуди билан Андижонга жўнатган эди [...]

07.11.1951. "Меҳрибоним кетди-ю, меҳри кўзимдан кетмади, / Меҳрибоним йўқ учун ҳеч ким мени ёд этмади", деб бирор бошидан ўтган бечора айтган экан. Мана, бугун – байрам. Биз борадиган ва бизга келадиган одам йўқ, ёд этгучи йўқ. Ака-ука ҳам давлатлари бўлса, бир-бири учун ака-ука экан. Кечқурун ойма билан ўтириб йиғладик. Ойим бечорага ҳам қийин. Шу кунда Зухурхон акам ойимни албатта йўқлаши керак эди [...]

10.11.1951. Эрталаб иш қилдим. Зерикиб кетдим-да, поччамнинг берган ишларини олиб, уларникига бордим. Фароғат опам, "Қанча пул берайлик", деди – жуда уялиб кетдим. Куним курсин, қандай аҳволда қолдим-а? Қайтишда Меҳрихонникига кирдим. Ёмғир ёғди. Тинишини кутиб анча ўтирдим, лекин тинмади, охири Ашуровнинг (*Меҳрихоннинг акаси – таҳр.*) плашини ёпиниб қайтдим.

11.11.1951. Кун бўйи иш қилдим. Студентлар пахтадан қайтибдилар. Эртага

ўқиш бошланса, тезроқ қўлимдаги ишни тугатишим керак эди[...]

13.11.1951. Кун бўйи иш қилдим. Қўлимдагини тугатгач, поччамга элтиб бердим. Поччам эллик сўм берди. Жуда-жуда ўнғайсизландим. Нима қилай, одам ҳар қандай ҳаётга мослашар экан. Кечқурун Фароғатхон опам бирга келди. Кечаси бир вақтга қадар гаплашиб ўтирдик.

14.11.1951. Дарсдан кеч келдим. Пахтада ўтган вақтларни тўлатиш учун дарсни кўп қўйиб беришяпти [...]

16.11.1951. Дарсдан келаётиб "Ўзкитоб"га кирдим. Декада учун кўп янги китоблар чиқибди. Анча вақт қараб томоша қилдим. Олишга пул йўқ, чиқиб кетдим.

17.11.1951. Бир студентга бир вақтлар консепкт сотган эдим. Эллик сўми қолган эди, яна бирида йигирма сўм бор эди. Униб қолди. "Ўзкитоб"га чопдим. Эллик сўмга китоб олдим. Улар Брянцевнинг "Тайные тропы" романи, Кербобоевнинг "Дадил қадам" романи, "Қардош қўшиқлар" мажмуаси, Раҳмат Файзийнинг "Чўлга баҳор келди" повести эди. Ўн сўмга Саид Аҳмадга посылка қиларман деб конфет олдим, саккиз сўмга пальтомнинг астарини тузатиш учун сатин олдим. Кечаси радио Москвадан ўзбек адабиёти декадасининг очилишини берди [...]

23.11.1951. Дарсдан келсам, ойим хафа бўлиб ўтирибди. Билсам, суддан одам келиб, Саид Аҳмаднинг Ёзувчилар союзидан 1949 йилнинг март ойида олган бир минг беш юз сўм пулини биз тўлашимизни талаб қилибди. Ҳайрон бўлдим.

24.11.1951. Ойимни олиб судга бордим, Саид Аҳмад кетгандаёқ унинг нарсасини оийсига ажратиб берганимни ва оийси сотиб передача қилганини айтдим. Суд менинг союздан чиқарилган ёки чиқарилмаганимни сўради ва бу масала билан қизиқиб қолди.

25.11.1951. Дам олиш кунини. Судья мени соат бирга чақирган. Иш кунини бўл-

магани учун ўзим якка боргим келмади, Мастураҳонни (*Машураҳоннинг қизи – таҳр.*) олиб бордим. Лекин ҳали судья келмаган экан. Кутмадим, тезда қайтдим. Иш қилгани қўрқдим. Уйдан гиламни бошқа ерга олиб қўйдим.

26.11.1951. Душанба. Дарс йўқ. Эрталаб оймнинг иши билан райсобесга бориб келдим. Сўнг судга бордим. Ижрочи билан анча айтишдим. Соат тўрт яримларда яна бордим. Судья Баҳромов деган киши экан. Мени анча айлантриб сўради. Сезиб турибман, лекин қаерда ва қандай гап гапиришимни яхши билман. Менинг нарсаларимни чоп этмаслик мутлақо нотўғри эканини айтиб, “Мен ёрдам беришга уринаман”, деди ва яна шанба куни келишимни сўради. Менинг бу ишимга қизиқмаса ҳам майли эди. Мен эркакларнинг тўғри ниятлигига мутлақо ишонмайман. Судга қатнаб юриш оғир кўринади.

27.11.1951. Дарс йўқ. Иш қилиш яна мумкин эмас. Суддан одам келиб қолса, яна жанжал чиқмасин деб қўрмаман. Бироқ бир тийин ҳам пулим йўқ... Ҳа, бугун турмушга чиққанимга ҳам, укамнинг ўлганига ҳам икки йил тўлди. Бундан икки йил олдин, худди шу кундан бахтиқаролигим бошланган эди.

28.11.1951. Дарсдан сўнг Муҳаррам опа билан уларниқига бордим. Соат олти яримда Умировларниқига (*САГУ талабси – таҳр.*) меҳмонга бордик. Студентлар Саид Аҳмад соғлиғига қадаҳ кўтарганларида ичмасликка иложим бўлмади. Кейин йиғладим, менга бошқалар қўшилди. Кечаси соат бирга яқин қайтдик. Уйга қайтмадим, Муҳаррам опаниқида ухлаб қолдим.

29.11.1951. Эрталаб тилдан докладим бор эди. Етиб келдик. Жуманиёз, Шомақсудов, Нафисалар (*Саидахоннинг курсдошлари – таҳр.*) кеч келдилар. Докладим ўтди. Кўмир оладиган пулга қўйлак олдим.

30.11.1951. Дарсдан сўнг уйга келишнинг ҳеч қизиги йўқ. Юрагим безиллайди. Тентираб юриб кечга келдим. Иш қилолмасдан анча қийналяпман. Суд иши бир ёқлик бўлса эди, қўнглим тинчир эди.

01.12.1951. Дарсга боролмадим, мазам йўқ эди. Тинч бўлмаганимиз учун Ойша опаниқида чиқиб бир оз иш қилдим. Соат олтида судга бориш керак эди. Ёлғиз боргим келмади, оймимни олиб бордим, лекин судьяни топмадик.

04.12.1951. Эрталаб ойм билан райсобесга бордик. Пул олдик. Шаҳарга чиқиб, оймга иккита кўрпалик ва астарлик олиб бердим. Шундай қилмасам, ойм ўзига ҳеч нарса ололмай қолиши турган гап. Ҳамма ўзига тортади. Маҳси, қўйлак ҳам керак. Биз келгач, Д.нинг жаҳли чиқди. Чаманда, ойм мен билан юриб сарф қилгани учун бўлса керак. Менга оймнинг тийини керак эмас. Мен бош қўшмасам ҳам бўлар эди, лекин оймнинг кам-қўстини қилиб беришни ўйладим. Ойм бошқалардан яширинча менга лозимлик олиб берди, “Ўзим олдим, деб кейинроқ кўрсатарсиз”, деди.

05.12.1951. Уйда бўлдим, озроқ иш қилдим. Ойм Саид Аҳмад акамга посилка қилинг деб икки юз сўм берди. Бозорга тушиб майда-чуйда қилиб чиқдим. Саид Аҳмад акамдан хат келди, уйга ҳам ёзибди, почтага ҳам. Санда хат олса, уйдагилар хафа бўлмасин, деб ўйлаган бўлса керак. Унга ҳам қийин. Манти қилдик қовоққан, Фароғатхон опам келди. Оймдан беш юз сўм қарз олиб кетди.

07.12.1951. Эрталабдан уриниб посилкани тайёрладим. Яшиқ тўлмади, қўнглим ҳам тўлмади, майли, янги йилга яхшироқ қилиб юборарман. Посилкани жўнатиб келиб, иш қилдим. Кечкурун кўмир келди, ташидик.

08.12.1951. Кун бўйи иш қилдим. Мухторхон акага (*Саид Аҳмаднинг урушда ҳалок бўлган акаси – таҳр.*) худойи қилиш учун ёғ олиб келиб бердим.

09.12.1951. Эрталаб шаҳарга чиқиб, Мухторхон аканинг меҳмони учун қанд-курс олиб келдим. Саид Аҳмадга юнг пайпоқ олдим. Кечкурун иш қилдим [...]

11.12.1951. Диплом темасининг планини тузиб кўйган эдим. Изладим-изладим, тополмадим. Энди каллага келиши анча қийин. Ҳали ҳам ёза бошлаганим йўқ. Афтидан ўзимга ишониб юрибман. Уйда ишлашга шароит йўқ, библиотекага борсам, кечаси қайтишга кўрқаман. Яхшиси, ҳамма ухлагандан кейин ўтириш керак. Бошқа илож йўқ [...]

13.12.1951. Мухторхон акага худойи қилдик. Қозибува (*Саид Аҳмаднинг қариндоши – тахр.*), Фароғатхон опа, келиноним келдилар. Меҳрихон келиб, дарс бошланганини айтди.

14.12.1951. Эрталаб дарсга кетдим. Студентлар билан “Совет Ўзбекистони” киносини кўрдик. Уйга келсам, Мудирахон опан келибди. Д. манти, сомса қилмоқда экан. Чиқиб кетдим, Қамбарларникига (*шоир Незмат Тошпўлатнинг синглиси – тахр.*) бориб ўтирдим, кечроқ қайтдим. Кечкурун иш қилдим. “Олтин водийдан шабадалар”ни қайта ўқий бошладим.

17.12.1951. Дарсга борсам, дарс бўлмади. Студентлар билан “Тарас Шевченко” фильмини кўрдик. Менга жуда таъсир қилди, билмадим, шоира бўлганим учунми. Шевченко расм солаётганида кўзимга Саид Аҳмад ҳам худди ўшандай бўлиб кўринди. Беихтиёр йиғладим. Кечкурун таклиф қорози билан “Ҳамза” театрига бордик. Октябрь районида кўчма Қизил байроқ топширдилар. Мажлисдан сўнг “Айбисиз айбдорлар”ни кўйиб бердилар [...]

19.12.1951. Дарсдан сўнг Анвар аканикига (*Саидахоннинг курсдоши – тахр.*) меҳмонга бордик. Ҳаммаси бўлиб йигирматача студент йиғилди. Жуда яхши меҳмон қилди. Дадаси кекса киши экан, адабиётга жуда қизиқар экан. Студентлардан мени сўраб, келиб гаплашди. Менга

катта умид боғлаган эмиш, эътиқоди зўр эмиш. “Раҳмат”, дедим. Лекин мен энди бу эътиқодни қандай қилиб оқлайман. Буни худо билади...

20.12.1951. Дарсдан қайтганимдан кейин суддан одам келди. Ҳаммаёқни титди-титкилади. Эримнинг жияни эса менинг ҳолимни келиб томоша қилди. Бу нарсалар фақат меники бўлиб кўрилади, Саид Аҳмадники ҳам эканини ҳеч ким ўйламайди. Суд ижрочиси ғирт саводсиз экан, ёзган актини ўзидан бошқа ҳеч ким ўқий олмайди. Шифоньер, диван, гиламни ёзди. Судга боришимни тайинлаб кетди.

21.12.1951. Суд ишини бирёқлик қилай деб дарсга бормадим. Судья Бахромов мени кинога таклиф қилди. Эй худо, паразитлар, нима дейишимни ҳам билмайман. Мен ҳалол яшайман, ҳалол ўламан, икки минг сўм учун виждонимни, номусимни сотмайман. Саид Аҳмад кетидан шунча кунни кўрдим, қанчалаб пулим кетди, наҳотки энди икки минг сўм учун шу йўлга кирсам. Ўзимни жуда эҳтиёт қилдим, бўлмаса бирор шапалоқ уришимга тўғри келар эди. Келиб Саид Аҳмадга посылка тайёрладим. Ҳа, шу қадар хўрлигим келдики, йиғладим. Охирги соат фалсафа эди, бормадим ҳам.

22.12.1951. Эрталаб посылкани юбордим. Дарсга кечикиб бордим. Нафиса қайнонаси билан уришиб қолибди, йиғлади. Ҳайронман, нега икки томон чиқишолмас экан. Ҳарқалай, биров боқиб катта қилганда тайёр хўжайиннинг келиб қолиши ёқмаса керак.

Дарсдан сўнг Союзга, бухгалтерияга бориб, Саид Аҳмаднинг қандай қарзи борлигини текширдим. Саид Аҳмад акам нега шунча бепарво қараган экан. Ҳамма бало мана энди менинг бошимда. Уйга қайтгач, бирдан мазам бўлмади. Кўнглим аиниди, бошим оғриди. Диплом ёзишга шунча ҳаракат қилдим, бўлмади, ётдим [...]

24.12.1951. Дарсдан сўнг студентлар билан кинога кирдик (“Муҳаббат кўшиғи”). Уйга келдим... Саид Аҳмад акамдан хат, расм олдим. Кечкурун уйга хат ёздим, сўнг иш қилдим.

25.12.1951. Дарс йўқ эди, судга бордим. 1949-50 йилдаги эмас, 1947 йилдаги қарз эканини айтдим. Судья шахсан ўзи бориб текширмоқчи бўлди. Судья мени ҳаммавақт кеч пайтларга чақиради. Билмадим, нима деб ўйлайди экан. Қирғизча қилиб белига тугиб қўйдим: эрим, бўм-бўш уйда ўтирсам ҳам, пок ўтиришимни кутади, виждоним ҳам мендан шуни талаб қилади, икки минг сўм учун виждонимни сотмайман, дедим [...]

27.12.1951. Эрталаб судга бордим, сўнг Союзга бордим. Бухгалтер билан бир оз ёжиллашиб ҳам қолдим. Маъруф Ҳаким кириб қолди, менга салом берган эди, кўзига бир оз қараб турдим-да, юзимни ўгириб олдим. Бухгалтерга мен Саид Аҳмаднинг қачон ва қанча пул олганини билмоқчи, документларини кўрмоқчи эканимни айтдим. У кўрсатмади. Юристсиз иш қилолмас эмиш. Пулни юрист бермаган-ку! Университетга келганимда дарс тугаган, студентлар стипендия кутмоқда эдилар. Кечлаб стипендия олдим, болалар билан вечер қилиш учун эллик сўмни бердим-да, уйга келдим. Бир юз йигирма сўмни Раҳбархондан олган қарзимга, эллик сўмни посылка юборишимда Маузия опадан олган қарзимга, ўн беш сўмни ойимдан олган қарзимга, йигирма беш сўмни радиога тўладим. Ёнимда беш сўм пул қолди. Бу менга бир ойлик трамвай пули бўлиши керак.

28.12.1951. Яна Союзга бордим, яна дарсдан қолдим. Соат иккида партия мажлиси бор эди, етиб келдим. Симкин келмагани учун мажлис тўртинчи январга қолдирилди. Уйга келдим. Энди ишга ўтирган эдим ҳамки, свет ўчиб қолди. Юрагим сиқилиб кетди, ётиб олдим. Кун-

дузи Ойбекни кўрдим. У мендан “Нега ёзмайсиз?” деб сўради. Икки оғиз сўз билан жавоб бердим. Мен Ойбекни жуда-жуда хурмат қиламан, у – ўзбек халқининг фахри!

29.12.1951. Судга бордим, одам кўп экан, биринчида келишимни сўради. Студентлар вечер ўтказишга комиссия қилиб сайлабдилар. Бозорга харажат қилишга боришим керак экан. Ҳисоб-китоб, гап-сўзни ёмон кўраман, тоқатим йўқ. Ишларимни баҳона қилдим-да, уйга кетдим. Келинойим келиб кетди, Д. яна бир сасиди, индамадим. Кечкурун ойим билан Фароғатхон опаникига кетдик, чунки Машхураҳон опамнинг эри келган, уларга алоҳида уй йўқ эди.

30.12.1951. Эрталаб уйга келгач, Раҳбархонниқига бориб пулни бериб кел-



дим (атлас олгандаги қарзим)... Кечқурун свет ўчиб қолди. Ухлай олмадим. Хаёл ҳар ёққа олиб кетади. Бутун кечаси ухлай олмадим, фақат тонгга яқин кўзим илинибди.

31.12.1951. Эрталаб Кенжаев келди. Бирга бозорга бориб нон олдик. Сўнг Ҳамзаларниқига (*Саидахоннинг курсдоши – таҳр.*) кетдик. Вечер ўтказишга жой тайёрладик, мен стол тузадим. Вечер жуда яхши ўтди. Ҳаммаси бўлиб йигирма бештача студент йиғилди. Эрталаб соат саккизда тарқалдик.

01.01.1952. Йилнинг ўтганига хурсандман. Эрталаб ухлаганимча кечқурун уйғондим. Овқатланиб яна ухладим.

02.01.1952. Эрталаб ойим билан судга бордим. Суд менинг уйимни титиш қўлидан келди-ю, Союзнинг архивини титиш

қўлидан келмади, дедим. Беш юз элик икки сўмни тўлайман, қўйлагимни сотдим, дедим [...]

04.01.1952. Эрталаб Союзга бордим. Пулни олмадилар, "Сен тўлама, акт туздириб юборсанглар бўлади бизга", дедилар. Қайтиб уйга келдим. Справка ёздим. Маузия опа, Юсуфали ака, Одилхўжа ака, Салимхўжа акалар (*Саидахоннинг маҳалладошлари – таҳр.*) қўл қўйди, райсоветга бориб тасдиқлатиб, сўнг судга бордим. Ижрочи яна душанба куни келиб қайта акт тузадиган бўлди. Андижондан Масъуджон (*Саидахоннинг қариндоши – таҳр.*) келди. Ҳеч пулим йўқ, халталарини қуруқ қайтаргани одам уялади. Борса, опамнинг олдидан келди деб укаларим югуриб чиқишади! Шўрим курсин. Ойша опа негадир мен билан уришмоқчи эмиш. Ҳаммасини Д. қилади. Шу вақтга қадар бизнинг орамиздан гап ўтган эмас эди. Ойимга қанча ёпишибди. Кечқурун Фароғатхон опа, Ойпошша опа, Муборак хола (*Саид Аҳмаднинг қариндошлари – таҳр.*) келдилар. Ярим кечагача гап сотдик [...]

06.01.1952. Уйга эрталаб соат ўн бирларда келдим. Ойим йиғлаб ўтирибди. Д. уришибди. Жанжал, бақириқ-чақириқ. Менга ҳам пичинг отилди, индамадим. Ойим Зухур аканиқига кетиб қолди. Уйда ўзим қолдим. Ювиндим. Шамоллабман, йўтал эдим, баттар бўлдим. Сут олиб ичишга ҳам пулим йўқ, Буни билмаганлар мени пулни босиб ўтирибди, дейдилар. Кечқурун свет ёмон бўлди. Ҳам мазам бўлмади, ухладим.

07.01.1952. Эрталаб уйқудан турсам, ойим бечора яна йиғлаб ўтирибди. Энди Машхурахон опам хафа қилибди. У ҳам, келининг пулни босиб ўтирибди, дебди. Ойим менга ўзи айтди. Нима қилай, мен ушлаб турган бўлсам, менга фойдаси йўқ, зарари ҳам йўқ. Ҳисобли нарса, тийини билан ҳисоб-китоблашман, менга кераги йўқ. Ҳар қайсиси ўзига тортишни



хохлайди. Машураҳон (*Машураҳоннинг қизи – таҳр.*) больницадан келди. Одилхўжа акага (*Саид Аҳмаднинг таниши – таҳр.*) суд ижроҳисини айтибди, уч юз билан ҳамма иш тўғри бўлар эмиш. Тавба, бирор ерга бориб иш битказиш учун ё бузук, ё пулдор бўлиш керак экан. Рози бўлдим. Одилхўжа акага уч юзни чиқариб бердим. Кун бўйи иш қилдим.

08.01.1952. Бугун дарс йўқ. Уйқудан кўзимни очишим билан қичқириқ овозини эшитдим. Д. оймни уришяпти, ойм эса индамай йиғлаб ўтирибди. Д. мени ва Саид Аҳмадни қарғай бошлади. Ётган ўрнимда мен ҳам худога йиғладим, лекин индамадим.

Кечлаб Машураҳон опамнинг сотмоқчи бўлган ёғидан бир килосини ўттиз сўмга беришини сўрадим. Ўзи ўттиз беш сўмга сотар эди. Мен Саид Аҳмадга послка учун сўраган эдим. Машураҳон опамнинг жаҳли чиқди, бермади. Мен ҳам тавба дедим-да, индамадим. Йўқ, кейин ўзига келди, ақлини йиғди шекилли, берди.

Кечаси Машураҳон опам билан Пошша опамниқига бордик. Мапураҳон (*Фароғатхоннинг қайнсинглиси – таҳр.*) менга насиҳат қилди. Ҳеч кимнинг насиҳатига муҳтож эмасман, мен фақат далдага муҳтожман. Менинг тақдиримни биров ўн томонлама ўйласа, мен юз томонлама ўйлайман, чунки бу – менинг тақдирим. Туф, ҳаммасига туф!

09.01.1952. Дарсдан сўнг бюро бўлди. Менинг масалам кўрилди. Мени партиядан ўчирмоқчи бўлдилар, бироқ яна срок билан олиб қолдилар. Мен кандидатликда тўрт йил юрибман. Тўғри, мен аъзоликка ўтишни хоҳлайман. Лекин ким менга рекомандация беради? Ҳамма ўзидан кўрқади. Менинг камчиликларимни кўрқмай гапирдилар, лекин яхши томонларимни гапиргани кўрқадилар. Кечаси хорликларга узоқ йиғлаб, сўнг Саид Аҳмадга хат ёздим [...]

11.01.1952. Эрталаб дарсга бордим. Ёзувчилар билан учрашув ўтказиш учун кино масаласини ҳал қилиш керак эди. Конференция бўлаётган экан, ҳеч кимни топа олмадим. Келаётиб райсоветга кирдим. Бувимга форма №2ни юборишим керак эди. Пулим йўқ, пиёда келдим. Кечкурун иш қилдим [...]

15.01.1952. Сешанба. Дарс йўқ эди. Уйда бўлдим. Дарвозани Д. тепаб синдирган эди, кечаси дарвозасиз ухладик.

16.01.1952. Чоршанба. Дарсга бордим. Трамвайга ҳам пулим йўқ. Студентларга конспект сотган эдим, лекин бирортаси ҳам пул бермади, стипендия олганимизда берамиз, дедилар. Уйга келиб овқатланиб, партия мажлисига кетдим. Кечаси соат ўн яримда қайтдим. Машураҳон опам кўчадан кутиб олди. Ойим Қози буваниқига кетган эди, дарвозани тузатиб кетибди ойим бечора.

17.01.1952. Пайшанба. Дарсдан чиқиб, уйга келдим. Дарс тайёрладим, иш қилдим. Кечкурун радиода концерт бўлди. Тўйиб-тўйиб йиғладим. Машураҳон опам кириб қолди [...]

19.01.1952. Яна эрталаб уйқудан уриш-жанжал уйғотди. Д. Машураҳон опам билан уриш қилди. Овозининг бори-ча бақирди. Қулоғимни кўрпага буркаб олдим. Д. "Сеҳр-жоду сенларнинг тилингни боғлаб қўйган", дейди. Мен кўчадан пул топиб олганимда ҳам шу ишни қилмасман. Яхши гапнинг ўзи ҳар қанча сеҳр-жодудан кучлироқ бўлади. Сен билан тенг бўламанми, дедим-да, индамадим. Кулдим.

Дарсдан сўнг Фароғатхон опамниқига бордим. Ойим ҳам борди. Ойим йиғлади. Фароғатхон опам, "Қандай қиласиз, нима қилса ҳам чидайсиз", дейди. Тавба, унга "Жим бўл!" дегани кўрқадилар. Кап-катта, неварачеварали хотинни шунча ҳурматсиз қилса ҳам майли [...] Бошидан шундай ўргатмаса, бундай бўлмас эди, унга қаттиқ гапирмаймиз деб, уни бахтсиз қилиб қўядилар.

Соат бешда келиб зачёт топширдим. Нафиса қайнонасидан шикоят қилиб йиғлади. Эҳ-ҳе, ҳали шошманг. Бу ҳеч нарса эмас. Бориб-бориб бетингиз ҳам қотади, уришасиз ҳам, айтишасиз ҳам, ҳаммаси бўлади. Кошкийди менинг фақат қайнонамгина бўлса. Жуда яхши турар эдим. Эримни неча марта хафа қилган бўлсам, шулар учун қилдим. Санчиб қўядилар-да, кейин бўйинларига олмайдилар, ундай эмас, бундай деган эдим, деб турадилар. Эр-хотин ўртасидаги жанжал ҳам ҳамма ерда шулар учун чиқар экан. Хотин киши эшитган гапи учун аламини эрдан олар экан. Ҳамма ерда ҳам шундай экан. Уйга келсам, Машхураҳон опам билан Д. яна қиёмат уриш қилибди. Тентак экан, хулласи. Кечкурун иш қилдим, дарс тайёрладим. Андижондан хат келди. Бувим пул юбораман, қўйлак ол, дебди. Би-тиришингга борамиз, дебди. Ҳозирдан тайёрланиб юришим керак. Гуруч, ёғ, ун олиб қўйсам, яхши бўларди. Ҳа, трамвайга пулим йўқ, Юнус Ражабийнинг ўғлидан бир сўм пул олиб уйга келдим [...]

24.01.1952. Ойим яна Фароғатхон опамникига кетибди. Университетга бордим. Студентлар билан дарс тайёрладик. Қорнимиз очди. Ҳеч кимда пул йўқ эди, менинг эса фақат ўттиз тийин пулим бор эди. Уйга кетдик...

25.01.1952. Танқид тарихи ва журналистикадан зачёт топширдик. Домла унча қийнамади. Шпаргалкадан бемалол фойдаланилди. Кечкурун ойим келди. Кечаси дарс тайёрладим.

26.01.1952. Шанба. Эрталаб университетга чиқдим. Консултация бўлмади. Стипендия олдик. Студентларга сотган конспектларимнинг пулларини ҳам бердилар. Юз сўмни Саид Аҳмадга юбордим. Бир юз ўттиз сўмни расмга бердим, бир юз эллик сўмни Маузия опага бердим. Посилкага шакар олдим, Саид Аҳмадга дўппи тикиш учун силон, ипак олдим. Ёнимда тўрт сўм пул қолди...

27.01.1952. Дарс тайёрладим. Дўппи тикдим. Кечлаб Зухурхон акамникига бориб, ойимни олиб келдим. Зухурхон ака соатимизни тузатиб берди. Кечаси яна дарс тайёрладим.

28.01.1952. Консултация соат тўртга қолдирилибди. Соат тўртда партия мажлиси ҳам бор экан. Ўзбек тилидан экзамен иккинчи февралга қолдирилгани учун Ғуломов (*тилушнос олим, САГУ домласи Айюб Ғуломов - таҳр.*) консултация ўтказмади. Мажлисда бўлдим. Уйга келдим. Д. деразам тагида кир ювиб, ҳаммаёққа мағзава тўкибди. Ҳеч нарсага ачинмайман, фақат Саид Аҳмаднинг ҳавасманд эканини эсимга олиб, унинг меҳнатига ачинаман. Мана бу олма кўчатига у қанча бино қўяр эди, гул кўчатларини эса қаерлардан олиб келган! Энди уларнинг тагига қайноқ сув ва мағзава тўкилади, уларни қуритмоқчи. Нега? Нечун? Билмайман. Майли, эгасига буюрмаган нарсалар қуриб кетсин. Ўзи омон-эсон келса, олма топилар. Лекин ёш кўчатни қуритганнинг ўзи ҳам кўчатдек қурир. Худо ноҳақ ишларга ҳаммавақт бепарво қарамас.

Сулаймонова (*адабиётшунос олима Фозила Сулаймонова - таҳр.*) адвокат олган эмиш. Мен эса шундай қилишни билмаганман. Юрагимга васваса тушди. Бир ҳаракат қилиб кўрсам [...]

30.01.1952. Соат еттида турдим. Сулаймонова билан тўққизда учрашиш керак эди. Сулаймонова бошқа остановкада, мен бошқа остановкада кутибмиз. Учраша олмадик. Портрет битибди. Саид Аҳмад акамни ёшроқ қилиб қўйибди. Соат ўн яримда зачёт бошланди. Топширдим.

31.01.1952. Саид Аҳмадга қакао оламан деб уйдан эрта кетдим. Лекин етиб борсам, магазинда йўқ. Тугабди. Кеча эшитган эдим. Соат иккидан консултация бошланди. Келишда магазинларга кирдим, қакао топа олмадим. Вермишель олиб қайтдим.

Дераза пардасини янгилай десам, ойна қора ис бўлиб кетибди. Мангалка деразам тагида тутаяпти. Бошқа жойга олсин дедим, мен ҳам. Уриш қилдик. У ҳам гапирди, мен ҳам гапирдим. Машхураҳон опам, "Ховлининг ярми меники, уйингизни биллинг, ойим сиздан ажраса ўлмас, емасдан едирыпмиз", дейди. Қизиқ, мен ҳовли талашганим йўқ. Мен тўғри гапни айтдим. Деразам остидан бошқа ер қуриб кетганими?! Мен бекор ўтирганим йўқ, Машхураҳон опамдан кўпроқ пул топаман. Мен ҳам кўчага ташлаётганим йўқ. Эй, мен нима ўйлайман-у, булар нима ўйлайдилар. Кечагина Д. Машхураҳон опани қип-қизил ўғри қилди, ўғри деб очикдан-очик айтди. Ана, у бузаяпти, мен эса яхши турсин деяпман. Шунинг учун мен айбдорман [...]

03.02.1952. Дам олиш куни. Ўзбек тилидан экзамен топширдик. Мен, Лазиз, Ҳамза, Шомақсудов, Восиқ ўтдик. Қолганларнинг ҳаммаси йиқилди...

04.02.1952. Эрталаб партбилетга взнос тўлагани университетга бордим. Парткомни топа олмадим. Қайтишда Меҳрихонникига кирдим. Уйга келсам, Фароғатхон опа ўтирибди. Кечкурун ойимни олиб кетди. Кечаси дарс тайёрладим. Юрагим жуда ғаш. Яшашнинг ҳеч қизиғи йўқ. Саид Аҳмаднинг ёзган хатларини олиб, ҳаммасини ўқидим. Уни аристон қилиб олдиларига солиб олиб кетаётганлари кўзларимга кўринди, узоқ йиғладим.

05.02.1952. Эрталаб уйғонганимда бутун баданим оғрир эди. Тобим бўлмади, дарс тайёрлай олмадим, ҳеч қаерга бормадим ҳам, ётдим. Кечаси бир оз фалсафани тайёрладим.

06.02.1952. Мазам бўлмагани учун дарс тайёрлай олмадим. Зора ёзилсам деган умид билан ва партбилетга взнос тўлаш ниятида университетга чиқдим. Парткомни топа олмадим. Ўзбек тилидан йиқилганлар экзамен топшираётган эканлар. Қайтдим [...]

11.02.1952. Саид Аҳмадга хат юбордим. Консултацияга бордим. Уйга келгач, дарс тайёрладим.

12.02.1952. Саид Аҳмаддан хат келди. Ариза ёзган эмиш. Худойим, оқ йўл бергин!..

13.02.1952. Соғлиғимнинг мазаси йўқ. Бутун баданим зирқираб оғрийди. Эркалигимни кўтаргудек киши бўлса, касал бўлиб ётгудекман.

14.02.1952. Фалсафа тарихидан экзамен топширгани бордим. Студентлар киргани кўрқадилар. Учинчи бўлиб мен кирдим. Саволларга жавоб бердим, лекин қўшимча саволлардан баъзиларига жавоб беролмадим. Домла "уч" қўйди. Бу – менинг бутун ҳаётимда биринчи марта "уч" баҳо олишим. Қайта топшириш малол келди. Уч минг йиллик фалсафа тарихини аъло биламан дейиш жуда қийин, лекин группамиздаги баъзи студентларга нисбатан домла фарқламади. Икки группа бўйича фақат Лазиз "беш" олди. Кўплари йиқилди. Майли, яна қайтиб яшаш насиб бўлса эди, ўнинчи синфдан кейин ўқимас эдим. Ўқишда одам ютар ҳам экан, ютқизар ҳам экан. Ютгани шуки, молдек бўлиб қолмас экан, бироқ умрининг кўпини йўқотар экан. Ўқимаган бўлганимда эди, ҳозирги аҳволимнинг саводсиз одамнинг кўзи етмаган томонларини кўролмаган бўлур эдим, бу анча енгил бўлармиди экан.

15.02.1952. Уйда бўлдим... Уйларни йиғиштирдим. Кечкурун ётгач, уйқум келмади, узоқ йиғладим. Ҳа, бугун туғилган куним экан.

16.02.1952. Университетга чиқдим. Дарс йўқ экан. Сулаймоновани кўрдим, эрининг суди кетяпти экан. Уйга келгач, бир оз конспект кўчирдим. Экзамен бошлангандан бери иш қилолмадим. Мана, трамвайга ҳам пулим йўқ, баъзан пиёда бориб қайтишга тўғри келяпти. Пиёда бордимми, пиёда келдимми, уйимдагиларга айтмайман. Нима керагию нима

фойдаси бор, дейман. Бугун ҳам пиёда келдим. Лой, маҳсим лойга бутунлай беланибди. Чарчадим, кечкурун яна баданим, суюкларим зирқираб оғриди, ётдим [...]

19.02.1952. Анчадан бери соғлиғим йўқ, лекин ташвишлар ичида касалим эсимдан чиқади. Кечаси ўринга киргандагина жуда ёмон аҳволдалигимни сезаман. Агар ётиб олсам, ҳеч кимга хуш келмайди, мусофирчилигим баттар билинади, шунинг учун енгмоқчиман. Бироқ касал мени енгди: ётиб қолдим.

20.02.1952. Эрталаб ун олиш учун оқсиз чикдик. Тўрт пакет ун олдим. Бувимларнинг келишига ҳозирданоқ тайёрланмасам бўлмайди. Дарсга бордим, лекин бир соатдан ортик ўтиролмадим, мазам бўлмади, қайтдим. Кечкурун биров иш олиб келиб берди. Қарзларим бор, ишлашга мажбурман.

21.02.1952. Иш қилдим. Дарсга борсам, диплом темами ўзгартирибдилар. Каримовни (*адабиётшунос олим, САГУ домласи Фулом Каримов – тахр.*) топдим, яна ўша тема қоладиган бўлди. Дарсдан келиб, кечаси жуда узоқ вақт иш қилдим.

22.02.1952. Кундузи иш қиламан деб дарсга боролмадим. Иш берган бола келиб эллик сўм ташлаб ишини олиб кетди. Ун учун йигирма беш сўм бердим, йигирма беш сўм радиога тўладим [...]

25.02.1952. Куёш тутилди. Университетга бориб тўлдириш учун личний листок олдим. Фароғатхон опамникига бордим. Саид Аҳмаддан хат келди.

26.02.1952. Эрталаб личний листокни топширгани университетга бордим. Стипендия бўлади деб эшитиб, студентлар билан соат тўртгача кутдик. Лекин бўлмади. Қорнимиз оч, ҳеч кимда пул йўқ. Меҳрихоннинг йиртиқ йигирма беш сўми бор экан, бир бало қилиб ўтказдик. Перашки олиб едик, кинога ("Тарзан" фильми) кирдик. Уйга кеч келдим. Кечаси Саид Аҳмадга хат ёздим.

27.02.1952. Эрталаб бориб стипендияни олдим. Саид Аҳмадга посилка учун майда-чуйда олиб келдим. Бир оз иш қилдим. Кечаси диплом ёздим.

28.02.1952. Дарсга бордим. Келиб посилкани жўнатдим. Кечаси иш қилмадим [...]

03.03.1952. Эрталаб университетга чиқдим. Союзга бордим, студентлар билан ёзувчиларнинг учрашувини ўтказиш масаласида. Келиб иш қилдим.

04.03.1952. Эрталаб Муҳаррам опаникига бориб келдим. Иш қилдим. Саид Аҳмадга хат ёзмоқчи бўлдим, ёздим ҳам, лекин йиртиб ташладим. Ким яхшилигимни билиб эдики, у билса! Қандай тоза, соф автобиографиям бор эди. Нима қилиб қўйдим уни. Агар мени алдамаётган бўлса, яхши-я, лекин... бунини ўйлашга ҳам қўрқаман. Ҳаммининг ғазабим ҳам бир, меники ҳам. Лекин унинг шунчалик ёмон одам бўлишига кўнглим сира ишонмайди. Кўп хат ёздим, унга далда бериш, овутиш учун. У бунини тўғри тушунар, ахир! Борди-ю, баъзи бир уруғларидек "мазаси қолган" деса, о, унда мени ундан шу қадар осон юз ўгиришимга ўзини ҳайрон қолади. Билмайман, эртага нима кутади. Ҳеч нарса билмайман.

05.03.1952. Дарсга бордим. Қора қоғозим йўқ эди ишлашга. Ҳеч қаердан тополмадим. Кечкурун диплом ёздим.

06.03.1952. Дарсдан нари Муҳаррам опаникига бордим. Меҳмон бор экан. Қўймадилар, мен ҳам ўтириб қолдим... Синтаксисни кўчираётган эдим. Уч нусхасини Муҳаррам опа олди. Қайтаётиб ойимларнинг келишига деб йўлдан икки кило конфет олақолдим. Кечаси билан диплом ёздим. Ойим Зухурхон акамникига кетган экан.

07.03.1952. Эрталаб дарсга бордим. Фулом Каримов билан учрашдим. Дипломни бўлимларга бўлиб ишлашни маслаҳат берди, бу менга қийинроқ кўринди. Яна ўз билганимча ишлай бошладим...

08.03.1952. Саид Аҳмадга хат юбордим. Почтадан нари Раҳбархонниқига бордим. Уларниқидан кечқурун келдим [...]

10.03.1952. Университетга Каримовга (раҳбарим) учрашгани бордим. Диплом ишимнинг 1-бобини ёзиб олиб борган эдим, яхши, деди. Уйга келгач, бозорга бориб фанер олиб келдим, уйнинг чакка ўтган ерини тузатиш керак эди. Кечқурун Маузия опа билан САГУ драмтўғараги иштирокида “Калиновая роцца” пьесасини кўрдик. Мен пригласительный олиб келган эдим.

11.03.1952. Уста фанерни етмайди деди, пул қарз олиб, яна бозорга бордим. Фанерни кўтариш қийин бўлар экан, бошимда олиб келдим. Учраган баъзи бир танишлардан хижолат бўлдим ҳам, бўлмадим ҳам. Уйнинг тепаси бутун бўлди, озроқ қарз бўлиб қолдим. Узилиб кетарман.

12.03.1952. Дарсга бордим. Кафедрада дипломантларнинг йнгилиши бўлди. Қор ёғди. Кечаси иш қилдим. Д. менинг уй тузатганимни кўриб, кетмаслигимга ишонди шекилли, ёзда ўзлари кўчиб кетар эмишлар. Тавба, бунча бағриқоралик-а!

Ҳа, Тошхўжаевадан пул сўрасам, ўн бешинчидан кейин, деди. Конспект ёзиб берган эдим.

13.03.1952. Кун бўйи иш қилдим. Партия мажлисига бордим. Соат бешда бошланиб, ўндан ўн минут ўтганда тугади. Узатиб қўймоқчи эдилар, унамадим. Маҳалла-кўй кўрса, қуруқ маломатга қолиб кетаман. Кечаси бошим қаттиқ оғриди, иш қилмадим, ётдим.

19.03.1952. Ўтган кунлар ичида вақтим бўлса ҳам ёзишга ҳафсала қилмадим. Дунёдан жуда бездим, жуда ҳам. Атрофдаги нарсаларнинг ҳаммаси менга бемаъни бўлиб кўринди. Неча ерга иш сўраб бордим. Ҳар хил баҳона кўрсатадилар ва кўшиб қўядилар: “Сиз бизга жуда кераксиз-ку, лекин...”, у ёғини айтолмайдилар. У ёғи шуки, ўз тақдирларидан, бир-бир-

ларидан қўрқадилар. Давлат нашриётига уч марта бордим. Ҳатто технический иш бўлса ҳам беринглар, деб сўрадим. Корректорлик ваъда қилдилар, кейин аяндилар. Мана, ҳаёт! Иш сўраб бориш менга марҳамат сўраб бориш билан тенг бўлиб қолди. Шундай бўлмаганида эди, аллақачон иш берган бўлар эдилар.

Жуда-жуда афсусланаман. Майли, талантимнинг, ёшлигимнинг хурмати бўлмасин, лекин ёнимдаги партбилетимнинг хурмати йўқмикан? Битта кишининг ҳам эсига келмадим, ҳеч ким менинг тақдирим билан қизиқмади. О, халқини, ватанини менчалик севса-ю, менчалик тухматга қолса киши (қалби ҳам меникидек бўлса), ўшандагина менинг азобимни ҳис қилиши мумкин.

Жасоратли эдим, кўрқоқ қилиб қўйдилар, тўғри эдим, қора қилиб кўрсатдилар, соф эдим, гуноҳкор деб эълон қилдилар. Билмадим, қачон юзим ёруғ бўлади. Эрим, гуноҳим йўқ, деб ёзади. Олдин ишонмасам ҳам энди ишонаман. Ахир, мана мен нима бўлдим, у ҳам балки менга ўхшагандир. Ахир, у гуноҳига иқрор бўлса эди, мен ундан албатта юз ўгирар эдим.

Баъзида хаёлимда Москвага бораман, бутун ҳол-аҳволимни энг улуғ одамга сўзлаб бераман. У менинг қалбимни кўзларимдан уқиб олади, қўшиқ айт, кўпроқ ёз, дейди. Менинг қўшиқларим энди аввалгидан ҳам ҳароратлироқ руҳ билан тарқалади. Йўқ, бу – хаёл эмас, бу – ҳақиқат, ҳа, бу – яқин келajak! Ахир, шу келajak мени яшашга мажбур қилаяпти-ку! Софлигимга қанча ишонсам, порлоқ келajakка ҳам шунча ишонаман!

Майли, тўғрилиқнинг азоби ҳам ўзи бир гашт бўлади. Буни билмаган кишилар жуда бахтсиз одамлардир. Абдулла Қаҳҳорнинг лауреат бўлганидан беҳад севиндим. Уйғур билан Сафаров ҳар йили умид қиладилар, ўзларини тўсиб қолаётган одамларни жуда усталик билан чет-

га сурадилар. Ойбекдан қутулолмаётган эдилар, мана энди Қаҳҳор уларни тўсди.

Яшасин! Москва ҳақиқат қилади!

Келгуси йил Асқад Мухтор олар балки, лекин Уйғун билан Сафаров ололмайди. Сафаров бирвининг (Июффе) меҳнати билан кеккайяпти. Уйғун эса билгани учун поэзиядан драмага эмас, эплаёлмаганидан (тўғрироғи, эплаёлмай қолганидан) ўтди. Ҳа, ҳаёт ўз йўли билан боради.

31.03.1952. Кейинги пайтларда бу дафтарга ёзишга ҳам ҳафсалам қолмади. Агар тўғри бўлиш шунчалик азоб бўлса, лаънатлар бўлсин тўғрилиқка!

Арз қилишдан ҳам зерикдим. Эшитадилар-у, яна қайтиб ҳеч нарса демайдилар. Гўё мен, эрим – гуноҳсиз, деб айтиб юрган эмишман. Йўқ, мен бундай демас, ҳозирча дея олмайман ҳам. Мен, Саид Аҳмадга қўшимча “гуноҳ”ларни менинг номидан юкламоқчи бўлганларга йўл бермадим. Саид Аҳмаднинг кимлиги менга номаълум, лекин у мени турмушда орқага силтаган эмас, партия мажлисига боролмаслигимга Саид Аҳмад эмас, касаллигим сабаб эди. Ана шундай деб айтдим ва айтаман. Мени давлат пул сарф қилиб ўқитди, тарбиялади. Энди мен ишлашим керак. Мен ҳеч қайси “каттакон” олдига садақа сўраб борганим йўқ, иш сўраб бордим. Агар ўқишни тугатиб, ишламай уйда қолиб кетсам, бу – виждонсизлик, онкўрлик бўлади. Шунинг учун ҳам мен улар олдидан бир неча марта ўтдим, ЦКга – Раҳмоновга бордим. Уч кундан кейин келинг, деди. Айтган вақтига борсам, бир ярим ойга командировкага кетибди. Бўлди, энди мен ҳеч кимга арз қилмайман. Дадам раҳматли ҳаммавақт менга, “Сизларни менга Сталин берган”, деб айтар эди. Ана шу Сталин берган одамда қандай гуноҳ бўлиши мумкин?! Ё Раббий, мен ҳеч кимни алдамадим, алдамайман ҳам. Агар мен уста, иккиюзламачи, айёр бўлганимда, баъзи бир эракларга нисбатан бошқа-

чароқ муносабатда бўлганимда эди, мени шу даражага солиб қўймас эдилар. Бу сўзларим учун мени айблаганлар, ҳаётни ўргансинлар, одамларни ўргансинлар-да, сўнг менинг сўзларимни ўқисинлар. Кўп вақт ўзимни ўлдиришни ўйлайман. Лекин одамларда ўзим ҳақимда туманли фикр қолдиргим келмайди. Яна сабр қилишга мажбур бўламан.

Бугун Фароғат опа келди, Д. билан қиёмат уриш бўлди. Кеча ҳам шу аҳвол эди, мен қочиб чиқиб кетган эдим. Саид Аҳмаддан хат узоққанини таъна қилибди аҳмоқ.

Бугун Саид Аҳмад тушимга кирибди. У менга бир нима айтмоқчи эди, лекин бизни айириб юбордилар. Кун бўйи унинг тушимдаги ранг-рўйи кўзимдан кетмади.

04.04.1952. Жума. Шу кунларда қилаётган асосий ишим диплом ёзиш бўлди. Ёзганимча Ғулом Каримовга олиб бориб топширдим. Ўшандан нари Мухаррам опаникига ўтдим. Унинг дипломини бошлаб бердим. Ёзиб берган конспектимга эллик сўм олдим. Универмага бордик, унга кофта олдик. Қайтишда Холидани (*журналист ва таржимон Холида Аҳорова – таҳр.*) кўрдим, бирга қайтдик. Қўймай уйга олиб келдим. Бир оз ўтирдик, сўнг узатиб қўйдим.

05.04.1952. Ҳеч иш қилгим келмади. Байрам келмоқда. Саид Аҳмадга посилка қилиш керак. Лекин ҳозир қўлимда иш ҳам, пул ҳам йўқ. Бахтимга бирор иш келиб қолса зора. Хат келмаётир. Шу кунларда ҳар кунни тушимга қиради. Ишқилиб тинч бўлсин! Раҳбархоникига бордим. Келиб китоб ўқидим [...]

07.04.1952. Ҳеч қаерга бормадим. Ҳеч қайсисида пул йўқ. Уйда нон ҳам йўқ. Бугун маҳалладан уч сўм пул топилмади. Уйимизда ётган қаттиқ-қуруқ нонларни едик. Кечроқ ўн сўм топдим ва бир гўшш консерваси олдим. Машхураҳон опам Майдан ёғ олиб чиқди. Кечқурун суюқ ош қилдик. Кинога бордим Маузия опа билан.

08.04.1952. Уйда бўлдим. Неча кундан бери ҳаво очилмайди. Одамнинг юрагини баттар сиқади. Бир оз диплом ёзим. Кейин Кербобоевнинг “Решающий шаг” романини ўқидим. Номини нотўғри таржима қилибдилар. “Ҳал қилувчи қадам” бўлиши керак эди, “Дадил қадам” деб олибдилар... Хат келмаётир.

14.04.1952. Суддан яна одам келибди. Саид Аҳмаднинг қарзи масаласида. Шунинг учун уйни қулфлаб, бирор ерга бориб иш қилишимга тўғри келди. Бир кун Раҳбархонниқига бордим. Яна бир кун қўни-қўшниларниқига юрдим. Лекин ҳалигача келадиган комиссиялар йўқ.

Шу кунларда Д. больницада бўлгани учун ҳовлимиз жуда тинч. Ойим бўлса, юрагим анча ўрнига тушди, дейди. Тақсимотни кутиб турибмиз. Йигирманчиларга бўлиб қолар, деди декан. Ўн иккинчи куни касал бўлиб қолдим. Кечаси билан ухлаёлмадим. Ўн учинчи куни ҳам шундай бўлди. Бугун эса эрталаб ўзимни яхши сезганим учун ювиндим, бош ювдим. Университетга комсомоллар мажлисига бордим. Қайтишда “Тарзан” фильмининг учинчи сериясини кўрдим. Қандай олийжаноб одам! Чунки у ўша ифлос муҳитдан ташқарида ўсган-да. Жек қанча яхши бўлмасин, барибир, ўша муҳит одами эканига борди. Э, бу гаплар нега керак? Бошқа ҳеч иш қилмадим шекилли. Ҳа, хат йўқ. Қандай ташвишга қолдим-а?

25.04.1952. Орқада қолиб кетдим. Бунга ўзим икроман. На китоб ўқигим келади, на газета. Иложи бўлса кўчага ҳам чиқмасам. Мен бундай эмас эдим. Одамларнинг ўзлари мени шундай қилиб қўйдилар. Қанчадан бери ҳеч нарса ўқимайман ва ҳеч иш қилмайман. Жимжит яшагим келади. Ҳеч нарса, ҳеч ким мени овута олмайди, овуттишга ҳаракат қилувчининг ўзи йўқ.

*Эй табиб, айланма, дардим бедаволардан бери,
Ранги зардим кўру кўрма, кахраболардан бери,
Рўзгорим – тийра, мен – бахти қаролардан бери,*

*Оқким, ҳолимни сўрмас ошнолардан бери,
Ошнолар, балки ҳешу ақраболардан бери, –*

деган мен бўлдим.

Кеча партия мажлисига бордим. Бугун эса ҳеч нарса қилганим йўқ, ўтирибман, холос. Икки жаҳон оворасиман. Ишга қабул қилмаётдилар. Ўқиганимга ҳам пуншаймон ейман баъзида.

Саид Аҳмаддан анчадан буён хат йўқ. У ҳам мени қон қилади. Баъзан оч-наҳор қоламан, баъзан САГУга пиёда бориб келаман. Билармикан? Мен унинг учун умрини тугатаётганимни билармикан? Қайдам, худо билади.

Кеча Фароғатхон опамниқига кирган эдим. Уйғуннинг тоби йўқ экан. Чехраси очик эмас. Балки рўзгорчиликда бирор гап ўтгандир. Лекин менинг ўтиргим келмади, тезда кетдим. Партия мажлисига бордим. Кеч келдим. Уйда овқат қилмаган эканлар. Қорним оч ухладим. Баъзан алам қилади. Лекин шунга чидамасам, иккинчи кишига эрга тегишим керак бўлиб қолар. Худо сақласин. Яхшиси, қийналсам ҳам пок яшай.

26.04.1952. Стипендия олдим. Бозорга бориб краска, алиф ёғи олиб келдим. Ойимларнинг келишига ун, гуруч олдим.

27.04.1952. Айвонни ремонт қилдим. Шу қадар чарчадимки, айниқса, ўнг кўлимни сира кўтаролмай қолибман. Кеч ухладим [...]

30.04.1952. Ҳамма ерда байрам таратди. Жуда кўнглим бузилди. Йиғладим. Бу байрам посилка ҳам қилолмадим. Диплом ёза бошлаганимдан бери иш қилишга улгурмай қолдим. Бошқа ҳеч кимнинг эсига келмайди. О, ҳаёт! Турган-битгани укубат, қадрсиз нарсдан бошқа ҳеч нима эмас экан!

01.05.1952. Май паради тинчлик учун кураш байроғи остида ўтадигани учун боришга мажбур бўлдим [...]

01.06.1952. Бугун – биринчи июль экан. Кунлар, умр қандай тез ўтади. Шу

ўтган кунлар ичида диплом ёқладим. Раҳбарим қийин деган темани олганим учун, ўз айтганимни қилдим. Ишлаб тамом қилганимда бекорга чиқарди. Кафедра мажлисида раҳбарим Каримов билан айтишиб қолдим. Мени кузга қолдиришни ўйлаб ҳам қўйдилар. Лекин мен икки кунда улар айтганча қилиб дипломни ёзиб бердим. Бироқ кейинги ёзганим ўзимга мутлақо ёқмади. Биринчисига кўп меҳнат қилган эдим. “Яхши” баҳо қўйдилар. Бу – тўғри. Бироқ ўзлари жумла тузишни ҳам билмайдиган студентларимиз бор. Ана ўшалар “беш” олдилар. Студентларнинг ҳаммаси биладики, бу – уларнинг ўз меҳнати эмас, ёздирганлар, кўчирганлар, домлалардан баъзиларини меҳмон ҳам қилганлар. Тўғриси айтиб бўладими, дейсиз! Тўғриси айтиб, бошимга не кунлар тушмади.

Охундий (*ёзувчи Насрулло Охундий – тахр.*) чақирган эди. Бордим. Ишга оламиз, лекин уйингиздан кетинг, дейди. Ҳатто, куёв ҳам топилиб қолар, дейди. Сесканиб кетдим. Мен ишлайман, ишдан қочмайман ҳам. Лекин турмушга чиқиш-чиқмаслик, бу – менинг ишим. Бир марта маслаҳат бердилар. Энди ўзимга қўйиб беринглар, дедим. Охундий “Шундай ёш кишининг бу қарорига мен ҳайронман, шундай ўтишингизни тасаввур қилолмайман”, дейди. Тасаввур қилолмасангиз, кўрасиз, дедим. Муҳамедов (*ёзувчи Мумтоз Муҳамедов – тахр.*) билан гапиришмоқчи эдим. Лекин вақтим бўлмади, боролмадим.

Кеча Саид Аҳмадга посилка юбордим. Акамга (*Саидахоннинг ўғай отаси Умаржон Қамбаров – тахр.*) қўйлак оладиган пулни унга ишлатиб қўй-





дим. Нима қилай, ҳеч кимнинг эсига бирор марта келмаса. Ҳеч кими йўқ одамдек юрмасин дейман.

Шу кунларда давлат имтиҳонига тайёрланиб ётибман[...]

21.08.1952. Зухурхон акам билан иш тўғрисида ОблОНОга бордим. ОблОНОдаги киши танишдек кўринди. Яхши муомала қилди. Лекин яқин мактабларда бўш ўрин йўқ экан. Иштиёрни ўзимизга қўйди. Ўзимиз суриштирмоқчи бўлдик. Ойим келиб, эртага Мафратхон билан ҳайрлашгани боринг деб, айтиб кетди. Агар Саид Аҳмад бўлганда эди, кечаги кунда мен ортиқлик қилмаган бўлар эдим. Ҳеч бўлмаса, кириб сўрашиб кетмапти. Энди мен борар эмишман! Менинг камтарлигимни булар ҳўрликка айлантирмоқдалар. Такаббур бўлиш керак экан. Бувим икки йилда бир келган эди. Саид Аҳмаднинг йўқлиги шу қадар ўтдики, хулласи, ўзим чақирдим, ўзим узатдим. Кечқурун бир ўзим эдим. Инобатхон (*Саидахоннинг дугонаси – тахр.*) келди. Олиб қолдим. Унинг ҳам ҳасрати кўп...

(Кундалик шу ерда тугайди.)

Умарали НОРМАТОВ



YO‘LDAGI GURUNGLAR

Хотира-эссе

1953 йилнинг январь ойида “Адабиёт-шуносликка кириш” фанидан дарс берган Зикриё Мирхожиев домла бетобланиб қолиб, имтиҳонни унинг уйига бориб топширадиган бўлди. Гуруҳ сардори сифатида курсдошларга бош бўлиб Гавкуш маҳалласига йўл олди. Мирхожиев хонадонининг шундоқ рўпарасидаги ҳовлида оға-ини тилшунос домлаларимиз – Айюб ва Ёқуб Фуломовлар яшар экан. Келгуси семестрда ўзбек тилшунослигидан Айюб Фуломов, кейинроқ диалектология фанидан Ёқуб Фуломов маърузаларини тинглаш насиб этди бизга. У кезлари Тошкентдек шахри азимда ҳам маҳаллалардаги хонадонларда телефон йўқ ҳисоби, боз устига, хонадонлар “кўрки”,

шаҳарликлар ҳаёт тарзи мен туғилиб ўсган Фарғона қишлоқларидан айтарли фарқ қилмасди. Факультет раҳбарияти оға-ини Фуломовларга бирор хабар етказиш зарурати туғилса, бу ишни кўпинча каминага топширарди. Шу тариқа Гавкуш маҳалласи менга қадрдон бўлиб қолди. Қарангки, бизга адабиёт дарсликларидан таниш бўлган улкан адиб Ойбек Айюб домла хонадонидан, янглишмасам, икки ёки уч уй берида жойлашган кўримсизгина ҳовлида туғилган, болалик, ёшлик йиллари шу масканда кечган экан. Кейинчалик суриштириб билдим: Айюб Фулом Ойбекдан 9 ёш кичик, унинг икки акаси Носир (Ботир) ва Мансур Фуломовлар эса Ойбекка деярли тенгдош экан,

бири олий маълумотли филолог, шоир, иниси эса етук тарихчи мураббий сифатида эл оғзига тушган, ҳар иккиси Ойбек билан маслакдош-дўст тутинган. Ўз-ўзидан аёнки, ана шундай маҳаллий муҳитда улғайган ёш Айюбда ҳам бадиий ижодга майл устун бўлган. Аммо 30-йиллар қатағон ваҳшати сабаб икки акаси, қолаверса, қўшниси Ойбек бошига тушган мудҳиш савдолар уни хушёр торттирди, Айюб "жанжаллар макони" – адабиётшунослик ёки тарих соҳасини эмас, тилшуносликни танлашга мажбур бўлди. Аминманки, вазият тақозо қилмаганида катта оғаси каби шеърят-шоирлик, адабиётшунослик йўлидан кетарди; бироқ бадиий ижод оламига яқин соҳа – тилшуносликни танлаб ҳато қилмади, тил илмининг шоири, дарғаси даражасига кўтарилди, бир умр сўз санъатига шайдо бўлиб қолди. Айюб ака билан гурунглримиз чоғи бот-бот бунга амин бўлганман. Ҳар гал суҳбатлашганимизда фольклор, мумтоз адабиёт, рус, жаҳон адабиётининг нодир намуналари, замонавий адабиёт, адабиётшунослик янгиликларидан хабардор, муҳими, улар ҳақида ўз қарашларига эга эканидан ҳайратга тушардим. У катта ўғлига машхур халқ достонларидан бири қаҳрамони – Равшан, қизига эса Орзигул, қолаверса, шоира Нодира исмини қўйгани тасодиф эмас. Аудиториядаги маърузалари чоғи мавзуга оид масала, муаммолар тасдиғи учун бадиий асарлардан шу қадар кўп насрий, шеърӣй парчалар мисол келтирар, уларни муаллифлар қиёфасига кириб ёддан айтар эдики, буни кўриб биз талабалар қойил қолардик. Ҳар гал устознинг мавзуга дахлдор муаммолар ҳақидаги аниқ далиллар, теран таҳлиллар асосига қурилган жўшқин маърузаси бу борадаги илгариги қарашларимизни остин-устун қилиб юборарди.

1974 йили янги ташкил қилинган ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасига мудир этиб тайинланган кезларим олдимда, биринчи навбатда, ҳозирги ўзбек адабиёти курси учун янги дастур, сўнг янгиланган дастур бўйича маъруза матнлари тайёрлаш, қолаверса,

дарслик яратиш муаммолари кўндаланг турарди. Бу борада устоз И. Султонов, О. Шарафиддинов, М. Қўшжоновлар билан бамаслаҳат иш бошладим. Айти пайтда Айюб аканинг тавсия-маслаҳатлари мен учун қимматли йўриқнома вазифасини ўтади.

Гарчи 60-йиллардан эътиборан маънавий, илмий-ижодий муҳитда муайян ўзгаришлар юз бераётган, эркинлик шабадаси эсаётган бўлса-да, барибир, коммунистик режим сиёсати амалда эди; ижтимоий соҳада, жумладан, адабиёт, санъат, адабиётшунослик, адабий таълимда ҳар бир ташланган қадам катта тўсиқларни енгиб, машаққатлар билан ўзига йўл очарди. Аввало, Абдулла Қаҳҳордек жасур сиймонинг шижоати, унинг сафдош-издошлари саналмиш М. Қўшжонов, О. Шарафиддиновдек мунаққидлар, О. Ёкубов, П. Қодировдек янги тафаккур соҳибларининг саъй-ҳаракати туфайли миллий адабиётимиз, танқидчилигимизда соғлом бир йўналиш қарор топа бошлади. Айюб ака доно, хушёр, мулоҳазали инсон сифатида 30-йиллар оғалари қатори бошига тушган мудҳиш савдолар сабаб умри адоғигача доим пинҳона назорат остида эканини яхши билар, шу сабаб дилидаги асл майлларини ошкор этишдан тийилар эди. Бироқ у қалбан соғлом кучлар томонида экани шундоқ сезилиб турар эди. Шунча йил бирга ишлаб маънавият, адабиёт соҳасида бўлган, бўлаётган кўнгилсиз ҳодисаларнинг бирортасини ёқлаганини эслаёлмайман, аксинча, эзгулик, адолат йўлидаги ҳар қандай соғлом ҳаракат, ютуқларни ҳамиша қувонч ила қаршиларди.

Айюб ака университетда таълим олган қалам аҳли ижодини мунтазам ўқиб, кузатиб борарди. Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров,



Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаевларга эҳтироми билан эди. Талаба шоир Эркин Воҳидовнинг университет деворий газетасида чиққан, диалектология фани ўқитувчиси Ёқуб Ғуломов тилидан дўстона ҳазил тариқасида битилган “Тиливуздан “вотти-вотти”/ Аста-секин йўқолвотти” сатрлари ўз вақтида шов-шувларга сабаб бўлган эди. Дарҳақиқат, Ёқуб ака дарс чоғи адабий тилда, кўча-кўйда эса Тошкент шевасида сўзларди. Шоир ҳазил байтида шунга ишора қилган. Ёқуб ака ёш шоирнинг ҳазилини хушламайроқ қарши олди, Айюб ака эса “Ҳазилнинг тағи – зил, дейдилар. Эркин нишонга беҳато урибди. Ёқуб бундан тегишли хулоса чиқариб олиши даркор” дегани ёдимда. Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Эркин Аъзам қисса ва ҳикоялари билан танишар экан, бир гал “Умарали, шу вақтга қадар Ҳамза, Қодирийдан тортиб Саид Аҳмадгача даярли барча адиблар Тошкент-Фарғона тилида (аниқ ёдимда йўқ, диалектида деган бўлсалар керак) қалам тебратиб келдилар, буни қара, Шукур, Тоғай, Эркин тилимизга Сурхон оҳангини олиб киряпти”, деди. Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади”, “От кишнаган оқшом”, “Ойдинда юрган одамлар” қиссалари устозда катта қизиқиш уйғотган; бу – фольклор тили, ифода усулини реалистик ёзма адабиётга олиб киришнинг яхши намунаси, шуларга эътибор бериш лозим, деган эди. Орадан кўп ўтмай, Омон Мухтор, Неъмат Аминов, Омон Матжон асарларидан гап очиб, улардаги Бухоро, Хоразм колорити – руҳи ифодасига алоҳида ургу берган эди. Энди эсласам, 70-йилларнинг иккинчи ярми, 80-йиллар бошида Эркин Воҳидов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Омон Матжонлар билан бўлган, ўз даврида адабий жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотган адабий суҳбатлар чоғи шу муаммоларга алоҳида диққат қаратилиши, маҳаллий колорит ифодаси билан боғлиқ ютуқ ва камчиликлар хийла кескин тарзда қўйилишига Айюб ака миз туртки берган экан.

Устоз менга “Замонавий ўзбек адабиётида тил билан боғлиқ муаммоларни уч соҳа

вакиллари – адабиётшунослар, ижодкорлар, тилшунослар ҳамкорлигида ҳал этиш лозим. Тилшунос ижодкор дўстларинг ёнингда. Ҳозир тил муаммолари билан шуғулланаётган ижодкорлар бор. Пиримқул “Ўзбек тили ва реалистик проза”, “Тил ва дил” деган яхши китоблар чиқарди, Эркин тилга оид чиройли мақолалар эълон этди... Иложини топсанг, уларни кафедранга торт”, дея маслаҳат берган эдилар. Пиримқул акага шу ҳақда гап очганимда ижодий режалари билан банд эканини рўқач қилиб, бу таклифга кўнмади. Эркинжон эса тил муаммолари хусусида талабалар билан бир-икки суҳбат ўтказишга рози бўлди-ю, бутунлай ишга келишга унамади... Шундан кейин камина ўзгача йўл танладим, ёзувчи-ижодкорлар билан туркум адабий суҳбатлар қилишга киришдим; уларда кўплаб адабий, танқидий масалалар қатори боя айтиб ўтилган муаммоларга ҳам эътибор қаратилди.

Айюб ака тил муаммоларига етуқ адиблар, сўз санъаткорлари эътиборини тортиш зарурлигини бот-бот таъкидлар, бу борада ҳазрат Навоийнинг беқиёс асари “Муҳокама-ул луғатайн”ни намуна қилиб кўрсатар, замонавий “луғатайн”ни Пиримқул, Эркин, Ўткир, Абдулла сингари ижодкорлар яратиши мумкин дер эди. Ажаб саодат, алломанинг башорати рўёбга чиқди: саксон ёш бўсағасида Эркинжон замонавий луғатайн – “Сўз латофати”ни китоб ҳолида эълон этди. Агар Айюб ака ҳаёт бўлганида шоирни бу бебеҳо маънавий эҳсонни учун қутлаган, балки бу ҳақида мақола битган бўларди. Қарангки, шу ишни устознинг садоқатли шогирдларидан бири – филология фанлари доктори, профессор Абдулҳамид Нурмонов адо этди. “Шарқ юлдузи” журналида унинг ғоят билимдонлик ва эҳтиром ила битган “Сўз мулкига сайр” сарлавхали салмоқдор мақоласи чиқди. Тўғри, “Сўз латофати” ҳақида матбуот саҳифаларида бошқа тилшунос, мунаққидларнинг ҳам мақолалари эълон этилди. Лекин А.Нурмонов мақоласи мушоҳада кўлами кенглиги, илмий теранлиги билан ажралиб туради. Бу савоб иш олим илмий фаолиятининг сўнгги маҳсули бўлди.

Устоз Айюб Фулом ҳақида ўйлаганимда мени бир армон изтиробга солади: 44 йил Миллий университетда ишлаган, 40 йил тилшунослик кафедрасини бошқарган, мамлакатимизда XX аср тил илмининг сардори деб эътироф этилган, не-не муносиб шогирдлар етиштирган, тилшуносликка оид беқиёс илмий рисолалар, ўқув дасриклари яратган аллома ҳаётлигида меҳнатлари муносиб тақдирланмади, ҳукумат унвону орденлари у ёқда турсин, унга бирорта медал ҳам раво кўрилмади. Айни пайтда, ўзга бир ҳолат кишига таскин беради – оғалари қатагон қилинган, ўзи бир умр назорат остида бўлган инсоннинг Миллий университетдек даргоҳда 44 йил доцент, профессор, кафедра мудири лавозимларида ишлаши ҳайратомуз ҳодиса – мўъжиза. Шўро истибдоди замонида Озод Шарафиддинов бошига тушган мудҳиш савдоларнинг барчасига шохидман. Бу аломат, жасур мунаққид узоқ йиллар университетга раҳнамолик қилган Т. Саримсоқов, С. Сирожиддинов, О. Содиқов сингари улуг зотлар паноҳида замоннинг таъқибу тазйиқларидан омон қолган. Айнан шу инсонлар Айюб Фулом учун ҳам бир умр таянч, суянч, қалқон бўлган ҳақиқат. Шунинг ўзи устоз учун Яратганнинг мукофоти эмасми?!

Нихоятда кўркам, адлқомат, саранжом-саришта, чеҳрасидан нур ёғилиб турадиган бардам-соғлом Айюб ака юз йил яшаса керак деб юардим. Ундай бўлмади. Бутун умри, илмий-педагогик фаолияти мустабид тузум босими, талотумлари, мафқуравий-сиёсий тазйиқи остида кечган бу беназир олим асл маслағи, орзу-интилишлари, дарду аламлари, ҳасратларини ичига юта-юта, ҳатто яқин одамларига ҳам уларни ошкор этмай, этолмай 70 ёшга етмай бирдан чўкиб қолди, юрак хасталигига учради, 72 ёшида оламдан ўтди. Домла орамиздан кетдию университет, маҳалла, тил илми, қолаверса, менинг ҳаётимда тиклаб-тузатиб бўлмас бир кемтиклик, ўпирилиш юз берди.

Миллий тилшунослигимиз сафида бири биридан қолишмайдиган етук алломалар кўп, ammo мен билган, яқиндан мулоқотда

бўлганлар орасида Айюб ака беқиёс, унга яқин келадиган бошқа ҳамсуҳбат тилшунос олимни, мураббийни кўрмадим, топмадим.

Олимнинг 1954 йили чоп этилган "Феъл" рисоласидан мана бу парчани бир ўқиб кўринг-а (домла бизга илк бор дарсга кирганида, шу ҳаво ранг муқовали китобча кўлида борлиги ёдимда, лекин маъруза чоғи бирор марта уни очиб қараган эмас). Рисола дабдурустдан мана бундай бошланади: "Феъл – ҳаракат ёки ҳолатни ифодаловчи сўз туркумидир. Феъллардаги бу лексик хусусият уларнинг икки тўдага ажралишига асос бўлади: ҳаракат феъллари ва ҳолат феъллари. Феълдан англашиладиган бу ҳаракат ва ҳолат одатда шахс ё предмет билан боғланган бўлади" (3-бем).

Ҳеч қанақа "кириш"сиз феълга берилган лўнда таъриф, барчага бирдек тушунарли, ҳаракатдаги жумлалар...

Китобнинг охирироғидан яна бир мисол: "Туш" феъли: одатда равишдошнинг иккинчи тури билан бирикади... Маъноси: ҳаракатнинг жўналиш йўли; тугаллик, маънонинг кучайиши. *Қарол боланинг эгни тутдай тўкилди, енглари узилиб тушди, қорни тўймагани устига кийимнинг дарди бўлиб, бола бечора гулдай сўлиб тушди* (фольклордан).

"Чиқ" феъли: бу ҳам равишдошнинг иккинчи тури билан бирикади. Маъноси: ишнинг бажарилиши, узоқ давом этганлиги. *Романни ўқиб чиқди, расмларни кўриб чиқди, бола касалланди, бу кеча йиглаб чиқди. Бу аппаратни ким ўйлаб чиқарган? (81-бем)*.

88 саҳифали рисола бошдан-охиригача шу тарзда, шу оҳангда, шу усулда битилган... Ушбу сатрларни бугун қайта мутолаа қилаётган чоғим домлаизмининг 62 йил бурун университет аудиториясида феъл туркуми мавзусида ғоят мароқли маъруза ўқигандаги ҳолати, хатти-ҳаракатлари шундоққина кўз олдимда гавдаланди, сўзлари қулоғим остида жаранглади.

Мен Айюб аканинг сўзлаш, ёзиш тарзи, ифода усулини унга замондош адиблардан Абдулла Қаҳҳор услубига ўхшатаман. Адиб асарларида, хусусан, хикояларида

хар бир сўз ўз жойида, гап тузилиши содда, пишиқ-пухта, бирорта ҳам ортиқча унсур ёки кемтик – чала-чулпа ҳолатни тополмайсиз. Жимжимадор, ялтироқ калималарсиз, ошкора ҳис-ҳаяжон, оҳ-воҳларсиз ҳам содда, лўнда жумлалар билан адиб нишонга беҳато урадиган теран маънодор матнлар туза олади, уларда ўқувчи дилини ўзига маҳлиё этадиган сирли-сеҳрли оҳанг баралла янграб, эшитилиб туради. Мен билган тилшунослар орасида фақат Айюб ака илмий асарларида шундай шоирона руҳ, жозибадор оҳанг бор!

Айюб ака ниҳоятда интизомли шахс эди. Бирор тасодиф бўлиб қолмаса, университетга бориш ва қайтиш вақти аниқ тайин эди. У қаддини адл тутиб бир маромда одим ташлар, бу маромини асло бузмас – тез ҳам, секин ҳам юрмас эди. Университетга яёв бориш ёки қайтиш вақти ҳеч қачон 20 дақиқадан ошмас эди. Мен ҳам имкон қадар унинг шу тартиб-режимига қараб иш тутар эдим. Энди эслаб кўрсам, ўша 20 дақиқалик бориб-келишларимиз ҳеч маҳал беҳуда ўтмаган экан: йўлдаги гурунларимизнинг ҳар бири муайян мавзуга бағишланарди.

Айюб ака рус ва жаҳон адабиётидаги, жумладан, "Литературная газета", "Новый мир", "Дружба народов", "Иностранная литература" саҳифаларидаги янгиликларни, баҳс-мунозараларни мунтазам кузатиб, ўқиб борарди. Бир кун "Литературная газета" саҳифаларида кетаётган "Лириклар ва физиклар" мавзудаги баҳс ҳақида гапириб қолди. Мунозаралашаётган азаматлар Шарқ тарихини, адабиёти ва фанини яхши билмайди-да. Озод, Матёқуб, Норбой, сен шу баҳсларда қатнашиб бизда олимлар шоиру шоирлар олим бўлганини, бу анъана ҳозир ҳам давом этаётганини, лоақал, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Фитрат, Ойбек, Шайхзода, Иззат Султонлар мисолида кўрсатсаларинг бўлмайди-де, дея таъна қилди. Сўзи тасдиғи учун яна кўплаб мисоллар келтирди.

Домла ўша кезлари фаол ижод этаётган адабиётшунос, мунаққидларнинг ақида,

савиясини яхши билар, уларга холис баҳо бераар эди. Бир гал Л. Қаюмовнинг Ҳамза ҳақидаги салмоқдор китоби, унинг ютуқ ва камчиликларидан баҳс этди. Бугун эслаб кўрсам, ўшанда айтган кўп мулоҳазалари ёдимдан кўтариллибди, аммо мана бу гапи эсимда: "Лазизхон Ҳамза ҳаёти ва ижодини синчковлик билан икир-чикирларигача текширибди, Ҳамзага дахлдор бўлса уйи тоқчасида ётган игнани ҳам китобига киритибди". Топиб айтилган қаҳҳорона лўнда, образли гап, китобга берилган одилона баҳо!

Сафдошларига баҳо беришда домла ўта эҳтиёткор, талабчан бўлган. Озод акага, унинг ўзи айтганидай, сиртдан бефарқроқ қараса-да, аслида уни ниҳоятда хурмат қилар, кадрлар, университет спорт залида волейбол машқларида у билан бир гуруҳда мунтазам қатнашар, аммо илмий мунозараларда кўп ҳолларда дилидагини ошкора айтавермаса-да, ичида унинг ёнини олар эди. Бир гал адабиёт газетасида Озод аканинг бир чиқиши муносабати билан кескин руҳдаги танқидий мақола босилди. Йўл-йўлакай шу ҳақда сўзлашиб бордик. Айюб ака "Ҳақ гапни айтишда ёзувчилардан Абдулла Қаҳҳор битта эди. Ҳозир танқидчилар орасида бу борада Озод битта! Озод аканга айт, ўзини эҳтиёт қилсин. Юқоридан шапқасини ол деса, қуйида калласини оладиганлар борлигини унутмасин", дедилар.

80-йиллар бошлари бўлса керак, университетдан қайтаётганимизда "Ўткан кунлар" романининг тил, имло хусусияти, жумладан, 1926 йилги нашрида сўзлардаги *-ган*, *-га*, *-кан*, *-лик* каби қўшимчаларнинг *-ган*, *-га*, *-қан*, *-лиқ*га айлантирилгани, бу ҳол асар мутулаасида бугунги китобхон учун қийинчилик туғдираётгани ҳақида сўз очиб, нега шундай бўлгани сабабини сўрадим. Адибнинг 20-йиллар матбуотида чиққан бошқа асарларида, публицистик мақолаларида ҳам шундай ҳол кўзга ташланади. Қизик, Қодирийнинг 1914-20 йиллар оралиғида, кейинроқ 30-йилларда битган асарларида бу ҳол камдан-кам учрайди. Афсуски, муайян сабабларга кўра адиб асарларининг асл

кўлэзма нухалари сақланмаган, аслиятда қандай эканини билмаймиз. Эшитишимча, 20-йиллар бошида қабул қилинган имло қондасига кўра *-ган, -га, -кан, -лик* каби қўшимчаларни *-ган, -га, -қан, -лиқ* шаклида ёзиш назарда тутилган экан. Бу қоида лотин алифбосига ўтилгунга қадар амалда бўлган... Шуниси ҳам борки, ёзувчи ибораси билан айтганда, роман матнида бу қондани бузиб қўядирган ҳолларга ҳар қадамда дуч келамиз: бир саҳифанинг ўзида *-ган, -га, -кан, -лик* қўшимчалари билан битилган сўзлар ҳам ёндош ҳолда келаверади. Демак, бу борада изчиллик бўлмаган.

Дарҳақиқат, лотин алифбосига ўтилганидан кейин айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, асл ҳолатга: *-ган, -га, -кан, -лик* шаклларига қайтилди. Ўша қоида амалда бўлган даврда босилган асарлардаги ҳолат кейинги нашрларида ўзгартирилди. Ойбек, А. Қаҳҳор, Ф. Ғулом, Ҳ. Олимжонлар аввалги имло қоидалари бўйича чиққан асарлари матнини кейинги нашрларида янги қоидага мослаштирган. Қодирийнинг "Жинлар базми", айниқса, "Улоқда" ҳикоялари 1936 йилги нашрида ҳам услуб, ҳам имло жиҳатидан жиддий таҳрир қилинган.

Афсус, адиб "Ўткан кунлар"ни янги шариқта янги имло қондасига ўз қўли билан мослаштиришга улгуролмай дунёдан ўтиб кетди. Романининг 1925 йили нашр этилган биринчи бўлимига илова қилинган "Узр" сарлавҳали изоҳномасида у афсус-надомат билан асарнинг "имлоси уч-тўртта имлочиларимиз томонидан тузатилиб (!) ажойиб бир қуроқ ҳолига келди" деб ёзади. "Рўманнинг иккинчи бўлими бундай хатолардан соф бўла олишига ваъда бера олмаслиги"ни ҳам писанда қилиб ўтади.


Шу хусусда гап очганимда Айюб ака "Дарҳақиқат, 20-йилларда сен тилга олган Тил ва имло қурултойидан бошлаб то янги лотин ёзувига ўтгунга қадар тил ва имло масаласи теварагида бахс-мунозаралар тўхтаган эмас. Яна бир неча бор шу масалага бағишланган қурултой, муҳокама мажлис-

лари бўлиб ўтди, матбуотда қизгин мунозаралар давом этди. "Чигагой гурунги" аъзолари бу ҳаракатнинг бошида тургани боис, гарчи гурунг 1922 йили тарқатиб юборилган бўлса-да, улар илгари сурган гоёлар ҳаракатда давом этаверди. Чигагойчилар она тилимизни араб, форс тиллари таъсиридан халос этишга, айна пайтда, уни бостириб келатган рус ва бошқа оврупо тиллари таҳдидидан асраш, ҳимоя қилиш, умумтурк тилларига хос қадриятларни тиклаш, турли усутувор шева бойликларини муомалага олиб кириш йўлидан борди. Бу борада гоҳо ҳаддидан ошиш ҳоллари ҳам бўлган. Бахслар чоғи имло бобида бир хулосага келиш қийин кечган. Сен эслатган "Ўткан кунлар" матнидаги "тузатиш" – таҳрирлар ана шундай ўзбошимчалик оқибати экани аён. Ўша йиллари вақтли матбуот, нашриёт таҳририятларида Қодирий айтган "имлочилар" айна шу йўсунда фаолият олиб борган. Бу муаммони шу ҳолда қолдириб бўлмайди. Бу Қодирийдек сўз санъаткорига, "Ўткан кунлар"дек беназир асарга, қолаверса, жонли адабий тилимизга зуғумдан бошқа нарса эмас. Муҳими, романининг илмий академик нашрини тайёрлаш, асар матнини Қодирийга ярашмайдиган шу хил сунъийлик, дағаллик, ҳар хилликлардан халос этиш керак. Зарурат туғилса, бу ишга бош қўшишга мен тайёрман..." деган эди.

Азиз журналхон, Айюб аканинг сўзларини айнан тиклашга, очиги, қурбим етмади, нутқ мазмунини қозоғга туширишга уриндим, холос. Бунинг учун Сулардан узр сўрайман. Афсус, бу орада Айюб ака бетоб бўлиб қолди, анча вақт даволанди-ю, соғайиб кетмади, охири, оламдан ўтди...

Кишига таскин берадиган жиҳати шундаки, қодирийшунослик бугун балоғат ёшига етган, Қодирий армониини, Айюб акадек тил илми шоирининг таклифларини юзага чиқариш, "Ўткан кунлар"дек ноёб романининг илмий-академик нашрини тайёрлашга қодир зукко адабиёшунос, матншунос, тилшунос-ларимиз бор, энди бутун умидимиз улардан.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ



SAHNA
va
HAYOT



Олис болалигимни ёдга олар эканман, гўё туш бағрига синггандек бўламан... Қиш чилласи ялангликда қорбўрон ўйнаб, яхлаган бармоқларимизни танчанинг иссиқ кўрида иситганларимиз... Баҳорнинг тиниқ осмонида паға-паға кўчиб юрган момиқ булутларга етай-етай деб учаётган варрагимиз ипини шамол беҳос узиб, олис-олисларга олиб қочганда чеккан аламларимиз...

Бир гал чечак чиқибми, қаттиқ касал бўлиб қолдим. Қанча ётдим, билмайман, кўзимни очсам... қоронғи уйимизда ойим ва дадам менга ҳадеб гултожихўроз сувини ичирмоқчи бўлишаётир... Ҳар гал соғинч билан бир зум кўзимни юмсам, ўша қоронғи уй, чечак азоби ва бошимда парвона ойиму дадам жонланади... Мен дунёга ўша ниҳоятда қадрли, аммо бир оз қайғули хотиралар билан келгандек бўламан...

Куз ва баҳор чоғи дала ҳовлимизга чиққаннимизда, тоғамникида истиқомат қилиб, ўқишни давом эттирдим. Тоғамнинг қувваи ҳофизаси ниҳоятда кучли эди. Ҳикоя қилишларича, 1916 йили мардикорликка кетган бир маҳалладоши орадан 50 йил ўтиб, қўққис чойхонага кириб келганда, бирорта тенқури уни танимаган-у, тоғам ўша заҳоти исмини айтиб, ошна дея бағрига босган экан. Шу хислат у кишидан менга ҳам ўтган бўлса керак, шукрки, улуғ ёшга етсам ҳам хотирамдан шикоят қилмайман.

Тоғо театрға кириб келишимга ҳам шу тоғам сабаб бўлганмикан, деб ўйлаб қоламман. У киши гоят уста ноғоракаш эди. Айниқса, рамазон ойда мачитнинг баланд томига чиқиб ноғора чалганида, ярим Тошкент эшитарди десам, муболага бўлмас. Шу

сабаб рўза кирди дегунча атай тоғамниқига борар, тундаги ногора овозидан завқланар эдим. Тоғам бир куни менга ногора чўпларини тутқазиб, “Қани, так-така-тум, деб так-роллайвер”, дедилар. Мен кўпдан бери у кишини кузатиб юрганим учун худди айтганларидай чалдим.

Бир кун тоғам мени театрға олиб тушдилар. Эсимда, театрға кечаси ёш болалар кўйилмас эди. Аммо тоғам мени чопони барига ўраб олиб кириб кетганини ҳушёр паттачи ҳам сезмай қолди. Асарнинг номи ҳам, сюжети ҳам ёдимдан кўтарилган, аммо шу кунги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Саҳнада бир одамнинг кўксига пичоқ уришди, қон тирқираб отилди-да, боёқиш талвасада жон берди. Томоша тугагач, ховлида турган эдик, кўксидан пичоқ еган ҳалиги артист хохлаб кулиб ўтиб қолса бўладими. Ўлган одам қандай тирилди деб, анча вақт ўйлаб юрганман...

Театр илк ташкил топган даврда директор ҳам, бош режиссёр ҳам Маннон Уйғур бўлган. Бундай раҳбарлик Оғанинг қон-қонига сингиб кетган эди, у театрнинг хоҳ хўжалик, хоҳ ижодий бўлсин, барча ишларига аралашаверарди. Маннон Уйғур бир неча йил касал бўлиб ётиб қолганида ҳам аҳволни доим телефон орқали билиб турарди. Айтишларича, 20-йилларда санъат душманлари унинг жонига қасд қилмоқчи бўлганида, “Ўлсам ҳам театрда ўлай!” деб шу ерга кўчиб келган экан.

Қаттол уруш одамлар қиёфасини тунд қилиб кўйган эди. Лекин шундай мудҳиш даврда ҳам чехраларга гоҳ-гоҳ кулги югуриб турарди. Фашистлардан ўлжага олинган, ранги ҳам, шакли ҳам ўпкага ўхшаган бир машина Аброр Ҳидоятлов ва Сора Эшонтўраевага бириктириб кўйилди. Улар ушбу ғаройиботда илк бор театрға келган кунлари доим шу атрофда изгиб юрадиган итлар бирдан ташланиб қолса денг. Шунда

сўзга чечан Маннон Уйғур “Кўркмай тушаверинглар, улар сизга эмас, ўпкага ташланяпти”, деб кулдирган эди...

Сора Эшонтўраева Офелия ролини Маннон Уйғур талқини асосида маромига етказиб ижро этган. Бир йили Наманганга гастролга борганимизда шаҳар истироҳат боғига кирдик. Боғда бир кўл бўлиб, унда оппоқ гул очилиб турарди. Бу, чамамда, нилуфар эди. Шунда Сорахоним “Мана, Оғанинг Офелияга ўхшатган гули”, деди. Сўнг эса “Қаранглар-а”, деб кўлини гулга чўзган эди, гул дарҳол ёпилиб қолди. Кўлини тортган эди, гул яна очилди. Маннон Уйғур Офелияни шу гулга ўхшатган, уни назик табиатли қиз деб тушунтирган...

Шундай директорлар ҳам бўлганки, ишни эплаёлмас, хуноби ошарди. Қосимов деган бир директор бўлар эди. Аввал нон корхонасида раҳбарлик қилган, театрға райком йўлланмаси билан келган эди. Бир куни оркестрға қараса, ҳамма баробар мусиқа чалмаётган эмиш, шунда дирижёрни чақириб “Ҳамма баробар ишласин” дея дағдаға қилган экан. Бошқа куни эса спектакль олдидан саҳнани текширган, қараса, шишада арақ ўрнига сув турибди, пул йўқлигидан бўлса керак деган-да, арақ келтириб сув ўрнига кўйган, актёр эса бу зормондани ичиб олиб, кайфи ошган-да, роса хунар кўрсатган. Боёқиш директор охири хижолат тортганиданми, ўз хоҳишига кўра фронтга жўнади ва уч йил қон кечиб соғ-омон қайтди. Қизиғи, у умрининг охиригача театрға келишни канда қилмади...

Болалигимдан ижод аҳли осмонда яшайди деб хаёл қилардим. Қаранг, алвон-алвон шафақ – Шукур Бурҳоннинг юрак қони, оппоқ булутлар – Шукур Бурҳоннинг покиза кўнгли, чаман-чаман юлдузлар – Шукур Бурҳоннинг беадоқ орзулари. Чиндан ҳам



"Сувянсангиз, бир тоғ эди Шукур Бурҳон..."

буюклар осмонда туғилиб, осмонда яшайди ва осмонда ўлади. Йўқса, устоз шу қадар афсонага айланар эдими!..

Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" трагедиясини узоқ муддат ишлашга тўғри келди. Айниқса, Улуғбек ва Абдулатиф курашини ҳаққоний ва таъсирчан гавдалантириш жуда қийин кечди. Режиссёр Александр Гинзбург, Улуғбек роли ижрочиси Шукур Бурҳон ва Абдулатиф роли ижрочиси – камина мақбул ечим излаб роса тер тўқдик. Аммо барибир кўнглимиз тўлмаётганини англаб турардик. Шунда Гинзбург тўсатдан репетицияни тўхтатди-да, Шукур ака билан менга сўзларни ичда такрорлаб, бир-биримизга тикилишни буюрди. Биз худди шундай қилдик ва иттифоқо руҳий ҳолатимиз ўзгарди. "Ана энди, – деди у – баралла сўзлаб, ота-бола сахнасини ижро этинг". Мен Шукур Бурҳоннинг кўзларига боқар эканман, даҳшатдан юрагим ларзага келди. Шунда Гинзбург "Мана, ниҳоят ечим топилди, бу сахнанинг номи "Шер билан тулки" бўлсин", деди.

Ўғли Шавкатни қабристонга кузатаётганда, биз Шукур акани қўлтиқлаб олган эдик. У киши овоз чиқариб йиғламас, аммо ичи ёнаётгани сезилиб турарди. Гўрков майитни лаҳадга тушираётганида Шукур ака "Шавкат!" деб шундай ҳайқирдики, гўё арслон наъра тортгандай бўлди. Бу фарёддан

дарахтдаги кушлар гур этиб тўрт тарафга учди, фотиҳага қўл кўтарган одамлардан тортиб кафаннинг бир учини ушлаган гўрковгача қотиб қолди. Фарзанд доғи охири Шукур акани ҳам йиқитди. У аввал инсулт бўлди, кейин неча бор инфарктга йўлиқди. Шифокорлар фикрича, бир инфаркт билан иккинчиси орасида ўн йил ўтиши мумкин экан. Аммо у кишида бу касаллик кетма-кет такрорланди. Бир гал шифокорлардан бу ҳақда сўраганимда, улардан ҳайратомуз жавоб олганман. Уларнинг айтишича, бундай оғир касаллик билан узоқ вақт олишган вужуд жуда кам бўлар экан. Шукур аканинг ёшидаги аксар одамлар эса илк юрак хуружига ҳам бардош беролмас экан. Фожiali роллар ижросидаги мислсиз ҳаяжонлар унинг юрагини чиниқтириб юборган экан, деб изоҳ берди бу ҳолга шифокорлар.

Бир файласуф бекор ўтган дамларимга лаънат ўқийман, деган экан. Менимча, шу гапни актёр айтса, сахнага чикмаган куним яшамадим, деган бўларди. Ҳа, актёр учун томошабин нафаси – ҳаёт сасидир. Сахнадан махрум этилган актёр бамисоли қуруқликка итқитилган балиқдир.

Миршоҳид Мирқолилов кичкина жуссали бўлса ҳам, гувала боши катта, қорни дўппайган эди. Кўзлари қисик, бурни муштдай, юрганида бир кифтини сал олдинга ташлаб, тез-тез қадам босарди. Одамлар унинг шу афт-ангорию хатти-ҳаракатини кўрибоқ кулаверарди. Бу комик актёр Ҳамза билан ёнма-ён ижод қилган, Туркистонда театр ҳаракатига асос солганлардан эди. Ҳозир Миршоҳид аканинг ролларини унга етказиб ўйнай оладиган актёр йўқ ҳисоби. Масалан, "Насриддин Афанди" фильмидаги ковуш қўлтиқлаб юрадиган соқчи образини ким унга етказиб ижро эта олади? Шу актёрни ҳам замона зайли билан театрдан бўшатмоқчи бўлишди. "Агар бўшатишса, театр

эшигида курут сотаман”, деди ўшанда Миршоҳид ака. Албатта, бу гапни у аччиқкланиб айтди, аммо театрга ҳаётини бахшида этган одам учун осонми кетиш?!

Инсоннинг ҳаёт йўлидаги қийинчиликлар худди отчопардаги тўсиқларга ўхшайди. Юраги дов берганлар бу тўсиқлардан сакраб ўтиб, манзилга етади, галаба қозонади. Афсуски, бу курашда қурбонлар ҳам берилади...

Бир куни энди репетиция бошламоқчи бўлиб турган эдик, актриса Маъсума Қориева кўзда ёш билан келиб ўзини Маннон Уйғурнинг бағрига отди. Сабаби – унинг эрини ҳам шу кеча “халқ душмани” деб ҳибсга олишган экан. Бу инсон ўша замоннинг маърифатли кишиларидан бўлиб, катта бир идорага раҳбарлик қиларди. Ҳибсга олинган одамнинг хотини, бола-чақаси, ҳатто яқин таниш-билишлари ҳам нафратга дучор бўларди. Бошига шундай қора кунлар тушган Маъсума опа учун ижоддан четлатилиш айниқса оғир жазо бўлди.

Иттифоқо уруш фронтаниб қоладию актриса икки ўғлининг фронтга жўнатсам, отасининг айби ювилармикан, деб ўйлайди. Болалар ҳам онанинг бу таклифини кутиб тургандек дарҳол ҳарбий комиссариатга отланади. Афсуски, бу ерда ҳам Маъсума опа яна бир калтакка дуч келади. “Халқ душмани”нинг ўғиллари фронтнинг “штрафной” батальонигагина олинishi мумкин эмиш. Ўғиллар ноилож шунга ҳам рози эканини айтади. Маъсума опа энди фақат эри эмас, икки ўғлининг ғам-қайғуси билан сочи оқара бошлайди. Бора-бора хувиллаган уйига киришга ҳам юраги бетламай қолади-да, кўрпа-тўшагини кўтариб, театрга кўчиб келади.

Театр жамоаси опа бирон иш билан овора бўлса, қайғуси камаяр, деган уйда уни касаба уюшмасига раис қилиб сайлади. Маъсума опа уруш сабаб турмуши

оғирлашган актёрларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаттиқ бел боғлади. Ўша вақтда у қаерлардандир илтимос қилиб бўлса ҳам озиқ-овқат ундириб келиб, ҳар куни бир маҳал иссиқ овқат ташкил қилгани эсимизда.

Театрга Қорасарой кўчасидан ажратилган боғда биз ёшлар деярли ҳар куни ишлардик. Маъсума опа бизни меҳри, ширин сўзи билан меҳнатга рағбатлантирар эди. Картошка ҳосили то йиғиб олингунга қадар опа боғда истикомат қиладиган бўлди. Бир куни боққа борсак, ўртада олов ёниб турибдию опа унга тикилганча ҳаёлга чўмган. Бир пайт у шитоб ўрнидан туриб “Энди Москвага бормасам бўлмайди”, деди қатъий оҳангда. Ахир, эрининг кетганига уч йилдан ошди, ўғилларига эса икки йил бўлдики, ҳеч биридан дом-дарак йўқ. Маъсума опа шу асно ҳақиқат қидириб, Москвага жўнади. Минг афсуски, кўп ўтмай, ўзи ҳам ҳаётдан кўз юмгани ҳақида шум хабар олдик. Эри отилган, ўғилларининг иккови ҳам ҳалок бўлган экан. Бу мудҳиш хабар илвираб турган юракни тўхтатиб қўйган эди. Театр директори Собир Азизов ошиғич Москвага жўнади. Унинг Москвада бир неча кун қолиб кетиши эса бизни баттар ташвишлантира бошлади. Маълум бўлишича, жасадни самолётга олишмаган, поезд эса ноқулай. Охири жасадни куйдиришга қарор қилишган. Хуллас, Маъсума опа кичик бир идишда кул қилиб келтирилди. Биз мотам маросимини тўрт



“Умр йўлидаги ҳамроҳим...”

кишининг ҳалокатиға бағишладик. Уларнинг бирортаси ҳам ўз ажали билан ўлмаган. Тўрт кишиға бир қабр қилдириб, идишдағи ўша кулни қўйиб, қабртошға тўртовининг исмини ёздирдик. Ҳамон рамзий қабрни зиёрат қиламиз...

Рафиқам Машхура билан турмушимизнинг илк йиллари оғир кечди. Етти йилгача фарзанд кўрмадик. Ниҳоят, 1947 йилнинг ёзида тўнгич ўғлимиз Забиҳилло дунёға келди. Сўнг бирин-кетин яна икки ўғилли бўлдик, уларға Ҳабибулло ва Насрулло деб исм қўйдик. Шундан кейин турмуш ўртоғим қизли бўлишни орзу қила бошлади. Оллоҳ иродаси билан бу ниятимиз ҳам рўёбға чиқди, жондан азиз қизимиз Феруза туғилди. Шодлигимиз ҳаддан зиёд бўлиб, бағримиз тўлиб қолди. Лекин қизимиз беш ёшға тўлганда бир машъум тасодиф рўй бердики, шу кунни эсласам, ҳали-ҳануз юрагим зирқираб кетади...

Илгари қизлар сочинга попуқ қилиб кинолента тақиб юрарди. Бир куни қизим ҳам шу лентадан тақиб, ўйнагани кўчаға чиқади. Шунда бир бола безорилик қилиб, лентаға гугурт қақиб юборди. Олов тез алангаланиб тепаға ўрлай бошлади. Шўрлик қизим лентани ечиб ташлаёлмай, кўчанинг у юзидан бу юзига зир-зир югуради. Аксига олиб, ўша пайт кўчада ҳеч ким бўлмайди.

Кўшнилар дод-вой овозидан кўчаға югриб чиққанида, жигарбандим олов исканҷасида қолган эди. Қизалогимни шифохонана олиб кетишашётганда мен етиб бордим. Унинг "Адажон!" деган ноласи ҳали-ҳануз қулогимда жаранглайди. Шу биргина сўздан менға айтадиган кўп гапи дилида қолиб кетганини ҳис этганман. Қизимни омон сақлаб қолишининг иложи бўлмади. Шундан сўнг яна икки ўғил кўрдик. Афсуски, қиз фарзанд кўриш бизға бошқа насиб этмади...



Театр драматургиясиз яшай олмайди. Шу боис ҳам актёру адиблар жуда иноқ эдилар. Усмон Носир деярли ҳар кун артистлар билан ҳамсуҳбат бўлар, янги асарлари ва таржималарини биргаликда ўқиб чиқар эди. Мен ҳам 1937 йили Усмон Носирни узоқроқдан бир бор кўрганман. У артистлар ёнига шошиб келиб, уларға "Эпоха" деб ёзилган қутичадан папирос улашди-да, гугурт чақатуриб "Чекинг, "Эпоха"ни, куллари кўкка совурилсин!" дея ҳайқирди. Энди ўйлаб қарасам, "Эпоха" дегани ўша замон бўлиб, куллари кўкка совурилсин, дея исён кўтарган экан шоир.

"Ҳамлет" ярим асрдан кўпроқ вақт сахнамиз гултожи бўлиб турди. Уни ҳар гал қайта сахнаға қўйганда баъзи ўзгаришлар киритиларди, албатта. Лекин Чўлпон таржимаси шу қадар пухта эдики, уни ўзгартиришға ҳар қанча ҳаракат қилинса ҳам сира эпини қилиб бўлмасди. Чўлпон қамалгандан сўнг спектакль намоиши тақиқланади, аммо театр жамоаси томошабинлар талабига биноан уни қайта сахналаштиришға жазм этади. Ўша вақтдаги раҳбарлар таклифи билан Мирзақалон Исмоилий асар таржимасини кўлига олади-ю, бироқ Чўлпон таржимасидан ўтказиш даргумонлигини айтиб, агар жуда зарур бўлса, номи афишада ёзилишиға розилик беради. Шундай қилиб, асар Мирзақалон Исмоилий таржимаси деб яна кўп йиллар намоиш қилинади. Аммо Мирзақалон Исмоилий ҳам қатағон қилиниб, спектакль яна тўхтаб қолади. Энди академик Воҳид Зоҳидовдан асарни қайта таржима қилиб беришни сўрайдилар. У ҳам мен Чўлпон таржимасига қалам тегиза олмайман, дейди. Шундан сўнг афишаларда Воҳид Зоҳидов таржимаси деб кўрсатилди-ю, спектакль Чўлпон вариантда сахнаға қўйилаверди. Цензуранинг кўзини шамғалат қилиш учун киритилган айрим ўзгартиришлар бундан мустасно, албатта...

Театрнинг бешафқат бир қонуни бор: актёр тақдири режиссёрга, драматургга, бундан ташқари бутун бир актёрлар ансамблига боғлиқ. Мен бу борада рассомларга жуда ҳавас қиламан. Улар бирор нарса-ҳодисадан илҳомланса, хонасига кириб олиб ижод қилаверади. Истеъодли рассом Алишер Мирзаев Сурхон кенгликларига бўлиб, кўпгина замондошлар билан учрашгани ва бир талай этюдлар чизиб, энди шулар асосида катта полотнолар яратишга бел боғлаганини айтганида, мен беихтиёр хўрсиниб кўйгандим. Нафақат рассом, шоир ҳам худди шундай танҳо ижод қила олиши мумкин. Композитор Мутаваккил Бурҳоновга бир гал сафарда ҳамроҳлик қилганман. У тонг отгунча ўзи ётган каравотни чертиб, янги куй яратган ўшанда. Демак, санъатнинг кўпгина соҳа вакиллари актёрлардек ўзгаларга боғланиб қолган эмас. Қанча-қанча актёрлар ўзи орзу қилган образни яратолмай, армон билан ўтишига сабаб ҳам шудир эҳтимол...

"Улуғбек хазинаси" телеспектакли бир неча бор ойнайи жаҳонда кўрсатилиб, миллион-миллион томошабинни ўзига жалб қилди. Афсуски, бу телеспектакль оқ-қора плёнкада суратга олинган бўлиб, вақт ўтиши билан сифат жиҳатидан эскирди. Ана шунда "Улуғбек хазинаси" телеспектаклини рангли плёнкада қайта суратга олиш мўлжалланди. Бир кун Одил Ёқубов кўнғироқ қилиб, спектакль қайта суратга олинса, Улуғбек монологага кўшимчалар борлигини айтди. Мана ўша монолог: "Юлдузлар, о юлдузлар, эллик йил сизларга ошувта бўлдим, тунларни бедор ўтказиб, ҳар бирингизни кузатдим. Қирқ йил умримни сарф этиб, коинот сирини,

юлдузлар сирини ўргандим. Коинот сирини, юлдузлар сирини билсам, замин сирини, одамлар сирини ҳам билурмен деб ўйлағон эрдим. Мен янглишибмен, хато қилибмен, ғафлатда қолибмен... Инсонлар, о инсонлар, наинки, одамлар, ўз пуштикамаримдин бўлғон зурриётларимнинг дилида не гаплар бор, не сиру асрор бор била олмадим. Э Парвардигор, нечук бандаларингни бунчалар норасо қилиб яратдинг? Мунаввар каломингда бани бандаларингни имонга чорлайсан, диёнатга даъват этасан, аммо сенинг бандаларинг сен айтгонларингни тескарисини қилғони қилғон. У дунёнинг ғамини ейиш ўрнига, бу дунёнинг шону шуҳрати орқасидан чолғони чолғон. Садоқат ўрнига хиёнат, вафо ўрнига жафо, камтарлик ўрнига такаббурлик от сурадур. Мен биламен, бандаларинг бошига неки савдоларни солсанг, уларни синамоқ мақсадида солурсен. Мен ўзим бошимга тушган савдолардан нолимаймен. Шикоят ҳам қилмаймен, ўтгон умримга, қилғон ишларимга шукроналар этурмен. Аммо баъзи бандаларингнинг бунчалар тубанликка юз тутушига бардош беролмаймен. Ўзинг инсоф бер бандаларингга. Инсоф, инсоф!..". Иншооллоҳ, халққа манзур бўлган бу асар қайта суратга олинса, ушбу монологни албатта айтгумдир.

Мен "санъаткор" деган сўзни унча хушламайман, чунки "кор" – иш дегани, санъат эса иш эмас. Санъат – тирикчилик эмас, тирикчилик демақдир!



SHARAF TO'LOVI

Чордоқдаги “зоҳид”

Парижнинг овлоқ бир даҳасидаги олти қаватли харобдан-хароб уйнинг омонат чордоғини ижарага олиб берган она ўғлига маъни-дод қилади: “Мана, кўнглингдаги иш бўлди – бизлардан қутулдинг. Туппа-тузук даромадли юмушни қўйиб-а!.. Энди вақтингни, пулни беҳудага совурма, бола. Отанг иккаламиз айтган сўзингга ишондик. Икки йил муҳлат сўрадинг, бунисига ҳам розимиз. Юзимизни ерга қаратмассан, ҳарқалай”. Она шу йўсин жаврай-жаврай кетади, ўт ёқилмаган зах хонада ёлғиз қолган йигит ўйга толади.

Эсини танибдики, онаси доим мана шундай совуққон, худди ўғайдек, бирон марта болам-бўтам қилиб эркалаганини билмайсан. Туғилиши биланоқ у қишлоққа “сургун” қилинган. Юпқақўл деҳқон оиласида, яъни энаганикида тўрт йилча қолиб кетди. Кейин ўсмир ёшга етгунича сағирдек интернатма-интернат сарсон юрди. Айниқса, қамоқхонадан ҳам баттар, тартиб-интизоми қаттиқ Вандом мактабида кечган кунлари худди ёмон бир тушга ўхшайди. Бола бўлиб оила тафтини, ота-она меҳрини туймагани боисмикан, у бир оз хаёлпараст, одамовироқ эди. Мактабда болаларга қўшилиб-қорилиб кетолмагач, ёлғизликдан қутулишнинг йўлини топди – мутолаага шўнғиди. Дарсдан бўшади дегунча ўзини кутубхонага урарди. Фалсафий, тарихий, бадиий асарларми, шеър драмаларми – қараб ўтирмай ўқиб тушираверарди. Ўқий-ўқий ўзида ҳам шеър ёзишга иштиёқ туғилиб қолса денг! Унча-мунча сатр қоралаб юрди. Такасалтанг синфдошларига-ку худо берди, “шоир, шоир” дея кўз очирмай қўйишди. Ана шунда бу тортинчоқ болакайнинг қалбида машҳурлик орзуси ниш урган бўлса ажабмас.

Ўзига тўқ хонадон фарзанди эканига қарамай, Оноре мудом пулдан қисилиб юрарди. Бошқа болалар ота-оналари юборганига лўққа-лўққа еб-ичиб, ўйнаб-кулиб юрганда,

у бир финжон какао ва ёғ суртилган бир бўлак нонни ҳам мактаб буфетчисидан қарзга олиб ер эди. Отаси аслан деҳқондан чиққан бўлса-да, ўз кучи, интилиши ортидан ҳукумат хизматида унча-мунча лавозимларга эришган, даромади ҳам дурустгина эди. Умрини бўйдоқликда ўтказиб юрган бу одам ёши элликларга борибгина уйланиш тараддудига тушади. Бошлиғига куёв бўлади, унинг ўн саккиз яшар қизини хотинликка олади. Ота раъйига қарши боролмай турмушга чиққан ёш келинчак қаторлаштириб бола туғади. Катталари – ўғли ва икки қизини яқинига йўлатавермайдиган инжиқ, серзарда она кенжатои Анрининг устида ўлиб бўлар, буни кўрган Оноре ичидан зил кетар эди: нега онам мени яхши кўрмайди?.. Кейинчалик, ақли кириб оқ-қорани танигач, бунинг сабабини билди: Анрининг отаси бошқа – Лаура хоним кўнгил берган бегона одам экан.




Бўлғуси ёзувчимиз қишда заҳар совуқ, ёзда ўлгудек дим, шифти бошига тегай-тегай деб турган ўша каталақда икки йил фақирона кун кечириди. Отаси (онасининг маслаҳати билан) унинг тирикчилигига арзимас маблағ ажратган эди. Аяб-тежаб сарфлаганида ҳам бу пул кундалик харажатларини зўрға қопларди. Уйнинг заҳрини синдиришга-да етмайдиган бир тутам ўтин, шам, қоғозу сиёҳ ва куруқ нон, холос. Сувгина текин эди, балчиқ ҳиди келиб турган фаввора суви. (Лаура хоним қулоқсиз ўғилнинг бурнини ерга ишқаб қўяй деган-да!)

Оноренинг ҳуқуқшунослик коллежидаги дарслардан қочиб, яширинча Сорбоннага – адабиёт ва тарих бўйича маърузаларга қатнаб юрганлари бесамар кетмади – у узил-кесил қарорга келди: ёзувчи бўлади, вассалом! Бироқ қоғоз-қаламини шайлаб, шалоқ стол қошига келиб ўтиради-ю, бирор сатр қоралай олсин-чи! Нимани ёзади? Қандай ёзсин? Хўш, ҳикоядан бошласамикан ёки шеърий пьеса битиш ўнғайроқми? Яна қайтиб китоб варақлашга тушади бўлажак ёзувчи. Бир йилдан зиёдроқ вақтини мутолаага сарфлайди у. Шундан сўнггина қўлига қалам олади, драма ёзмоққа тутинади, табиийки, мумтоз адибларга тақлид ўлароқ! Таассуфки, илк ижоди "оилавий кенгаш" имтиҳонидан ҳам ўтолмайди. Она эса бундан мамнун: ўзидан кўрсин, имкон бердик, шароит яратдик – мана, эпалаёлмади. Энди ҳам ўзбошимчалик қилиб кўрсин-чи! Йўқ, ўжар йигитча қароридан қайтмайди: ёзаман, зўр бир асар ёзиб ҳаммани қойил қолдираман!

“Ишбилармон”

Алқисса, бугун дунё даҳо деб тан олган Оноре де Бальзакнинг ўттиз ёшларгача ҳеч омади чопмаган: на ёзувчиликда, на у бош уриб кўрган бошқа жабҳаларда. Кўлига эрта қалам тутган қаламкаш илк муваффақиятсизликдан сўнг ўзини адабий мардикорликка уради: азбаройи пул топиш учун турли тахаллуслар билан севги-муҳаббат мавзуида, мистик йўналишда (ўша кезлар бундай асарларнинг бозори чаққон эди) “сариқ чақага арзимайдиган” (ўзининг эътирофи) романлар ёзиб юради. Хашаки қаламкашлар йиғилиб турадиган қаҳвахонада Оноре бир ноширининг каттакон тўплам чиқариш нияти борлиги, бу ишда ўзига шерик ахтараётганидан хабар топади. Ҳали-ҳануз тайин бир юмушнинг бошини тутмай ота-онаси олдида юзи шувут бўлиб юрган йигит тинчини йўқотади: Мольеру Лафонтендек мумтоз ижодкорлар асарларини бир тўплам қилиб, пулнинг тагида қолиб кетиш ҳеч гап эмас-ку! Табиатан шошма-шошар, ўтакетган таваккалчи қаҳрамонимиз югуриб-елиб озроқ маблағ топади-да, шерикчилик ишга бош қўшади. Минг бир қийинчилик билан тўплам нашр этилади-ю, харидор чиқмай, китоблар омборхонада чанг босиб қолади. Бошқа ҳамкорлар бор масъулиятни ёш таваккалчининг зиммасига ортиб, аллақачон ўзини четга тортган эди (демак, барча сарф-харажатни қопламоқ ҳам Оноренинг бўйнида). Мўмай пул ишлаб оламан деб ўйлаган хомхаёл “ишбилармон” қарзга ботиб қолаверади. Шунда меҳрибон маслаҳатгўйлар ҳам топилади



Париждаги машҳур Пер Лашез қабристонини кезганда бир ҳолдан таажжубланасиз: не-не зотлар абадият кўйнида ётган, ҳар бирини алоҳида санъат обидаси дегулик мақбараларда на бир ҳайкал кўринади, на ҳайкалча. Бори – битта-яримта ёдгорлик пештахтасининг четиغا кўринар-кўринмас қилиб омонат ўрнаштирилган кафтдеккина қасноқча – сурат. Қизиқ, ўзимиз томонларда қабртошларга расм туширмоғу ҳайкал тикламоқ нораво саналса-да, ҳар қадамда шунга дуч келасиз ва бу олис Европадан тарқалган “маданий” таомил деб қаралади...

денг: сен, яхшиси, босмахона оч, ҳам қарздан қутулсан, ҳам ул-бул орттирасан. Тўғри, шахсий босмахонанг бўлса – мижоз қаҳат эмас, китоб чиқараман дегани қанча! Ўлмайдиган иш бу, дея яна ҳовлиқишга тушади у. Мўъжазгина эса-да, бутун бошли босмахона сотиб олиш ўз-ўзидан бўладиган ишми? Чўнтагида ҳемири йўк, камига, бўғзигача қарзга botган одамнинг шаштини қаранг! Яна қарз-қавола, яна таваккал... Инсоф юзасидан айтганда, тиним билмайди у, мижоз кетидан чопган ҳам ўзи, чангу терга ботиб ишчилари билан баб-баравар босма дастгоҳ тепасида турган ҳам ўзи... Омад деганлари ўжар келар экан, қаҳрамони-миз ҳар қанча уринмасин, босмахонадан ҳам бир иш чиқмайди, баттар қарзга botгани қолади. Йиқилган курашдан тўймас деганларидек, янги шериклар топиб ширкатини кенгайтиради: энди ҳарф қуядиган цех ҳам очмоқчи. Аммо бу иш ҳам ўхшамайди, "бизнесчи" Бальзак яна синади...

Ана шунда ёпишган қарз балоси тавқиляънат мисол умрининг охиригача таъқиб этади қаҳрамонимизни. Ҳатто машҳур ёзувчи бўлиб, мўмай-мўмай қалам ҳақи ола бошлагач ҳам бирор куни қарз-қавола-сиз, тинч-ҳаловатда кечмайди. У топган пулини орқа-олдига қарамай харжлаб юборар, сўнг ҳали ёзилмаган асар учун ноширлардан бўнак олар, ишни вақтида битиролмай кунни тунга улаб ишлашга маҳкум эди. Адиб кунига 16-18 соатлаб мук тушиб столда ўтирар, ҳафталаб, ойлаб уйдан чиқмас эди. "Зоҳидлик" битгач эса, чеккан азоб-машаққатлари эсидан чиқиб тагин катта-катта қарз кўтарарди, яна ўйин-кулгию базм-зиёфат...



Пер Лашезде ҳам истиснога мисоллар бор, албатта. Масалан – буюк Оноре де Бальзак даҳмасидаги ёдгорлик. Мармар тагликда битилишича, аслида бюст адибнинг ҳаётлик чоғларида ишлангану вафотидан талай йил кейин бу ерга келтириб ўрнатилган экан. Суратлардан таниш қиёфа: елкагача тушган мўл-кўл пахмоқ соч, шийинқираганнамо бет-бош, тикрайиб турган мўйловлар. Бюст ҳам важоҳатга яраша – улкан. Дўрдоқ лаб-лунжда беғам болаликка хос бир лўппилик ва маъсумлик ифодаси.

Аммо Бальзакни асло тақдир арзандаси атаб бўлмасди. Тўғри, чекка музофотда туғилиб ўсган бўлажак адиб умр бўйи тантанавор Парижни забт этмоқ орзусида юрди, жамиятнинг олий табақасидан ўрин ахтарди, исми шарифига "де" тиркамасини қўшиб оқсуяк аталмоқни ҳавас қилди. Бари беҳуда экан. Инсон зотининг турфа табиатини тадқиқ этиб донг қозонган ёзувчи шахсий турмуш бобида нўноқ бўлиб чиқди. Ҳаёт калитини тополмай армонда ўтди. Абадият калити эса чўнтагида экан...

Э.А.

“Водий чечаги”



Балоғат палласида, айни севиб-севиладиган ёшида Оноре қизлардан қочар, бирор зиёфатми-базмда тенгқурлари ёш хонимчаларнинг бошини айлантириш пайдан бўлса, у панада туриб, ҳавас-ла уларни кузатарди, холос. Бу арзанда қақажонларнинг кўзлагани – баланд бўйли, келишган, пўрим йигитлар, унинг эса на бўйи бор, на тузукроқ бир кўрки. Болалигиданоқ ташқи қиёфасию феъл-атворидан кўнгли тўлмай мудом ўқсиб юрадиган йигитча ёшлик ҳой-ҳавасларидан воз кечиб, бутун куч-ғайратини меҳнатга – ижодга сарфламоққа янада қатъийроқ аҳд қилади. Эрта бир кун машҳур одам бўлиб кетса, муҳаббатнинг ўзи оёғига бош уриб келади. Бугун унинг устидан кулиб, назарига ҳам илмайётган мана шу ойимчаларнинг бари уники бўлади!

Дарҳақиқат, Бальзак Бальзак бўлиб танилгач, нафақат Париж ёки бутун Франция, балки дунёдаги не-не танноз аёлларнинг орзу-нишонига айланди. У аксар ўзидан ёши катта аёлларга кўнгли кўярди: Берни хоним, герцогиня д'Абрантес (тасодифмиди бу, ҳар иккала маъшуқасининг исми адибнинг онаси ва катта сингисиники каби Лаура эди), маркиза де Кастри, Зюльма Карро... Ҳали айтиб ўтганимиздек, онасининг бир оғиз ширин сўзию суйиб-эркалашларига зор бўлиб улғайган йигит бу аёллардан энг аввало она меҳрини излаган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, ул олиймақом хонимлар тайёр адабий персонаж, уларнинг кечмишлари эса адибнинг яратилажак асарлари учун “хомашё” эди.

Келинг, воқеаларни қува кетмайлик-да, яна ўша кўнгли синиқ, журъатсиз қаҳрамонимизнинг аҳволига қайтайлик. Оноре “чордоқдаги зоҳидлик”дан қайтиб ота уйдан қўним топгач онасининг ундови билан укаси ҳамда қўшнилари Берни хонимнинг кенжа ўғлига сабоқ бериб юради. У борган сари қўшни уйга серқатнов бўлиб қолади. Азалдан палпартиш, юриш-туришига безътибор “муаллим”имиз энди эгни-бошига қараб, соч-соқолини қиртишлаб, атир-патир сепиб қолади денг! Она хурсанд: ўғлимиз Берни хонимнинг бўй етган қизига ошиқ шекилли. Ўзича ширин хаёлларга ҳам берилади: боқибеғам Оноремиз шу қизга уйланса зап иш бўларди-да. (Гап шундаки, Бернилар сулоласининг жамиятдаги мавқеи Бальзакларга нисбатан анча-мунча баланд эди.) Берниларга куёв бўлса, ўғли учун зодагонлар даврасига йўл очилади, боз устига, мартабалироқ бирор лавозимдан-да умид қилиш мумкин...

Аслида, хаёлкаш ошиғимизнинг оромини қўшни қиз эмас, унинг онаси ўғирлаган эди. Иккилана-иккилана аёлга дил изҳор қилади Оноре. Берни хоним лол: ахир боласи қатори-ку бу! Тўғри, дугонасининг ўғли, шунисига илтифот қилди, ширин гапирди. Кўп ўқиган, мулоҳазакор

бу йигитча билан суҳбатлашиб ўтириш ўзига ҳам ёқади. Аммо уни ром этиш зинҳор-базинҳор хаёлига келмаган. Оналарча суйиб, меҳрибонлик қилганига... Аввалига дакки бериб, аҳмоқ боланинг эсини киритиб қўймоқчи бўлган Берни хоним ўзи ҳам ишқ домига тушганини сезмай қолади. Бундай номатлуб муносабат мавжуд одоб-ахлоқ тутумларига асло тўғри келмайди, алай-балай дея ҳар қанча таъна тошларини отмайлик, Бальзакдек даҳо адиб ва у яратган дурдона асарларнинг рўёбида шу аёлнинг хизмати беқиёс. Ёш, журъатсиз йигитни ҳақиқий эркакка айлантирган, ундаги фавқулодда истеъдодни биринчилардан бўлиб илғаган ва юзага чиқаришга ҳам маънавий, ҳам моддий дастак бўлган ҳам аслида Лаура хонимдир (Оноренинг "ишбилармонлик" фаолиятини эслайлик: уни доим қўллаб-қувватлаган, ҳар сафар оғринмай пул берган беминнат ҳомий ҳам шу аёл эди-да). Бальзак умр бўйи ундан миннатдор бўлиб ўтади. "Дўстим, маслаҳатгўйим, ишонган суянчигим, бор-йўғим эди у. Мен кулсам кулди, йиғласам йиғлади. Ачишиб, яллиғланиб турган ярамга мудом шифобахш малҳам бўлди. Менга яшашни ўргатди, мени ёзувчи қилди. Шу аёл бўлмаса, мен ҳеч ким эмас эдим". "Водий чечаги" романида Лаура де Бернини идеал мақомда тасвирлаган адиб, "...асардаги Морсоф хоним тимсолида бу аёлга хос фазилатларнинг ўндан бири базўр акс этган", дейди таассуф билан.

Қаҳвахўр

1829 йили "Шуанлар" романи нашр этилгач, катта-кичик адабий давраларда Оноре Бальзак номи алоҳида таъкид ила тилга олинадиган бўлади. Ўзининг ҳам озми-кўпми кўнгли тўлган чоғи, муаллиф илк мартаба шу асарига асл исмини қўйиб чиқаради. Шу тариқа басма-бас ҳикоялар, роман ва қиссалар дунёга келади. "Никоҳ физиологияси", "Шахсий ҳаётдан лавҳалар", "Гобсек", "Барҳаётлик жавҳари", "Сағри тери тилсими", "Ўттиз яшар аёл", "Евгения Гранде" асарлари Оноре де Бальзакни том маънода Фарангистоннинг энг машҳур ёзувчисига айлантиради.

Энди минглаб китобхонлар, айниқса, аёл қавми уни бир бор кўришга иштиёқманд. Киборлар даврасининг азиз меҳмони, не-не машҳур, мартабали инсонлар у билан танишсам, суҳбатини олсам дейди. Айнан шу йиллардан эътиборан Бальзак фамилиясига "де" қўшимчасини илова қилиб имзо чека бошлайди. Бу билан насл-насаби гўё зодагонларга бориб тақалишини исботламоқчи бўлади. Қулоғигача қарзга ботганига қарамай, ана шу обрў-мартабага муносиб уй-жой қилади, ҳашаматга интилиб яшайди. Хизматкорлар ёллайди, зотдор отлар, дабдабали извошу фойтунлар сақлайди. Парижнинг таниқли чеварлари-





га буюртма бериб, қўша-қўша энгил-бош тиктиради. Сиртдан қараганда, бари рисоладагидек, турмуши унча-мунча зодагонниқидан қолишмайди. Лекин бу дабадабау асьясанинг не азоблар эвазига келганини биз биламиз. Шу хўжакўрсин фаровонлик, тўкинликни деб адиб ўзини бир умр машаққатли меҳнатга маҳкум этади: ой-

лаб эртаю кеч тинмай, ёзади, ёзади... "Мен ўзимга шундай ҳаётни раво кўрганман. Туну куннинг фарқини билмайман, ишлайман. Сиёҳ ва қаламнинг қулига айланганман...", деган эди у бир дўстига. Бундай чоқлар унинг ягона эрмаги, "илҳомчи"си – аччиқ қора қаҳва эди, йўқса, 16-18 соатлаб бир ерда қадалиб ўтириш мумкинми?! Унинг ўзи аччиққина қаҳва миямни равшанлаштириб юборади, шунда янги-янги фикр-ғоялар қуйилиб келаверади, дея такрорлашни яхши кўрарди.

У бир кунда 15-20 финжонлаб қаҳва ичган. Қаҳвани ўзи дамлаган (бу ишни бирон хизматкорига ишонмаган), унинг ўзига хос қаҳва тайёрлаш усули бўлган. Иш тиғиз пайти вақтини қизганса, қаҳва қумоқларини оғзига солиб, шимиб қўяқолган. Қаерга бормасин, ёнида доимий иш куроллари (қоғозу қалами) билан бирга қаҳвадонини ҳам эринмай олиб юрган. Тадқиқотчиларнинг ҳисоблаб кўришича, "Инсоният комедияси"-дек улкан асарлар мажмуасини яратиш жараёнида Бальзак тахминан 15 минг финжон аччиқ қаҳва истеъмол қилган экан.

Даҳо адибнинг умрига асида мана шу хушбўй ичимлик зомин бўлган, деган қарашлар ҳам бор. Бу ҳақда дўсти, бир умр соғлиғини назорат қилган шахсий шифокори Наккар ҳам ёзган. Унинг фикрича, жисман соғлом бўлган ёзувчи айнан қаҳвага ружу қўйганидан сўнг юрак хасталигини орттирган. Отасидан кенг дунёқараш, қатъият, хушчақчақлик, қизиқувчанлик каби хислатларни мерос олган қаҳрамонимиз соғлиқ масаласига келганда мутлақо унинг тескариси эди. Умр бўйи касаллик нелигини билмай ўтган Бернар-Франсуанинг саломатликдан бошқа ташвиши йўқ, бу борада унинг ўзига хос тутумлари ҳам бор эди. Ногаҳоний бир тасодиф сабаб 83 ёшида оламдан ўтмаганида, у ўзи доим таъкидлаганидек юзга кириши шубҳасиз эди. Ёзувчи ўғил эса бор-йўғи 51 йил умр кўради. Шу ёшга етгунча бир дунё хасталикка чалинади, даволанишга кунт ҳам, ҳафсала ҳам қилмайди.




Нотаниш аёл мактуби

Эшитгансиз, “бальзакбоп аёл” деган тушунча юради. Нафақат адабиётда, ҳаётга ҳам кўчган бу ибора ўттиз-ўттиз бешлардаги (ёзувчининг аксар аёл қаҳрамонлари шу ёшда) жувонларга нисбатан ишлатилади. Бальзак ўз даврида “аёл қалбининг билимдони” деб ҳам ном чиқарган. Аёл кишининг кўнгил кечинмаларини тасвирлашда унинг олдига тушадигани йўқ эди. Бу борада ҳар турли латифаю ҳангомалар бежиз пайдо бўлмаган. Парижнинг оқсуяк хонимларидан бири зиёфат берибди. Бальзакнинг “аёлшунослиги” таърифини кўп эшитган бу хоним уни бир мот қилмасамми дебди. “Сиз ўзингизча аёллар дилидаги ҳамма сир-асрорни биламан деб хаёл қиласиз-да, а?” “Бўлмасам-чи! Ҳар қандай аёлнинг кўзига бир боқсам – кифоя, нафақат дилидагини ўқиб оламан, балки бутун номаи аъмолини сўзлаб беришим мумкин, бор тафсилотлари билан! Рухсат этсангиз, муҳтарама хоним, шахсан ўзларининг ҳам...” Аёл шоша-пиша рад қилармиш: “Ҳожати йўқ, ҳожати йўқ...”

Хўш, ижодий умри давомида юзлаб-минглаб адабий қаҳрамонлар тақдирини ҳал қилган ёзувчи нега ўз ҳаётини, турмушини изга сола билмади? Ёшлигида у қайлиқ сифатида ҳусну латофатда тенгсиз, ақлли-хушли, таг-тугли, яна – адабий дид-фаросат соҳибаси бўлган қизни ахтаради. Бундайин бекаму кўст нозанинни топиш осон эканми денг! Кейинчалик эса ижодга боши билан шўнғиб кетган одам шахсий ҳаётини ўйлашга фурсат ҳам топа олмайди. Аммо энди аёлларнинг ўзи унга харидор чиқади – бутун дунёдан изҳори дил номалари ёғилиб кела бошлайди. Аксарияти асарларини ўқиб унга мафтун бўлганлардан.

Бир кун и уюлиб ётган мактублар орасида бир хатжилд унинг эътиборини тортди: “Ажнабий аёл” деган ёзув бор эди унда, холос. Хат эгаси китобхон, адабиётга дурустгина тиши ўтадиган аёл экан. Мулоҳазалари, эътирофу эътирозлари жўяли. Ёзувчи бўлсамикан? Бальзак бундай имзосиз мактубларни энди олаётгани йўқ. Лекин негадир шу хат хаёлидан кетмай қолди, жавоб ёзай деса қайга жўнатишни билмайди. Орадан озроқ вақт ўтиб ўша нотаниш мухлисидан яна мактуб келди. Адиб гўё ин-





тиқ кутган одамидан мужда олгандек хурсанд бўлиб кетди. Шу зайл нотаниш мухлиса унинг фавқулудда истеъдодини, асарларини таърифлаб хат ёзмоқни қанда қилмай қўйди. Ниҳоят, бир куни у ўзини ошкор этди: русиялик графиня Эвелина Ганская экан.

Эвелина эрли аёл эди, 19 ёшида ота-онаси маъқул кўрган одамга – катта ер-мулк эгаси Венцеслав Ганскийга турмушга чиққан. Ёшларини оилаю бола-чақага андармон бўлиб қолган аёлнинг турмуши бир маромда кечар, айтиш мумкинки, бирмунча зерикарли ҳам эди. Аксар вақтини мутолаа билан ўтказадиган Эвелинанинг қўлига янги-гина нашрдан чиққан бир нечта француз романи тушиб қолади. Ўқиб бўлгач, таассуротлар таъсирида у муаллифга мактуб йўллайди. Аёл зоти таъсирчан, серҳиссиёт келади, бирор асарни ўқиб, муаллифига ёки бош қахрамонга (табиийки, эркак киши бўлса) пинҳона шайдо бўлиб қолиши, уни идеалга айлантириб олиши ҳеч гап эмас. Графиня ана шундай кайфиятда юрган кунлари дунёга машҳур ёзувчидан жавоб хати келиши нақд мўъжиза эди.

Шу тариқа ўзаро ёзишма бошланади. Айни чоқлар ишқ-муҳаббат бобида омади чопмайроқ юрган адиб нотаниш мухлисасини бошдан-оёқ севги изҳорига йўғрилган мактубларга кўмиб ташлайди. Оташин мактублар графиняни ҳам бефарқ қолдирмайди, ўртада муҳаббат олови алангаланиб кетади. (Бальзакнинг синалган усули иш беради: у бирор аёлга кўнгил қўйса, тинимсиз севги мактуби ёғдиравериб, ўзига асир этиб оларди.) Эвелина у билан кўришмоққа рози бўлади. Дийдорга муштоқ ошиғу маъшуқ Швейцариянинг Невшатель шаҳрида учрашади. Эвелина аввалига пилдираб келаётган паст бўйли, сочлари тўзғиган бақалоқ одамни кўриб ҳафсаласи пир бўлади. Наҳотки, шу одамни севиб қолган бўлса?! Ахир тасаввуридаги Бальзак... (Аёл қавмига хос анойилик!)

Адибнинг эса, аксинча, бахтиёрликдан боши осмонга етади. Маҳбубаси ўйлаганидан-да зиёда экан, ҳусну латофатда ҳам, қадди-қомат бобида ҳам... Ҳақиқий кибор хоним! Икки оғиз гап биланоқ Бальзак Эвелинани ўзига ром этади-қўяди. Калтабақай бўлса нима қипти?! Иккита олд тиши йўқ бўлса, гапирганда оғзидан кўпик сачраса нима қипти?! Унинг кўзларини, ёш боланикидек маъсум порлаб турган тимқора кўзларни севмай бўладими?! Бу серзавқлигу ширинсуханликни айтинг! Дарвоқе, адибнинг ташқи қиёфаси ҳақида сўз кетганда, баъзи замондошлари уни кўримсиз, ҳатто бадбуруш деб тасвирлаган. Аммо унинг бутун сеҳр-жодуси чақнаб турадиган катта-катта кўзларию ички бир жозибасида эканини барча бирдек эътироф этган.

Бир-бирининг дийдорига тўймаган севишганлар аҳду паймонни кейинга қолдириб хайрлашади. Бир кун келиб Эвелинанинг боши очик қолса (эри ёш эмас, айтиб бўладими?!), қовушиб қолсалар ажаб эмас. Лекин орзуманд ошиқ-маъшуқ айна дамда (Эвелина 33, Бальзак эса 34 ёшда эди) ўшал кунни нақд ўн саккиз йил кутажакларини хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Бу йиллар мобайнида мактубларнинг кети узилмайди. Ушбу ёзишмаларнинг ўзи "Инсоният комедияси"нинг каттагина қисмини ташкил этган муҳташам бир асар, Эвелина билан Бальзак эса унинг қаҳрамонларидир.

1842 йил бошида Русиядан хабар келади: граф Ганский оламдан ўтди. Кейинроқ Ева ёзган қисқаю қуруқ нома бундан-да ғаройиб эди: "Энди орамиз очик!" Бальзак лолу ҳайрон: нега, нима учун? Салкам йигирма йил кутиб, энди ниятимга етдим деганида...

Эвелина Русиянинг энг бадавлат аёлларидан бирига айланган – эри ўлиmidан олдин бор мол-мулкни унга хатлаб берган эди. Еванинг пинҳона ишқ қиссасидан хабар топган қайин-бўйинлари кескин талаб кўяди: ё ўша чет эллик фирибгарни танласин, ёки бойлик ва кўзининг оқу қораси бўлмиш ёлғиз қизини. Бундай қалтис вазиятда севги кўринадими одамнинг кўзига? Бунинг устига, улар энди ёш ҳам эмас. Ўзи кўниккан тўкис-фаровон ҳаётни ташлаб, эртанги куни мубҳам бўлиб турган олис юртга кетсинми? Дўстининг аҳволи эса маълум: боши қарздан чиқмайди. Гоҳо Ева шубҳага боради: ростдан ҳам у мени севадими ёки бойлигиму мол-мулкимгагина ишқибозми?

У ёқда эса ошиқнинг боши қотган: Ева нега айниб қолди? Нима бўлди экан унга? Ошиғимиз маҳбубасини яна хатга кўмади: ўтинади, ёлворади. Дарҳол йўлга тушажагини ёзади. Аммо Ева уни базўр фикридан қайтиради: ўзим бирон иложини топарман. Яна мактуб ёзишиш, яна кутиш...

1845 йили ошиғу маъшуқа Европа бўйлаб саёҳатга чиқади: уларга Еванинг қизи ва бўлажак куёви ҳамроҳлик қилади. Баъзи маълумотларга қараганда, айнан шу кезлар Ева ҳомиладор бўлган (қирқ беш ёшида!). Ота бўлишини эшитган Бальзак эса бахтдан сармаст, ўзича режалар туза бошлайди: "Париждаги уйимни қайтадан жиҳозлайман, сени ҳам, туғилажак ўғлимизни ҳам меҳр-муҳаббатга кўмиб ташлайман! Ниҳоят, менинг ҳам оилам бўлади, мен ҳам одамга ўхшаб яшайман. Ҳа, айтганча, ўғлимизни Виктор деб атаймиз. Дўстимнинг шарафига (Ҳюго назарда тутилмоқда). Виктор де Бальзак!" Таассуфки, ота бўлиш унга насиб этмайди. Ева ҳомиласидан айрилади.

Бальзак Русияга уч бора сафар қилган. Биринчи мартаси – 1843 йили Ева уни Санкт-Петербургда кутиб олади. Орадан тўрт йил





Ўтиб, куз фаслида ёзувчи Верховняга – маъшуқасининг қароргоҳига боради. (Бу вақтда Еванинг қизи турмушга чиққан ва она унга ер-мулкини хатлаб берган эди. Аммо энди графинянинг олдида бошқа муаммо кўндаланг турарди: юқори табақага мансуб аёл чет эл фуқаросига турмушга чиқмоқчи бўлса шахсан подшодан рухсатнома олиши лозим!) Шу ерда қишлаб, аслида эса ўша лаънати бир парча қоғозни кута-кута тоқати тоқ бўлган Бальзак 1848 йилнинг февралда Парижга жўнайди. Сентябрь ойида эса яна Русияга қайтиб келади. Адибнинг шусиз ҳам путурдан кетган соғлиғи рус ўлкасининг совуқ иқлимида баттар ёмонлашади, у тўшак тортиб бир йилдан зиёдроқ ётиб қолади. Ниҳоят, ўша интизор кутилган рухсатнома қўлга тегади: 1850 йилнинг 14 мартада 51 яшар куёв ва 50 яшар келин Бердичёв шахридаги Авлиё Варвара черковида никоҳ ўқитиб, апрель ойида Парижга йўл оладилар.

Оноре де Бальзак ва Эвелина Ганскаянинг муҳаббат қиссасига оид кўплаб ҳужжатли ва бадиий асарлар яратилган. "Ганская хоним. Бальзакнинг сўнги муҳаббати" (П.Арро), "Оноре де Бальзак хатоси" (Н.Рибак), "Бальзак" (С.Цвейг), "Прометей ёхуд Бальзакнинг ҳасбу ҳоли" (А.Моруа), "Оноре де Бальзак" (А.Труайя), "Шимол тонги" (Г.Шкляр) шулар жумласидан.

Даҳо адиб билан рус графинясининг муносабати борасидаги фикр-қарашлар турлича. Баъзи тадқиқотчилар назарида, Бальзак бу аёлга уйланиб хато қилган. Бой, насабдор аёл уни севмаган, шунчаки адибнинг шуҳратига учган, холос. Дунёга машҳур инсонга рафиқа бўлсанг, номинг тарих саҳифаларига муҳрланса, дегандек бир ширин хаёл Эвелинанинг ҳам кўнглига қутку солган бўлса эҳтимол. Лекин уни шу мақсаддагина адибга теккан деб ўйлаш соддалик бўлур эди. Графиня Ганская баъзи асарларда (Н.Рибак, С.Цвейг) тасвирланганидек, одатдаги такаббур бойвуччалардан бўлмаган. Замондошларининг хотирлашича, у "ниҳоятда зиёли, маданиятли, шубҳасиз, ақл-заковат соҳибаси, адабий ва муסיқий истеъдоддан бебахра бўлмаган аёл" эди. Эрининг ўлимидан кейин акасига ёзган хатида "Мен дунёдаги энг бахтиёр инсонман: негаки, буюк бир ёзувчига дўст, маслаҳатгўй бўлдим, унинг қалбидан жой олиш аёллик чекимга тушди", дея эътироф этади.

Бальзак рус графинясига азбаройи бойлиги учун, умр бўйи ўзини таъқиб этиб келган қарз балосидан қутулиб ҳузур-ҳаловатда яшаш учунгина уйланган, дегувчилар ҳам бор. Балки бу никоҳдан озми-кўп-

ми манфаат ҳам кўзлангандир. Лекин Бальзак бекор-беҳуда бу аёлга ўн саккиз йил талпиниб яшамаган бўлса керак. Никоҳларидан сўнг қадрдон дўсти Зюльма Каррога ёзган хати ҳам унинг аҳди қатъийлиги, самимиятидан дарак беради: “Уч кун аввал ўзим чинакамига суйган аёлга уйландим. Уни олдингидан-да қаттиқроқ севиб қолдим ва сўнги нафасимгача севаман. Назаримда, бу никоҳ неча йиллаб чеккан азобларим, заҳматларим эвазига худонинг менга бир июноти. Мен на бахтиёр болалик, на гуллаб-яшнаган йигитлик кўклагимни кўрдим. Аминман, серкуёш ёзим ва илиқ, ёқимли кузим ҳали олдинда”.

Бироқ илиқ-ёқимли кузакни кўриш унга насиб этмади. 1850 йил 18 август куни тонг чоғи анчадан бери тўшакка михланиб ётган ёзувчининг жони узилди. Адибнинг беваси бир неча йил мобайнида эридан “мерос” қолган йириккина қарзни тўлади. Унинг асарларини нашр эттиришга, ижодини тарғибу ташвиқ этишга умрини сарфлади. Бальзакнинг кекса онасига (қизи ва эркатой ўғли ҳаёт бўлатуриб) қаради, ғамхўрлик қилди.

Эвелина Ганская Бальзакдан ўттиз йилча зиёд умр кўриб, саксонларни қоралаганда оламдан ўтади ва васиятига кўра, Пер Лашез қабристонини эрининг ёнидан қўним топади.

Оноре де Бальзак бугун ҳам, орадан салкам икки аср ўтганига қарамай, энг кўп ўқиладиган, асарлари қайта-қайта нашр этиладиган мумтоз ёзувчилардан. Тўғри, бугунги бесабр китобхонга Бальзак асарларидаги сертафсилотлик, серсўзлик бирмунча малол келар. Бироқ бу ҳол даҳо адибнинг жаҳон адабиёти бўстонидаги улуғвор мероси аҳамиятини заррача ҳам пасайтирмайди, албатта.

Хўш, ёзувчи шу қисқа умри давомида бирон кун чинакамига бахтли бўлдими? Аслида, бахт деганимиз ўзи нисбий бир тушунча, лекин начора, биз – одам болалари ҳаётимизни ана шу меъёр-қолипларга солиб ўлчамоққа одатланганмиз. Агар бахт деганлари эл қатори оила куриб, фарзанд орттириб, эр-хотиннинг қўша қаришию кунинг етиб бола-чақанг қуршовида хотиржамгина оёқ узатиш бўлса, Бальзак ростдан ҳам бахтсиз эди. Негаки, суйганига энди етдим деганида машъум хасталик уни олиб кетди. Ўн саккиз йил кутса, бор-йўғи беш ойгина бирга яшаса, шу беш ой ҳам беморлик тўшагида ўтса. Бироқ орзу қилганидек ном ҳам қозонди, шон-шўхратларга ҳам кўмилди, яратган асарлари билан ўзига мангу ҳайкал ҳам қўйиб кетди. Демак, уни бемалол бахтиёрлар сафига қўшиш мумкин.



Мирзаали АКБАРОВ



SHIRIN-NORDON GAPLAR

Ёзув – изтироб кўланкаси.

Мол-дунё кетидан кувган одам ўзи ҳам... молга айланганини билмай қолади.

Адабиёт кўнгилхуши эмас, кўнгил ишидир.

Хаёт – бекатларида хурсандчилик учрайдиган укубат йўлидир.

Таржимон – сўз овчиси.

Китоблар – қадим муҳожирлардир.

Ёлғон нуқул зиён келтирса, реклама компаниялари шунчалар бойиб кетармиди?!

Одамни уч нарса барвақт қаритади: дўсти хоин, бефаросат хотин ва тўймас қорин.

Хаго ҳамиша пушаймонликдан олдинда юради.

Дард кўрмаган авлиёга юкинмас.

Инсон нима учун яшаётганини тузукроқ англаб етмаганидан мудом сохта бурч, ясама ахлоқ ва алдамчи муносабатлар қурбони бўлади.

Дунёда икки тоифа ростгўй бор: болалар ва телбалар. Қолганлар эса...

Одамзод табиати қизиқ – ақли етмаган нарсани рад этади ёки унга илоҳий тус беради.

Инсон дунёга бола бўлиб келиб, ундан “бола” бўлиб кетади.

Одамлар бор, мақтаниб семирар,
Одамлар бор, семириб мақтанар.

Тиланчига танга берсам... олмади. Ажабо, тараққиёт дегани шумикан?

Ўй суриб, фикр юритмаган кимсадан яхшилик чиқиши даргумон.

Журъат тугаган дамдан кексалик бошланади.

Кимдир “таржимоннинг косаси оқармайди”, деган экан. Бўлса бордир. Аммо мутаржим астойдил тер тўкиб ишласа, косаси бўлмаса ҳам, сочи оқариши аниқ.


Фикримизни мухтасар баён эта олганимизда эди, бунчалик эзма бўлмасдик.


Аҳмоққа – ақл, донога вақт танқис.

Ёшлик – комедия, ўрта ёш – драма, кексалик – трагедия.

Ёлгон топилмаганда чорасизликдан рост гапирворади.

Муҳими кўп нарсага эришишмас, балки кам нарсага қаноат қилишдир.





KURASHCHAN FIKR

*Olim DAVLAT
mutolaa qiladi*


ФАЛСАФАНИ ИНКОР ЭТГАН... ФАЙЛАСУФ

Имом Ғ а з з о л и й. Таҳофут ул-фалосифа. Байрут, “Дор ул-кутуб ил-‘илмийя”, 1388 ҳ.ш.

Ғарбда ислом оламининг йирик файласуфи сифатида танилган, асарлари Франческо Петрарка, Дунс Скотт, Рене Декарт, Девид Ҳюм, Жон Толанд каби файласуфларнинг қарашлари шаклланишига жиддий таъсир кўрсатган Имом Абу Ҳомид Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий (1058-1111) Шарқда орифи раббоний, дини хурофотлардан тозаловчи мужтаҳид, “Ҳужжат ул-Ҳақ” (Ҳаққа етказувчи зот) дея улуғланади. Бутун умрини Ҳақиқатни англаш

ва англитиш йўлига тиккан Ғаззолий кўпчиликнинг ҳаёти тақлид ва таассубга йўғрилган эътиқод асосида эканини кўрарди. Насронийнинг ўғли албатта насроний бўлади ва нега айнан шундай бўлиши ҳақида ақалли бир марта ўйламайди; муслмон ҳам худди шундай – исломнинг моҳияти ҳақида умуман тафаккур қилмайди; диний таассуб билан динсизлик таассуби кибру ҳасад ўтини янада алангалатиб, бандалар Худонинг ўрнида бир-бирига нисбатан ҳукм чиқара бошлайди... Ана шу тақлид ва жавобсиз саволларни туғдирадиган ҳолатларни бартараф қилувчи абадий, мутлақ ва ўзгармас Ҳақиқат йўлида у Ибн Сино, Форобий, ал-Киндий, Закариё Розий каби улуғ мутафаккирларни ўзига махлиё этган фалсафа билан бир муддат жиддий шуғулланди.

Ғаззолий қадимги Юнон ва Румо фалсафаси, ислом таълимотига мос қайта шаклланган машшойлар (перипатетиклар), “Ихвон ус-сафо” каби фалса-



фий мактаб намояндалари асарларини танқидий назар билан жиддий ўрганиб чиқди. Фалсафий манбалардан олган баҳраларини "Мақосид ул-фалосифа" китобида жамлаб, шарҳлади. "Мақосид ул-фалосифа"нинг бошқа фалсафий асарлардан фарқи шундаки, унда фикрлар анча очиқ-ойдин баён этилган. Ўрта асрлардаги файласуфлар ўз фикрларини мавҳум ва мураккаб услубда ёзишга уринар, китобларининг ҳар жой-ҳар жойида бунга ишора ҳам қилиб ўтарди. Жумладан, Ибн Сино "Ишорот ва танбеҳот"ида бундай ёзди: "Ўқувчининг билим ва фаросатиға ишонган ҳолда сўзни шу ерда мухтасар қиламиз, чунки бу сўзнинг замирида катта сир бор. Кимки бу сирни авом ва жоҳил кимсаларга ошкор этса, Оллоҳ таоло биз ва у ўртасида ҳакам бўлғай..."



Ғаззолий эса сўзлар замиридаги сирларни очиш ва тўғри талқин қилишга эришган санокли донишмандлардандир. Бежиз эмаски, "Мақосид ул-фалосифа"ни Ибн Сино ва Форобий таълимотини ўрганишда қимматли очқич деб ҳисоблашади.

"Таҳофут ул-фалосифа" асарида муаллиф файласуфлар таълимотидаги ноаниқлик, хатоларни бирма-бир санаб ўтади. Айниқса, Ибн Сино ва Форобий сингари йирик намояндалари бўлган машшоийлар унинг кескин танқидига учрайди. Ғаззолий файласуфларнинг қуйидаги йигирмата хатосини кўрсатиб ўтади:

- Файласуфларнинг олам азалийлиги тўғрисидаги фикри хатодир, чунки материя ҳеч қачон азалдан мавжуд бўлолмайди. Материянинг азалийлигини тан олиш Худога ширк келтириш билан баробар.

- Олам азалий бўлмаса, демак, абадий ҳам эмас, чунки абадийлик фақат азалий нарсаларга хосдир.

- Файласуфлар таълимотида Худо сонёе – яратувчи дея талқин қилинади. Олам уларнинг наздида Парвардигор сунъи – маҳсулидир. Аммо азалийлик хусусиятига эга бўлган нарсани яратиб бўлмайди, чунки яратиш фазо ва вақт категориялари билан боғлиқ. Бу ерда, Ғаззолий фикрича, файласуфлар ноизчилликка йўл қўйган.

- Яралиш ва яратиш, фазо ва вақт билан боғлиқ яна бир ноизчиллик – Парвардигор зоти ва сифоти талқинидадир. Улар Парвардигорни ўз принципларига мувофиқ шарҳлаб беролмайдилар.

- Бундан ташқари, улар тавҳид масаласида ҳам жуда кўп ноизчиллик ва мавҳумликка йўл қўйиб, яккахудолик асосларини тушунтириб беролмайдилар. Ягона Худони эътироф этсалар-да, уларнинг Худоси дуалистлар Худосидан фарқланмайди.

- Файласуфлар ҳам мўътазилийлар каби Парвардигорнинг сифатларини (илм, қудрат, ирода ва бошқалар) исбот этиб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар, ҳолбуки, бу сифатлар калом илмида Қуръон ва ҳадис асосида исбот этилгандир.

- Илк материя ўз моҳиятига кўра бирор жинс ва турга эга эмаслиги тўғрисидаги фикрлари тахмин ва мавҳумотларга асосланган.

- Илк материя субстанциясиз бир нарса экани тўғрисидаги фикрлар ҳам мустаҳкам далилга эга эмас.

- Илк материя моддий шаклга эга эмаслиги ҳақидаги фикрлар-да фаразга асосланган.

• Олам ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас, балки ўз яратувчисига эга, деб ҳисоблайди фалсафа аҳли. Аммо сабаб ва оқибат муносабатини бирёқлама изоҳлаб, сабабийлик ҳодисасини оқибат пайдо бўлгандан кейин пассив ҳолатга тушириб қўядилар.

• Худонинг Борлиқ тўғрисидаги билими куллий – умумий бўлиб, жузъий тафсилоти унинг билими чегарасидан ташқаридадир, деган қараш ҳам хато. Негаки, Худо барча нарсадан хабардор зотдир.

• Оллоҳ ўз зоти ҳақида билимга эгами-йўқми, бу ҳақда файласуфлар аниқ ва теран бир жавоб бера олмайдилар.

• Оллоҳ таоло жузъий масалаларга дахл қилмайди, инсон ўз амали фоилдир, деб ҳисоблайдиган файласуфлар илоҳий иродани чиппакака чиқариб қўяди. Ваҳоланки, ақидавий масалалар муқаддас китобларда энг кичик жузъий ётигача ёритиб берилган.

• Файласуфлар бошқа сайёраларда ҳаёт бор ва улар ҳам ўз ривожланиш қонуниятларига эга, деб ҳисоблайди. Бу қарашни, албатта, инкор этиб бўлмайди, аммо илмий фараз илмий ҳақиқатга айланиши учун рад этилмас далиллар бўлиши керак.

• Осмон ҳам Ер каби ўз меҳварига эга бўлиб, ҳаракатлантирувчи куч уни айлантиради қабилдаги фикрлар фалсафадаги ноизчилликлардан дарак беради.

• Файласуфлар фикрича, самовий жисмлар ердаги ҳаётдан бохабардир; исломда “Лавҳ ул-маҳфуз” деб аталган нарса аслида ана шу самовий жисмлардандирким, ҳаётдаги барча воқеа ва ҳодисалар тафсилоти билан унда мужассам. Агар бу фикр тўғри бўлса, Лавҳ ул-маҳфуз моддийлик касб этади. Ҳаёт эса, узоқ ўтмишга эга бўлиб, қачон ниҳоясига етиши ҳам номаълум. Агар буларнинг барчаси ёзиладиган бўлса, ўз-ўзидан Лавҳ ул-маҳфуз ҳар куни муайян даражада кенгайиб бориши лозим. Жисмлар эса, кўпайиб бориш хусусиятига эга эмас. Демак, самовий жисмларни Лавҳ ул-маҳфуз билан айнанлаштириш ва уни моддий хусусиятга эга дейиш тўғри эмас.

• Файласуфлар мантиқ қонунларини эътироф этса-да, улар тушунтирмақчи бўлган бирёқлама сабаб ва оқибат муносабатлари силлогизм мезонларига мувофиқ келмайди.

• Ибн Сино мансуб бўлган файласуфлар гуруҳи ақидаси бўйича, инсон жони руҳий жавҳардан таркиб топган бўлиб, унинг жисмга мутлақо алоқаси йўқ. Аммо руҳ ва жисм ўртасидаги муносабат тўғрисида улар бирор ишонарли далил келтирмайди.

• Уларнинг ақидаси бўйича, инсон жони (руҳи) абадийдир ва ҳеч қачон завол топмайди. Бу билан улар Худонинг қудратига шубҳа уйғотади.

• Улар жисмоний қиёматни инкор этадилар, яъни қиёмат куни жисмлар тирилишини қабул этмайдилар. Қиёмат, жаннат ва дўзах – булар файласуфлар наздида, руҳий ҳолатларнинг эврилишидан бошқа нарса эмас. Ҳолбуки, бу ҳол ақида нуқтаи назаридан кувфрга яқиндир.

Ғаззолийнинг айбнома янглиғ ушбу 20 хулосасидан 16 таси кейинроқ Ибн Рушд томонидан “Таҳофут ут-таҳофут” асарида инкор этилди. Шунга қарамайдан, бирор файласуф Ғаззолийнинг фикрларини буткул асоссиз дея олмади. Э.Ренаннинг иқрорига кўра, Ғаззолий гарчи фалсафа ва файласуфларни инкор этса-да, фалсафий тафаккур ривожига катта ҳисса қўшди. Аллома фалсафий асарларнинг асосий аҳамияти шундаки, у бошида файласуфлар-

нинг фикрларини шарҳлаб, қайси фикрлари тўғри, қайси фикрлари нотўғри эканини асослаб беришга ҳаракат қилган. Ўрта асрлар фалсафий тафаккури инсон ақли аҳамиятига жуда катта баҳо берар эди. Аммо Ғаззолий инсон ақлининг кенг имкониётларини инкор этмаган ҳолда, унинг чекланганини исботлаб беради. Ибн Сино ҳам "Таълиқот" асарида билиш жараёни ҳақида куйидагича фикр билдирган: "Инсон нарсанинг барча сир-асрорини, сабаб ва иллатларини билолмайди, аммо уни англашдан ҳеч қачон тўхтамайди... Нарсалар ҳақиқатидан воқифлик башар қудратидан ташқаридадир. Биз фақат нарсанинг хоссалари, зоҳири ва аразларини (атрибут) била оламиз, холос" (*Абу Али Ибн Сино. Таълиқот. Душанбе, "Ирфон", 1992. 162-бет*).

Имом Ғаззолий "Мақосид ул-фалосифа" асарида таъкидлагани каби, фалсафий қонуниятлар, тушунча ва категориялар мантиқ ё математика фанларидаги қонуниятлар каби аксиоматик характерга эга эмас. Фалсафадаги тушунча ва тамойиллар бирор файласуф ё ҳақимнинг олам ва одам ҳақидаги шахсий қарашларининг ифодасидир, холос. Тавҳид илмидан бошқа барча илмларда баҳсни жоиз деб билган Ғаззолий "Таҳофут ул-фалосифа" асарида журъат ила Ибн Сино ва Форобийдек улуғ мутафаккирлар билан баҳсга киришади ва ҳикмат илмида ҳам ўз сўзини айтишга эришади.

ЁЛҒИЗЛИК ДАРАХТИДАН УЗИЛГАН МЕВА

XX аср ўзбек шеърояти антологияси. Тошкент, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2007.

Ҳазрат Навоий замондоши, машҳур "Тазкират уш-шуаро" муаллифи Давлатшоҳ Самарқандий ёзади: "Оламда шеър айтган илк зот Одам Сафий алайҳиссалом эди. Покларнинг поки бўлмиш Одам Худонинг иродаси билан заминга тушганидан кейин фоний зиндон зулмати кўзларига нохуш кўринди: олам теғрасида пушмон ва мотам билан кезинди. Деди: "Роббана, заламна..." (Эй Парвардигоримиз, зулм қилдик...) Яратувчи Одамнинг тавбасини қабул қилди. Одам Ҳаввонинг илоҳий дийдорига етишди, фарзандлар кўрди. Дунё кўзлари ўнгида ўзгача ранг ва тусда намоён бўлди..."

XX аср ўзбек адабиётининг асосий қисми шўро замонига тўғри келди. Билган ҳам, билмаган ҳам бугун таъна тошини итқитаётган тарихий давр бу. Шиква-шикоятга не ҳожат? Замон шароити, хусусан, даврнинг қалам аҳли олдига қўйган талаби Султон Маҳмуднинг Абу Райҳон Берунийга қилган даъвосига ўхшарди: "Агар мендан яхшилик истасанг, билиминг салтанати йўриғига эмас, менинг йўриғимга юрасан!"

Аммо Беруний замонида ҳам, шўролар шароитида ва бугунги кунда ҳам ораминда шундай шахслар борки, тақдирга тан бермайдилар, ўз тириклигининг адолатсиз шароитига бош эгишни истамайдилар, уларга ҳеч кимга бўйин сунмаслик туйғуси раҳнамолик қилади. Улар "кўпчилик юрган йўл, кўпчилик хушлаган нарса, кўпчилик интилган давр"ни қабул қилолмайдилар, имкони борича ўз сўзи, ўз овозига эга бўлмоққа интиладилар:

*Ёлғизга юкиндим, ёлғизнинг жабрин,
кўзларимга суртдим, дилга бойладим.
Соғиндим, сизиндим, руҳимнинг сабрин
ёлғизнинг пойига туфроқ айладим...*



Назаримда, шеър ва умуман, ижод аҳли табиатидаги бу муҳолифат – но-розилик тарих, бугун, келажак, ўз моҳиятининг хотимаси, тириклик асослари, ранжу аламлар, армону орзулар, умуман, жамиятга нисбатан зухур этади.

Шўро ҳукуматига подачи, қассоб ва самоварчидан зиёли яшаш одат эди, агар мафкуравий эҳтиёж тақозо этса, ҳар қандай одамдан машҳур олим ё шоир ясай оларди. Аммо ўзбек адабиёти тарихида Худо берган зеҳну заковати билан шоирлик ҳунарини баланд чўққисига кўтарган, Навоий, Бобур, Машраб сингари улуғ аждодларимизга ворисликни баҳоликудрат уддалаган ноёб истеъдодлар ҳам талайгина. “XX аср ўзбек шеърини антологияси” бунга ёрқин далил бўла олади.

Беш юз саҳифача келадиган бу салмоқли китобдаги бир юз уч шоирнинг саралаб олинган шеърларини том маънода ўтган аср адабиёти кўзгусига менгзаш мумкин. Бу кўзгуда ўзбек шоирининг руҳий юксалишлари, дард-изтироблари, виждон қиёфаси, қалб шиддати, тафаккур ёлқинлари акс этиб турибди.

Ҳар қандай ёлғон ҳақиқат ниқобини юзига тортмагунча одамларни гумроҳ этолмайди, ҳар қандай зулм адолат номидан амалга оширилади. Шеърда эса, ҳаёт ҳақиқатлари, турмуш муаммолари, кўнгил изтироблари, руҳ исёнлари бадиий бўёқ ва шоирона тахайюл, рамз ва мажоз тили ёрдамида, мумтоз шеършунослар ибораси билан айтганда, “ёлғон суратида” ифода этилади. Шу сабабдан, шеърнинг энг яхшиси – ёлғони, деган қараш Шарқ адабиётшунослигида устувор бўлиб келган. Шу боис бўлса керак, субҳи козибда қон тупуриши, зимистон тун шотирлари уйқуси бехосдан қочган ёшли кўзларнинг очилмаслиги учун ҳеч нарсадан тап тортмаслигини билиб турган шоир бутун вужудини чирмаб олган ижод дардидан туғилган Шеър ҳақида чексиз муҳаббат билан ёзади:

*Юрагимнинг дарди – нақшисан,
Қилолмайман сени ҳеч қанда!
Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим яхшисан.*

Ўтган асрнинг 50-60-йилларида чоп этилган беш жилдли “Ўзбек адабиёти шеърини” антологиясининг 4 – 5-томларида ҳам янги замон шоирлари ижодидан намуналар берилган. Аммо уларнинг асосий қисмини ленинномаю партианомалар ташкил этарди. Бундай шеърларнинг умри эгасидан анча олдинроқ тугаб бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Баҳодир Карим ва Ҳабиб Абдиев (Ҳабиб Абдуназар) тузган антологияда эса, асосан, китобхонга юксак эстетик завқ бағишлайдиган, ақл ва кўнгил ҳолатлари, ранглари, товланишлари маҳорат билан ифода этилган, ҳар бир шоирнинг ўзига ҳук услубини кўрсата оладиган шеърлар танланган. Антологиянинг “Муҳташам гулдаста” номли кириш мақоласида қайд қилинганидек, “миллий ва умуминсоний туйғулар ифода этилган, илоҳий ва абадий мавзуларда ёзилган шеърлар қадим адабиётимизнинг муайян бир саҳифаларини безади. Кўплаб шеърлар эса образли тафаккур ва рамзлар тилидан, бадиият, дард ва гўзалликдан йироқлиги боис йўқлик қаърига чўқди. Бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди...”

*Бугун сўзлар Айюбдек хаста –
ё барчадан у ҳам тўйдими...
Менга барглар шивирлар аста:
“Энди биров шеър ўқийдими!..”*

Изчил изланишлар, мумтоз ва жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан бохабар бўлиш, халқ оғзаки ижодиётининг бадиий ютуқларини ўзлаштириш ва моҳирлик билан татбиқ этиш натижаси ўлароқ, ўзбек шеъриятида ҳам сифат ўзгаришлари юз берди. Оҳори тўкилмаган ташбеҳлар, серқатлам истиоралар, такрорланмас ўхшатишлар шеър жозибаси, сөхрини янада оширди. “Ёлғизлик дарахтидан узилган мева”, “хатони пичоқдай ютадиган бозингар”, “Тангри жамолига тортилган парда”, “аёзга рақиб бўлган илк чечак”, “кўнглининг кўшиқда кўхлик кўчинур”, “ёмғирларнинг сирли сасидан уйғонган дарахт”, “балиқнинг тиши-ла тилини тилган”, “тиним билмас девона, дайди шамолларга айланган”, “айтилмаган дардли бир кўшиқ”, “гуноҳ либосида дайдиган шарпа”, “гирдоб узра оқ гул мисоли танҳо ва дилхун”, “қамишлари ўйиб найланган ташландиқ қудуқ”, “тун бағрида қаро тун”, “ғишти кўчиб тушган бир метин кўрғон”, “майсага чўккан бужур тош”, “руҳ чизгисидан яралган жисм”... Буларнинг бари Инсоннинг ўй-кечинмалари, хавотир ва изтироблари, қайғу ва шодлиқлари, қувончу ташвишлари, алам ва надоматлари, севинч ва нафратлари... бадиий тилда ифода этилган воситалар, ташбеҳлар. Бу сўзлар тизими – мусиқа-си, залвори, оҳанги, эҳтироси жўшқин, баланд шоирона тилда ифодаланган иборалар. Ушбу тимсолларнинг қувватига диққат билан назар солиш, уларни матндан ажратмаган ҳолда таҳлил ва талқин қилиш, ўйлайманки, кўнгли шеърятдан ва умуман китобхонликдан совиб кетган, адабиётдан фақат икки-уч кишининг номини билиш билангина кифояланган бугунги ёшларнинг қалбида ўзбек шеърятига, ўзбек адабиётига муҳаббат уйғотишга ёрдам беради.

Низомий Арузий Самарқандий ўтмиш адабиётдан ўн минг байт, замондош ижодкорлардан беш минг байт ёддан билишни шоирлик шартларидан бири сифатида кўрсатган. Дарҳақиқат, мумтоз адабиётнинг маҳорат усуллари билан бир қаторда замондош шоирлар ютуқларини пухта ўрганиш – устоз шоирлар таъсир доирасидан қутулмоқ, салафлар тафаккур чирғоғи ёритган руҳият манзилларидан олислаб кетмоқ, ўз йўли ва йўналишига эга бўлмоқнинг асосий шартларидандир. Шу маънода, “XX аср ўзбек шеърятини антологияси” ёш ижодкорлар учун янги ўзбек шеърятини ютуқлари акс этган қўлланма вазифасини ҳам ўташи мумкин. Умидимиз шуки, адабиётга энди қадам қўяётган ижодкорларимиз олдинги авлоддан ўзиб, янги сўз – ўз СЎЗИни айтишга қудрат топади, устозлар “юз бора интилиб ўтолмай қолган энг баланд чўққи”ларнинг фотиҳи бўлади, жаҳон шеърятини билан бўйлаша оладиган, инсоннинг энг азиз туйғуларига эш бўладиган назм намуналари яратади. Шундай бўлади, иншооллоҳ:

*Ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак,
Фақат бекор билиб ором қучоғини –
Бу дунёни сирга кўмиб яшаш керак,
Қалбга санчиб шеърятнинг пичоғини!*

“МЕН ШОИР ЭМАС, ШУНЧАКИ РОСТГЎЙ ЭДИМ...”

Асқар Маҳкам Аналҳақ. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2003.

Асқар Маҳкам ҳақида бирор нарса ёзишни анчадан буён мўлжаллаб юргандим. Бу ният биринчи учрашувимиздаёқ кўнглимда тугилган эди. Бироқ...

...Асқар акани сўнги марта кўриб, рози-ризолик тилаганимизга ўн йил бўлди. Ўн марта у киши ётган қабрни кўнгли доғ лолалар



қоплади, ўн марта кузакнинг изгирин шамоли қовжираб турган хас-хашакни супуриб, отамерос ҳовлининг пахса деворида қолган азизлар изи соғинчидан туғилган ҳазин шеърларини ўз тилида куйлади... Биз юрган тупроқ оламида деярли ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Қуёш ҳалиям шарқдан чиқиб, ғарбга ботади, ёзу киш, кўклам ва кузак жой алмаштиргани йўқ; ҳалиям тонг сахарда кимдир бола-бақрасига бир бурда нон топиш илинжида ишга отланади, кимдир “бугун тушлиқда қандай тансиқ таом ешамиз”, деган ҳаёлда парку тўшагидан мамнун ҳолда туриб, кўшнисининг фақир қулбасини кўрмаслик учун иккинчи қаватдаги хос хонасининг пардасини ёпиб қўяди...

Асқар ака “Ким қайси қавми севса, ўшалардандир” деган ҳикматни бот-бот такрорларди. Атрофимдагиларни хаёлан қавмларга ажрата бошлайман. Турфа манзара ҳосил бўлади: кундалик ҳаётда барча тўю маъракалар, гап-гаштаклар, йиғин ва йиғилишларда ҳозир нозир бўлган баъзи кимсалар яқ-каланиб қолгандек. Чунки улар бирор қавмга мансуб эмас. Бўри билан қўйни еб, чўпонга кўшилиб йиғлайдиган бўри ҳам бўлолмайди, чўпон ҳам... Унинг битта номи бор – мунофиқ... Бутун умр қўлидаги қалам сингари тўғри кун кечирган, адабиёт ва миллатга бетама хизмат қилган зотлар теграсида гўзал бир жамоатни кўрган бўламан. Рухият оламида Адиб Собир Термизий, Мавлоно Жалолиддин Румий, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Мир Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Мирзо Бедил каби ориф ва ошиқ зотлар маҳфилида бутун умр ўзини ёлғизликка маҳкум этган Асқар Маҳкамнинг ўктам ва қайсар руҳи кезиб юрганини тасаввур этаман. Бу улуғлар меросини таржима ва талқин йўли билан эндигина мустабидлик юкидан озод бўлган, ҳақ сўзига ташна миллатимизни ошно этишда Асқар аканинг алоҳида хизматлари бор. Айниқса, у киши Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий”сини шарҳ ва таржима этгани адабий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди.

Асқар ака толмас ғайрат соҳиби эди. У киши билан бақамти Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятида ишлаган кезимиз миллий мафкурамизга оид ўнлаб китоб ва рисоаларни нашрга тайёрлаш жараҳида бунга кўп бор гувоҳ бўлганман. Ҳатто раҳбарият мамнуният билан “Агар иш шу суръат билан давом этса, ташкилотимиз китоб фабрикасига айланиб қолади”, деган эди. Бугун миллатимизнинг тарихий-адабий обидаси – “Авесто” китобини Асқар Маҳкам олти ой ичида таржима қилди, дейилса, кўпчилик ишонмаслиги тайин.

Асқар ака кечиримли одам эди. Фақат ёлғонга тоқат қилолмасди. Бирга ишлаб юрган пайтларимизда нимадир бўлдию “айбсиз айбдор” бўлиб қолдим. Икки ойлар аразлаб, мен билан гаплашмай қўйди. Буни сезган ижрочи директоримиз Набижон Исломов бир куни “яраш оши” ташкиллаштирди. Асқар ака одатдагидек бир чеккага қараб, хомуш ўтирарди. Гап қовушмагач, Жомийнинг “Баҳористон”идан бир ҳикоятни айтиб бердим:

Шиблий деган улуг зот бетобланибди. Уч-тўрт киши уни кўргани борибди. Шиблий уларни танимасликка олиб сўрабди:

– Кимсизлар?

– Наҳот танимаган бўлсангиз? – дея ажабланибди зиёратчилар. – Биз, ахир, сизнинг дўстларингизмиз.

Шиблий тўсатдан ердан тош олиб, уларга ота бошлабди. Жамоа ҳар томонга қочибди. Шиблий қаҳқаҳа отиб, айтибди:

– Эй муддаийлар – дўстликка даъвогар зотлар, қайтинглар, дўст дўстан ҳеч қачон юз бурмас ва унинг тошидан қочмас...

Асқар ака бир муддат жим ўтирди. Сўнг менга қараб, ўкинч аралаш оҳангда деди:

– Ўша сиз айтган Шиблийга боғлиқ яна бир ривоят бор. Мансур Ҳалложни кофирликда айблаб, дор тагига олиб ўтишаётганда халифа буйруғи билан ҳамма уни тошбўрон қилаверибди. Тошлар унинг баданини тилка-пора қилиб, бутун аъзойи бадани қонталаш бўлган пайтда ҳам тишини-тишга кўйиб, дор томонга бошини баланд кўтариб кетаётган экан. Оломон ичида турган Шиблий буйруғни ўзидан соқит қилмоқ учун бир гул отса, Мансур дард зўрлигидан “ох” чекибди. Ундан сўрашибди:

– Тошбўронга чидаган одам нега бир гул зарбига дош беролмадингиз?

– Оломон нега ва кимга тош отаётганини билмайди, – дебди Ҳаллож. – Шиблий эса менинг кимлигимни билатуриб отди.

Мен ўзим учун керакли сабоқни олдим... Қисқа муддатдан сўнг “Аналҳақ” чоп этилди...

Шавкат Раҳмон Асқар Маҳкамга “мустаҳкам имонли шоир” дея таъриф берган эди. Асқар ака Сўзнинг илоҳийлигига имон келтирган, уни нопок ва ғаразли ниятлардан асрашга астойдил курашган, адабиётда фақат рост сўз яшашга ҳақли деб билгувчи шоирлардан эди. У шеърни аёллар тузоғига айлантиришдан парҳез қиларди, мол-дунё, мансаб ва сохта обрў учун “бағишловнома”лар тўқишдан ўзини тиярди, кўнглидан нима кечса, ўшани ёзишга одатлаган эди. “Қалб – дарахтга ёпишган парку қаби беқарор: шамол уни гоҳо уёққа, гоҳи буюёққа ағдарадир,” дейилади ҳадиси шарифда. Бутун умр қалб амри билан яшаган одамнинг сўзлари гоҳо зиддиятли кўриниши мумкин. Бу – ҳол ва қайфиятнинг маҳсулидир. Ҳолатни шеърда манзаралаштиришга қодир ижодкор шундай мақомга эришадики, туз ниятли одамлар унинг зиддият ва ихтилофга тўла фикрларини тўғри қабул қила оладилар. Сўзамоллик ва носамимийликни жини суймайдиган шоир ўзининг сўнгги шеърини китоби – “Аналҳақ”да бундай ёзган эди:

*Эй хушёрлар, мен-да нажиб куй эдим,
Гоҳ мотаму гоҳ жаноза, гоҳ тўй эдим.
Шоянки бу бандани-да ёд айласангиз,
Мен шоир эмас, шунчаки ростгўй эдим.*

Мақолага киришарканман, Асқар Маҳкам шеърларини таҳлил қилмоқни ният қилган эдим. Аммо... Мен қаёқда-ю, шеър таҳлили қаёқда! Бировга тунтирилиши мумкин бўлган шеър – чинакам шеър эмас. Шеър ўзи ҳақида ўзи гапириши керак. Шеър одамга одамийлик мақомини эслатиб туриши, уни ёлғон ва қабоҳат, разиллик ва пасткашлик чоҳидан огоҳлантирмоғи, беғуборлик, мусаффоликка чўмган эзгулик ва гўзаллик оламига ҳидоят қилмоғи, қанот ва шукроналик кўчаларини яёв кезиб, кўнгил кўзгусидан риё ва такаббурлик зангини кетказиш машаққатидан ҳосил бўладиган ростлик ва тўғрилиқ лаззати билан ошно этмоғи керак. Ушанда:

*Излайди шамол охир унинг изларини,
Ёмғир суви тўлдирар очик кўзларини.
Сўнг бод келар-да сочадир оламга
Бу шоири бечоранинг хокистарини...*





Qiblasini yo'qotgan avlod

Мавжуд илмий назарияларга кўра, ўз филогенетик тараққиётининг ибтидосида инсон табиат кучлари олдиди ажиз эди. Бу даврда унинг яшаб қолиши учун ўз-ўзини сақлаш инстинкти бениҳоят муҳим бўлган, бироқ инсон тафаккури ўсиб бориши билан улар дастлабки ҳаётий аҳамиятини йўқотди. Чунки инсон бора-бора егулик топишининг янги, қулай усулларини ўзлаштира бошлади, эндиликда овқат очликни қондиришгагина эмас, инсонга хос очкўзликни қондиришга-да хизмат қиладиган бўлди. Инсон ўзинга қулай, мустақкам бошпаналар қуриб олди ва тобора хавфсизроқ, беҳавотирроқ яшай бошлади. Ана шундай қулайлик ва фаровонлик туфайли у кўпроқ эркинликка эга бўлди. Энди унинг ақлу заковати бошқа мақсадларга йўналди. Инсон табиатни бутунлай бўйсундириш, оилавий ва жамоавий муносабатларни сақлаб туришнинг асосий шarti бўлган қадриятлар, жумладан, ахлоқий қадриятларни ўзинга мослаб шакллантиришга интила бошлади. Бу интилишнинг бир қисми бугунги фаровон ҳаётнинг манбаи бўлса, бошқаси қулфатлар илдизига айланиб қолди. Инсон нафақат табиат, шунингдек, ўз-ўзи билан низолашишга одатланди.

Льюис Томас эътироф қилганидек, "Инсоннинг бир-бирига муносабатидан қўлга галатирок, олдидан айтиб ва тахмин қилиб бўлмайдиган ҳодиса йўқ. Бутун табиатда инсонга унинг ўзидан бошқа хавф соладиган мавжудот ҳам йўқ".

Бир сўз билан айтганда, инсон том маънода озодликка эришиди ва, айнаи дамба, эркинлигидан маҳрум бўлди. Энди у ўзи яратган мукаммалу мураккаб ахборот технологиялари, илмий техника мўъжизалари, қулайлик ва ноз-неъматлар, ирода ва ахлоқий эркинлигининг қўлга айланди, ўзи курашиб қўлга киритган озодликка тобе бўлиб қолди. Лекин, Альбер Камю айтганидек, исёнкорлик инсон табиатида бор, бу – Одам Ато билан Момо Ҳавводан қолган мерос. Инсон Ғарбнинг маънавий таназзули аввалида ўзи эга бўлиб олган озодликка қарши исён кўтара бошлади. Чунки, бир томондан, фаровонлик ва қулайлик, иккинчи томондан, технологияларга тобелик руҳиятга босим ўтказди борди, яъни оғирлик филогенетик тараққиётнинг муқаддасида бўлганидек физиологик соҳага эмас, балки руҳиятга кўчди. Айрим тадқиқотчилар бундай оқи-

бат сабабини меъёрдан ортқ "озодлик" да деб билса (Эрих Фромм), бошқа бирлари жамиятнинг маданият тисмолида психикага ўтказадиган таъйиқини кўрсатади (Зигмунд Фрейд).

Ақсар тадқиқотчилар "маданият" атамаси "жамият" тушунчасига тенг кучли, деб ҳисоблайди. Инсоният маданияти табиат кучлари устидан ҳукмронлик қилиш, фаровон яшаш ёки ўз эҳтиёжларини қондириш учун одамлар томонидан ўзлаштирилган барча билим ва малакаларни қамрайди. Айнаи пайтда, у одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган ва ноз-неъматларни тақсимлайдиган ижтимоий институтларни ҳам ўз ичига олади. Лекин шуни назарда тутиш керакки, айрим одамларда деструктив, социопатик, ақсилмаданий хулққа мойиллик мавжуд.

Инсон мудом икки ўт орасида яшайди. Бир томондан, маданият инсонни исканжага олади, лаззатланишдан маҳрум этади (шунинг учун у маданиятдан қутулиш пайида бўлади), иккинчи томондан, маданият одамни ҳимоя қилади, табиатнинг барча ноз-неъматларини ўзлаштириш, улардан фойдаланиш ва одамлар ўртасида тақсимлаш имконини беради. Бинобарин, агар одам маданиятдан ўз лаззатлари ҳисобига воз кечса, ҳимоядан, қўлаб ноз-неъматлардан айрилиши ва ҳалок бўлиши мумкин. Агар у маданият фойдасига ўз майлларидан воз кечса, бу унинг психикасига оғир юк бўлиб тушади. Инсон қай бирига мойил? Истайдими-йўқми, у иккинчи томонга мойил бўлади. "Шу туфайли ҳар қандай маданият мажбурийлик ва майллардан воз кечиш асосига қурилиши керак. Уни тушунишда шу нарса маълум бўладики, оғирлик маркази моддий неъматлардан руҳият томонга сурилган. Ўта муҳим жиҳат шундаки, одамларнинг ўз майлларидан воз кечиши ҳисобига берадиган қурбонлар залворини енгиллатиш, уларни бу каби йўқотишларга кўнктириш ва берган қурбонлари учун тақдирлаш имкони мавжуд" (Фрейд З. *Введение в психоанализ: лекция. Санкт Петербург, "Азбука-классика", 2007*). Қандай қилиб салбий кайфиятдаги оломонни маданият талабларига бўйсундириш мумкин? Шу ерда шахснинг маданий роли масаласи ўртага чиқади.

Маданий фаолиятда мажбурийлиқни четлаб ўтиш мумкин бўлмаганидек, озчиликнинг (элита)

омма устидан ҳукронлиги масаласини ҳам четлаб ўтиш мумкин эмас, чунки қайсар омма узоқни кўра олмайди, ўз майлларидан воз кечишни ёқтирмайди, бу борадаги тушунтиришларга қулоқ солмайди, омманинг айрим вакиллари эса бир-бирини анархия ва қонун бузишга ундайди. Омма идеал деб тан олган шахс, раҳнамо, йўлбошчилар таъсирини уларни нафс кутқусидан воз кечишга ундаши мумкин, бу эса маданий тараққиётга сабаб бўлади.

Баъзи ривожланган жамиятларда бозор муносабатлари шароитида яшаётган, тақдир ҳукмига ташлаб қўйилган одамларда абсурд ҳисси, экзистенциал бўшлиқ кузатилмоқда. Бундай шароитда одамлар нима хоҳлаётгани ва нима қилиши лозимлигини англашга ожиз қолмоқда. Натижада улар бошқалар истаган нарсани истаяпти (конформизм) ёки бошқалар улардан нима талаб этса, шуни қилишга мажбур (тоталитаризм).

Келтирилган фикрлардан шундай хулоса чиқади: биринчидан, майл ва истак кўринишидаги инстинктлар барча инсонларда – ирқи, жинси ва миллатидан қатъи назар – бир хил. Фақат маданий жамият таъсирида шахс турлича шаклланади. Иккинчидан, тўла эркинлик, фаровонлик ва қулайлик одамга буткул ҳузур бағишлай олмайди. Инсон аста-секин ўзи яратган мукаммал технологиялар, фаровонлик ва қулайлик, лаззатнинг қўлига айланаётгани, унга тобе бўлиб қолаётганини англаб етади. Энди улар турли-туман хатарли спорт ўйинлари – парашютдан сакраш, тик тоғ чўққисидан чангида тушиш, ёввойи табиат бағрига саёҳат қилиш, кўнгил очиш учун ичкилик, наркотика кўнгил кўя бошлайди. Лекин буларнинг биронтасидан истаганидек лаззат топа олмагач, осонгина турли экстремистик, террористик ғоялар қармоғига илинади, чунки фаровон, эркин жамиятнинг ўзи турли-туман кинофильмлар, интернет материаллари орқали зўр бериб тарғиб қилиб келган тўла озодлик ва эркин ахлоқ ғояси билан ижтимоий онгни ана шундай ёвуз ғояларни қабул қилишга тайёрлаб қўймоқда. Оқибатда руҳиятига тушаётган оғирлик, босим остида одамда ўзи яратган эркинлик, қулайлик, озодликдан “қочиш” (Эрих Фромм) ёки унга қарши “исён кўтариш” (Альбер Камю) истаги пайдо бўлади. Хўш, қибласини йўқотган авлодни кутқариб қолиш йўли борми? Бизнингча, кучли давлат қурилмаси, мустаҳкам кадриятлар тизими, қонун устуворлиги билангина уни объектив борлик ва ўзи билан келишишга ундаш мумкин.

Ҳозирги даврда одамзод ирода эркинлиги, шахс эркинлиги, хатти-ҳаракатлар эркинлиги, эркин ахлоқ, қарор қабул қилиш эркинлиги каби эркинликлар билан ўзини шунчалик “озод” қилиб олдики, аста-секин масъулият ҳисси, давлат ва жамият олдидаги, эр-хотинлик, гендер (аёллик ва эркаклик) мажбуриятлари, жинсий роллар ҳақидаги аънанавий тасаввурлар бузилди. Ривожланган жамият инсон онгига кўнгли тусганини қилиш, хоҳлаган нарсасини ёзиш (атроф-борлиқни бузиб ақс эттирадиган сийқа сюжетли бадиий асарлар, сарик матбуот), нимани хоҳласа шуни тасвирга олиш (беҳаёлик, зўравонлик, шафқатсизлик сахналари ақс эттирилган фильмлар), нимани хоҳласа шуни тарқатиш (суицид, геноцид, бошқа миллат, дин вакилларига нисбатан адоват ва нафратни тарғиб қилувчи сайқал) мумкин, деган тасаввурларни сингирди. Оқибатда инсоннинг объектив борлик ва ўзи билан муносабатларида зиддиятлар пайдо бўлди.

Инсон давлат ва жамият, қонун устуворлигини тан олибгина объектив борлик ва ўзи билан келишиши мумкин. Объектив борлик ва ўзи билан келишмаган одамда турли хил психик беқарорликлар пайдо бўлиш эҳтимоли ортади, фақатгина объектив борлик ва ўзи билан келишиб яшайдиган инсонгина ижтимоий борлиқни адекват идрок қилади, том маънодаги эркинлик ва озодликка эга бўла олади.

Санаб ўтилган муаммолар ечими устида дунёнинг қўллаб ақл эгалари бош қотирмоқда. Инсоният тарихида бундан ҳам мушкул вазиятлар бўлган. Инсоният ақл-заковати ва тафаккури билан доимо вазиятдан чиқиб йўлини, ҳаёт мазмунини топган. Ўзбекистон вужудга келган муаммоларнинг энг мақбул ечимини жамият аъзоларининг маънавий етуқлиги, ижтимоий муҳит барқарорлиги, тинчлик ва осойишталик, барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари билан дунёга намён қилапти. Демак, Ғарб жамиятшунослари, сиёсатчилари, дин арбоблари эътироф этаётган маданий ҳалокат ва маънавий таназзулдан юксак маънавият ғояси, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати, жамиятни босқичма-босқич янгиллаб бориш, инқилобий ҳаракатлардан сакланиш, жамият аъзоларини руҳий зўриқишлардан ҳимоя қилишигина кутқариши мумкин.

Маъмуржон ОТАЖОНОВ,
психология фанлари номзоди,
доцент

Asrori haq kaliti

“Маънавият” бугун пайдо бўлган тушунча эмас. Ушбу тушунча инсоният ибтидоисидан намён бўлиб бошлаган. Зеро, инсониятнинг ижтимоийлашуви, баркамолликка интилиши бусиз бўлмас эди. Маънавий жамият, миллат, халқ ҳаётида муҳим ўрин ту-

тар экан, бу тушунчани ижтимоий ҳодиса ва илмий истилоҳ сифатида ҳар томонлама ўрганиш зарур.

“Маънавият” сўзининг атама сифатида шаклланиши борасида бир неча фараз мавжуд бўлиб, унинг келиб чиқиши ислом, хусусан, тасаввуф фал-

сафаси билан боғлиқ. Масалан, ислом илоҳиётчилигининг илк намояндалари, мўътазиллийлардан бўлган Восил ибн Ато ва Амр ибн Убайд Куръонни шархлаш илми, яъни тафсирига асос солиб, унда нарса ва ҳодисаларнинг, табиат ва жамият, ҳаттоки Яратувчининг моҳияти ҳақидаги таълимотни "маъна" деб атаган (*Философский энциклопедический словарь. Москва, 1983. Стр. 391*). Мўътазиллийлар Оллоҳ ўз бандалари каби кўриш, эшитиш, гапириш хусусиятига, жисмий тузилишига эгаллигини инкор қилгани учун Унинг мўъжизалари, марҳамати, иноятини маъновий жиҳатдан чуқурроқ изоҳлашга уринган. Шунга асосан айтиш мумкинки, "маънавий" атамасининг пайдо бўлишида мазкур таълимот вакиллариининг ҳам ҳиссаси бор.

Бошқа бир фаразга кўра, маънавиятнинг ўзаги ҳисобланган "маъна", "маънас" санскрит тилида ақлни ифодалайди. Қадимги ҳинд фалсафасида у онгинг барча функциялари – ақл, фаҳм-фаросат, ҳиссиёт, туйғу, сезги, ироданинг манбаидир. "Ригведа"га биноан "маънас" юракдадир.

"Маънас" сўзи Урта Осиё ва Эронда ҳам қўлланган, жумладан, Жалолиддин Румийнинг куйидаги байти буни тасдиқлайди:

Қасрда худ мар-шоҳорю маънас аст,
Мурдаро хону макон гўре баст аст (*Фарҳанги забони тоҷики. Т.1, Москва, 1969. 665-бет*).

Муаллиф ушбу байтада "маънас" сўзини инсондаги илоҳий жиҳат, манба, яъни маънавият мазмунига ишлатган. Жалолиддин Румий маънавиятни кўпинча сўфийча талқин қилади. Унинг фикрича, маънавият – шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг инсон онги, ҳиссиёти, қарашлари ҳамда иродасида мукжасам бўлишидир. Унинг "Маснавийи маънавий" номли асари "маънавият" атамасининг оммалашувига сабаб бўлган. Ушбу асарда "маъно" тушунчаси олий бир мазмунни аңглатади. Улуғ алломаларимиз уни "ҳақ асрори" деб атаган, зоҳирий назарлар учун у "гайб", бошқача айтганда, кўзимиз билан кўриб бўлмайдиган, инсон онги тўлиқ аңғай олмайдиган яхлит моҳиятидир.

Кейинчалик "маънавият" сўзи инсоннинг оламга муносабати, ижодкорлик қобилияти, илмий, фалсафий, ахлоқий, бадий, диний қарашлари, бир сўз билан айтганда, ақлий ва ҳиссий дунёсини ифодаловчи атамага айланб борди. Замонавий араб тилида маънавият нафақат маъно, балки ахлоқ, рух, шахснинг ички оламини ҳам ифодалайди.

Айни чоқда, мазкур истилоҳ маъноси кенгайиб дунёвийлик касб этди. Файласуф олим Абдурахим Эркаев бундай ёзади: "Рус тилида бизнинг 'маънавият'га 'духовность' тушунчаси мос келади, лекин 'духовность' ўзбек тилига айнан таржима қилинса, 'руҳият' ёки 'руҳоният' бўлади". Демак, маънавият "духовность" сўзининг айнан нусхаси бўлмасдан, балки эквивалентидир. "Духовность" асосида "дух" тушунчаси ётибди. "Дух" уҳудий ва христиан аъналарига кўра икки мазмунда қўлланилади: руҳ ва нафас. Ҳар иккала мазмун ҳам худога бориб

тақалади. Демак, рух – худонинг нафаси, инсоннинг жони, ҳаёти, ички дунёси, қалби" (*Эркаев А. Маънавият тушунчаси ҳақида фараз. "Гулистон" журнали. 1997 йил 2-сон. 36-бет*).

XX асрда "руҳоният" (духовность) тушунчаси анча кенг маънода қўллана бошлади. Руслар "духовность" сўзи кўпроқ диний руҳониятга дахлдорилигини ҳисобга олиб, "духовная культура" иборасини ишлата бошлади. Бу ибора биздаги "маънавият"га кўпроқ мос келади.

Маънавият ҳодисасини тадқиқ этётган файласуф, тарихчи ва социологлар фикрича, маънавият шаклланишига замин яратувчи омиллар – ахлоқ, одоб, билим, истеъдод, эътиқод, ихлос, виждон, имондир. Маънавият моҳиятини ана шу инсоний фазилатларнинг бир бутун, ўзаро боғлиқ, бир-бирига бевосита ёки билвосита таъсир этиб туриши асосида тасаввур этиш мумкин. Инсоннинг маънавий камолоти унинг онгли фаолиятига боғлиқ равишда ривожланиб боради.

Юксак маънавиятли инсон ёки маънавий тубан кимсаларга қадимдан халқ "бамъни одам" ёки "бамъни одам" дея таъриф бериб келган.

Маънавият ҳодисаси кўринмайдиган, бироқ жамият ва инсонлар онги, шуури ва фаолиятида ботинан юзага келадиган шундай руҳий ҳолатки, у онг ва қалбда шаклланади, моддийлашади, инсонийлашган ҳолда намоён бўлади. Инсонда фазилатлар қанчалик кўп бўлса, у маънавий жиҳатдан юксала бориб, бамъни инсонга айланади. Масалан, А.Эркаевнинг куйидаги таърифи фикримиз тасдиғидир: "Маънавият – инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир" (*Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. Тошкент, "Маънавият". 2009. 10-11-бетлар*). Демак, инсондаги барча туйғулар эмас, балки ижобийлик касб этган, фазилатга айланган туйғуларгина маънавият тусини олади.

Шу нуқтаи назардан маънавият миллатни тараққиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омил саналади. Зеро, қаерда маънавият юксак даражада бўлса, ўша жой ва ўша мамлакатда жоҳиллик, ҳасадгўйлик, лоқайдлик, худбинлик, ялқовлик, манманлик, текинхўрлик, тамағирлик, порохўрлик, гийбат, ёвузлик, тухмат каби салбий иллатларга ўрин қолмайди. Маънавият миллат ва мамлакат тақдири билан боғлиқ, инсоннинг табиат ва жамиятга бўлган муносабати мезон экан, уни шакллантириш ва ривожлантириш ҳам объектив заруриятдир. Фақат маънавияти юксак одамларгагина миллат ва мамлакат тақдирини ишонси мумкин.

Ўзбекистон чуқур ва мустақкам маънавий илдиларга эга юрт. Энди бизнинг вазифамиз ана шу

илдизларни асраб қолиш ва уни келажак авлодларга етказиб беришдан иборат. Бу борада биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов бундай деган: "Ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хужурларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқеалигига онгли қараб, мутақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшashi зарур, деб жавоб берган бўлардим"

(Ислоҳ Каримов. *Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, "Маънавият", 2008. 17-бет*).

Демак, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи юксалиши, аждодларимизга муносиб авлод бўлишимиз учун ҳар бир фарзандни юксак маънавиятга қилиб – руҳан пок, қалбан уйғоқ, ички дунёси ва иродаси бақувват, имон-эътиқоди бутун, виждонан етук, мустақил фикрли, умуман олганда, маънавий жиҳатдан беқиеъс куч эгаси сифатида тарбиялаш талаб этилади.

Кимёхон КАМОЛОВА,

Тошкент давлат Педагогика университети мустақил илгануечиси

Aql birlamchimi yoki naql?

Ислоҳ таълимотида Оллоҳ таолони таниш "маърифат", "маърифатуллоҳ" ёки "ирфон" тушунчалари билан ифодаланади ("маърифат" истилоҳи араб тилидаги "билмоқ, таниммоқ" деган маъноларни англатувчи "арафа" феълдан ҳосил бўлган). Маърифатуллоҳ мавзуси тарихда ислоҳ мутақаллимлари ва тасаввуф олимлари томонидан атрафлича ўрганилган. Қалом илмида бу борадаги баҳслар, асосан, мўътазиллийлик, ашъарийлик ва мотуридийлик таълимотлари ўртасида кечган.

Қалом илмига оид асарларда эътиқодий мавзулар ақл бобидан бошланади. Бунинг боиси шундаки, ислоҳ динига мансуб фирқа ва тоифалар ақлга турлича таъриф бериб, эътиқодий мавзуларда ихтилофга борган.

Илоҳиётга оид масалаларни ҳал этишда радикал рационалистлар саналган мўътазиллийлар ақлни шаръий далиллардан (Қуръони карим, суннат, ижмо ва қиёс) афзал қўради. Уларнинг инончиға қўра, ақл шариат масалаларини ҳал этишда ва умуман билишда қозидир. Мўътазиллийлар ақл билан идрок қилолмаганликлари учун ҳам қиёматда мўминлар Оллоҳ таолони қўриши, амалларнинг тарозиде ўлчаниши, Сирот кўприги каби очик-ойдин шаръий далиллар билан собит бўлган эътиқодий масалаларни инкор қилади. Ушбу таълимотнинг йирик намояндаларидан бири ал-Жоҳиз (ваф. 868 й.) ақлнинг ҳис аъзоларига нисбатан тутган ўрни борасида бундай дейди: "Ҳаёт ила қасамёд этаманки, қўлар янглишади ва ҳис-туйғу аъзолари алдайди, фақат ақлгина ҳақиқатни билишга қодир" (*Фролова Е. История средневековой арабо-исламской философии. Москва, "Наука", 1995. Стр. 77*).

Мўътазиллийлар барча инсонларнинг ақли баробар, деган фикрни илгари сурса, ақли сунна вал-жамоа инсонларнинг ақли бир-биридан тафовутли деб билади.

Мўътазиллийлар қарашига қўра, кимсасиз орол ёки тоғу тошда ўсиб улғайган ақлли одамнинг Оллоҳ таолони таниши ва имон келтириши вожибдир, ақс ҳолда, у кофир бўлади.

Мотуридийлар наздида, мазкур ҳолатда ақлли инсон куфр ва ширк каби амаллар содир этмасе, узрли саналади. Агар у тажриба орқали яхши ва ёмон феълларни ажрата олгани ҳолда, куфр ё ширкка йўл қўйса, жавобгар бўлади. Бу борада Абу Ҳанифадан нақл қилинган "Яратувчини танимасликда ақлли киши учун бирор узр йўқ" деган мазмундаги ривоят мотуридийларнинг асосий далилларидан биридир (*Абу Шакур Солимиий. Ат-Тамҳид фи баёнати таваҳҳид. Тошкент, "Мовароуннаҳр", 2014. 8-бет*).

Ашъария таълимотига қўра эса, кимсасиз орол ёки тоғу тошда ўсиб улғайган инсонга шариат даъвати етиб бормаса, ҳар қандай ҳолатда, ҳатто у бут ва санамларга ибодат қилиб вафот этса ҳам узрли ҳисобланади.

Ақли сунна вал-жамоа Яратувчининг борлигига далил талабиде бўлган орифларга Оллоҳ таоло Ўзини танитиш учун фазл, ҳидоят ва лутф инъом этади, деб ҳисоблайди.

Мутасаввиф уламолар бу борада қуйдаги қарашга эга: "Яратувчини нарсалар воситасида таниш амримаҳолдир. Оллоҳ таоло орифларнинг қалбини ўзига тортади ҳамда уларни далил талаб қилмасдан Ўзини танишга ҳидоят этади". Машхур мутасаввиф Шиблийдан "Рабингни қандай танидинг?" деб сўралди. У зот "Оллоҳни Оллоҳ воситасида танидим, агар У бўлмаганида Уни танимаган бўлар эдим", дея жавоб берди.

Яратувчини далил талаб этиш орқали танишга исбот сифатида "Дарҳақиқат, Биз уни (инсонни) хоҳ у шукр қилувчи (мусулмон) бўлсин ва хоҳ ношукр (кофир) бўлсин, йўлга йўлладик" (*Қуръони карим,*

76:3) va "Яна уни икки баландликка (икки хил йўлга) йўллаб қўйдик-ку!" (*Қуръони карим*, 90:10) каби оятларни келтириш мумкин.

Мутакаллим уламолар Оллоҳни танишда хабари содиқ ёки мутаовотир хабарни ҳис аъзолари ва ақл билан бир қаторда билиш воситаси деб ҳисоблайди. Мўътазиллийлар ушбу қридани рад этиб, ҳис аъзолари ва ақл билишнинг бирдан-бир воситаси эканини исботлашга уринади. Улар, шунингдек, Оллоҳнинг каломини таъвиль қилишда мантик муҳими ўрин тутади деб билади ва бунга далил сифатида Қуръони каримдаги муслим ва кофирларни ақл билан тафаккур юритишга ундовчи оятларни келтиради (*Қуръони карим*, 3:64, 12:2). Оллоҳ, унинг мавжудлиги, зоти ва сифатларини билиш, шунингдек, чин эътиқодга эришиш, яхши ва ёмонни фарқлаш, пайгамбарлик ва ваҳий ҳақиқати, моддий олам тузилиши ва унинг Яратувчиси орасидаги муносабатни аниқлаш ақл ва тафаккурсиз бўлмайди.

Ашъария таълимоти вакиллари эса мўътазиллийлардан фарқли равишда, Оллоҳ маърифати ва У яратган нарсалар ҳақидаги мавжуд исломий манбаларни ўрганиб, шариат ҳамда дин асосларини ҳимоя қилиш учун етарли асосга эга бўлган ҳолда, ваҳийни тушунтириш учун ақлий-мантикий тафаккурга ҳожат йўқлигини баён қилади.

Айтиш жоизки, ашъарийларнинг гносеологик қарашлари икки муҳим жиҳат билан мўътазиллийлардан фарқланади:

1. Ақлни мутлақ бойлик деб ҳисоблаш, мўътазиллийлар таъкидлаганидек, динни ақл билан қўлаб-қувватлаш эмас, балки имонни ақлга бўйсундириш демакдир.

2. Қуръонда имоннинг асосий шартларидан бири ғайба ишонш экани бир неча ўринда таъкидланади. Ғайба ишонмаган одам чинакам мўмин бўлмайди. Айни вақтда, ғайбни рационал асосда тадқиқ этиш имконсиз. Демак, ақлни ақлданнинг мутлақ мезони деб белгилаш ғайба ишонш қридасига мувофиқ эмас.

Ашъария мутакаллимлари икки муҳим масалада (1.Оллоҳни ваҳийдан мустақил равишда ақл йўли билан таниб бўладими ёки йўқми? 2. Ваҳий ишорасисиз яхши ва ёмон тўғрисида маърифат ҳосил қилиш мумкинми ёки йўқми?) мўътазиллийлар хато йўлда эканини исботлади. Уларнинг қарашларида ақл у қадар асосий мавқе эгалламаган бўлса-да, бизнингча, ушбу таълимот асосчиси Абул Ҳасан ал-Ашъарийни бутунлай Қуръон ва ҳадиси соҳирий идрок этувчилар қаторига қўшиш ва ақл ҳамда ақлий мушоҳадалар душмани деб аташ тўғри эмас. Негаки, аллома Қуръон ва ҳадис матнини олинган мисолларни далиллашда ўз ўрнида ақлий-мантикий мушоҳадалардан кенг фойдаланган.

Демак, Оллоҳ таолони таниш нақлий йўл (*Қуръони карим* ва суннат) билан вожиб бўладими ёки ақлийми деган саволга ашъарийлар нақлий, мотуридийлар эса ақлий йўл билан деб жавоб беради. Ашъарийлик таълимотига кўра, Оллоҳнинг ҳукмини

ақл билан билиб бўлмайди. Уни танишда, албатта, пайгамбарлар, илоҳий китоблар восита бўлмоғи лозим. Дейлик, амалларни яхши ёки ёмонга таърифлашда инсонларнинг ақлий ёндашуви бир-биридан кескин фарқланади. Баъзилар ўз ақлига таяниб муайян амални яхши деб ҳисобласа, баъзилар аини ўша амални номақбул деб атайди. Яъни амални яхши ёки ёмон деб баҳолашда инсоннинг ҳавою нафси ғолиб келиши мумкин. Шуларга асосан, ақл яхши деб билган амал Оллоҳ наздида ҳам матлуб, ақл ёмон деб билган амал Оллоҳ наздида ҳам номатлуб демоқ ҳатодир (*Абдулваҳҳоб Ҳаллоф. Усул ул-фиҳҳ. Тошкент, "Адолат", 1997. 131-бет*).

Ашъарийлар бунга далил сифатида "Пайгамбарлар (келгандан) кейин одамлар учун Оллоҳга қарши ҳужжат бўлмасин деб пайгамбарларни хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб (юбордик)" (*Қуръони карим*, 4:165) оятини келтиради. Ушбу таълимот вакилларига кўра, агар ақл инсон учун буйруқ ва тақиқларда мезон бўлса эди, Оллоҳ таоло "Мен уларга ҳужжат бўлиши учун ақлни яратдим", деган мазмунда оят нозил қилган бўларди. Бунга "То пайгамбар юбормагунимизча (бирор кимсани) азобловчи бўлмадик" (*Қуръони карим*, 17:15) ояти ҳам далилдир (*Ҳасан ибн Абдул Ҳасан. Равзатул-Баҳийя фи ма байнал-ашъароти вал-матуридияти. Байрут, "Дар савил ар-рашад", 1996. 94-бет*).

Мотуридийлар эса мазкур масалада бундай фикрни баён этади: мукаллафнинг (зиммасига масъулият юклаган инсон) амали маълум хусусиятларга эга ва ўша хусусиятларга қараб ишнинг натижасини билиш мумкин. Ақл шу хусусият ва натижаларга биноан уни яхши ёки ёмон деб ҳукм чиқаришга қодир. Мотуридийлар ақлнинг билишда ҳужжат бўлишини "Чунки қулқ, кўз, дил – буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)" (*Қуръони карим*, 17:36) ояти билан асослайди.

Лекин инсонларнинг ишларидаги Оллоҳнинг ҳукмларини ақлнинг идрокига асосан яхши ёки ёмон деб бўлмайди. Чунки ақл қанчалик етук бўлмасин, хатога йўл қўйиши мумкин. Шу боис инсонларнинг ишларидаги Оллоҳнинг ҳукмини фақат пайгамбарлар ёрдамида англаш мумкин. Демак, мотуридийлар ақл инсонлар феълидаги фойда ва зарар хусусиятига биноан, уни яхши ва ёмонлигини била олади, деган фикрда мўътазиллийларга мувофиқ келади, аммо бандаларнинг ишларидаги Оллоҳнинг ҳукми ақлнинг ҳукмига мувофиқ бўлади, ақл нимани яхши деб ҳисобласа, уни қилиш Оллоҳ тарафидан матлуб ва нимани ёмон деб ҳисобласа, у номатлуб деганида мўътазиллийлик таълимотини рад этади. Шу билан бирга, мотуридийлар ишлардаги Оллоҳнинг ҳукмини фақат пайгамбарлар, илоҳий китоблар воситасида билиш мумкин эканлигига ашъарийлар билан ҳамфикрдир. Бунга кўра, ишларнинг яхши ёки ёмонлиги шаръийдир (нақлий далиллар билан собит бўлади), ақлий эмас, яъни ақл билан буни билиб бўлмайди ("*Усул ул-фиҳҳ", 134-бет*).

Мотуридиянинг йирик намояндаларидан бири Абу Шакур СолимиЙ Кешийнинг таъкидлашича, ақл аниқ ўлчов билан яратилган еру осмон, дарахтлар, сув, ҳаво, шамол каби Оллоҳ таолонинг мавжудлигига далолат қиладиган барча аломатларга назар солиш ва улардан далил олиш воситасидир. Банда ақл сабабли Оллоҳни танийди, махлуқотлар тўғрисида фикр-мулоҳаза юритиш орқали эса Яратувчи ҳақида муайян илм ҳосил қилади. Аллома ақл маърифатуллоҳ воситаси эканини бундай асослайди: "Агар ақл Оллоҳ таолони танишда восита бўлса, у жавҳар (жисмли материя) бўлиши керак-ку", деган фикрга бундай жавоб берамиз: "Ақлни жавҳар десак, зарари йўқ. Чунки айрим уламолар шундай атаган. Уни араз (акциденция, тасодифий ҳолат) десак-да жоиз. Мафъул (бажарилган иш) феъл (иш-ҳаракат) орқали содир бўлишини билмаймизми? Бу ҳаракатдир. Ҳаракат эса қўл воситасида амалга ошади. Сўнгра бажарилган иш нисбати гоҳида куч-қувват ва ҳаракатдан иборат феълга (иш-ҳаракат), баъзан эса асбоб бўлмиш қўлга, гоҳида эса бажарувчига берилади. Буларнинг ҳаммаси (иш-ҳаракат, бажарувчи ва қўл) нарсанинг пайдо бўлишида воситадир. Биз ақл тўғрисидаги баҳс юритаётган масала

хам шундай" (Абу Шакур СолимиЙ. *Ат-тамҳид. Тошкент, "Маворуннаҳр", 2014. 20-бет*).

ИслоМ динига мансуб фикрда ва маъхаблар Яратувчини далилсиз, яъни бирор кишига тақлид қилиб таниш борасида ҳам ўзаро ихтилофга боради. "Тақлид" истилоҳи бошқанинг сўзини бирон далилсиз қабул қилиш деган маънони англатади. Баъзи уламоларнинг фикрича, тақлид сўз ва ҳаракатда бошқа кишига бирон далилсиз эргашидир. Мўътазиллийлар ва ашъарийларнинг қарашига кўра, Яратувчини танишда тақлид қилувчи, яъни муқаллид мўмин ҳисобланмайди. Мотуридия вакиллари эса муқаллид тасдиқ этса, у мўмин бўлади, дейди (*Ушша асар, 164-бет*).

Хулоса шуки, калом мактаби вакиллари маърифатуллоҳга эришишда ақлнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратган. Мутакаллимларнинг деярли барча йўналишларида рационалистик ёндашув муҳим жиҳат бўлиб, диний ақидаларга кўр-кўрона эътиқод рад этилган.

Соатмурод ПРИМОВ,
Тошкент ИслоМ университети
мустақил тадқиқотчиси

Geosiyosiy manfaatlar chorrahasi

Дунё сийёсатшунослигида Яқин Шарқ минтақаси ва унинг халқаро муносабатлардаги ўрни мавзусида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илм аҳлининг маъзур минтақага қизиқиши ортиб бораётганининг талай сабаблари бор.

Авалло геосийёсий манфаатлар тўқнашаётган ҳудуддаги вазият жаҳон сийёсатига сезиларли таъсир кўрсатаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бир томондан, Араб-Исроил зиддияти ва минтақа мамлакатларининг ўзаро рақобати кучайган бир шароитда террорчи гуруҳлар фаоллашганини кузатиш мумкин. Иккинчи томондан, бой энергия ресурсларига эга ҳудуд учун кураш ҳам кескин тус олмоқда. Мамлакатимизнинг биринчи Президенти ИслоМ Каримов ўз чиқишларидан бирида "Нима учундир эркинлик ва демократияни одатда нефть ва газга бой давлатлар минтақаларига ёйишга, ривожлантиришга зўр берилади. Нима учун эркинлик ва демократияни айнан Яқин Шарқда, Каспий минтақасида, нефтьга бой мамлакатларда ривожлантиришга интилиш кучли?" (*ИслоМ Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайти. Т. 13. Тошкент, "Ўзбекистон", 2005. 393-394-бетлар*) дея ҳақли савол қўйган эди.

Яқин Шарқ мамлакатларининг энергетик бойлиги ҳар доим ҳам уларнинг фаровонлигига хизмат

қилмаган. Хусусан, ўтган асрнинг иккинчи ярмида минтақа ҳарбий ҳаракатлар майдонида айланди. Ироқ-Эрон уруши, Садам Хусайннинг Кувайтни босиб олиши нанки минтақа, дунё барқарорлигига таҳдид ўлароқ баҳоланди. Тарихан Яқин Шарқ мамлакатлари хавфсизлигини сақлаш учун мудом йирик давлатлар ҳимоясига эҳтиёж сезган. Ўтган асрда бу вазифани АҚШ ва Совет Иттифоқи бажарган бўлса, янги ўз йилликда минтақада Европа мамлакатлари, инчунин, Буюк Британия ва Франциянинг таъсири ошмоқда. Сўнги асрларда араб ўлкаларида ҳужмфармолик қилган бу икки давлат минтақани ўз қаламравида тутиб қолиш учун бор имкониятини ишга солгани маълум. Ўз даврида полковник Томас Лоуренс инглиз ҳукуматига тақдим этган мафҳий ҳимоятда улкан нефть ва газ захирасига эга юртларни қўлдан чиқармаслик йўллари топиш лозимлигини уқтирган эди (*Хидоятнов Г., Гулямов Х. Всемирная история. Новейший период. Европа и США после второй мировой войны. Ташкент, 1999. Стр. 289*). Таҳлилларга қараганда, ўзга элларнинг табиий бойликларига эга чиқиш истаги бугун ҳам айрим давлатларга тинчлик бермайтир.

Яқин Шарқ геосийёсий муҳорабалар ўчоғига айлангани ҳам рост. Ғарб давлатлари Хитой, Россия

каби анъанавий рақибларига минтақа воситасида таъсир кўрсатишга уринади. Ўз навбатида, улар Фарбга муносиб жавоб беришга интилади. Оқибатда эса ҳудудда истиқомат қилаётган миллионлаб аҳоли азият чекади.

Яқин Шарқ қадим маданиятлар ва динларнинг бешиги саналади. Бу ерда яхудий, насроний ва ислом динининг муқаддас ибодатхоналари жойлашган. Тадиқотлар илдири ўтмишга бориб тақалувчи динларро ихтилоф бугун ҳам давом этаётганини кўрсатмоқда. XX асрнинг ўрталарида ташкил толган Исроил давлатини ҳалигача Араб олами тан олманган. Фарб дунёси эса Фаластин давлатчилигини тан олиш борасида иккига бўлинган. Ёки Ҳизбуллоҳ, ҲАМАС сингари гуруҳлар фаолияти халқро ҳуқуққа мувофиқ ёки зидлиги борасида ҳам позициялар турлича эканини кўриш мумкин.

Ислом динини ниқоб қилган кўпуровчи гуруҳлар минтақада асрлар давомида яшаб келган насронийларни таъбиқ қилиши ёки Фарб оммавий ахборот воситаларида Муҳаммад алайҳиссаломга карикатуралар пайдо бўлишини шунчаки диний ихтилоф деб бўлмайди. Фитналар ортида турли диний эътиқод вакиллари ўртасида уруш оловини ёқиб, сўнгра ўша аланга тафтида исинишни кўзлаган қудратли сиёсий кучлар турганини унутмаслик керак.

Минтақа барқарорлигига таҳдид солаётган ташқи омиллар қатори ички зиддиятларга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Сурия, Яман ва Ироқдаги конфессиянал – маъзабларро ихтилоф боис минглаб инсон қурбон бўлаётир. Таассуфки, ягона тангрига сиғини, ягона қиблага юзланган мусулмонлар бир-бирининг қонини тўкмоқда. Боз устига, минтақанинг иттифоқчи мамлакатлари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқаётгани тинчлик йўлидаги музокараларга гов бўляпти.

Масалан, ўтган ярим аср мобайнида бир-бирининг қорига яраган қилўтмас дўстлар – Саудия Арабистони ва Қатар муносабати айна вақтда ёмонлашгани қайд этилмоқда (Егоров М. *Тайны персидского залива. Интернет-журнал "Новое восточное обозрение"*. <http://ru.journal-neo.org/2014/04/25/tajnyperidskogo-zaliva/>).

Замонавий тарихга "Араб баҳори" номи билан кирган воқеалар эса оловга мой сепган каби мафкуравий зиддиятларни янада авж олдириди. Миср, Ливия, Яман, Сурия сингари мамлакатларда демократик ислохотлар ва эркинлик истаб намойишга чиққан аҳолининг умидлари пучга чиқди.

Эрон минтақанинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қудратли давлатларидан бири ҳисобланади. Араб подшоҳликларининг форсийзабон қўшниси билан муносабати ҳам дўстона эмаслиги вазиятни баттар мураккаблаштирмоқда. Кузатуви-лар хулосасига кўра, Қатар, Бахрайн, Сауд Арабистони, Кувейт сингари мамлакатлар Эроннинг шиъа маъзабини ёйиш йўлидаги уринишлари бекарорлик келтириб чиқармоқда, деб ҳисоблайди. Шу боис улар Эронни яқаллаш ва Фарб мамлакатлари қўли билан жазолаш сиёсатини олиб бермоқда.

Минтақада ихтилофни бартараф этиш йўлида мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилаётган бўлса-да, аравани ҳар ким ҳар томонга тортаётгани боис музокаралар натижа бермаётир. Ўлка халқларининг азалий орузи бўлган тинчликка эришиш учун эса халқро ҳамжамият, хусусан, дунё ҳақами саналган БМТ ташаббусни қўлга олиб, амалий чоралар қўриши талаб этилади.

Фазилат ҚҮЙСИНОВА,

*Жиззах олий Ҳарбий авиация билим юрти
катта ўқитувчиси*

Umrboqiy udumlar

Қадимдан деҳқончилиги чорвачилик билан шуғулланиб келган ўзбек ва корейс халқлари ёз ва куз фаслларида машаққатли меҳнат ниҳояси белгиси сифатида турли маросимларни ўтказган. Кескин контентал иқлимда жойлашган бу икки юрда ёз жуда иссиқ келса-да, деҳқон ва чорвадорларнинг ҳаёти шу вақтда қилинган меҳнат самарасига боглик. Шу боис ҳар иккала халқда айна шу мавсумда ўтказиладиган бир-бирига ўхшаш урф-одатлар шаклланган. Бу борада, айниқса, сув ва қум сайлини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбеклар сув сайлини саратон ойида – 22 июндан 22 июль оралиғида – ёзнинг энг қуруқ ва иссиқ палласида ўтказган. Сув сайли обиҳаёт камайганда – чашма, сой, тоғ дарёлари, каналлар ўзанини тозалаш асносида пайдо бўлган. Бу пайтда жамоа аъзолари ҳашарга йиғилаб, ариқ ва каналларни тозала-

ган. Шу билан бирга, сув бутунлай қуриб қолмаслиги учун қурбонлик қилинган. Қурбонлик гўштидан таом тайёрланиб халққа зиёфат берилган. Сув сероб бўлган йиллари эса одамлар ҳашарга эмас, сайлга чиққан. Кейинчалик ирригация иншоотлари қурилиб, сув келиши қулайлашган, ҳашар ўрнига сайл уюштириш анъанасига айланган (Қорабоев У. *Ўзбек халқи байрамлари. Тошкент, "Шарқ", 2002. 95-бет*).

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Оқдарёда ўтказилган "Оқ сув" тадбири ана шу анъана жумласидандир (мазкур маросим "Лойқа сув" ёки "Тескари сув" деб ҳам номланган). Жамоа оқсоқоллари, фаоллари сайл кунларини бир ой олдин белгиланган. Кетма-кет уч чоршанба ўтказилган ушбу маросимда минглаб киши иштирок этган. Тўпланганлар дарё сувида чўмилган, саломатлик тилаб сув бўйида қурбонлик келтирган (*ўша асар, 96-бет*).

Корейслар эса сув сайли – Юду байрамини ой-куёш тақвими бўйича 15 июнда нишонланган. Байрам кuni эрта тонгдан янги етилган дондан таом, кукусу (ингичка лағмондан қилинадиган таом) тайёрланган, дустар аждодлар руҳини шод этиш мақсадида ўтгурхон ёзилган. Одамлар байрам кuni кукусу тановул қилганларнинг умри худди лағмондек узун бўлади, деб ишонган. Сўнгра қариндош-уруғлар биргаликда бўлоқ ва шаршаларга борган. Маҳаллий аҳоли тиниқ сувда чўмилган. Чунки корейслар кимки Юду кuni тоза сувда чўмилса, тана-сидига зарарли энергия кетиб, ёз бўйи касалликка чалинмайди, жазирамадан соғ-саломаат чиқади, деб ишонган.

Ўзбекларда сув сайли қурғоқчил ёз ойлари сабаб вужудга келган бўлса, корейсларда мазкур удум нафақат жазирама иссиқдан қочиш мақсадида, балки шу пайтда пишиб етилган ҳосил рамзи аждодлар ва бобо дехқонга миннатдорлик учун сифатида ҳам ўтказилган.

Бугунги кунда Юду байрами деярли йўқолиб бораётган бўлса-да, аммо сув сайли ўтказилади. XX асрнинг иккинчи яримидан расм бўлган “ваканс” одати аънанавий сув сайлининг ҳозирги замонга мослашган кўринишидир (*vacance* – “ёзги таътил”ни англатувчи французча сўз. 1960–70-йилларда *Кореяда ёзги таътилни шундай номлаш урф бўлган, бу сўз кейинроқ корейс тили лугатига ҳам киритилган*). Ўзбекларнинг сув сайли ҳам советлар даврида миқёси, мазмуни ва кўриниши жиҳатдан анча ўзгарган бўлса-да, сувга эҳтиёж туғилганда ҳозир ҳам ўтказилади.

Ўзбекистонда қирқ кун давом этадиган ёзги чилла 25 июндан 5 августгача бўлган даврга тўғри келади. Корейс халқида ҳам шу каби 20 кун давом этадиган “самбўк” деб аталган жазирама иссиқ даври бўлиб, бу мuddат ой-куёш тақвими бўйича июнь охири ва июль бошларига тўғри келади. Ўтмишда корейслар касалликларга инсу жин сабаб бўлади деб ишонган. Шу боис самбўк кuni ёвуз руҳларни ҳайдашда қўлланган қизил ловиядан овқат тайёрланган. Шунингдек, итинг кўриқчилиги ва товуқ-нинг тонгни кутиб олиши ҳам ёвуз руҳларни ҳайдайди деб, уларнинг гўштидан ҳам таом пиширилган. Йил давомида корейсларнинг оксилга бўлган эҳтиёжини қондиришга ёрдам бергани учун бу аънана ҳозиргача сақланиб қолган. Кафе ва ресторонлар олдида ушиб таомларга навбатда турганларни учратиш мумкин.

Куёш нурида кизиган қумдан фойдаланиш маросими – қум сайлини корейслар ҳам, ўзбеклар ҳам ўтказган. Кореяда бу маросимни асосан соҳилбўйи аҳолиси нишонлаган. Улар куёш нурида кизиган ёки ўра қазиб оловда янада қиздирилган қумга кўмилиб дам олган.

Ўзбекларда эса бу сайл шифобахш қумлоқларда ўтказилиб, узоқ-яқиндан одам тўпланган. Улар

куёш ҳароратида олтмиш даражагача қизиган қумга кўмилиб ҳордиқ чиқарган ва даволанган. Зеро, кизиган қум бўгин оғриқлари, асаб тизими ва умуртка касалликларига даво ҳисобланган. Ўзбеклар одатда уч кун давомида қумга тушиб даволанган, шу вақтда турли йўл ва томошалар намойиш этилган. Шу тариқа қум сайли одамларнинг ўзaro мулоқотда бўлиши, ўйин-кулги ва мароқли ҳордиқ чиқариши учун шароит яратган (*ўша асар, 101-бет*).

Қум сайли икки халқнинг ҳозирга қадар сақланиб келаётган ёзги удуми ҳисобланади. Бу одат корейсларда Жежу оролининг қора қумли соҳилларида, ўзбекларда эса Фарғона вилоятининг Бувайда тумани ва Хоразмнинг баъзи жойларида ўтказилади.

Бундан ташқари, ҳар икки халқ меҳнат мавсуми якунланган, ҳосил байрамини қаршилайди.

Ўзбекларда ҳосил байрами куз охири ва қиш бошларида, корейсларда эса ой-куёш тақвими бўйича 15 августда нишонланади. Икки халқда ҳам байрамнинг номи бир маънони ифодаласа-да, унинг мақсади фарқ қилади. Ўзбекларда бу байрам йғим-терим тамомланиб, дехқоннинг қўли бўшаганда уюштирилган. Корейслар эса эрта етилган мева ва донлардан қувониб, мўл-кўл ҳосил тилаб байрам қилган.

Чусок (ҳосил) ва сол (янги йил) корейсларнинг энг катта байрамлари саналади. Ҳар икки байрам тўлин ой чиқадиган кунга тўғри келгани боис гуручдан ярим ой шаклидаги сўнгпён тайёрланади (*сўнгпён – гуруч унидан қилнган хамирга кунжут, шакар ёки ловия солиб, бунда пишириладиган таом*). Кейин эса сўнгпён бутун жамоага тарқатилган, кўни-кўшчилар қақирлиб меҳмон қилинган. Чусок байрами кuni эрта саҳардан ўтган аждодлар руҳига атаб дастурхон ёзилади, эркаклар чаре маросими ўтказида.

Ҳозирда байрам кунлари вилоятлардан оналарнинг Сеулдаги фарзандлариникига келиб, айёми биргаликда нишонлаши корейсларнинг янги аънарасига айланмоқда. Шунингдек, узоқ мuddат давом этадиган чусок байрамидан фойдаланиб саёҳатга чиқадиغان кишилар сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Байрам кунлари жамоат жойларида арқон тортиш, гангангсуллае каби турли миллий ўйинлар уюштирилади. Масалан, гангангсуллае ўйинида маҳалла аҳли, асосан, хотин-қизлар доира шаклида туриб, бир-бирлари билан кўл ушлашиб, шу номли кўшиқни айтаб, бир йўналишда айланади. Аммо ҳозирги кунда бу аънана урфдан қолмоқда.

Чусок байрами каби ўзбекларнинг ҳосил байрами ҳам шаклан ўзгармоқда. Ҳосил байрами дехқончилик самарасининг ўзига хос ҳисоботи кўринишидаги байрамга айлиниб кетган. Бунинг учун маданият муассасалари, сайлгоҳлар, истироҳат боғлари байрамонга безатилиб, карнай-сурнайчилар,

полвонлар, дорбозлар, турли ансамбллар таклиф этилади (*Уша асар, 109-бет*). Шу тариқа ҳосил байрамнинг миқёси кенгайиб, унда нафақат кишлоқ хўжалиги ходимлари, балки шаҳар ахли, кенг жамоатчилик ҳам иштирок этмоқда.

Ёз ва куз фасллари қишга тайёргарлик учун муҳим даврдир. Ушбу мавсумдаги меҳнат кузги ҳосилдорлик ва қишки тирикчиликнинг бароридан

келиши гаровидир. Умуман, жамоа бўлиб табиат инъом этган ноз-неъматларни йиғиб-териб олиш ҳамда ҳосил байрамини нишонлаш борасида икки халқ анъаналарида муштарак жиҳатлар бисёр.

Юн Ши Не,

ЎЗМУ ҳузурдаги Тарих унвиститети
тадқиқотчиси

Kinoya va dialogizm

Нуктаи назар бадий асар композициясининг асосий унсурларидан саналади. Рус олими Б.Успенский таъкидлаганидек, нуктаи назар – композициянинг марказий муаммосидир (*Успенский Б. Поэтика композиции: Структура художественного текста и типология композиционной формы // Успенский Б. Семиотика искусства. Москва, 1995. Стр. 7-218*).

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лозор” романидаги турли хил нуктаи назарларнинг ўзаро диалогии натижасида асар полифоник хусусият касб этган. Романда нуктаи назарлар диалогии бир неча аспектда берилган, уларнинг энг муҳимлари сифатида образлар тизими, ривоя структураси ва хронотоп орқали акс эттирилган диалогии санаш мумкин.

“Бемор” ҳамда “Қиссанавис” боблари асар давомида навбатма-навбат бериб борилади. “Бемор” бобларидаги воқеалар Назар Яхшибоев онги призмасидан ўтказиб берилади. Мазкур бобларда ўзиники бўлмаган муаллиф нукти етакчилик қилади. Ушбу усул Назар Яхшибоевдаги “ўзим учун мен” билан “ўзгалар учун мен” ўртасидаги фарқи кўрсатиш ҳамда қаҳрамоннинг воқеликка киноявий муносабатини ифодалашда қўл келган.

Ўз навбатида, “Бемор” боби билан “Манзаралар” ҳам китобхон онгида ўзаро мулоқотга киришадди. Ўтмиш воқеаларининг Яхшибоев онги орқали ретроспектив тарзда берилиши ҳамда “Манзаралар”да воқеаларнинг тадрижий тасвирлиши умуман асар бадийи реалигига нисбатан иккиёқлама (ўтмиш орқали ҳозирга, ҳозир орқали ўтмишга) қарашга олиб келади. Натижада ривоя структурасининг ўзида диалогик тафаккурни (образлар тизими ва хронотопдаги диалогизмни) ифодалаш учун оптимал шароит яратилади.

Роман композицияси замон нуктаи назаридан ҳозир – ўтмиш, макон нуктаи назаридан кишлоқ – шаҳар схемасида тузилган. “Бемор” бобларида ўтмиш воқеалари “ҳозир” нуктаи назаридан идрок этилади, баҳоланади. “Қиссанавис” бобларига илова қилинган “Манзаралар”да эса ўтмиш воқеалари ўзининг табиий тадрижий ривожланишида берилади. Албатта, “Бемор” боблари “Манзаралар”даги воқеаларни такрорламайди, “Бемор”даги Яхшибо-

евнинг нуктаи назари – ўтмиш воқеаларидан замонда узилган, уларга ташқаридан қараш имконига эга бўлган одамнинг киноявий муносабатидир. Ўтмиш воқеаларига, уларнинг иштирокчиси бўлган ўзига четдан қараш Яхшибоевни ўз-ўзига киноявий муносабатда бўлишга олиб келади.

Ўз навбатида, асарда воқеликка говийи-ҳиссий муносабатнинг ифодаланиши ўзаро диалогик хусусият касб этган. “Бемор” бобларидаги Яхшибоевнинг воқеликка киноявий муносабати “Қиссанавис” бобларидаги Саидқул Мардоннинг элегиявий муносабати билан диалогга киришадди.

Шунингдек, асарда латифа ва ривоятга хос бадийи тафаккур кўринишлари ўзига хос диалогии юзага келтирилган. Асарда Назар Яхшибоевнинг воқеликка киноявий муносабати бадийи реаликки латифадаги каби иккиёқлама (амбивалент), киноявий қабул қилишга йўналтиради; Саидқул Мардон эса элегиявий позициядан туриб Яхшибоев ва ўзининг кечмишларини ривоятдаги каби тартибли, монологик характерда беришга ҳаракат қилади. Қаҳрамонлар Искандар ҳақидаги икки ривоятни эслаши бежиз эмас. Назар Яхшибоев ривоят мазмунини парчалаб, унга бошқа мазмун оқлайди, натижада ривоят ривоят бўлмай қолади – латифага айланади. Саидқул Мардон учун эса ривоят ривоятлигича қолади, фақат унда “рол”ларни қайтадан тақсимлаб чиқади, холос: Искандар – Ошно, чўпон – Яхшибоев, кудуқ – Саидқул Мардоннинг ўзи. Қаҳрамонлар айнан қайси ривоятни танлаши ва қай тарзда талқин этиши кўп жиҳатдан уларнинг ҳаётий позициясини ўзлари томонидан тавсифловчи восита бўлиб хизмат қилган.

Романда латифа ва ривоятга хос тафаккурнинг диалогик муносабатга киришиши китобхон онгида социализм ҳақидаги мифни узил-кесил парчалашни кўзлайди. Миф ўз мохиятига кўра олам муайян бир тартибга бўйсунганини ва унга мувофиқ ривожланишини аниглайди. Бироқ мифдаги тартиб – ёлгон тасаввурлардан иборат, у бор-йўғи кишиларнинг реаликка мувофиқ бўлмаган тасаввурлари, холос. Назар Яхшибоевнинг латифалариди социализм ҳақидаги мифни акс эттирадиган афсонаю ривоятлар реалик билан ўзаро қарама-қарши қўйилади.

Ушбу мавзунинг тадқиқ этган мутахассислар кўп ҳолларда маданиятлар ўртасидаги диалогик муносабатга қизиқиши беҳиз эмас (*Библер В. Диалог и культура. Очерк теория. http://philologos.narod.ru/bakhtin/bibler_dial.htm*). Чунки маданият инсоннинг оламага муносабатини тизимли ифодалашида таянч бўлиб хизмат қилади. Шунга қўра, "Лолозор" романида диалогик муносабатга киришган нуқтаи назарларнинг яна бир аспектига кўрсатиш мумкин – ижтимоий-сиёсий муносабатлар соҳаси ҳамда миллий-маданий кадрлар тизими. Айни соҳалар орасидаги диалог шахар – қишлоқ диалог билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, яъни, шахар (ижтимоий-сиёсий муносабатлар) – қишлоқ (миллий-маданий кадрлар) кўринишида кечади.

Давр маданий ҳаётида долзарб бўлган матнлар билан диалогик алоқа "Лолозор" романида воқеалик киноявий муносабатини ифодалашнинг асосий воситаларидан бирига айланган. Киноя бунда структура белгилувчи принцип вазифасини бажаради. Муаллиф романга ўзга матнлардан иқтибос олиб кириш, бошқа матнларга ишора қилиш (образ, мотив каби) орқали ўз даври маданий муҳитидаги турли нуқтаи назарлар билан диалогга киришади, бироқ қарши томоннинг диалогга қодир эмаслиги, тоталитарликдан ҳоли бўлолмаслиги муаллифини уларга асосан киноявий позициядан баҳо беришига олиб келади.

Машхура ШЕРАЛИЕВА,

Андижон давлат университети тадқиқотчиси

"G'ayratlilar" qismati

1929-30 йилларда Совет ҳокимияти Ўзбекистонда миллатчилик ва аксилинклобчиликка қарши кураш кампаниясини авж олдириди. Ушбу кампанияда Ўзбекистон ССР Халқ маорифи комиссарлигидаги кўплаб зиёлилар ҳам қатагонга дучор этилди. Россия Федерацияси Ижтимоий-сиёсий тарих давлат архивининг (РФИСТДА) 62-фондида махфийлик тамғаси билан сақланаётган "ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича Мухтор вакиллиги 1930 йил июнь ойида фош этган аксилинклобчи-миллатчи ташкилот фаолиятига доир тергов материаллари шарҳи (1930 йил 1 август ҳолатига)" номли ҳужжат айни қатагон қандай усулда олиб борилганидан гувоҳлик беради. Ҳужжатда Ўзбекистон ССР Халқ маорифи комиссарлигидаги Боту (Маҳмуд Ҳодиев) бошлиқ бир гуруҳ ходимларга қарши айблов хулосалари ўз ифодасини топган.

Боту бошлиқ 30 га яқин маориф ходимининг қамоққа олиниши гарчи "Қосимовчилик иши"даги (1929 йили Ўзбекистон ССР Олий суди раиси Саъдулла Қосимов ҳибсга олинади. ГПУ ходимлари тўқиб чиқарган айблов асосида унинг ишига сиёсий тус берилади. Оқибатда, "Қосимовчилик иши"га дахлдор кишилар аксилинклобчи-миллатчи саналиб, қатагон қилинади) асосий гувоҳ – Обид Саидовнинг 1930 йил 23 июнь кунги ўлими билан боғлиқ эса-да, улар ҳам миллатчи-аксилинклобчиликка айланган.

Зикр этилган санада Обид Саидов 21 июнь куни кечкурун Ҳодиевлар хонадонига тановул қилинган лағмондан заҳарланиш оқибатида ўлди (*РФИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2199-иш, 21-22-бетлар*). Ушбу ўлим юзасидан ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги Шарқ бўлими 26 июндан сурштирув ишларини бошлайди. Дастлаб гумондор сифатида марҳумнинг акаси – Андижон округи Халқ маорифи комиссарлиги бошлиғи Носир Саидов сўроқ қилинади. Шундан сўнг гумондор сифатида

Носир Саидов билан бирга Файзулла Хўжаев, Абдулла Хўжаев, Мансур Саидовлар ҳибсга олинади (*ўша манба, 22-бет*).

Улар ҳибсга олинган вақтда Шарқ бўлимига Ўзбекистон ГПУсидан айдоқчилик хабари келади. Унда Носир Саидовнинг ҳибсга олинишидан безовталанган Ўзбекистон ССР Халқ маорифи комиссари ўринбосари Боту икки нафар ходимини Самарқанддан Тошкентга жўнатгани баён этилади (*ўша манба, 22-бет*). Айдоқчилик хабари ОГПУ ходимларига Боту ва унинг атрофидаги зиёлиларни мазкур ишга алоқадорликда гумон қилиш учун кифоя этади.

Носир Саидов қийноқлар остида миллатчи экани, аксилинклобий ташкилот аъзоси бўлгани, Боту кўрсатмасига биноан Ҳосил Восилий ҳамда Хайруллоҳон Алавий билан бирга укаси Обид Саидовни заҳарлаб ўлдирганини "тан олади" (*ўша манба, 23-бет*). Шу тариқа ОГПУ ўзбек зиёлиларини сиёсий қатагон қилишининг бўҳтонга асосланган яна бир ишини "ясаш"га киришади.

1930 йил 15 июлда Боту ва унинг Халқ маорифи комиссарлигидаги маслақдошлари деб гумон қилинган бир гуруҳ ходимлар ҳибсга олинади. Турли қийноқлар остида Носир Саидов ортидан Ботуга ҳам миллатчи-аксилинклобчи бўлгани, "Ғайратлилар" номли ташкилот тузиб, совет ҳокимиятига қарши яширин курашини "тан олдирилади". ОГПУ ходимлари "ясанган" маълумотларга қўра, "Ғайратлилар" ташкилоти 1929 йил мартада тузилган ва "фош" этилганга қадар фаолият олиб борган (*ўша манба, 27-бет*).

"Ғайратлилар" ташкилоти ва унинг гоёвий раҳнамоси Ботунинг сиёсий қарашлари ҳақида 1930 йил 15 июль куни Носир Саидов қуйидагича гувоҳлик берган: "1. ...Боту ўз атрофида аксилинклобий руҳдаги, миллатпарварлик кайфиятидаги кишиларни тўплаб олгач, Ўзбекистонини буржуа-демократик республикаси сифатида мустақилликка

эришишни таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди... Совет давлатининг Ўзбекистонда узоқ яшай олмагани... ҳақида у шундай деган эди: "Фақат бугунни ўйлаб яшаб бўлмайди, эртанги кунни ҳам ўйлаб яшамоқ керак. Совет режимининг ўлкамиздаги бу мустамлакачилик сиёсати узоқ давом этиши мумкин эмас, у албатта ағдарилади (Бунга Польша мисол бўла олади. У ердаги миллатларар кучлар совет ҳокимиятини ағдариб, ўз мустақил давлатини тузди). Биз бунга тайёр бўлишимиз даржор, ватан олдидаги бурчимизни сидқидилдан баҳариб, Ўзбекистон мустақиллиги учун хизмат қилишга қодир ёшларни тарбиялашимиз лозим".

II. Боту Ўзбекистон мустақиллигига эришиш учун миллий кадрларни тайёрлашни кучайтириш билан бирга Ўзбекистонни хорижий давлатларга яхшироқ танитиш, тарғиб ва ташвиқ қилишга ундади. Бу ҳақда у шундай деган: "Биз ўзимизни хорижда танитиш учун ташвиқотнинг барча шаклларидан фойдаланишимиз лозим. Мана, Берлинда чиқаётган талабалар журналидаги Ўзбекистонга доир маълумотлардан сўнг Германия, Туркия, Эрон ва бошқа давлатларнинг Ўзбекистонга қизиқиши орди..."

"Ўзбекистонни хорижда тарғиб ва ташвиқ қилишнинг яна бир йўли Ўзбекистонда чиқаётган матбуот нашрларини хориж давлатларига тарқатиш... – дейди Боту. – Мана, "Маориф ва ўқитувчи" журнали Туркияга жўнатилган эди. У ерда бизга қизиқиш орди. Афсус, "Маориф ва ўқитувчи"нинг ҳам Туркияга иккита нусхаси жўнатилди, холос, кўпроқ жўнатиш лозим. Бошқа журнал ва газеталаримизни ҳам нафақат Туркия, балки бошқа хориж давлатларига чиқаришимиз керак. Қизил армиянинг бу ердаги кирдикорларини бошқа давлатлар ҳам билиши лозим..." (*Уша манба, 26-бет.*)

"Ғайратлилар" ишига доир материалларга кўра, ташкилот ўз таркибига аксар ўқитувчи ва талабаларни жалб этган. Шунингдек, совет ҳокимиятининг раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган, бироқ 1929-30 йиллардаги партиявий тозалаш чоғида "ёт нусур" деб ишдан бўшатилган, катта тажриба ва салоҳиятга эга, совет тузуми кирдикорларидан воқиф маҳаллий миллатга мансуб кадрлар ҳамда бир гуруҳ иқдоркорлар ҳам ташкилот сафига тортилган.

"Ғайратлилар" таркибида Ботудан ташкари Олтой, Собир Қодиров, Элбек, Саттор Нурмухаммедов, Назрулла Иноятов, Фитрат, Чўлпон, Ҳожиумар Юнусов, Юсуф Алиев, Абдулла Алавий, Маъруф Расулий, Наим Саидий, Абдусалом Ниёзий, Носир Саидов, Ваҳоб Илҳом, Собиржон Содиқий, Тўхта Назар, Қаюмхўжа Алиев, Назир Қўлжабаров, Абдулҳай Мунассибов, Зубар Насурилло каби ўқитувчи, талаба ва шоирлар бор эди (*Уша манба, 28-33-бетлар*).

Кўрсатмаларда айтилишича, "Ғайратлилар" ўз фаолиятини "гап"лар орқали олиб борган. Ҳафтада бир марта "гап" ташкил этилган. Доимий раис Боту бўлган, гоҳо бу вазифани Собир Қодиров ҳам ба-

жарган. Ташкилот 1929 йил мартдан июнига қадар ўтган вақтда тўлиқ шаклланган. "Гап"ларда ҳаракат дастури йўналишлари бевосита муҳокама қилинган. Бироқ дастур ёзма сақланмаган, уни аъзолар ёддан билган.

"Ғайратлилар" гуруҳининг ҳаракат дастурида қуйидаги вазифалар қўйилган эди, деб кўрсатма беради Боис Қориев – Олтой:

- ташкилот атрофига миллий ватанпарварлик руҳидаги кишиларни жипслатириб, Ўзбекистоннинг буржуа-демократик республикаси сифатида мустақилликка эришишни таъминлаш учун курашиш;
- мактаб, техникум ва олий ўқув юртиларига тингловчиларни... ижтимоий келиб чиқишини ҳисобга олмай қабул қилиш, ёшларни миллатпарварлик руҳида Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун курашишга, хизмат қилишга қодир қилиб тарбиялаш;

- ...Ўзбекистонни хорижий давлатларга таништириш, тарғиб ва ташвиқ қилиш, бунинг учун хорижий ҳамда маҳаллий матбуот нашрларидан унумли фойдаланиш;

- ҳокимиятни ўз қўлига олиш учун, уни ҳимоя қилиш учун маҳаллий ёшларни ҳарбий мактабларга кўпроқ жойлаштириб, махсус ҳарбий билим олишига эришиш" (*Уша манба, 36-38-бетлар*).

Тергов жараёнида Олтой ташкилотнинг фаолият кўламини бундай кўрсатади: "Бизнинг "Ғайратлилар" ташкилотимиз узининг сиёсий тузилмасига кўра советларга қарши ва аксининкилобий ташкилотдир. Шу боис уни партия ичидаги троцкийчилар, ўнгллар ёки Ўзбекистон шароитидаги иноғомчиларга қиёслаб бўлмайди. Унинг дастури партия қолипида эмас, балки партияга ва совет ҳокимиятига қарши тузилган.

...Совет Иттифоқидан тўлиқ ажралиб чиқиб бизнинг бош мақсадимиз бўлган... Менинг фикримча, Ўзбекистон СССРдан ажралиб чиққан, Буржуа демократик Республикаси бўлиши керак...

Аҳолини ёппасига қуроллантиришни мақсадсиз деб билганимиз, чунки бу кураш ниша билан якун топишини билиб бўлмайди. Ўзбек ёшларидан ҳарбий мутахассисларни кўпроқ тайёрлашдан мақсад, вақти келганда ҳокимиятни ўз қўлимизга, керак бўлса, ҳарбий тўнтарий йўли билан ҳам олишни кўзлаганимиз" (*Уша манба, 38-39-бетлар*).

Собир Қодировнинг мана бу кўрсатмаси ҳам эътиборга молик: "Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда олиб бораётган миллий сиёсати мустамлакачилик характерида эга бўлиб, чор ҳукумати олиб борган сиёсатнинг давомидир. Бундай сиёсат фақат бир миллат – руслар манфаатига мос тушиб, маҳаллий миллат вакилларини эзишга хизмат қилади.

Масалан, Ўзбекистонда яшовчи европалик аҳоли учун яратилган шароит нҳоятда яхши, маҳаллий аҳоли эса нҳоятда оғир, ёмон шароитда яшамоқда.

Маъдний соҳада ҳам маҳаллий аҳоли камситилмоқда. Масалан, Ўзбекистондаги европалик аҳолининг саводхонлиги 100 фоиз, маҳаллий миллатнинг саводхонлиги зўрға 20 фоизга етади.

Бунда ўқишга қабул қилишда европалик аҳолига эътибор кучли бўлиб, маҳаллий аҳоли болаларига эътиборнинг камлиги сабабдир. (Мақтабларга рус аҳолиси болаларининг 100 фоизи, маҳаллий аҳоли фарзандларининг эса атиги 30 фоизга яқини жалб этилмоқда).

Маҳаллий миллат вакилларида кадрлар тайёрлаш ҳам оқсamoқда. Олий ўқув юртлигари қабул жараёнида ҳам маҳаллий миллат вакилларига турли тўсиқлар жорий қилинmoқдаки, натижада уларнинг сони олий ўқув юртлирида жуда кам. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бу ерда яшаётган европаликлар ўзбек тилини ўрганишни хоҳламапти. Маҳаллий миллат ишчиларига ёрдам бериш, касб ўргатиш у ёқда турсин, уларга раҳбарият ишонсизлик билан қарайди" (*ўша манба, 40-бет*).

"Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда олиб бораётган: а) иқтисодий соҳадаги; б) миллий масалалардаги; в) маданий қурилиш соҳасидаги сиёсатидан норозимиз, — дея давом этади Собир Қодиров. — Биз шаламизки, Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиши учун етарли даражада табиий бойлиқларга эга. Ўзининг енгил ва оғир саноатини мустақил ривожлантириш учун товар миллий бойлиқлари етарли.

Совет ҳокимияти онгли риваишда Ўзбекистон саноати мустақил ривожланишига халақит бермоқда, Ўзбекистонни унинг бойлиқларини ташиб чиқиб кетиш учун хомашё базаси сифатида ушлаб тур-

моқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Россиянинг саноатини хомашё билан таъминловчи мустамлака бўлиб қолимоқда. Ўзбекистоннинг барча ресурслари Ўзбекистон иқтисодиётига хизмат қилишини хоҳлаймиз.

Ўз олдимизга миллий ватанпарвар руҳдаги, замон талабларига жавоб берадиган миллий кадрларни тайёрлаш, уларни ҳокимият погоналарига кўтариш орқали Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиқишни мақсад қилганмиз" (*ўша манба, 41-бет*).

Тергов материалларига кўра, 1930 йил 30 июнда навбатдаги "гап"га йиғилган "Файратлилар" ҳибса олинади. 1930 йил 15 июлдан 1 августга қадар ОГПУ "Тройка"си улар устидан сўроқ-суриштирув ишлари олиб бориб, 1933 йил 31 мартда Москвада бўлиб ўтган судда Боту, Олтой, Носир Саидовлар дастлаб ўлимга ҳукм қилинади, сўнг ҳукм 10 йиллик қamoқ жазоси билан алмаштирилади. Ташкилотнинг баъзи аъзолари эса турли муддатларга қamoқ жазоси олади.

Хуллас, Боту ва бир гуруҳ миллий зиёлилар ОГПУ ходимларининг турли найранг ва қийноқлари остида миллатчи-акселинқиллобчи эканини "тан олган" ва шу тариқа совет ҳокимияти қатагон машинаси қурбонига айланган.

Соибжон ҲОШИМОВ,

*Андижон давлат университети доденти,
тарих фанлари номзоди*

Mangu ko'rkam liboslar

Тасвирий санъат асарларидаги кийим-кечак тасвири юртимизнинг тарихий либослари қиёфасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу тасвирлар юртимиз тарихидаги кийим-кечаклар силуэти ва конструктив хусусиятлари бўйича изланиш олиб бораётган тадқиқотчиларга қимматли манба саналса, дизайнерларга эса замонавий либос турларини яратишда ўзига хос андоза ҳисобланади.

Кейинги йилларда антик ва илк ўрта асрлар кийим-кечаги шаклини ўлкамиздан топилган деворий суратларнинг персонажлари либоси асосида тиклаш юзасидан илмий изланишлар натижалари эълон қилинди. Шундай тадқиқотлардан бирида (*Н. Лобачева. "Среднеазиатский костюм ранне-средневековой эпохи по данным стенных росписей"*) айтилишича, VI–VIII асрларга оид Панжикент, Варакша, Афросиёб деворий суратлари персонажларининг либосини археологлар ҳам ўрганган. Аммо маъмур тадқиқотларда либослар генезиси ва эволюцияси масалалари эътибордан четда қолган: "...уларнинг барчаси Тохаристон ва Сўғд ҳудудида жойлашган илк ўрта асрлар тарихий маданий муҳитига тааллуқли бўлиб, тожик ва ўзбек миллатларининг шаклланиш ҳудудига кирди" (*Костюм*

народов Средней Азии. Москва, "Наука", 1979. Стр. 20). Муаллиф, шунингдек, бундай тасвирлар турли ижтимоий қатлам вакиллари кийим-кечагини кўрсатиши билан ҳам аҳамиятли эканини таъкидлайди, "ёдгорликлар ушбу миллатлар тарихининг илк ўрта асрлар даврига тааллуқли бўлиб, деворий суратлардаги персонажлар либоси айнан шу замонга хос хусусиятларни намоён этади" (*ўша асар, 20-бет*). Уларда "эркаклар кийим-боши кўпроқ тасвирланган бўлса-да, аёллар либоси ҳақида ҳам тасаввур олиш мумкин. Турли ҳудудлардаги деворий суратлар шу жойлардаги аҳоли либосларининг маҳаллий ва этник ўзига хослигини тадқиқ этиш имконини беради", дейди Н. Лобачева. У устки кийимга доир тасвирларни анча мукаммал тадқиқ этар экан, ички либос ҳақида ҳам маълумот беришга интилади, бироқ бу борадаги уқулларни эътироф этмайди. Деворий суратларда асосан эркак ва аёлларнинг устки либослари тасвирланган. Маълумки, ҳозир кенг урфда бўлган устки кийимлар — пальто, плаш, курткалар ҳам қадимдаги сингари туникасимон, тўғри бичимли, тўғри ёқа, қайтарма ёқа, белбоғ сингари атрибутлардан ташкил толган.

А. Якубовский “Ўзбек халқининг шаклланиши ҳақида” китобида бундай ёзади: “Ўзбекистонга озмунча истилочилар келиб кетмади. Улар бу ерда чуқур сиёсий, маданий ва этник илдири қолдирди, македониялик Искандар юришлари натижасида Юнон-Бақтрия подшолиги юзага келди. Милоддан аввалги III ва II асрларда мавжуд бўлган Сўғд ўлкаси шу подшолик таркибига кирган эди. Сўнгра милоддан аввалги II асрда кушонлар тупроғимизга кириб, ўша аср ярмидаёқ Амударёдан ўтди ва милоддан аввалги 136 йили Юнон-Бақтрия подшолигини забт этди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, кушонлар катта бир давлат тузди. Ўзбекистоннинг аксарият қисми, Сўғд ўлкаси қарийб бутунича шу давлат таркибига кирган” (*Якубовский А. Ўзбек халқининг юзага келиши ҳақида. Тошкент, “Фан”, 1941*). Урта Осиё халқлари тарихида муҳим ўрин тутган тохарлар таркибидоғ қабилалардан бирининг номи билан аталган, хитой манбаларида “Юэчжи” деб таърифланган кушонлар “хукмронлиги милоддан аввалги I аср охиридан милодий IV асргача бўлган даврни қамраб олади. Кадфис II (эрамининг 47-78 йиллари) подшолиги даврида Ҳинд давлатининг шимоли-ғарбий ҳудудлари забт этилган. Ундан кейин – Канишка даврида эса кушонлар Ҳиндистонни буткул эгаллаган. Кушон империясининг қоқ маркази, Ҳиндистон ва Урта Осиё оралиғидоғ Пурнафур (Пешовар) шаҳрида империя пойтахти жойлашган эди. “Кушон империяси хукм сурган даврда шартли ном билан аталувчи Гандҳар санъати пайдо бўлди” (*Тюляев С. Искусство Индии. Москва, “Наука”, 1968*). Бу даврда ўлкамизда ҳам Гандҳар санъатининг ўзига хос кўринишлари шаклланди. Либос лойихалаш ҳам бу жараёндан четда қолмади. Худудий жиҳатдан яхлит Кушон салтанати доирасида удумда бўлган либос лойихалаш аъёналари юртимизда ҳам урфга айлангани ва ўзига хос лойихалаш тенденцияларини келтириб чиқарганини деворий суратлар ва ҳайкалтарошлик асарлари персонажларнинг либоси ҳам тасдиқлайди. Шу маънода, ушбу худудда либос лойихалаш бўйича шакланган аъёналар ва кийим-кечак тасвирлари либослар генезисини англашга-да имкон беради. Н. Лобачева тадқиқотида, асосан, ўша давр аъёналарига муровфик туникасимон, тўғри бичимли, тик ёки қайтарма ёқали либослар ва уларнинг нақшинкор безаклари бирмунча мукамал ёритилган.

Либос лойихалаш маданиятининг асосий белгилари ички либосларда ифода топади. Шуниси эътиборлики, деворий суратлар ушбу худудга хос устки кийим намуналари билан бир қаторда ички кийимларнинг конструктив ўзига хосликлари, уларни лойихалаш маданияти хусусида ҳам қимматли маълумотлар беради:

1. Ички либослар туникасимон яхлит эмас, икки қисмдан иборат бўлиб, бундан биз таҳлил этаятган тарихий либосларда деталлаштириш мавжудлигини пайқаш мумкин. Масалан, Панжикентнинг VII

асрга оид “Арфа чалаётган аёл” деворий суратида либоснинг лиф қисми белни ёлмаган – белдан юқорида, юбка эса белга ёпишган – қориннинг киндик ва бўкса қисми очик (худди сўнги йилларда урфга айланганидир). Либоснинг енг қисми ўмизи бўйича дур билан безатилган, юбкада эса дур билан безатилган ҳалқасимон белбоғ бор. Белга ёпишиб турадиган шундай либос бичимини нафақат рангтасвир, балки ҳайкалтарошлик асарларида ҳам кузатиш мумкин.

2. Афросиёбдаги “Қайиқда саёхатга чиққан аёллар” деб номланган деворий суратда аёллар ички кўйлаги кўкрак қисмининг юқорисида тахлamlар орқали конструктив ўзига хослик яратилгани, ундан паства томон кенгайтирилган силует асосида либос қисмларини деталлаштириш конюнияга амал этилгани кийим-кечак лойихалаш маданиятини намойён этувчи яққол далилдир. “Қайиқ марказида ўтирган аёлнинг кўйлаги кенг кўкракурмали бўлиб, кўкракурма остига сариқ ва қизил тасмалар билан безак берилган. Сариқ тасма остидан тиккасига икки қатор қизил, мовий, ҳаво ва сариқ рангли тасмалар тикланган” (*Альбаум Л. Живопись Афрасиаба. Ташкент, “Фан”, 1975. Стр. 67*).

3. Тупроққалъа ёдгорлиғидоғи эрамининг III асрга оид “Топлон хоним” (“Червонная дама”) дея шартли номланган деворий сурат фрагментида аёл либосининг елка қисми бўйлаб келаётган конструктив чиқик енг ўмизига эга бўлиб, бу ўз навбатида билак қисми узра бурмалар ҳосил қилган ҳамда либоснинг лиф қисмидаги кўкрак чизиги бўйича горизонтал тахлamlарни ташкил этган, ёқа қисми эса ҳалқасимон шаклда ўзига хос бичимга эга. Либослар бичимидаги ана шу хусусиятлар ўлкамизда шакланган лойиҳа маданияти илдирига қадим-қадимларга бориб тақалишини англатади.

Биз таҳлил қилган ёдгорликлар Урта Осиё худудида илк ўрта асрларда либос лойихалаш шакланганини кўрсатувчи далил сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу “асарларда ўша давр жамиятининг турли ижтимоий қатлами вакиллари кийим-кечаклари мавжуд”, дейди “Марказий Осиё халқлари либослари” асари муаллифи. Аммо унинг юртимиз либослари генезиси ҳақидаги “Тасвирий санъат соҳасининг бошқа турларидаги (терракота ҳайкаллар, металл ашё юзасидаги тасвирлар ва ҳоказолар) либослар шартли тасвир сифатида унчалик аҳамият касб этмайди”, деган фикри эътирозли. Чунки Самарқанд музейи терракоталари тарихидаги кирувчи милоддан аввалги II асрдан VIII асргача бўлган короппластика ҳамда Сўғд метали буртма тасвирларидаги либос намуналаридан кийим-кечаклар генезиси ҳақида етарли маълумот олиш мумкин. Уларда ҳам илк ўрта асрлар юртимизда либосларни деталлаштириш кенг урф бўлгани кўзга ташланган.

Фотима ИБРАГИМОВА,

*Тошкент давлат Техника университети
катта илмий ходим-изланувчиси*



SUMMARY

Interview with Muqimjon Qirghizboyev, Professor of Political Science, Andijan State University. pp. 4-15.

Professor Muqimjon Qirghizboyev is one of the leading political scientists in Uzbekistan and author of several books on civil society and political transformations in Uzbekistan. His books like “Civil Society: Political Parties, Ideologies and Cultures” (1998), “Civil Society: Theory and Foreign Expertise” (2006), “Civil Society: Origin, Formation and Development” (2010) are highly praised by experts. In the interview he discusses a political climate in Uzbekistan after the death of the first president of the Republic of Uzbekistan, and difficulties in building civil society, in reducing corruption rate.

Sultonmurod Olim. People and State: Dialogue and Interest. pp. 16-22.

In Uzbekistan 2017 has been declared the Year of Dialogue with the People and Human Interests by the president of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev on the 24th anniversary ceremony of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan. To facilitate this dialogue, virtual reception portal of Prime Minister of Uzbekistan had been created on 25 September 2016. Constructive dialogue between government and citizens is a most effective way of setting clear agenda of resolving urgent national problems. People are not so stupid to demand government to tackle their all problems, but some of them such as unplanned electricity cuts, low pressure of natural gas, shortage of drinking water, problems with credit cards and currency conversion cannot be solved without government assistance. But, at the same time, enlightened, learned citizen-

XO

ship is a bedrock of democracy. Intellectuals should be a leading force in educating citizens. The article discusses this initiative of the President of Uzbekistan.

Akhmed Rahmanov. The Art of Devastation. pp. 23-29.

The 21 century has begun with dramatic global changes; historically most important terrorist attack in 9/11 in New York transformed definitely the face of the political world. Following this attack, U.S. declared war against Islamic terrorism without thinking seriously about the possible consequence of this act. Actually, this was what terrorists expected. As powerful states are playing cat and mouse with terrorists in order to show to their people and to the world their ability to "punish" evil, terrorists are occupying larger ground in the political stage of the world. In fact, in this game, terrorists usually win and the powerful states lose being caught in a trap of terrorists' provocations. The article tries to explain the long-term strategy of the terrorists, who are not powerful in any case, but have a capacity to use the forces of powerful actors against themselves, creating the incertitude and division within societies, and mutual distrust between citizens and governments.

Saida Zunnunova. Memories of The Years of Repression. pp. 56-79.

One of the Uzbek intellectuals who suffered from late-Stalinist repression wave in 1950-years was Uzbek writer Said Ahmad. Before he was imprisoned as an enemy of the people and party in May 10, 1950, he and his wife Saida Zunnunova were just married. He was sentenced for ten years imprisonment and sent to labor camp in copper mine in Kazakhstan. What about his wife's life? She suffered no less than him. People's Writers Union demanded her to divorce him, otherwise she would be expelled from the Union. Wherever she sought justice encountered abuse of dishonest officials. Her memories first published in this magazine narrate gloomy cultural and daily life in Uzbekistan SSR in 1950s.




Жавлон УМАРБЕКОВ. "Аргимчоқ"

Кр 12827

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нархда

TAFAKKUR

ТАФАККУР 1/2017



ISSN 2010-6491



9 772010 649005